# ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

ТОШКЕНТ-2017

О.У. АВЛАЕВ, С.Н. ЖЎРАЕВА, С.Р. МИРЗАЕВА

# ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

ТОШКЕНТ-2017
«НАВРЎЗ» НАШРИЁТИ

**КБК:80.12(5Ўзб)4**
**М 70**
**УЎК:168(56.8)2**

**Тузувчилар: О.У. Авлаев, С.Н. Жўраева, С.Р. Мирзаева.**
**“Таълим методлари”. Ўқув-услубий қўлланма. Тошкент: - «Наврўз» нашриёти. 2017 й. 208 бет.**

Ушбу ўқув-услубий қўлланма таълим тизимида замонавий таълим методларидан фойдаланиш, ўқув жараёнида тренинглар, якка тартибда, жуфтликда, кичик гурухлар ва жамоада ишлашни ташкил қилган ҳолда илғор таълим методларини амалиётга жорий қилиш хамда педагогик жараёнга янгича ёндашув масалаларига бағишланган. Қўлланма материалларида ўқитувчиларда глобал тафаккур, компетентлик, профессионалликни шакллантириш, назарий ва амалий машғулотлар, мустақил таълим турлари бўйича билим, кўникма ва малакаларни ривожлантириш, улардан ўз педагогик фаолиятларида самарали фойдаланишларини таъминлаш кўзда тутилган.

Ўқув-услубий қўлланма нопедагогик олий ўқув юртларининг касбий таълим йўналиши педагоглари, талабалари, тадқиқотчилар, изланувчилар, **умумий ўрта таълим ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими** муассасалари ўқитувчилари ва педагог кадрлар малакасини ошириш курсларидаги машғулотлар учун мўлжалланган.

**Тақризчилар:**
– **С. Ҳасанов,** пед.фан.док., проф. (ТМИ)
– **Ҳ. Омонов,** пед.фан.док., проф. (ТМИ )
– **Ш. Абдурахмонов,** пед.фан.ном., доцент. (НМПИ )
– **Р. Орипова,** пед.фан.ном., доцент. (ТошДАУ )
– **О. Абдукудусов,** пед.фан.ном., доцент. (ЎМКҲТТКМО ва УҚТИ)
– **Д. Раззоқов,** пед.фан.ном., доцент. (ЎМКҲТТКМО ва УҚТИ)

ISBN 978-9943-381-12-4
© «Наврўз» нашриёти, 2017 й.



# МУҚАДДИМА

***Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар.***
***И. А. Каримов***

Республикамизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар жамият ҳаётининг барча соҳалари учун кадрлар тайёрлаш ишини замонавий даражада олиб боришни талаб қилади. Шу муносабат билан мутахассислар тайёрлаш жараёнида илғор таълим технологияларидан унумли фойдаланишни ташкил этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

“Таълим тўғрисида”ги қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг амалиётга тўлиқ татбиқ этилишини таъминлаш замонавий даражада билим, кўникма ва малакаларга эга бўлган бўлғуси мутахассисларни тайёрлашни талаб қилади.

“Биз ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган замонавий давлат қуриш йўлига қадам қўйиб, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари изчиллик билан ўтишни таъминлар эканмиз, фақат миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги зарурати теран англайдиган, **замонавий билимларни, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларни эгаллаган инсонларгина** ўз олдимизга қўйган **стратегик тараққиёт мақсадларига** эришиши мумкин эканини ҳамиша ўзимизга яхши тасаввур этиб келмоқдамиз”[1].

Ҳозирги таълим технологиялари ва илғор таълим методларининг билим олиш, олинган билимни бошқаларга ўргатиш, билимлардан амалда фойдалана билиш ва янги билимларни яратишдаги ўрни ва аҳамиятини қуйидаги фикрлар орқали ифодалаш мумкин:

Билим олишдан билим бериш афзалроқдир.
Билим бериш савоб ишлардан биридир.
Билим беришдан билимни ишлата билиш муҳимроқдир.

[1] Ислом Каримовнинг "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш-мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқидан. 18.02.2012 й

Билимни ишлата билишдан ундан фойдаланиш соҳаларини кенгайтириш муҳимроқ.

Янги билим яратиш механизмини ўргатиш билим беришдан муҳимдир.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, фанни ўқитиш жараёнида таълим олувчига билим бериш, билимни ишлата билишни, ундан амалда фойдалана билишни ва пировардида янги билим яратиш механизмини ўргатишда таълим методларини самарали қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Таълим жараёнининг бугунги вазифаларидан бири ўқувчиларни кун сайин ошиб бораётган ахборот-таълим муҳити шароитида мустақил равишда фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан оқилона фойдаланишга ўргатишдан иборат. Бунинг учун уларга узлуксиз равишда мустақил ишлаш имконияти ва шароитини яратиб бериш зарур. Бундан эса, таълим жараёнида таълим олувчининг диққат марказида бўлишини ҳамда ёшларнинг мустақил билим олишларини таъминлаш таълим самарадорлигини ошириш учун муҳим эканлиги маълум бўлади.

Таълим жараёнида таълим олувчининг диққат марказида бўлишини таъминлаш учун таълим муассасаларига ўз соҳасидаги билимларни мустаҳкам эгаллашдан ташқари замонавий педагогик технологияларни ва интерфаол таълим методларини биладиган, улардан ўқув ва тарбиявий машғулотларни ташкил этишда самарали фойдалана оладиган ўқитувчилар керак.

Ушбу услубий қўлланма умумий ўрта таълим, касб-ҳунар таълими ва олий таълим муассасалари ўқув жараёнига таълим технологияларини жорий қилишни ўргатишга қаратилган бўлиб, таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчиларни ўқитиш жараёнида тренинглар, якка тартибда, жуфтликда, кичик гуруҳлар ва жамоада ишлашни ташкил қилган ҳолда янги таълим технологияларидан фойдаланиш ҳамда педагогик жараёнга янгича ёндашув масалаларига бағишланган.

Мазкур услубий қўлланмада келтирилган таълим методларидан ҳар бир ўқитувчи ўзи ўқитаётган фаннинг мазмуни, мақсади, шунингдек, мавжуд шароитлар ҳамда таълим олувчиларнинг имконияти ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда фойдаланиши мумкин.



# 1-БОБ. ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

Таълим методлари муайян педагогик жараёндан кўзда тутилган мақсадларга эришиш учун бажариш лозим бўлган вазифаларни амалга оширишда қўлланиладиган турли-туман иш усуллари ва шаклларини ўз ичига олади.

Бу ишларни амалга оширишнинг шаклланган ва амалиётда қўлланилаётган ҳар турли усуллари ва шакллари асосида кўплаб таълим методлари ҳосил бўлган ва бу жараён давом этмоқда.

Муайян таълим-тарбиявий мақсадга қаратилган бирор ҳаракатни амалга ошириш йўли, усули ёки кўринишидан иборат бўлиб шаклланган фаолият шу мақсадга эришишга хизмат қилувчи ўзига хос таълим методини ҳосил қилади.

Бунда ҳаракатни амалга ошириш йўли деб бажарилиши талаб қилинаётган фаолият учун қўллаш мумкин бўлган бир нечта йўллардан олдиндан кўзда тутилган мақсадга мувофиқ равишда танланган йўлни айтилади. Масалан, савод ўргатиш йўллари: оилада ўргатиш, мактабда ўргатиш, мактабгача таълим муассасасида ўргатиш, ўқитувчи ёрдамида ўргатиш, китоблар, компьютер, кўргазма қуроллар ва бошқалар воситасида ўргатиш. Шунга ўхшаш саноқни, арифметик амалларни ўргатишда ҳам юқоридагига ўхшаш йўллардан фойдаланиш мумкин. Шу йўллардан фойдаланиб ҳаракатни амалга оширишда ҳар турли методларни қўлланилади.

Масалан, савод ўргатиш мақсадида юқорида айтилган йўллардан исталгани танлангандан кейин, шу ҳар бир йўл учун мақсадга мувофиқ деб ҳисобланган методларни қўлланилади. Булар, оилада, мактабгача таълим муассасасида, мактабда савод ўргатишни амалга оширишда ўқитувчининг, тарбиячининг қўллайдиган иш усулларини; компьютер, китоб ва бошқа таълим-тарбия воситаларини белгиланган мақсадга мувофиқ қўллаш методларини ўз ичига олади. Шунга ўхшаш саноқни, арифметик амалларни ўргатиш юзасидан ҳам танланган ҳар бир йўл ўзига хос методларни қўллашни назарда тутади. Демак ҳар бир ҳаракат маълум йўлда ва шунга мувофиқ методда амалга оширилади.

Бирор методни қўллашдаги ҳаракатни амалга ошириш кўриниши деб шу ҳаракатни батафсил тасвирловчи кўринишга айтилади. Бунда ҳаракатнинг кузатиладиган ўзгаришлари,

вазиятлари, тезлиги ва унинг ортиши ёки секинлашуви, тўхташлари, бир нечта ҳаракатларнинг бир вақтдалиги ёки уларнинг вақт оралиқлари, ҳаракатлар натижаси, амалий ишлар бажариш машғулотларида эса, ишлов берилаётган шакллар, фазовий ҳолатлар, ранглар, қаттиқ-юмшоқлик, сиртларнинг текислиги ёки ғадир-будурлиги ўзгаришлари ва бошқа кузатиш мумкин бўлган турли ҳаракат кўринишлари назарда тутилади.

Инсон фаолиятининг барча соҳаларида тегишли методлардан фойдаланилади. Бу методларнинг энг умумий белгисини ҳисобга олган ҳолда уларни борлиқни амалий ёки назарий ўзлаштириш операцияларининг ёки йўлларининг йиғиндиси дейиш мумкин. Ушбу қўлланмада метод тушунчасини таълим-тарбия жараёни билан боғлиқ жиҳатлардан кўриб чиқилади. Шунга мувофиқ таълим методлари билан боғлиқ энг асосий тушунчаларнинг изоҳларини кўриб чиқамиз.

**Метод** – (грекча “методос” сўзидан олинган бўлиб, йўл, ахлоқ усули маъноларини англатади). Табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини билиш, тадқиқ қилиш усули. Фаолият, ҳаракатнинг йўли, усули ёки қиёфаси, шакли, кўриниши.

**Таълим методи** – ўқитувчининг ўқувчилар билан мунтазам қўллайдиган, ўқувчиларга ўз ақлий қобилиятларини ва қизиқишларини ривожлантириш, билим ва кўникмаларни эгаллаш ҳамда улардан амалда фойдаланиш имконини берувчи иш усули. Белгиланган таълим бериш мақсадига эришиш бўйича таълим берувчи ва таълим олувчилар ўзаро фаолиятини ташкил қилишнинг тартибга солинган усуллари мажмуасидир.

**Методика** – бирор ишни мақсадга мувофиқ ўтказиш методлари, усуллари, йўллари мажмуаси. У алоҳида методикалардан ташкил топади. Педагогика фани соҳасида маълум ўқув фанини ўқитиш ҳамда тарбиявий ишлар қонуниятларини тадқиқ қилади. Масалан, тиллар методикаси, арифметика методикаси ва шу кабилар.

**Усул** – бирор нарса, ҳодиса, жараённи ўрганиш ёки амалга ошириш тартиби.

**Услуб** – бирор нарса, ҳодиса, жараённи ўрганиш ёки амалга ошириш учун қўллаш лозим бўлган усуллар мажмуаси.

**Йўл** (русча - приём) – бирор мақсадни амалга ошириш учун танланган ҳаракат тури.



Юқорида айтилганлардан кўринадики, ҳар бир таълим методи таркибига муайян таълим-тарбиявий вазифани бажаришга қаратилган иш-ҳаракат усуллари, йўллари киради.

## ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

Таълим методларидан тегишли мақсадларда самарали фойдаланиш учун ҳар бир методнинг таркибий тузилиши тўғрисида зарур тушунчаларга эга бўлиш талаб қилинади. Таълим методлари таълим-тарбия жараёнини амалга оширишнинг тегишли педагогик-психологик ва илмий-методик асосларига эга. Улар кўзланган мақсадларга эришиш йўлидаги мураккаб, кўп қиррали, кўп сифатларга, хусусиятларга эга бўлган фаолият туридир. Шу муносабат билан таълим методларининг таркибий тузилишига доир умумий маълумотларни қисқача келтириб ўтамиз.

Таълим методлари турли таркибий тузилишга эга бўлиб, улар усул, йўл, босқич, бўлак, қисм, модуль, алгоритм каби тушунчалар билан ифодаланадиган таркибий элементларни ўз ичига олади. Улар орасида усуллар алоҳида ажралиб туради. Қуйида уларнинг қисқача таърифларини келтирамиз:

**Усул** – методнинг унсури бўлиб, унинг таркибий қисми, методни амалга ошириш бўйича қўлланадиган ҳаракатларнинг турларини белгилайди.

**Йўл** - методни амалга ошириш бўйича қўлланадиган ҳаракатларни бажариш шаклини белгилайди.

**Босқич** - методни амалга ошириш жараёнининг мазмун ва вақт бўйича муайян даражадаги кетма-кетлигини билдиради.

**Бўлак** – методнинг таркибини исталган турли катталикда тақсимланиши натижасида ҳосил бўлади.

**Қисм** - методнинг таркибини муайян мантиқий асосда тақсимланиши натижасида ҳосил бўлади.

**Модуль** - методни ҳосил қилувчи энг кичик таркибий бўлакларини билдиради.

**Алгоритм** – методнинг таркибий тузилишидаги муайян тартибда такрорланувчи модуллари йиғиндисини ҳамда методни амалга ошириш жараёнидаги ҳаракатларнинг муайян тартибда такрорланиб турувчи мажмуасини билдиради.

Таълим методларида ўқитишнинг объектив қонуниятлари, мақсадлари, мазмуни, тамойиллари, шакллари ўз аксини топади.

Методлар бошқа дидактик категорияларга узвий боғлиқ ва бири бошқаларини тақозо қилади, яъни ўқитишнинг мақсади, мазмуни, шакли, ҳосиласи сифатида методлар дидактик категорияларга тегишлича таъсир кўрсатади.

Ҳар бир таълим методининг таркибий тузилишида шу методнинг ўзига хос бўлган *объектив ва субъектив жиҳатлар* ажралиб туради.

Методларнинг **объектив жиҳатларида** барча дидактик қоидалар, қонунлар ва қонуниятлар, тамойиллар ва таърифлар, шунингдек, мазмун бутунлигининг доимий компонентлари, ўқув фаолиятининг шаклларига хос бўлган умумий жиҳатлар акс этади.

Методларнинг **субъектив жиҳати** педагог шахси, таълим олувчиларнинг ўзига хослигига ва мавжуд шароитга боғлиқ бўлади.

Таълим методлари **кўп параметрларга эга ва кўп ўлчовли** бўлиб, уларнинг бу хусусиятлари таълим-тарбиявий мақсад ва вазифалар ҳамда уларни амалга ошириш шаклларининг турли-туманлиги билан боғлиқ. Шу муносабат билан таълим методларини таснифлашда ҳам ҳар турли ёндашувлар мавжуд. Бунинг натижасида таълим методларининг кўплаб таснифлари келиб чиққан. Қуйида уларни қисқача кўриб чиқамиз.

**Таълим методлари таснифи** – бу муайян белгилар асосида тартибга солинган тизимдир. Маълумки, дидактик тадқиқотлар ўқитишни диалектик жараён сифатида ўрганади. Бунга кўра таълим методлари тизими ўсиш, ўзгаришда, ҳаракатда бўлиб, таълим мазмунида юз бераётган барча ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ривожланб бориши ҳисобга олинади. Шунга мувофиқ уларни таснифлашда ҳам ушбу рўй бераётган ўзгаришлар тегишлича акс этиб боради.

Таълим методларини таснифлашда уларнинг анъанавийлиги, дидактик мақсади, билиш фаолияти характери, ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш хусусиятлари, ўқув-билиш фаолиятини мотивациялаш ва стимуллаш хусусиятлари, ўқув-билиш фаолиятининг самарадорлигини назорат қилиш ва ўз-ўзини назорат қилиш хусусиятлари каби белгиларига асосланилади.

Таълим методларини таснифлаш шаклларига доир айрим мисолларни кўриб чиқамиз.

**1. Анъанавий таълим методлари таснифи.** Бу методларнинг ибтидосини илк фалсафий ва педагогик тизимлар ташкил этади.



Ҳозирги даврда улардан бештаси инобатга олинади: *амалий, кўргазмали, ифодали, китоб билан ишлаш ва видео методлар.*

**2. Дидактик мақсади бўйича таснифи.**

•*илк бор билимларни ўзлаштириш методлари;*

•*эгалланган билимларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш методлари.*

**3. Таълимнинг умумий мақсадига кўра методлар таснифи:**

•*билимларни эгаллаш;*

•*малака ва кўникмаларни шакллантириш;*

•*билимларни қўллаш;*

•*ижодий фаолият;*

•*мустаҳкамлаш методлари;*

•*билим, малака ва кўникмаларни текшириш методлари.*

**4. Идрок этиш – билиш фаолияти характерига кўра методлар таснифи:**

• *тушунтириш – иллюстратив (ахборот – рецептив).* Уларнинг характерли хусусиятлари: билимлар "тайёр ҳолда" тавсия этилади; бунда билимларни идрок қилиш ташкил этилади; билимлар идрок (рецепсия) қилинади ва тушуниб олинади, хотирага жойлаштирилади;

• *репродуктив метод:* билимлар тайёр ҳолда тавсия этилади, билим нафақат баён қилинади, балки тушунтирилади; билимлар онгли ўзлаштирилади, уларнинг тушунилиши ва эслаб қолинишига эришилади ҳамда билимларнинг мустаҳкамлиги тез-тез такрорлаш йўли билан таъминланади.

•*муаммоли баён қилиш методи;*

•*қисман ижодий (эвристик) метод.* Билим тайёр ҳолда тавсия этилмайди, балки у мустақил равишда эгалланади; янги билимларни қидириш, излаш ташкил этилади; билиш вазифалари бўйича мустақил фикр юритилади, муаммоли вазиятлар яратилади ва ҳал қилинади;

•*тадқиқий метод.* Бунда муаммо белгилаб олинади, муаммонинг тадқиқоти жараёнида билимлар эгалланади.

**5. Таълим методларининг бинар (қўш) ва полинар (кўпқиррали) таснифи.**

Бинар тизим *дарс бериш методи* ва *ўрганиш методи* мажмуидан иборат. Уни қуйидаги жадвал кўринишида яққол ифодалаш мумкин (1 -жадвал).

1 -жадвал

**Ўқитиш методлари**

| Дарс бериш методи | Ўрганиш методи |
|---|---|
| Ахборот бериш – баён қилиш<br>Тушунтириш<br>Кўрсатма бериш – амалий<br>Тушунтириш – ишонтириш<br>Ишонтириш | Ижро этиш<br>Репродуктив<br>Продуктив – амалий<br>Қисман ижодий<br>Ижодий |

Ўқитишнинг полинар, яъни кўпқиррали таснифи билимлар манбаи, билиш фаоллиги даражаси, ўқув билимларининг мантиқий йўллари ва ўқитишнинг *монологик, ҳамкорлик ва диалогик* методлар йиғиндисидан таркиб топади ( 2-жадвал).

2-жадвал

| Монологик методлар | Ҳамкорлик методлари | Диалогик методлар |
|---|---|---|
| Маъруза<br>Ҳикоя<br>Намойиш қилиш | Индивидуал (ўзаро)<br>Гуруҳли<br>Фронтал<br>Жамоа (коллектив) | Суҳбат<br>Мунозара<br>Музокара |

Педагогик адабиётларда олий таълим муассасаларида ўқитиш методларининг қуйидаги уч гуруҳи мавжудлиги баён этилган:

•*ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш методлари ( -жадвал);*

•*ўқув-билиш фаолиятини мотивациялаш ва стимуллаш методлари ( -жадвал);*

•*ўқув-билиш фаолиятининг самарадорлигини назорат қилиш ва ўз-ўзини назорат қилиш ( 3-жадвал).*

3-жадвал

**Ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш методлари ҳамда асослари**

| Ифодали, кўргазмали, амалий методлар | Индуктив ва дедуктив методлар | Репродуктив ва муаммоли-ижодий методлар | Ўқитувчи раҳбарлигида мустақил иш методлари |
|---|---|---|---|
| Манбалар | Мантиқ | Тафаккур | Бошқарув |



4 -жадвал

**Ўқув-билиш фаолиятини мотивациялаш ва стимуллаш методлари**

| Ўрганишга қизиқиш уйғотишни стимуллаш ва мотивациялаш методлари | Ўрганишда бурч ва масъулиятни стимуллаш ва мотивациялаш методлари |
|---|---|

5-жадвал

**Ўқув-билиш фаолиятининг самарадорлигини назорат қилиш ва ўз-ўзини назорат қилиш методлари**

| Оғзаки назорат қилиш ва ўз-ўзини назорат қилиш методлари | Ёзма назорат қилиш ва ўз-ўзини назорат қилиш методлари | Ўз-ўзини назорат қилишнинг лаборатория-амалий методлари |
|---|---|---|

Шундай қилиб, касбий таълим дидактикаси тамойилларига мувофиқ ишлаб чиқилган методлар ва алоҳида функционал ёндашув методлари тизимини яратиш учун тегишли таълим муассасасидаги педагогик фаолият асос бўлиб хизмат қилади. Унда қўлланиладиган касбий таълим методлари дидактик мақсадларга эришишнинг нисбатан алоҳида йўллари ва методлари сифатида намоён бўлади.

Олий таълим муассасаларидаги ўқитиш методлари ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, нафақат дарс бериш усуллари ва услубларини бирлаштиради, балки улар билимларни ўзлаштиришнинг ўқув ва илмий фаолиятга йўналтирилган тизимини ҳам англатади. Шундай савол туғилади: олий таълим муассасаларидаги ўқитиш методлари мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежидаги ўқитиш методларидан қай жиҳатлари билан фарқланади?

Мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежида фан асослари ўрганилади. Олий таълим муассасасида талаба замонавий фанни ўрганади ва ихтисослик бўйича таълим олади. Шунинг учун ҳам олий таълим муассасаларидаги ўқитиш методлари билимларни етказиш ва англашнинг усулларигина эмас, балки фан тараққиёти жараёнига тобора кириб бориш, унинг методологик ва ғоявий асосини очиш методи ҳамдир.

Олий таълим муассасаларидаги ўқитиш методларини асослашда дидактика билан шуғулланувчи олимлар олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнининг ўзига хос хусусиятлари ва

талабаларнинг билиш фаолиятини қамраб оладилар ҳамда талабаларнинг касбий ва шахсий тайёргарлиги масалаларига катта аҳамият берадилар. Талабаларнинг фаол ижодий билиш фаолияти ҳамда уларнинг мустақил ишларидан иборат касбий таълим жараёни таълим методларининг *ўқитиш методлари ва ўрганиш методларидан иборат* икки гуруҳини бир-биридан фарқлашни тақозо қилади:

**Ўқитиш методлари** билимларни бериш усуллари сифатида қаралади ва талабаларнинг илмий билиш фаолиятига раҳбарлик қилишга қаратилган бўлади ҳамда ўқув жараёнида педагогнинг талабаларга таъсир кўрсатиш усулларини шакллантиради.

**Ўрганиш методлари** билим, малака ва кўникмаларни ижодий эгаллашга ҳамда методик ва ғоявий-сиёсий эътиқодларни ишлаб чиқишга қаратилган талабаларнинг илмий билиш фаолияти усули сифатида белгиланади.

Олий таълим муассасаларидаги таълим хусусияти ўқув жараёнини ташкил этишда намоён бўлади. Бунда мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежидаги таълим методларини белгилаш ва ўқитиш шаклларини ҳам ташкил қилишни тавсия этади. Олий таълим муассасаларида ушбу ўқитиш методлари ва шакллари қўшилиб кетади, яъни олий таълим муассасаларидаги дарс бериш методи айни замонда ўқитишнинг ташкилий шакли ҳам ҳисобланади. Олий таълим муассасаларидаги ўқитиш методлари ўзига қўшимча юклама-машғулотни ташкил этишни ҳам қамраб олади.

Олий таълим муассасаларидаги ўқитиш методлари таснифи масаласи ўзининг долзарблигини сақлаб қолади. Олий таълимдаги ўқитиш методлари таснифига дидактик ёндашувлар, умумдидактик ёндашувларга монелик қилмайди, балки уларни ривожлантиради. Улар олий таълим тизимидаги ўқув жараёнининг хусусиятлари, уларнинг дидактик вазифалари характерига асосланади.

Олий таълим муассасаларида ўқитиш ва ўрганиш методлари қуйидаги кенг тарқалган таснифларга бориб тақалади:

1. *Билимларни бериш, идрок этиш ва ўзлаштириш ҳамда эътиқодни шакллантиришни таъминловчи методлар.* Бу методларга маъруза, талабаларнинг мустақил ишлари, мустақил таълим олиш бўйича ишлари, ишлаб чиқариш жараёнларини кузатиш, маслаҳатлар, кўрсатма бериш, оммавий ахборот



воситалари, дастурлаштирилган материалларни идрок этиш ва бошқалар киради.

2. *Билимларни татбиқ этиш ва мустаҳкамлаш, малака ва кўникмаларни ҳосил қилиш ҳамда эътиқодни чуқурлаштириш методлари.* Бунга семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари, назорат ишларини бажариш, ўқув хоналаридаги дастурлаштирилган машғулотлар ва ишлаб чиқариш амалиёти киради.

3. *Билимлар, эътиқодларни шакллантириш ва талабаларнинг касбий тайёргарлигини аниқлаш методлари.* Бу ўқув жараёнининг рейтинг баҳолари, коллоквиумлар, суҳбат ўтказиш, курс ва диплом ишлари лойиҳалари ҳамда давлат аттестацияси натижаларини баҳолашдир.

Бу тасниф конкрет методлар имкониятларини белгиловчи энг муҳим сифатлар асосига қурилган. Бунда ушбу тасниф бўйича биринчи гуруҳдаги шундай сифатларга билимларни **идрок қилиш** ва **ўзлаштириш,** иккинчи гуруҳга – **татбиқ этиш ва мустаҳкамлаш,** учинчи гуруҳга эса **– аттестация ва билимларни аниқлаш** тааллуқлидир.

Олий таълим тизимидаги ўқитиш методлари тизимига қуйидаги талаблар қўйилади:

•*методлар тизими таълимий функцияга эга бўлиши лозим.* Бу дидактик мақсадлар ва ўқитиш вазифаларига эришишнинг энг қулай усулидир;

•*методлар тизими тарбиялаш-ривожлантириш функциясига эга бўлиши лозим.* Бунда талабаларнинг мустақил ишлари, вазифалари, уларнинг ишга ижодий ёндашуви ҳал қилинади, талабаларнинг шахсий сифатлари, билим, малака ва кўникмаларни эгаллашга бўлган эҳтиёжлари шаклланади ҳамда уларнинг диққати, иродаси, ҳиссиёти, хотираси, тафаккури ўсади.

## ҲОЗИРГИ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ

Ҳозирда амалиётда қўлланилаётган таълим методлари хилма-хил ҳамда кўп сонли бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга, таълим-тарбиявий имкониятларга эга, муайян мақсадларга, шароитларга мос эканлиги ва бошқа сифатлари билан бир-биридан фарқланади. Бундан кўриниб турибдики, бу

методларнинг ҳар бири муайян таълим-тарбиявий мақсадлар учун мос бўлиб, унинг ўрнига бошқа методни қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки бошқа метод ушбу мақсад учун мос эмас эканлиги маълум.

Шу сабабли таълим методларининг қайсинисидан қайси мақсад учун фойдаланиш кўзда тутилган самарани беришини билиш муҳим аҳамиятга эга. Лекин бу масала ҳозиргача тўлиқ ўрганилган эмас. Бу масала аввало таълим методларини маълум белгиларига кўра турларга ажратиб олиш ва уларнинг асосий характеристикаларини аниқлашни талаб қилади. Шуни ҳисобга олган ҳолда замонавий таълим методларини турларга ажратиш долзарб масаладир. Буни ҳал қилиш учун замонавий таълим методларининг турларга ажратиш учун зарур бўлган асосий белгиларини аниқлаб олиш лозим. Бу белгилар қуйидагилар бўлиши мумкин:

Бажарадиган вазифасига, кўзда тутиладиган натижага, таълимий ва тарбиявий мақсадларга, педагогик ва психологик йўналишларига, таълим олувчиларнинг ёшига мувофиқлигига, айрим фанларни (ижтимоий, тиллар, табиий, аниқ, амалий ва бошқа фанларни) ўқитишга, назарий ва амалий билим, кўникма ва малакаларни ўргатишга, ўзлаштиришни назорат қилишга тегишли ва бошқа белгилар.

Шу белгиларига кўра таълим методларини қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

**1. Бажарадиган вазифасига тегишли белгиларига кўра таълим методларини қуйидаги турларга ажратиш мумкин:**

Назарий билим бериш методлари.

Амалий кўникма ва малакаларни ўргатиш методлари.

Амалий машқлар бажаришни ўргатиш методлари.

Билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш методлари.

Билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришни назорат қилиш методлари ва бошқалар.

**2. Кўзда тутиладиган натижага тегишли белгиларига кўра таълим методларини қуйидаги турларга ажратиш мумкин:**

Машғулот сифати ва самарадорлигини ошириш.

Таълим олувчиларнинг ўзлаштириш қобилиятларини ривожлантириш.

Таълим олувчиларнинг иқтидорлари йўналишларини аниқлаш.

Ижодий қобилиятларини ривожлантириш.



Юқори ўзлаштиришларига эришиш.

Билимларни ўзлаштиришларига эришиш.

Амалий кўникма ва малакаларни ўзлаштиришларига эришиш.

Фаолликларини оширишга эришиш..

Қизиқишларини орттиришга эришиш..

**3. Таълимий ва тарбиявий мақсадларга тегишли белгиларига кўра таълим методларини қуйидаги турларга ажратиш мумкин:**

Мустақил фикрлашга ўргатиш.

Мустақил қарорлар қабул қилишга ўргатиш.

Вазифаларни мустақил бажаришга ўргатиш.

Таълим жараёни иштирокчиларини фаоллаштириш.

Танқидий фикрлашга ўргатиш.

**4. Педагогик ва психологик йўналишларига тегишли белгиларига кўра таълим методларини қуйидаги турларга ажратиш мумкин:**

Интерфаол таълим методлари

Дидактик ўйинлар методлари

Муаммоли таълим методлари

Ўқувчи шахсига йўналтирилган таълим методлари

Дифференциал таълим методлари

Якка (индивидуал) таълим методлари

Эвристик таълим методлари

Догматик таълим методлари

Репродуктив таълим методлари

Продуктив таълим методлари

Ижодий таълим методлари.

Бадиий таълим методлари.

Эстетик тарбия ва таълим методлари.

Жисмоний тарбия ва спорт таълими методлари.

Меҳнат таълими ва тарбияси методлари.

Махсус таълим методлари.

Катта ёшдагилар таълими методлари ва бошқалар.

**5. Таълим олувчиларнинг ёшига мувофиқлигига тегишли белгиларига кўра таълим методларини қуйидаги турларга ажратиш мумкин:**

Олий таълим муассасалари учун мос методлар.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун мос методлар.

Умумий ўрта таълим муассасалари учун мос методлар.

Мактабгача таълим муассасалари учун мос методлар.

Мактабдан ташқари таълим муассасалари учун мос методлар.

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасалари учун мос методлар.

Махсус таълим муассасалари учун мос методлар.

**6. Айрим фанларни (ижтимоий, тиллар, табиий, аниқ, амалий ва бошқа фанларни) ўқитишга тегишли белгиларига кўра таълим методларини қуйидаги турларга ажратиш мумкин:**

Ижтимоий фанларни ўқитишга мос методлар.

Тилларни ўқитишга мос методлар.

Табиий фанларни ўқитишга мос методлар.

Аниқ фанларни ўқитишга мос методлар.

Амалий фанларни ўқитишга мос методлар.

Техника фанларини ўқитишга мос методлар ва бошқалар.

**7. Назарий ва амалий билим, кўникма ва малакаларни ўргатишга тегишли белгиларига кўра таълим методларини қуйидаги турларга ажратиш мумкин:**

Назарий билимларни ўргатишга мос методлар.

Амалий билим, кўникма ва малакаларни ўргатишга мос методлар.

Ҳар турли техника воситаларидан фойдаланиш, уларни бошқаришни ўргатишга мос методлар.

Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни ўргатишга мос методлар.

Касб-ҳунарларни ўргатишга мос методлар ва бошқалар.

**8. Ўзлаштиришни назорат қилишга тегишли белгиларига кўра таълим методларини қуйидаги турларга ажратиш мумкин:**

Ёзма ишлар бажариш: диктант, баён, иншо ва ш.к.

Назорат ишларини бажариш: жорий, оралиқ, якуний назорат ишлари.

Машқлар бажариш.

Масалалар ечиш.

Мустақил ишлар бажариш.

Оғзаки сўров (савол-жавоблар), имтиҳон, синов.

Тест синовлари ва бошқалар.



Юқорида келтирилган таълим методларининг турлари маълум даражада шартли бўлиб, бу эса, ҳар бир таълим методи бир вақтда бир нечта сифат ва хусусиятларга эга эканлиги билан боғлиқ. Шу сифат ва хусусиятларнинг энг умумий белгилари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

Сўзлаш ва тинглашга асосланган методлар.

Сўзлаш, тушунтириш ва тинглашга асосланган методлар.

Сўзлаш, кўргазмали воситалардан фойдаланиб тушунтириш ва кўриш, тинглашга асосланган методлар.

Монологик маъруза методи.

Суҳбат методи.

Савол-жавоблар методи.

Баҳс, мунозаралар методи.

Ишчанлик ўйинлари методи.

Ролли ўйинлар методи.

Дидактик ўйинлар методи.

Ҳамкорликда ишлаш методи ва бошқалар.

Таълим методларининг ушбу умумий белгилари сўзлаш-тинглаш, кўрсатиш-кузатиш, тушунтириш-фикрлаш, мустаҳкамлаш-такрорлаш жараёнларидан иборат бўлиб, бу белгилар аслида ҳар бир метод учун хосдир. Бундай умумийлик таълим методларини амалда қўллашда бирмунча кенг имкониятлар бериши табиий. Бу эса, таълим методларини маълум мақсад бўйича танлашда ҳисобга олиниши зарур омилдир.

## КЕЙС-СТАДИ МЕТОДИ
### (Амалий ҳолатларни ўқитиш методи)

*«Таълимнинг буюк мақсади билим бериш эмас, балки ҳатти-ҳаракатларга ўргатишдир»*
***Г. Спенсер***

Бу методнинг номи инглизча “case-study” сўзларидан олинган. Бунда “case” – яшик, кути, ғилоф, жилд, “study” – ўрганиш, тадқиқ қилиш, илм билан шуғулланиш, ўқув фани, сабоқ олиш, ўқиш маъноларини билдиради. Бу метод ҳақида инглизча айтиладиган “case – true life”, яъни “кейс – ҳақиқий ҳаёт” иборасига кўра кейс - реал ҳаётнинг «бир парчасидир». Шунга кўра бу методни “амалий ҳолатларни ўқитиш методи” деб ҳам аталади.

Кейс-стади методи бўйича ўрганилаётган ҳар бир муаммо ёки мавзу юзасидан амалга ошириладиган ишлар режаси, уларни бажариш тафсилоти, натижалар ва хулосалар йиғиндиси алоҳида кейсни ташкил қилади. Бу метод таълим жараёнида ҳаётий вазиятлардан фойдаланишга қаратилган. Бу эса, ҳозирги кунларда таълим соҳасидаги долзарб бўлган муаммолардан ҳисобланади. Ушбу муаммони ҳал қилиш имконини бериши бу методнинг алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Шу сабабли Ғарб мамлакатларидаги таълим муассасаларида кейс-стади методидан, яъни кейслардан фойдаланиш ўқув режасининг 25 % ини ташкил қилади. Шу муносабат билан таълим муассасаларида ҳаётий вазиятдан фойдаланишнинг аҳамияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

**Таълим жараёнида ҳаётий вазиятдан фойдаланишнинг долзарблиги**:

Кейс-стади таълим методини турли ҳолатларни ўрганишда қўллаш - ҳаётдан олинган одатдаги вазиятларни ўрганишни ташкил этиш ёки сунъий яратилган вазиятларга асосланган ҳолда таълим олувчилардан тегишли муаммоларнинг мақсадга мувофиқ ечимларини излашни талаб қилишга қаратилган таълим жараёнидан иборат.

Бу метод таълим олувчиларга мавзуга тегишли ҳаётий вазиятни ташхис қилиш, фаразларни ифодалаш, муаммоларни аниқлаш, қўшимча ахборотларни йиғиш, фаразларга аниқлик киритиш ва муаммоларни ечиш ҳамда уларни бажаришнинг аниқ босқичларини лойиҳалаш бўйича амалий фаолиятларини моделлаштириш имконини беради.

Муайян ҳаётий вазиятларга бағишланган кейслардан фойдаланиш таълим жараёнини ҳақиқий ҳаёт билан боғлайди. Кейсни кўриб чиқишда таълим олувчилар таълим олиш жараёнини яратадилар. Шу жараёндаги ўзаро ҳаракатда уларнинг ҳақиқий фикр алмашиш ҳолатлари келиб чиқади. Кейс таълим олувчиларга таҳлил қилиш, қиёслаш йўлларини қидириш ва муаммони ечиш эркинлигини беради.

**Кейс-стади таълим методига доир айрим асосий тушунчалар таърифи:**

"Кейс" ва "кейс-стади" тушунчаларининг маъно-мазмуни кўп қиррали бўлиб, шунга кўра қуйида уларнинг асосий



хусусиятларини тўлиқроқ акс эттириш мақсадида кўп вариантли таърифлари берилди.

**Кейс** – 1) таълим олувчиларнинг маълум мақсадлардаги ҳаётий вазифаларни бажаришлари бўйича вазиятнинг баёни, уни тушуниш ва баҳолашга имкон берадиган ҳамда муаммони ифодалаш учун, унинг мақсадга мувофиқ ечимини излашлари учун керак материаллар тўплами; 2) белгиланган мавзу ёки муаммо ва унинг ечимига доир қўшимча ахборотлар, аудио, видео, электрон ташувчилар, ўқув-услубий материаллар йиғиндиси; 3) муаммони ҳал қилиш бўйича амалга оширилган ишлар, уларнинг натижалари ва хулосалар.

**Кейс-стади** – 1) таълим олувчиларни ўрганилаётган муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган *таълим методи*дир; 2) таълим, ахборот-коммуникация, бошқарув ва бошқа соҳаларни ўргатишда қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кейсда баён қилинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида олдиндан белгиланган (башорат қилинадиган) ўқув натижаларига кафолатли эришишни воситали тарзда таъминлайдиган, бир тартибга келтирилган оптимал усуллар ва воситалар мажмуидан иборат бўлган *таълим технологияси*дир.

**Вазият** (лотинча situation - аҳвол) – муайян вазият, аҳволни ҳосил қиладиган шарт-шароитлар ва ҳолатлар йиғиндиси. Кейсда баён қилинган вазият институционал тизимда (шу ўринда ва кейинчалик - корхонада) дискрет (айни шу) вақтда ташкилий ҳаётдаги типик муаммоларни қайта яратадиган реал ёки сунъий қурилган ҳодисаларнинг идеал тарздаги инъикосидан иборатдир.

**Муаммоли вазият** - мазкур ҳолда вазият субъектининг ҳозирги вақтда ёки келгусидаги мақсадларга эришишига хавф соладиган вазият тушунилади.

**Кейс-стади методи тарихи.** Кейс-стади амалий вазиятларни таҳлил этиш ва ҳал қилиш асосида ўқитиш методи сифатида хорижий таълимда дастлаб ҳуқуқ соҳасида қўлланила бошлади: у илк марта Гарвард университетининг ҳуқуқ мактабида 1870 йилда қўлланилган эди. 1920 йилда Гарвард бизнес-мактаби (ГБМ) ўқитувчилари юристларнинг ўқитиш тажрибасига таяниб, иқтисодий амалиётдаги аниқ вазиятларни таҳлил этиш ва муҳокама

қилишни таълимнинг асосий усули этиб танлашганидан кейин мазкур ўқитиш услуби кенг татбиқ этила бошлади.

Ана шу вақтдан бошлаб ГБМ кейсларнинг бой тўпламини йиғди ва мазкур методни таълимнинг мустақил концепцияси даражасигача олиб чиқди. Айни шу сабабга кўра кейс-стади методини кўпинча Гарвард методи деб ҳам аталади. Ўз моҳиятига кўра, Гарвард методи таълим олувчиларнинг амалий вазиятларни видеоматериаллар, компьютер ва дастурий таъминотдан фойдаланиб ҳал қилиш бўйича интенсив тренингидан иборатдир.

Кейс-стадининг икки классик мактаби - Гарвард (Америкада) ва Манчестер (Европада) мактаблари мавжуд. Гарвард мактаби доирасида мазкур метод ягона тўғри ечимни излашни ўргатиш методи ҳисобланиб, иккинчи мактаб (Манчестер) кейсда баён қилинган муаммоли вазият ечимининг кўп вариантлилигини таклиф қилади. Америка кейслари ўнлаб саҳифали матнни ва кўплаб чизмаларни ўз ичига олади. Европа кейслари ҳажми бирмунча камроқ.

Чет эллардаги бизнес-мактабларда одатий вазиятларни ўрганишга ўқув вақтининг ўртача 25% дан 90% гача бўлган қисми ажратилади. Масалан, Чикаго университети бизнес-мактабида ўқув вақтининг 25%и кейслар улушига, Колумбия университетида – 30%, Уортонда эса – 40% ига тўғри келади. Машғулотларни ушбу метод бўйича ўтказишга ажратиладиган соатлар сони бўйича унинг "илк ихтирочиси" – Гарвард етакчилик қилади. Оддий тингловчи ГБМда ўқиш вақтида 700 тагача кейсларни кўриб чиқади ва бунинг учун ўқув вақтининг 90% гача қисмини сарфлайди.

Бунда шундай аниқлик киритиш керак: молиявий фанларга ихтисослашган мактабларда кейслар салмоғи асосий фанлар - менежмент, маркетинг, ахборот технологиялари, ходимларни бошқариш ва шу кабилардан иборат мактаблардагига нисбатан анча камдир.

Мамлакатимиздаги таълим соҳасида кейс-стади, асосан, мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида, айниқса бошқарув соҳасида қўлланилади. Кейинги йилларда олий ўқув юртларида ҳам ўқитувчиларнинг кейсларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қизиқиши ошаётганлиги кузатиляпти.

**Кейс-стади методини таълим жараёнида кенг татбиқ қилишнинг долзарблигини белгиловчи омиллар.** Кейс-стадини



иқтисодий олий ўқув юртининг таълим амалиётига кенг татбиқ этишнинг долзарблиги ва зарурлиги қуйидаги омиллар билан боғлиқ:

*Биринчидан,* **мамлакатдаги иқтисодий таълимнинг умумий йўналиши**, унинг нафақат таълим олувчиларда аниқ билимларни шакллантиришга, шу билан бирга, тингловчиларда фикрлаш фаолияти, назарий билимларини амалда қўллашга тайёрлик ва бунга қобилликни ривожлантириш, бўлғуси мутахассисларда мустақиллик ва ташаббускорлик, бошқарув ва иқтисодиётдаги тадқиқотларнинг турли жиҳатлари билан боғлиқ кенг доирадаги масалаларни идрок этиш қобилиятини равнақ топтиришга йўналтирилганлиги билан боғлиқ.

«Инсоннинг қўлига балиқни тутқазсанг – у бир кун қорни тўқ юради, мабодо инсонни балиқ тутишга ўргатсанг – у бутун умри давомида очлик нималигини билмайди» - хитойлик донишмандларда шундай ҳикматли гап бор. Аудитория шароитларидаёқ бошқарувчилик ечимларини қабул қилишга доир малака ва кўникмалар эгалланмаса, кейинчалик яхши бошқарувчи бўлиб чиқиш мумкин эмас.

Келгусидаги касбий фаолияти учун ўзининг бошқариш сиёсатини ишлаб чиқишга тингловчилар корхонада ва умуман иқтисодиётда вужудга келадиган турли хил вазиятларни таҳлил этиш малакалари ва кўникмаларини эгаллаши, таҳлил қила билиш қобилиятини ўстириши, бошқарувчига хос хусусиятларни орттиришлари зарур.

«Маслаҳат бериш мумкин, лекин бундай маслаҳатдан фойдаланишга ўргатиш мумкин эмаслиги» ҳақиқатдир. Ўрганиб олгач омадли иқтисодчи, молиячи ёки менежерга айланиб олишга имкон берадиган қандайдир ягона, универсал услуб ёки усул мавжуд эмас.

Тингловчиларнинг кейсларни ишлаб чиқиш технологияларини ўзлаштириши, кейсда тақдим қилинадиган амалий муаммоли вазиятларни таҳлил этиш, якка тартибда ва жамоа бўлиб уларни оптимал ҳал қилиш йўлларини излаш малакаларини эгаллаши, бўлғуси мутахассисда функционал ваколатлиликни шакллантириш - касбий фаолиятда ўзининг бошқариш ва ташкил қилиш технологияларини лойиҳалаштириш, касбий жараён мантиқини қуриш усуллари, шунингдек, касбий вазифаларни мустақил ва мобиль тарзда ҳал этиш усулларини ҳосил қилишга ёрдам беради.

*Иккинчидан*, **бозор иқтисодиётининг** ностандарт вазиятларда бир тизимли асосда ва самарали ҳаракат қилиш, оқилона ечимларни қабул қилиш қобилиятини эгаллаган мутахассисларга **муҳтожлиги** билан.

Кейсда ҳар хил ҳаётий вазиятлар баёни берилади ва уларнинг оқибатлари хусусида мушоҳада юритиш ёки қатнашчилар ҳаракатларининг самарадорлигини баҳолаш ёхуд муаммони ҳал этиш усулларини таклиф қилиш талаб этилади. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам амалий ҳаракат модели устида ишлаш таълим олувчилар – бўлғуси мутахассисларда меҳнат бозори талаб қиладиган касбий жиҳатдан муҳим хусусиятларни шакллантиришнинг самарали воситаси ҳисобланади.

*Учинчидан*, жаҳон тажрибаси кўрсатиб турганидек, **кейс-стади тингловчиларда ижтимоий етукликни ривожлантириш, ўқишга қизиқиш ва мотивларни ҳосил қилиш, уларни ҳақиқий профессионаллар сифатида етиштиришга кучли таъсир кўрсатади.** Кейс-стадининг бўлғуси мутахассис шахсининг касбий ва ижтимоий жиҳатдан муҳим фазилатларини шакллантиришга таъсир кўрсатадиган усуллари ва воситалари, бизнингча, қуйидаги 6-жадвалда ишонарли тарзда акс эттирилган.

6-жадвал

**Кейс-стадининг шахсий фазилатларни шакллантиришга таъсир кўрсатадиган усул ва воситалари**

| Мутахассис фазилатлари | Кейс-стадининг усул ва воситалари |
|---|---|
| Мавҳум шароитларда вазиятни ҳис этиш ва адекват баҳолаш, оқилона ечимларни топиш қобилияти. | Вазият субъектининг фазилатлари ва камчиликларини таққослаш ва баҳолаш, вазиятнинг ривожланиш мантиқини ажратиб олиш, муаммонинг оқилона ечимини излаш. |
| Бир тизимли фикрлаш, мулоҳазакорлик, бозор вазиятидаги параметрлар ва ўзаро алоқаларни тушуниш. | Вазият хусусида ҳар томонлама фикр юритиш, уни мақсадли таҳлил этиш, субъектларни уларнинг тузилмавий-функционал ифодасида яхлитлигича идрок этиш. |
| Мустақиллик ва ташаббускорлик. | Мавҳумлик шароитида вазиятлар таҳлили, оқилона ечимни ишлаб чиқишда ўқитувчи томонидан рағбатлантириладиган ва қўллаб-қувватланадиган мустақиллик ва фаоллик. |
| Ўзгаришларга тайёрлик, мослашувчанлик. | Мунтазам ўзгариб турадиган вазиятларда оптимал феъл-атворнинг ишлаб чиқилиши. |
| Амалий йўналганлик. | Муаммоли вазиятнинг ҳал этилишида нисбатан амалий натижага эришиш учун доимий изланиш. |
| Ахборотлар билан ишлаш маҳорати. | Доимий равишда асосий ахборотни излаш ва танлаш, уни тузилмаларга ажратиш, яна қайта тузилмалаш, уни таҳлил этиш, таснифлаш, бир тақдимот шаклидан бошқача шаклга ўтказиш, ўзаро ахборотлар алмашиш. |
| Коммуникативлик, эмпатия. | Муаммоли вазият ечими ва унинг мақсадга мувофиқ тарзда ҳал этилишини танлаш юзасидан ўз позициясини ҳар доим аниқ билдириш, далиллаш ва ўзининг нуқтаи назарини ҳимоя қилиш; кейс билан гуруҳ бўлиб ишлаш, мунозаралар ва ўз фикрини ўтказиш пайтида жамоанинг ошкора мулоқот ва ахборот алмашиш, адолатли, конструктив ва тактикали танқидга ҳамда уни қабул қилишга, биргаликдаги фаолиятда ишончга ва ҳамфикрлиликка асосланган баҳамжиҳат ҳаракат. |
| Муаммоли, мантиқий фикрлаш. | Муамонинг изланиши ва ифодаланиши ҳамда унинг асосий тавсифномалари белгиланиши, уни ҳал этиш усуллари ва воситаларининг асосланиши. |
| Конструктивлик. | Муаммони ҳал этиш моделининг ишлаб чиқилиши, конструктив ечимларнинг изланиши ва ифодаланиши. |
| Назокатлилик. | Жамоанинг ўз фикрини ўтказиш, мунозаралар, гуруҳ бўлиб ишлашга асосланган доимий баҳамжиҳат ҳаракати. |



Ва, ниҳоят, кейс-стади интерфаол метод бўлгани сабабли тингловчилар томонидан унга нисбатан ижобий муносабат бўлишига эришилади, улар ушбу методнини ўқув ахборотини ўзлаштириш ва ундан фойдаланиш юзасидан амалий кўникмаларни таъминлайдиган амалий қўлланма (практикум) сифатида қабул қиладилар.

**Кейс-стади методининг умумий тавсифномаси** бу методнинг моҳияти, белгилари ва дидактик ўзига хос хусусиятларини ўз ичига олади. Уларни қисқача кўриб чиқамиз.

**Кейс-стадининг моҳияти** шундан иборатки, кўриб чиқилаётган муаммоли вазият бўйича маслаҳатчилар ролини бажариши керак бўлган тингловчиларга қуйидагилар таклиф қилинади:

- кейсда баён қилинганида айни бир пайтда ташкилий ҳаётдаги типик амалий муаммони акс эттирадиган ва амалиётда ушбу муаммонинг ҳал этилишида ўзлаштирилиши ва қўлланилиши лозим бўладиган муайян билимлар мажмуини долзарблаштирадиган вазиятни идрок этиш ва таҳлилдан ўтказиш;
- муаммоли вазиятни мақсадга мувофиқ тарзда ҳал этадиган усуллар ва воситаларни излаш;
- таклиф этилган муқобил жиҳат(альтернатив)ларни баҳолаш ва улар орасидан қўйилган муаммога нисбатан энг қулай вариантини танлаш;
- танланган муқобил усул (альтернатив)ни амалга ошириш бўйича аниқ ечимни бутун тафсилотлари билан ишлаб чиқиш.

**Кейс-стадининг моҳиятли белгиларини қуйидагича ифодаланади:**

1. Асосий параметрлари бўйича муайян дискрет вақтда ишларнинг реал аҳволини яна қайта тиклайдиган вазият шаклидаги ҳолатда тақдим этилган *институционал тизим моделининг мавжудлиги.*
2. *Берилган вазиятнинг муаммолилиги.*
3. *Вазиятнинг тўлиқ чизмаий эмаслиги* ва бунинг оқибати сифатида, унда *мустақил, қолипи бўлмаган ечимларни талаб қиладиган* мавҳумликнинг мавжудлиги.
4. Ечимларнинг *кўплаб муқобил жиҳат (альтернатив)ларга эгалиги* ҳар бир қатнашчи ўзининг билими, тажрибаси ва сезги(интуиция)сидан келиб чиқиб ўз вариантини таклиф қилади.
5. Муаммоли вазият оптимал ечимининг *якка тартибда, сўнгра жамоа бўлиб ишлаб чиқилиши ва оммавий тақдим этилиши* (шунингдек, кейс билан мутлақо якка тартибда ишлашга ва натижаларни якка тартибда тақдим этишга ҳам йўл қўйилади).
6. Муаммоли вазият таҳлили ва унинг ечимини ишлаб чиқишдаги *ягона мақсад.*



7. Фаолият *натижаларини гуруҳ бўлиб баҳолаш тизими.*
8. *Таълим олувчиларда бошқариладиган ҳиссий (эмоционал) кескинликнинг* мавжуд бўлиши.
9. Ўқитувчи ва тингловчи таълим жараёнида айни бир пайтда *ҳам масъул, ҳам эркин* бўлади:

- Ўқитувчи кейснинг тайёрланиши ва унинг ўқув-услубий таъминоти, шунингдек, ундан самарали фойдаланиш учун *масъулдир.*
- Тингловчи машғулотга тайёрланиш ва кейс бўйича ўқув топшириқларини самарали бажариш учун *масъул*, айни пайтда у муаммоли вазиятни таҳлил этиш натижасида ечимлар ва хулосаларни ишлаб чиқиш борасида *эркин иш тутади.*
- Тингловчи ўқув шароитида муаммоли вазиятни таҳлил этиш ва ҳал қилишда *хатога йўл қўйиши мумкин*, лекин у реал ҳаётда қабул қилинадиган нотўғри ечим учун *масъулият ҳиссини сезиши керак.*

10. Таълим *натижаларини режалаштириш ва уларга эришишда таълимдаги ошкоралик билан қатъиятлилик*нинг кўшиб олиб борилиши.

**Кейс-стади** таълим методи сифатида қуйидаги **дидактик ўзига хос хусусиятларга эга:**

- Кейсда тақдим этилган аниқ вазият таълимнинг воқелик билан ўзаро алоқасини таъминлайди, чунки у келгусидаги касбий фаолият учун типик муаммоларни акс эттиради. Бунда ўрганиш жараёни ўз моҳиятига кўра, реал ҳаётдаги ечим қабул қилиш механизмини ифодалайди.
- Кейс ундан фойдаланувчига муаммоларни таҳлил этиш, бир хиллаштириш ва ҳал қилиш йўлларини излашда эркинлик беради.
- Кейсни кўриб чиқишда тингловчилар таълим жараёнининг ташкилотчиларига айланадилар ва бир-бирлари билан ўзаро баҳамжиҳат ҳаракат қилиш орқали реал коммуникацион ҳолатларни ифодалашади (масалан, банк-корхона).
- Таълим олувчилар аниқ вазиятни кўриб чиқиш жараёнида муайян умумлашган, концептуал тусга эга билимни шакллантиришга муваффақ бўладилар ва айни бир пайтда оддий умумлаштириш малакаларини орттирадилар.
- Амалий вазиятларга асосланган машғулотлар назарий тайёргарлик даврида олинган билимлар, шунингдек

тингловчиларнинг ўз малака ва маҳоратларидан фойдаланиш ва амалда қўлланишга йўналтирилади.

• Кейс билан ишлаш натижаларининг оммавий тақдим этилиши тақдимотлар ўтказиш ва матбуот анжуманларида қатнашиш: ахборотни лўнда, мантиқан ва кўргазмали тарзда тақдим этиш, саволни ифодалай билиш ва жавобни далиллаш малакаларини ҳосил қилишга кўмаклашади.

• Кейс-стади таълимнинг бошқа методларидан фарқли равишда нафақат таълим бериш ва тренинг, шу билан бирга диагностик назоратчилик функцияларини ҳам бажаради.

Тингловчи *имтиҳон олдидан* кейсни олиши: уни ҳал қилиши ва амалий вазият таҳлилини ҳамда уни ҳал қилишга доир таклифларини ёзма иш шаклида тақдим этиши мумкин.

Кейс тингловчиларга *бевосита имтиҳон пайтида* таклиф қилиниши ҳам мумкин. Лекин бундай ҳолда у анча қисқа бўлиши, мақсадлари эса уларни тингловчи белгиланган вақт давомида ҳал қилишга улгурадиган ҳолатда бўлиши керак.

Тингловчиларнинг ўқув фани бўйича *аудиториядан ташқарида бажариладиган мустақил иши* кейслар туркумининг ечимини ўз ичига олиши мумкин. Натижаларнинг графикка биноан ёзма тақдим этилиши (муддатлар ўқув режаси ва таълим дастурига мувофиқ белгиланади) ўқув ахборотларининг ўзлаштирилиши, ушбу курс бўйича давлат таълим стандартлари (ДТС)га кўра назарда тутилган малака ва кўникмаларни тезкор назорат қилиш ва баҳолашга имкон беради.

**Кейслар типологияси.** Кейслар учун улар жуда кўп турли эканлиги хосдир. Кейсларнинг турлари бўйича таснифланиши 7-жадвалда кўрсатилган.

7-жадвал

**Кейслар турларини таснифлаш жадвали**

| Типологик белгилари | Кейс тури |
|---|---|
| Асосий манбалари | 1. Табиий шароитдаги<br>2. Кабинетдаги<br>3. Илмий-тадқиқотчиликдаги |
| Сюжет мавжудлиги | 1. Сюжетли<br>2. Сюжетсиз |
| Вазият баёнининг вақтдаги изчиллиги | 1. Ўтмишдан ҳозирга келиш режимидаги кейс<br>2. Вақт орқага қайтариладиган кейс-хотира<br>3. Башорат кейси |
| Кейс объекти | 1. Шахсий<br>2. Ташкилий-институционал<br>3. Кўп субъектли |
| Материални тақдим этиш усули | 1. Ҳикоя<br>2. Эссе<br>3. Таҳлилий ёзишма<br>4. Журналист тергови<br>5. Ҳисобот<br>6. Очерк<br>7. Фактлар мажмуи<br>8. Статистик материаллар мажмуи<br>9. Ҳужжатлар ва ишлаб чиқариш намуналари мажмуи |
| Ҳажми | 1. Қисқа (лўнда)<br>2. Ўртача миқдордаги<br>3. Катта (узун) |
| Тузилмавий ўзига хос хусусиятлари | 1. Тузилмаланган<br>2. Тузилмаланмаган |
| Ўқув топшириғини тақдим этиш усули | 1. Саволли<br>2. Кейс-топшириқ |
| Дидактик мақсадлари | 1. Муаммо, ечим ёки концепцияни изоҳлаш<br>2. Тренингли, ўқув режасидаги фан бўйича малака ва кўникмалар орттиришга мўлжалланган<br>3. Таҳлил ва баҳолашга ўргатувчи<br>4. Муаммони ажратиш ва ечиш, бошқарувчилик қарорлари қабул қилишга ўргатувчи<br>5. Вазият субъекти ривожининг янги стратегиялари ва йўллари, янгича баҳолаш услублари ва шу кабиларни ишлаб чиқишга рағбатлантирувчи |
| Расмийлаштириш усули | 1. Босма<br>2. Электрон<br>3. Видео-кейс<br>4. Аудио-кейс<br>5. Мультимедиа-кейс |



Кейсологнинг (шу ўринда ва кейинчалик - кейсни ишлаб чиқувчи) вазифаси кейс турининг қўйилган дидактик мақсадларни оптимал амалга оширишга имкон берадиган ўзига хос хусусиятларини танлаш ва қўллашдан иборат.

**Кейсларнинг турли манбалари.** Кейс интеллектуал маҳсулот сифатида ўз манбаларига эгадир. Уларни схематик тарзда қуйидагича акс эттириш мумкин:

**Интеллектуал маҳсулот сифатидаги кейснинг асосий манбалари**

Социум кейсларнинг манбаидир, деган фикр ҳеч кимда шубҳа туғдирмаслиги аниқ. Фақат унинг кейснинг мазмуни ва шаклини қай даражада олдиндан белгилаб бериши мумкинлиги ҳақида турлича фикрлар бўлиши мумкин. Ижтимоий ҳаёт бутун турли-туманлиги билан кейс сюжети, муаммолари ва фактологик базасининг манбаи бўлади.

Таълим ва тарбиянинг кейсда жамланган мақсадлари ва вазифалари, шунингдек таълим технологиясини белгилайдиган **таълим** кейснинг яна бир манбаидир.

**Фан** кейснинг учинчи манбаидир. У таҳлилий фаолият ва бир тизимли ёндашув билан белгиланадиган иккита асосий методологияни, шунингдек, кейсни ҳал этиш жараёнида қўлланиладиган бошқа илмий услубларни яратиб беради.

...-схемада кейс детерминацияси асосий манбаларининг ўзаро нисбати бир хилда ва тенг томонли учбурчак сифатида тақдим этилган. Бу барча манбаларнинг тенг аҳамиятли эканлигининг идеал ва анча кам учрайдиган ҳолати - детерминантдир. Кейсларни қуришнинг реал амалиётида бундай ҳолат анча кам учрайди. Кўпинча манбалардан бирининг устунлик қилиши кузатилади. Схема шаклида олганда манба ролини учбурчак бурчагининг катталиги тарзида тасаввур этиш мумкин. Бунда бурчак қанчалик тўмтоқроқ бўлса, тегишли манба таъсири шунчалик кўпроқ бўлади. Ўткир қирралар тегишлича манбанинг минимал таъсирини акс эттиради.

Ушбу ёндашув кейсларни **асосий манбалари бўйича** таснифлашга асос бўлиши мумкин. Бу ерда қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) *ҳаётий кейслар* - мутлақо реал ҳаётий вазиятларни акс эттиради;

2) *кабинетдаги кейслар* - кейсолог моделлаштирган амалий вазиятни ўз ичига олади;

3) *илмий-тадқиқотчилик кейслари* – тадқиқотчилик фаолиятини амалга оширишга йўналтирилган.



*Ҳаётий кейснинг* асосий вазифаси ҳаётий вазиятни батафсил ва тўлиқ акс эттиришдан иборат. Ўз моҳиятига кўра, бундай кейс вазиятнинг амалий, яъни «ҳаракатдаги» моделини яратади. Бунда бундай кейснинг ўқув мақсади таълим олувчилар тренинги, ушбу вазиятдаги билимлар, қобилиятлар ва феъл-атвор (қарорлар қабул қилиш) кўникмаларини мустаҳкамлашдан иборат бўлади. Бундай кейслар максимал кўргазмали ва батафсил бўлиши керак. Уларнинг асосий мазмуни ҳаётни билиш ва оптимал фаолиятга доир қобилиятларни ҳосил қилишдир.

Гарчи ҳар бир кейс таълим берувчи функцияни бажарса-да, лекин уларнинг барча қирраларининг турли кейсларда акс этиши даражаси турличадир. Кўпроқ таълим берувчи функцияни бажарадиган, ҳаётни бироз бошқачароқ акс эттирадиган кейс *кабинетдаги кейс* дейилади.

Биринчидан, у ҳаётда кўпроқ учрайдиган ва мутахассис ўзининг касбий фаолиятида дуч келадиган типовой вазиятларни акс эттиради. Иккинчидан, таълим берувчи кейсда ўқув топшириқлари биринчи ўринда турадики, бу унда акс этадиган ҳаётнинг анча шартлилик элементига эга бўлишини олдиндан белгилайди. Бу ердаги вазият, муаммо ва сюжет ҳаётда бўладигани каби тус касб этади. Улар сунъийлиги билан тавсифланади ва энг муҳим ва ҳақиқий ҳаётий деталлар конгломератидан иборат бўлади. Бундай кейс вазиятлардаги типикликни кўришга имкон беради ва таълим олувчида вазиятни амалиётдаги шунга ўхшаган вариантни қўллаш орқали таҳлил қилиш қобилиятини шакллантириб боради.

*Илмий-тадқиқотчилик кейси* учун ҳам шундай хусусиятлар хосдир. Унинг асосий мазмуни шундаки, у вазият ва ундаги феъл-атвор ҳақидаги янги билимни олиш учун модель бўлиб хизмат қилади. Унинг таълим берувчи функцияси моделлаштириш услубини қўллаш орқали илмий тадқиқотчилик малакаларини шакллантиришдан иборат. Ушбу кейс тадқиқотчилик моделини яратиш тамойиллари бўйича қурилади. Шунинг учун уни кўпроқ магистратурада, мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимидаги таълимда қўллаш маъқулдир.

Бундай кейсда тадқиқотчилик функциясининг устунлик қилиши уни илмий-тадқиқотчилик фаолиятида анча самарали қўллашга имкон беради.

Кейснинг юқорида ажратиб кўрсатилган манбаларини **асосий, базавий ёки бирламчи** манбалар деб аташ лозим, чунки улар

кейсларга таъсир кўрсатишнинг энг моҳиятли омилларини белгилайди.

Кейсларни шакллантиришнинг **иккиламчи манбаларини** ҳам ажратиб кўрсатилади. Улар базавий манбалардан ҳосил бўладиган тусга эгадир. Қуйида уларга тўхталамиз.

1. Хорижий тажрибалардан кўриниб турганидек, маҳсулотлари тингловчилар учун муайян шахсий аҳамият касб этадиган корхоналар фаолияти кўриб чиқилганида ёки *ахборот «маҳаллий» материалга асосланганида* кейслар муҳокамаси анча мазмунли ва қизиқарли кечади. Лекин бу кейсларда фақат мамлакатдаги корхоналар тажрибаси ёритилиши кераклигини билдирмайди. Бунда у ёки бошқа сифати билан миллий бозорда мавжуд бўладиган корхоналар ва товарлар ёки хизматлар назарда тутилаяпти.

Агар тингловчилар кейсларда баён қилинган ҳодисалар билан боғлиқ бўлган муҳит ва соҳани яхши билсалар, улар ўзларини анча ишончлироқ ҳис этадилар. Уларнинг, масалан, америкалик ёки бошқа хорижий истеъмолчилар феъл-атвори ва мотивларини муҳокама қилиши анча қийин кечади. Ўқитувчи ҳам ўзи субъектини яхши биладиган кейс муҳокамасига моҳирона раҳбарлик қилади. Ҳар қандай ҳолда ҳам бундай кейслар муҳокамасида корхона – кейс объекти вакилини талиф қилишдек ноёб имконият мавжуд бўлади.

2. *Статистик материаллар, бозор аҳволи ҳақидаги маълумотлар, корхонанинг ижтимоий-иқтисодий тавсифномалари ва шу кабилар* кейсга илмийлик ва оддийлик бахш этади. Бунда мазкур материаллар вазиятни ташхис қилиш воситаси ролини бажариши, вазиятни тушуниш учун жуда муҳим бўлган кўрсаткичлар ҳисоб-китоби учун ахборот вазифасини ўташи мумкин.

Статистик материаллардан фойдаланишда тингловчи бу материалларни идрок этиши, қуйидаги каби бир нечта саволларга жавоб бериши керак: «Ушбу материаллар вазиятни тавсифлашда қандай роль ўйнайди?», «Материалларнинг ўзидаги қайси нарсалар вазиятни бевосита тавсифлайди?», «Бундай тавсифномалар қандай ҳисоблаб чиқилади ёки ажратиб кўрсатилади?» ва ҳоказо.

Статистик материаллар кейс матнида ёки иловада жойлаштирилади.



3. *Илмий манбалар, публицистика ва бадиий адабиёт турлари* – булар ҳам кейсни ёзиш учун яна бир манбадир. У ёки бошқа муаммога бағишланган илмий мақолалар, монографиялар ва илмий ҳисоботларни таҳлил этиш орқали ҳам кейс учун яхши материалларни олиш мумкин. Яхши илмий мақола одатда, қандайдир масалани теран тушунтириши билан тавсифланса, илмий монография тадқиқот предметининг бир тизимли, ҳар томонлама тавсифномасини беради. Илмий ҳисоботнинг ўзига хос хусусияти эса, материалнинг долзарблиги ва янгилигидадир. Бундай фан маҳсулотлари ҳар доим ҳам вазиятни баён қилавермайди ва изоҳлаб бермайди. Шунинг учун уларни кейсолог ниҳият нуқтаи назаридан махсус мушоҳададан ўтказиши керак бўлади.

Энг қизиқарли илмий мақолалар кейс-стади методида иккита функцияни бажариши мумкин. Биринчиси шундан иборатки, илмий мақолалар ва уларнинг қисмлари уларни матнга киритиш орқали кейсларнинг таркибий қисмига айланиши мумкин, иккинчиси шундаки, улар кейсни тушуниш учун зарур адабиётлар рўйхатига қўшилиши мумкин.

Агар илмий манбалар кейсга қатъийлик ва оддийлик берса, унда публицистика ва бадиий адабиёт асарлари эмоционал тўлиқлик ва предметли изоҳлиликни яратади.

4. *Интернет* ва унинг ресурслари – кейслар учун туганмас материал манбаидир. Ушбу манба кенг миқёслилиги, тезкорлиги, қулайлиги билан ажралиб туради.

**Кейсларнинг сюжетлилиги бўйича турлари.** Сюжет мавжудлигига қараб кейслар:

-сюжетли;

-сюжетсиз бўлади.

*Сюжетли кейс,* одатда, бўлиб ўтган воқеалар ҳақидаги ҳикояни, шахслар ва корхоналар ҳаракатларини ўз ичига олади.

*Сюжетсиз кейс*, одатда, яққол ифодаланган сюжетга эга бўлмайди, чунки сюжетнинг аниқ ифодаси кўп жиҳатдан ечимни очиб беради. Сиртдан қараганда вазият ташхисига, сюжетни яна қайта тиклашга ёрдам бериши керак бўлган статистик материаллар, ҳисоб-китоблар, ишланмалар мажмуидан иборат бўлади.

**Кейсда баён қилинган вазият сюжетининг вақтдаги изчиллиги бўйича кейснинг турлари.** Кейсда баён қилинадиган вазият сюжетининг вақтдаги изчиллиги ҳам кейснинг таснифий

ўзига хос хусусиятларига ўз таъсирини ўтказади. Ушбу белгига кўра кейсларнинг уч турини фарқлашади:

- Ўтмишдан ҳозирга келиш режимидаги кейс;
- Вақт орқага қайтариладиган кейс-хотира;
- Башорат кейс.

*Ўтмишдан ҳозирга келиш режимидаги кейс* баён қилинадиган ҳодисаларнинг вақтдаги табиий изчиллиги билан тавсифланади, сабаб-оқибатли алоқаларни яхши аниқлашга имкон беради.

*Вақт орқага қайтариладиган кейс-хотирада* вақт орқага қайтарилади: унда ҳаракат қилувчи шахслар нималарнидир эслашади, хотиранинг ўзи узуқ-юлуқ, кўпинча бир тизимсиз ва фрагментар бўладики, бу вақт занжирини қайта тиклашни қийинлаштиради. Ўз моҳиятига кўра, кейс таҳлили вазият реконструкцияси, унинг бирор-бир билиш парадигмаси жиҳатидан идрок қилинишидан иборат бўлади.

*Башорат кейс* яқин ўтмишдаги ва ҳозирги воқеаларнинг анча батафсил баёнини беради, ундаги объектнинг келгусидаги ҳолатининг энг яхши вариантини ишлаб чиқиш вазифасини қўяди.

**Вазият объектига қараб кейслар турлари.** Вазият объектига қараб кейслар шартли равишда уч гуруҳга бўлинади:

- *Шахсларга оид кейс,* унда аниқ субъектлар: менежерлар, сиёсатчилар, раҳбарлар амал қиладилар.
- *Ташкилий-институционал кейс* - унинг объекти институционал тизимлар: ташкилотлар, фирмалар, компаниялар, корхоналар ва улар бўлинмалари бўлиши билан фарқланади.
- *Кўп объектли* кейс – одатда бир нечта ҳаракат қилувчи объектларни ўз ичига олади.

**Материални баён қилиш усулига кўра кейслар турлари.** Материалларни етказишнинг жанрга хос хусусиятларига қараб кейс қуйидаги турлардан бири шаклида тақдим этилиши мумкин:

- ҳикоя;
- эссе;
- таҳлилий ёзишма;
- журналист терғови;
- ҳисобот;
- очерк;
- фактлар мажмуи;
- статистик материаллар мажмуи;



- ҳужжатлар ва ишлаб чиқариш намуналари мажмуи.

**Катталигига қараб кейслар турлари.** Кейслар катталигига қараб уч турли бўлади:

- қисқа (лўнда) кейс;
- ўртача миқдордаги кейс;
- катта (узун) кейс.

Кейснинг катталиги унинг ҳажмига боғлиқ бўлади ва уни таҳлил этиш учун зарур ўқув вақтини белгилайди.

*Қисқа кейс* - шунингдек «европача», қисқа кейс деб ҳам аталади. Унинг ҳажми бир неча жумладан бир-икки саҳифагача бўлади. Унинг ечими икки соатлик амалий машғулотнинг бир қисмини банд қилишга мўлжалланган.

*Ўртача миқдордаги кейс* – унинг кўриб чиқилиши одатда икки соатлик машғулотни банд қилади.

*Катта кейс* («америкача», узун) – ўнлаб саҳифаларни ўз ичига олади, бир неча амалий машғулотлар давомида ва ҳатто бутун ўқув курси мобайнида қўлланилиши мумкин.

**Таркибий тузилиши бўйича кейслар турлари.** Тузилмавий хусусиятларига қараб кейсларнинг икки тури фарқланади:

- *тузилмага келтирилган;*
- *тузилмага келтирилмаган.*

*Тузилмали кейс* ўзининг тузилмали шакли жиҳатидан вазиятнинг идрок этилиши ва фикрланишини енгиллаштирадиган ахборотни ўз ичига олади.

*Тузилмага эга бўлмаган кейс*, одатда, муаммони батафсил (баъзан, ҳатто ҳаддан ортиқ тафсилотлари билан) ёритадиган катта ҳажмдаги тузилмаланмаган ахборотни ўз ичига олади.

**Ўқув топшириғини тақдим этиш усулига кўра тестлар турлари.** Ушбу таснифлаш асосига кўра кейслар икки турда бўлади:

- *Саволли кейс* – унинг ечилишида тингловчилар вазият баён қилинганидан кейин қўйиладиган саволларга жавоб бериши керак.
- *Кейс-топшириқ* - кейсни ҳал қилиш жараёнида бажарилиши лозим бўлган вазифа ёки топшириқ, одатда вазият баёнигача қўйилади.

**Дидактик мақсадларига кўра кейслар турлари.** Ушбу таснифлаш асосига кўра кейсларнинг беш тури фарқланади:

1. *Муаммо, ечим ёки концепцияни изоҳловчи кейс.* Таниқли ва муваффақият билан ишлайдиган корхоналар (компаниялар)нинг узоқ муддат давомидаги иш фаолиятини баён қилади (мақсадлари, стратегиялари, маҳсулот модификациялари, турли бозорлардаги иши ва бошқалар).

Бундай кейснинг таълимий мақсади – мисол орқали ўқитиш. Режалаштириладиган ўқув натижалари – тўғри қабул қилинган қарорларни эслаб қолиш, таниқли ва муваффақият билан ишлайдиган корхоналар ва тармоқларнинг амалиёти билан танишиш.

2. *Тренингли, ўқув фани, мавзу бўйича малака ва кўникмалар орттиришга мўлжалланган кейс.* Унинг таълимий мақсади - тингловчиларга бирор-бир ҳаракатларни бажариш алгоритмини ўргатиш.

Тингловчи қуйидагиларни ўрганиши керак: муайян модель, формула, ҳисоб-китоб алгоритмини қўллаш, берилган одатий вазиятда ягона тўғри қарорни қабул қилиш.

3. *Таҳлил ва баҳолашга ўргатувчи кейс.* Бундай кейсда аниқ вақт давридаги вазият баён қилинган, вазият субъекти олдида турган муаммолар аниқланган ва аниқ ифодаланган бўлади.

Тингловчи вазиятни тушуниши, таҳлил қилиши ва баҳолаши, қўйилган муаммо юзасидан қарор қабул қилиши лозим.

4. *Муаммони ажратиш ва ечиш, бошқарувчилик қарорлари қабул қилишга ўргатувчи кейс.* Мураккаб шаклда баён қилинган вазиятга эга. Муаммо вазиятга киритилади-ю, лекин аниқ намоён бўлмайди. У статистик маълумотлар, корхона ҳисоботлари, бўлинмалар раҳбарлари нутқлари ва шу кабиларда тақдим этилган.

Тингловчилар муаммони аниқлаши ва ифодалаши, уни ҳал этиш усуллари ва воситаларини кўрсатиши керак.

5. *Вазият субъекти ривожининг янги стратегиялари ва йўллари, янгича баҳолаш услублари ва шу кабиларни ишлаб чиқишга рағбатлантирувчи кейс.* Бундай кейснинг ўзига хос хусусияти шундаки, бошқарувчилик муаммоси корхона фаолиятининг муайян турига, муайян асосий шарт-шароитларга боғлаб баён қилинади.

Тингловчидан вазият субъектини ривожлантиришнинг янги стратегияси ва йўлларини топиш талаб қилинади. Бундай кейсдаги вазиятда ахборотнинг бир қисми бўлмаслиги мумкин. Ахборотга эҳтиёжни аниқлаш ва уни топиш – тингловчининг яна бир вазифасидир.



**Безатиш усулига қараб кейслар турлари.** Кейслар тингловчиларга турли шаклда тақдим этилиши мумкин: босма, электрон, видео-кейс, аудио-кейс, мультимедиа-кейс.

Ўқитиш амалиётида, одатда, босма шаклдаги ва электрон ташувчилардаги кейслар қўлланилади – бундай шаклдаги ахборот билан ишлаш аудио ёки видео вариантлардагига нисбатан қулай ва таҳлил қилиш осонроқ. Бундан ташқари, кўп марталаб интерфаол кўздан кечириш имкониятларининг чекланганлиги бирламчи ахборотнинг бузилиши ва хатоларга олиб келиши мумкин. Мультимедиа – кейсларнинг имкониятлари юқорида кўрсатилган қийинчиликларнинг олдини олишга имкон беради ва ўзларида матнли ахборот ва интерактив видео тасвир устунликларини мужассам этади.

**Кейсни ишлаб чиқиш жараёнининг процессуал тизими**

**Кейсни ишлаб чиқиш модели.** Кейснинг яратилиш жараёни мураккаб процессуал тизимдан иборат бўлади. Кейсни ишлаб чиқиш моделининг умумий схемаси қуйидаги 1-схемада келтирилган.

Схемадан кўриниб турганидек, кейснинг шакллантирилишига бир қатор омиллар таъсир қилади. Улардан асосийлари қуйидагилар:

1. *Ўқув фани бўйича Давлат таълим стандарти (ДТС)даги кейсни ишлаб чиқишга асос бўлган таълим тизими талаблари* - кейснинг фанни ўқитиш тизимидаги ўрни, унинг мақсадлари ва ўқув натижалари, тингловчилар кейсни ҳал қилиш учун олдиндан эгаллаши лозим бўлган билимларни белгилайди.

2. *Ушбу фан бўйича назарий, амалий ва дидактик талаблар* – таълим мазмуни; таълим мақсадларининг амалга оширилиши ва башорат қилинадиган ўқув натижаларига эришишни таъминлайдиган воситалар, ўқитиш услублари ва шакллари, ахборот-коммуникация ва бошқарув усуллари ва воситаларини; таълим жараёнининг кечиши ва натижаларини белгилайдиган қонуниятлар, тамойиллар, қоидалар ва меъёрларни белгилайди.

3. *Социум, институционал тизимдан иборат кейс объектида ҳамда ДТСда юз бериши мумкин бўлган ўзгаришлар* – бу омиллар кейсга ўзгартишларни киритиш орқали ахборот таъминотида тезкорлик билан акс этиши керак.

4. *Кейсологнинг касбий маҳорати* - бу кейсни бажарувчининг ўқув предмети бўйича билимлари мажмуи, кейсни ишлаб чиқиш, таълимнинг кейс-технологиясини лойиҳалаштириш, режалаштириш ва амалга ошириш қобилиятидан иборат бўлади.

Кейсни ишлаб чиқиш жараёнининг ўзи кейсологнинг мақсадни фараз қилишидан бошлаб то кейсни таълим жараёнига жорий этишгача бўлган жами ҳаракатларининг муайян изчилликда амалга ошириб борилишидан иборат.

1-схема

**Кейсни ишлаб чиқиш моделининг умумий схемаси**






**Кейсолог фаолияти мазмунини босқичма-босқич кўриб чиқамиз.**

**Мақсаднинг қўйилиши.** Кейсни ишлаб чиқишнинг ушбу биринчи босқичи қуйидаги ҳаракатларни ўз ичига олади:

- кейснинг ўқув курси тузилмасидаги ўрнини белгилаш;
- унинг таълимий мақсадини ифодалаш (тингловчиларни таништириш, кейс мавзуси бўйича ҳақидаги билимларни шакллантириш,чуқурлаштириш, ўргатиш, малакаларни орттириш, кўникмаларни ривожлантириш ва ҳоказо);
- кейсда тингловчиларнинг таълимдаги ютуқлари натижалари учун «масъулият зонаси»ни аниқлаш;
- ўзлаштирилиши, кенгайтирилиши, ривожлантирилиши лозим бўлган билим, малака ва кўникмалар рўйхати (... ни таҳлил этади, тузади (бизнес-режа), ишлаб чиқади (маркетинг стратегияси), ... га тайёрлик, кўникмани намоён этади ва ҳоказо);
- ечими тингловчиларнинг мўлжалланган ўқув натижаларига эришишини таъминлайдиган педагогик вазифаларнинг белгиланиши (... ни ўргатиш, ... ни бир тизимга солиш, ... ни тушунтириш ва ҳоказо).

Тингловчи – кейсологнинг аниқ ва бир хилда ифодаланган таълимий мақсадлари, ўқув натижалари ва вазифалари вазиятга доир машқни «қуриш» учун асос бўлади.

**Муаммонинг ифодаланиши.** Муаммо қандайдир ҳаракатлар қилиш учун етилган зарурат билан уни амалга ошириш учун шарт-шароитлар етишмаслиги ўртасидаги зиддиятнинг амал қилиши ва ифодаланиши шаклидан иборатлиги сабабли муаммонинг ифодаланиши ана шу зиддиятни белгилаш, сўнгра унинг асосий таркибий қисмлари – муаммо тузилмасини (кичик муаммоларни) белгилашни назарда тутади.

**Кейс дастурий картасининг қурилиши.** Кейс дастурий картасининг қурилиши кейсни ишлаб чиқишнинг энг муҳим босқичларидан бири. Кейснинг дастурий картаси кейс учун ахборот йиғиш ва вазиятни баён қилиш учун асос бўладиган асосий масалалар (тезислар)нинг тузилмаланган рўйхатидан иборат бўлади.

Қуйида келтирилган мисолдаги кейснинг дастурий картаси саволлар шаклида ишлаб чиқилган. Бу тингловчи – кейсологнинг

ахборот йиғиши, шу жумладан, интервью шаклида йиғиши ва уни баён қилиши вазифасини енгиллаштиради.

**Институционал тизимнинг изланиши, танланиши.** Кейсни ишлаб чиқишнинг ушбу босқичига киришишдан олдин кейсолог қуйидаги қарорларни қабул қилади:

• Кейснинг қандай (ҳаётийлик, кабинетли ёки илмий-тадқиқотчилик) тусида бўлишини белгилаш.

• Кейс объекти кимлар, нималар (муайян шахс (шахслар) ёки корхона ёхуд кўп объектли) бўлишини белгилаш.

Фақат шундан кейин кейсни ишлаб чиқувчи тегишли институционал тизимни танлайди (кабинетли кейс учун) ёки топади (ҳаётий ёки илмий-тадқиқотчилик кейси учун).

**Институционал тизим** - кейсологнинг кейс дастурий картасини амалга оширишига бевосита дахлдор бўлган объектдир.

Улар қуйидагилар бўлиши мумкин:

• фирма;

• ташкилот;

• корхона ва ҳоказо.

**Ахборот йиғиш усуллари ва воситаларининг танланиши.** Кейс учун ахборот *йиғиш усуллари* сифатида қуйидагилар танланиши мумкин:
интервью, суҳбат, ўрганиш (архив ҳужжатлари, ҳисоботларни), кузатув ва ҳоказо.

Қуйидагилар ахборот *йиғиш воситаси* бўлиб хизмат қилиши мумкин: сўровнома варағи, интервью олиш варағи, анкета, ҳар хил жадваллар, меъёрий ҳужжатлар, илмий мақола, монография, ОАВ материаллари ва бошқа манбалар билан ишлаш усуллари.

**Ахборот йиғиш.** Кейсга асос бўладиган ахборотларни излаш ва йиғиш уни ёзишдаги муҳим муаммодир. *Қуйидагилар ахборот манбалари бўлиши мумкин*:

• статистик материаллар, ҳисоботлар;

• вазият объекти фаолияти ҳақидаги маълумотномалар, ахборотлар, проспектлар ва бошқа маълумотлар;

• Интернет;

• оммавий ахборот воситалари;

• корхонанинг рақобатчилари, уларнинг таъминотчилари ва истеъмолчилари, тармоқдаги экспертлар ёки турли инвестицион фондлар таҳлилчилари билан мулоқот;



• тингловчиларнинг ўқув ва диплом лойиҳалари, магистрлик диссертациялари;

• илмий мақолалар, монографиялар ва бошқалар.

**Вазият.** Вазият - кейснинг асосий тузилмавий компоненти ҳисобланади.

***Кейсда баён қилинган вазият*** корхонага шу пайтда ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган параметрлар, ўзгарувчан омилларнинг аниқ туркуми шаклида ифодаланади. Бошқача айтганда, у вазият объекти ҳақидаги релевант (муаммони ҳал этиш учун муҳим) маълумотлар рўйхатидан иборат бўлади.

Вазият мазмуни тингловчиларнинг келгусидаги фаолияти учун хос бўлган ишлаб турган корхоналар ёки моделлаштирилган корхоналарнинг ҳаётидаги реал воқеаларга асосланади.

Муваффақиятли вазиятли машқлар турли иштирокчилар ўртасидаги суҳбатларни ўз ичига олиши мумкин, тингловчилар (кейсдан фойдаланувчилар) вазиятнинг реаллигини ҳис этишларига ёрдам берадиган бошқа публицистик усуллар ва воситалар ҳам ишлатилади.

Вазиятнинг кейсдаги баёни ва унинг ахборот таъминоти қуйидагиларга кўра турлича бўлиши мумкин:

• *ҳажмига кўра:* бир неча жумладан тортиб, то юзлаб саҳифали матнгача;

• *деталлаштириш даражаси ва ахборотга бойлигига кўра:* таҳлил предметига бевосита тегишли бўлмаган ахборотнинг мавжуд бўлиши ёки, аксинча, вазият элементларидан бири ҳақидаги ахборотнинг бўлмаслиги ҳам мумкин.

Кейснинг мавзуси ва мақсадига қараб вазиятда шериклар, рақиблар ва (ёки) вазият субъекти биргаликда фаолият юритадиган бошқа ҳаракат қилувчи шахслар, вазият амал қилиши ва ўзгаришига асос бўладиган шарт-шароитлар ҳақидаги маълумотлар ҳам бўлиши мумкин.

*Вазиятнинг баён қилинишида ишлатилган тўлдирувчи материаллар, бир томондан, кейсдан фойдаланувчиларни уни ҳал этиш учун зарур муайян тузилмага келтирилган ахборот билан таъминлайди, бошқа томондан эса, вазиятнинг кўргазмали ахборотли негизини ташкил этади.*

**Вазият моделининг қурилиши.** Кейсологнинг кейсни ишлаб чиқиш бўйича фаолиятининг ушбу босқичидаги мазмунини унинг қуйидаги қарорлари белгилайди:

• Кейс қандай бўлади: сюжетли ёки сюжетсиз?

• Кейсдаги воқеалар ахборотни баён қилишнинг вақт бўйича изчиллиги ўтмишдан ҳозирга келадиган ёки кейс-хотира ёхуд башоратли бўладими?

• Вазиятга оид машқ қандай жанрда баён қилинади: ҳикоя ёки эссе ёхуд таҳлилий ёзишма ёки бошқача шаклда?

Кейсолог қабул қилинган ечим асосида вазият моделини қуради.

***Кейсдаги вазият модели*** вазият субъекти фаолиятининг идеал инъикосидан иборат бўлади ва ифодаланган муаммо ташувчиси ролини бажаради. Ташқи кўринишига кўра бу ҳодисаларнинг муайян занжири ёки ҳодисалар доираси, ҳодисалар боғлами ва шу кабилар бўлиши мумкин.

Модель вазиятнинг турга оид белгиларини танлаш асосида шакллантирилади (...-жадвалга қаранг).

Вазият моделини қуриш муваффақияти унинг ўрганилаётган мавзу ёки ўқув предметига мувофиқ бўлиши даражасига қараб, шунингдек, унда ностандарт, муайян нуқтаи назарлар борлигига кўра белгиланади. Бу эса, унга муаммонинг ноодатий ечимини бахш этиб, тадқиқотчилик мотивациясини ҳосил қилади.

**Кейс матнининг ёзилиши.** Кейсолог кейсни ёзишга киришишдан олдин қуйидаги масалаларга доир ечимларни қабул қилади:

• Кейс ўз ҳажмига кўра қисқа ёки ўртача миқдорда ёхуд катта бўладими?

• Бу саволли кейсми ёки кейс-топшириқми?

• Кейсда муаммо қандай усулда берилади?

*1-усул* – муаммони кейсолог ифодалайди.

*2-усул* – вазиятдаги муаммо яққол ифодаланади, лекин бунда вазиятнинг зарур элементларидан бири (масалан, шериклар ҳақидаги) ахборот бўлмайди.

*3-усул*–матнда вазият субъектлари ўртасидаги зиддият мавҳум ифодаланади.

• Кейс тузилмаси бўйича қандай бўлади?

Гап шундаки, кейс бу шунчаки моҳирона бир ҳикоя ёки муайян воқеаларнинг оптимал сонли саҳифалардаги оддий баёни эмас. Юқорида қайд қилинганидек, у аввало, муайян ўқув мақсадларига эришиш учун қўлланиладиган педагогик воситадир.



Шу сабабли кейс тузилмаси уч асосий таркибий қисм билан белгиланади:

*1) мотивацион* - кейснинг долзарблиги, унинг мақсади ва тингловчи кейсни ҳал қилишда эришадиган ўқув натижаларини белгилайди;

*2) сюжетли* - у кейсдаги амалий вазият мазмунини очиб берадиган ҳаракатлар, воқеалар мажмуидан иборат бўлади;

*3) информацион* - у вазият таҳлили учун зарур ахборотни ўз ичига олади.

Сюжетли ва информацион қисмлар нисбатан мустақил тарзда ва чамбарчас боғлиқ ҳолда ҳам амал қилиши мумкин (...-схема).

*Тингловчининг ҳал қилиши учун таклиф этиладиган ҳар қандай кейсда унинг мақсади ва топшириғи, саволлари аниқ ифодаланган бўлиши лозим. Улар топшириқни ҳал этиш учун зарур ва етарли ахборот ҳажмини ўз ичига олиши керак.*

Кейс мазмунини ташкил қилувчи асосий компонентларининг таркибий тузилишини қуйидаги 2-схема кўринишида ифодалаш мумкин:

2-схема

**Кейс мазмунининг таркибий тузилиши**




☐ - Мажбурий таркибий қисм (компонент).

Кейснинг ушбу тузилмали компоненти кейс долзарблигининг асосини, унинг таълим берувчи мақсади ва тингловчилар кейсни

ҳал қилиш натижасида эришиши мумкин бўлган назарда тутиладиган ўқув натижаларини ўз ичига олади.

**Кейс объектининг тарихий баёни.** Ушбу компонент катта (америкача, узун) кейсларда доим бўлади.

Кейс объектининг тарихий баёни тўғрисидаги маълумотлар муаммонинг ретроспектив таҳлилини ўтказиш, унинг сабаблари ва ривожланиш тенденцияларини белгилашга имкон беради.

## МУЛЬТИМЕДИА - ТАЪЛИМ МЕТОДИ

***Мультимедиа*** *– замонавий компьютер технологиялари ёрдамида матн, тасвир, графика, анимация, жадвал, аудио, видео эффектларини ўзида мужассамлаштирган маълумотларни фойдаланувчиларга етказиб бериш методи-техналогиясидир.*

Мультимедиа (мульти – кўп, медиа – муҳит) – бу компьютер технологияларининг соҳаси бўлиб, турли ахборот сақловчи воситалардаги ҳар хил физик кўринишда ифодаланган ахборотларга ишлов беради.

Мультимедиа воситалари ***виртуал борлиқ, видеотасвирлар, анимация, товуш, расм, фото, график, схема, ранглар, ёруғ-соя ҳодисалари, матн*** кабиларни ўз ичига олади.

## МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Масофавий таълим (лотинча "дистанция" - масофадан фойдаланиш) ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги тўғридан-тўғри, шахсий алоқасиз "масофадан ўқитиш" имконини яратиб берувчи замонавий ахборот ва телекоммуникацион технологиялардан фойдаланиш бўлиб, унга кўра таълим жараёни янги ахборот технологиялари, мультимедиа тизими ёрдамида ташкил этилади. У ўқув фанлари бўйича ўзлаштириш самарадорлигини таъминлаш; идрок этиш қобилиятини ривожлантириш каби имкониятларга эга. Компьютер таълими масофавий таълимнинг ўзига хос тури саналади.



**Масофавий ўқитиш тизими**
**my.estudy.uz —**



Масофавий таълим методи ўз таркибига бирқанча таълим шаклларини олади. Улардан айримларини кўриб чиқамиз.

## ИНТЕРНЕТ КОНФЕРЕНЦИЯЛАР - ТАЪЛИМ МЕТОДИ



Интернет конференциялар – бу муайян муаммони ҳал қилаётган гуруҳ иштирокчиларининг Интернет тармоғи орқали конференц алоқаси ёрдамида ўзаро ахборот алмашиниши жараёнидир. Табиийки, бу технологиядан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси чекланган бўлади. Адабиётларда телеконференция атамасини кўп учратиш мумкин. Телеконференция ўз ичига конференцияларнинг *уч* турини: **аудио, видео ва компьютер** конференцияларини олади. Компьютер конференцияси иштирокчилари сони аудио ва видеоконференциялар иштирокчилари сонидан анча кўп бўлиши мумкин.

## АУДИОКОНФЕРЕНЦИЯЛАР

Улар ташкилот ёки фирманинг ҳудудий жиҳатдан узоқда жойлашган ходимлари ёки бўлинмалари ўртасида коммуникацияларни сақлаб туриш учун аудиоалоқадан фойдаланади. Иккитадан кўп иштирокчи сўзлашувда қатнашишини таъминлайдиган қўшимча қурилмалар билан жиҳозланган телефон

алоқаси тизими аудиоконференцияларни ўтказиш учун қўлланиладиган энг оддий техника воситаси ҳисобланади. Аудиоконференцияларни ташкил этиш компьютер бўлишини талаб этмайди, фақатгина унинг иштирокчилари ўртасида икки томонлама аудиоалоқадан фойдаланишни кўзда тутади. Аудиоконференциялардан фойдаланиш қарорлар қабул қилиш жараёнини енгиллаштиради, у арзон ҳам қулай.

## ВИДЕОКОНФЕРЕНЦИЯЛАР

Видеоконференциялар ҳам аудиоконференциялар қандай мақсадларга мўлжалланган бўлса, шундай мақсадларга мўлжалланган, лекин бунда видеоаппаратура қўлланилади. Видеоконференция – бу шундай компьютер технологиясики, у орқали фойдаланувчи шахслар бир-бирларини реал вақтда кўради, эшитади ва маълумотлар билан алмашади. Видеоконференцияни ўтказиш компьютер ва мониторлар бўлишини талаб этади.

Масофадан туриб мулоқотнинг видеоконференция шакли **1964** йилда AT&T компанияси томонидан ишлаб чиқилган Videophone (реал вақтда овоз ва тасвирни алмашиш) қурилмасидан бошланади. Бу қурилма ёрдамида иштирокчиларнинг масофадан бир-бирларини реал вақтда кўриб турган ҳолда мулоқотларини ташкил қилинган.

Видеоконференция жараёнида бир-биридан анча узоқ масофада бўлган унинг иштирокчилари экранда ўзларини ва бошқа иштирокчиларни кўриб турадилар. Телевизион тасвир билан бир вақтда овоз ҳам эшитилиб туради. Масофадан видеоконференция тизими – матнли ахборотлар алмашиш, файллар алмашиш имконини беради. Шуниси билан видеоконференция шаклида масофадан туриб интерфаол ўқитиш тизими Интернет ёки локал тармоқ орқали ўқитишдан ҳамда радио ёки телевидение орқали маъруза ўқишдан фарқ қилади. Видеоконференцияда ташқи электрон доскадан фойдаланилганда ўқитувчи доскага ёзади ва уни видеоконференция алоқаси кўмагида бошқа аудитория тингловчиларига кўрсатилади.

Электрон доскадан масофадан ўқитиш тизими фойдаланувчилари бир хил фойдаланишлари мумкин, яъни бир доскага чизилган расм бошқа аудиториядаги доскаларда ҳам кўрсатилади. Дарс олиб бориш жараёнида видеокамера автомат



тарзда маъруза ўқиётган профессор, талаба ёки савол берувчи томонга бурилади.

Видеоконференция ўтказиш учун асосан иккита шартни бажариш лозим:

а) видеоконференцияни амалга ошириш учун зарур бўлган компьютер (техник) қурилмалари;

б) видеоконференцияни ўтказиш талабига жавоб берувчи алоқа каналларидан фойдаланган ҳолда мулоқотга чиқувчилар билан боғланиш.

Видеоконференциялар транспорт ва хизмат сафари харажатларини анча қисқартириш имконини беради. Бунда узоқда жойлашган таълим олувчиларда таълимни ўзлаштириш самарадорлиги ошади.

## ФОРУМЛАР - ТАЪЛИМ МЕТОДИ

***Форум тушунчаси.*** Интернет тармоғида форумлар веб-сайт кўринишида бўлади ва Веб-форум деб аталади. Веб-форум - веб-сайт ташриф буюрувчиларининг ўзаро мулоқотини ташкил этиш учун мўлжалланган веб-сайт саҳифалари ва ускуналари мажмуи. Қисқача айтганда, форум бу веб-сайтнинг ташриф буюрувчилари мулоқот ўрнатадиган майдончаси. Бунда ихтиёрий фойдаланувчи форум веб-сайтига ташриф буюриб, ўзини қизиқтирган мавзуни ўртага ташлаши ва веб-сайтнинг бошқа ташриф буюрувчилари билан муҳокама қилишлари мумкин.

Форум мулоқотнинг яна бир оддий тури бўлиб, бу мулоқотда ихтиёрий вақтда ихтиёрий жойдан қатнашиш ҳам мумкин. Форумни ўтказишда бирор мавзу танланади ва у муҳокамага қўйилади. Қатнашувчилар музокара жараёни билан танишиб, ўз фикрларини жўнатишлари мумкин. Бу усулда сиз муҳокамада қатнашаётганларни кўрмайсиз, факатгина уларнинг фикрлари билан танишиб чиқишингиз мумкин. Форумда турли-туман мавзулар муҳокама қилинади. Бунда сиз бирор мавзуни танлаб, уларнинг муҳокамасида иштирок этишингиз мумкин.

***Миллий ва халқаро интернет форумлари.*** Интернет форумлари алоҳида йўналишларга ихтисослашган ёки умумий бўлиши мумкин. Ихтисослашган Интернет форумларига медицина, дастурлаш технологиялари, дизайн ва мода, компьютер ўйинлари ва транспорт воситаларига бағишланган форумлар мисол бўлади.

Ихтисослашган форумларда фақатгина мўлжалланган соҳага оид мавзулар муҳокама қилинади, умумий форумларда эса, ихтиёрий мавзуни ўртага ташлаш мумкин.

Ҳалқаро форумлар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- ***Medicinform.ru*** форуми – ушбу форум тиббиёт соҳасига ихтисослашган бўлиб, у орқали касалликлар ва уларни даволаш, дори воситалари ва уларни тўғри қўллаш ҳамда тиббиёт бўйича юридик маслаҳат олиш мумкин.

- ***Progz*.ru** форуми – ушбу форум дастурлаш технологияларидан фойдаланиш, компьютер дастурий воситаларини ишлаб чиқиш ва дастурлаш билан боғлиқ юзага келган муаммоларни муҳокама қилишга мўлжалланган.

- ***Avtomobili*.ru** форуми – ушбу форум автомобиль ишқибозлари форуми бўлиб, унда автомобиллар брендлари, маркалари ва турлари ҳамда уларни таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш мумкин.

- ***Stopforum*.ru** форуми – бу компьютер ўйинлари форумидир. Бунда ўйинларнинг турлари, уларни ўйнаш сирлари ва юзага келган муаммолар муҳокама қилинади.

- ***WildDesign*.ru** форуми – бу форумда дизайн, мода ва тасвирий санъат ихлосмандлари ва ижодкорлари фикр алмашишади. Бундан ташқари ижодкорлар асарларидан баҳраманд бўлиш мумкин.

- ***Uforum.uz*** **- миллий форуми**. *Uforum*.uz миллий форум ҳисобланиб, у Республикамизнинг ахборот технологиялари, таълим, маданият, молия, соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳамда давлат сектори ва электрон ҳукумат тузилмасида рўй бераётган масалалар муҳокамасини ўз ичига олади.

## ВЕБИНАР МЕТОДИ

**Вебинар методи** – замонавий ахборот-коммуникация технологиялари (компьютер, монитор, мультимедиа ва шу каби воситалар) ёрдамида турли жойлардаги иштирокчилар билан масофадан туриб ўтказиладиган интерфаол машғулот тури. Вебинар методи ёки ***"Webinar" технология тушунчаси мулоқотга 1998 йилда кириб келди.***

**Вебинар методида** дарс масофавий семинар ёки конференция шаклида Интернет орқали бир вақтда ҳозир бўлган талабалар билан масофавий таълим тизимида қўлланаётган кўплаб интерфаол аудио



видео алоқа воситалари ёрдамида жонли олиб борилади. Бу дарсларни келгусида керак даражада фойдаланиш учун ёзиб олиш мумкин. Бу методда олиб бориладиган бутун ўқув ёки курс жараёнидаги дарслар ягона ўқув дастуридаги изчилликда ўзаро узвий боғланмайди, улар алоҳида-алоҳида бир марталик дарслардан иборат бўлади.





## ЎҚИТИШНИНГ 4 ПОҒОНАЛИ МЕТОДИ

### Касбий ҳаракатларни бажариш кўникмаларини ўргатиш методи

Ўқитишнинг 4 поғонали методи дастлаб АҚШда пайдо бўлган. Саноат корхоналарида конвейерли ишлаб чиқариш кўпайган сари шундай ўргатиш усуллари зарур бўлиб қолдики, ишчилар бир хилда қайтариладиган қўл ва бошқа тана аъзолари ҳаракатини тўғри бажариш кўникмаларини иложи борича тез ва мукаммал равишда ўрганиб олишлари керак эди. Бу метод бўйича амалий кўникмаларни ўзлаштириш жараёни 4 та поғонали босқичлар доирасида кечади.

Бу поғоналарнинг номи: «Тушунтириш», «Нима қилиш кераклигини кўрсатиб бериш», «Кўрсатилган тарзда қайтариш», «Машқ қилиш».

Бу метод бўйича масалан, амалиёт ўқитувчиси талабаларга аввал бирор ишни бажаришнинг кичикроқ алоҳида босқичини тушунтириб беради, кейин нима қилиш кераклигини ўзи бажариб

кўрсатади. Сўнгра талаба шу иш босқичини кўрсатилгандек бажариб такрорлаши (имитация қилиши) керак.

Талаба такрорлаб бажараётган пайтда амалиёт ўқитувчиси хатоларини тўғрилаб туради (мақтайди ёки танқид қилади). Ундан кейин эса, талаба шу иш босқичини мукаммал ўзлаштиргунича машқ тарзида кўп марта такрорлаб бажаради.




**Ўқитишнинг 4 поғонали методини қўллашдаги ҳаракатлар.** 4 поғонали методни қўллашда шу поғоналар бўйича амалиёт ўқитувчиси талабалар билан гуруҳли ҳамда якка тартибда иш олиб боради. Бунда ўқитувчи 1 ва 2-поғоналарда гуруҳ билан, 3 ва 4-поғоналарда эса, ҳар бир талаба билан якка тартибда ишлаши асосий аҳамиятга эга бўлади. Бу ҳаракатларнинг мазмуни қуйидагича бўлади:

**1-поғона.** Амалиёт ўқитувчиси нима қилиш кераклигини тушунтиради. У талабаларга маълум бир иш босқичи ёки бир кўникмани қўллаш учун керакли барча маълумотларни беради. Талабалар ўқитувчининг оғзаки тушунтиришларини тинглаб, тушуниб борадилар.

**2-поғона.** Амалиёт ўқитувчиси тушунтирилган иш босқичи қандай бажарилиши кераклигини ўзи бажариб кўрсатади, талабалар эса, диққат билан кузатиб, эслаб қоладилар. Одатда, ўқитувчи нима қилаётгани ҳақида талабаларга изоҳлар бериб, такрорлаб намойиш этиб боради.



**3-поғона.** Амалиёт ўқитувчиси кўрсатиб берган иш босқичини бажариш ҳаракатларини талабалар кўрсатилган тарзда қайтарадилар. Ўқитувчи улар бажараётган ҳаракатлар юзасидан ўз фикрини билдириб, хатоларни тўғрилаб туради.

**4-поғона.** Ҳар бир талаба тегишли иш босқичи бўйича ҳаракатларни ўқитувчи кўрсатиб бергандек қайтариб бажариб кўради ва ўқитувчининг бу иш босқичини тўғри бажариш бўйича изоҳларини тушунганидан кейин, бу иш босқичини кутилган натижага эришмагунича такрорлаб машқ қилишда давом этади.

Шундан кейин амалиёт ўқитувчиси ишнинг кейинги босқичига доир ҳаракатни ўргатишга ўтади. Бу босқич ҳам 4 поғонадан иборат бўлиб, қуйидаги мазмунда бўлиши мумкин:

- машғулотда ҳар бир ҳаракатни ўргатишнинг бошланишида амалиёт ўқитувчиси томонидан назарий ва амалий маълумотлар берилади, сўнг эса, талабаларнинг шу ҳаракатларни амалий бажариш машқлари билан алмашинади;
- талабаларнинг ҳаракатлари амалиёт ўқитувчиси кўрсатиб берган ҳаракатлар доираси билан чекланади;
- талабалар якка тартибда ўрганиш (ўзлаштириш, машқ қилиш)га йўналтириладилар, лекин уларнинг мустақил фикрлашга ҳақлари йўқ, чунки ўрганилаётган касбий ҳаракатни бошқача бажариш албатта нохуш ҳолатларга олиб келади;
- ишни ташкил қилиш (иш тартиби) одатда, ҳеч қандай янгича ёндашувларга йўл қўймайди.

**Ўқитишнинг 4 поғонали методини қўллаш юзасидан йўл-йўриқлар.**

**1-поғона. Тушунтириш-қизиқтириш (мотивация), маълумот ва йўриқнома бериш.** Амалиёт ўқитувчиси аввал бу йўриқнома бериш (инструктаж)ни ўқув хонасида ёки иш ўрнида ўтказиш мақсадга мувофиқлигини ҳал қилади. Бу эса, инструктажнинг моҳияти ва турига боғлиқ. У инструктаж вақти 20-30 дақиқадан ошиб кетмаслигини режалаштиради.

Ўрганилаётган мавзу бўйича ишни бажаришга қаратилган топшириқ юзасидан инструктаж талабаларнинг қизиқишини уйғотишдан бошланади, чунки уларнинг қизиқиш ва эътибори ўрганилаётган нарсага қаратилиши керак.

Сўнгра амалиёт ўқитувчиси талабаларга амалий топшириқни бажариш учун керакли барча маълумотларни беради ва

бажариладиган жараёнларни тушунтиради. Шу пайтда у ўзининг амалий иш тажрибасидан келиб чиқиб, мавзуга доир барча ўқув-дидактик материаллардан, масалан, чизмалар, иш режалари, эксплуатация бўйича инструкциялар, инструментлар ва хом ашёлардан кўргазмали материаллар сифатида фойдаланиши мумкин.

Ўқитувчи иш босқичларини уларнинг кетма-кетлигида тушунтиради ва керак бўлса, талабаларга шу босқичларни ўзларининг иш режаларига киритишларини талаб қилади. Шу пайтнинг ўзида у талабаларга сифат фарқини намойиш этиш мақсадида яхши ва ёмон синов иши мисолларини кўрсатиши мумкин. Талабалар нисбатан пассив бўлишади, улар тинглашади ва қараб туришади.

**2-поғона. Нима қилишни кўрсатиб бериш - намойиш қилиш.** Бу поғонада амалиёт ўқитувчиси тушунтирган иш босқичларини ўзи бажариб, намойиш қилиб кўрсатади. Бунинг учун у аввал керакли иш ўрнини пухталик билан тайёрлаб қўйган бўлади ва ўша иш ўрнида намойишни ўтказади. Ишни бажариш учун керакли барча инструментлар хом ашёлар ва иш режаси ҳамда керак бўлса, тегишли станок (ускуна) тайёрлаб қўйилган бўлиши керак.

Намойиш қилаётган пайтда амалиёт ўқитувчиси талабаларнинг диққат билан кузатиб туришларини таъминлайди. Ҳар бир ҳаракатни 3 мартадан намойиш қилиб кўрсатиш тавсия этилади. Улар қуйидагича бажарилади:

***1 - намойиш*** оддий тезликда ўтказилади, талабаларда касбий ҳаракатнинг амалда қандай бажарилиши тўғрисида тўла ва ҳақиқий тасаввур пайдо бўлиши учун.

***2 - намойиш*** атайин секин тезликда ўтказилади, ҳар бир босқични алоҳида ва ўзига хос хусусиятларини яхшироқ кўрсатиш ҳамда меҳнат хавфсизлиги қоидаларини тушунтириш учун.

***3 - намойиш*** оддий тезликда ўтказилади, ишни бажариш ҳаракати кўникмасини яна бир марта тўла равишда кўрсатиш ва ўқувчиларда «ички суръат» яъни, ҳаракатни бажариш усули, тартиби, кетма-кетлиги, тезлиги тўғрисида аниқ тасаввур пайдо бўлиши учун. Намойиш қилаётган пайтда амалиёт ўқитувчиси ҳар бир ҳаракатини изоҳлаб боради. Шундан сўнг бевосита инструктаж қисми тугайди.



**3-поғона.** Кўрсатилган тарзда қайтариш - тақлид (имитация). Бу поғонада талабаларнинг ҳар бири амалиёт ўқитувчисининг ҳаракатларини у кўрсатган тарзда қайтаришлари керак. Талабалар ишлаётган пайтда амалиёт ўқитувчиси ўз фикрини билдиради, яхши ишни мақтаб ёмон ишни танқид қилади ва нима қилишни яна бир марта кўрсатади. Ҳамма талабалар иш жараёнини тушунганлигини кўрганидан кейин амалиёт ўқитувчиси машқ қилишни бошлашга рухсат беради.

**4-поғона.** Машқ қилиш - талабалар кўплаб марта такрорлаш орқали инструмент ва ускуналар билан бажариладиган иш жараёнлари бўйича касбий ҳаракатларни тўғри бажаришни машқ қилишлари учун амалиёт ўқитувчиси уларга етарлича хом ашёлар бериб қўяди. Ҳар бир ўқувчи ўзи ишлайди ва бир хил ишлаш усулларини қўллайди. Агар иш натижаларининг сифати мақбул натижа стандартига (олдиндан белгиланган сифат мезонларига - аниқ мақсадларга) жавоб берса, иш тугатилиши мумкин. Амалиёт ўқитувчиси бу ерда назоратчи вазифасини бажаради.

**Эслатма.** 1-2-босқичлар (поғоналар) давомида амалиёт ўқитувчиси талабаларда дастлабки билимлар бор ёки йўқлигини аниқлаши мумкин. Агар дастлабки билимлар даражаси етарлича бўлмаса, бу ҳолда у қайта назарий дарс ўтказиши керак.

**Дидактик воситалар ва машқ материалларини тайёрлаш.** 4 поғона методи кўп ва катта тайёргарликлар кўришни талаб қилмайди, яъни жуда оз воситалар билан ҳам ишлаш мумкин. Дидактик воситалар ва машқ материаллари сифатида одатда, асл (оригинал) иш ҳужжатлари ишлатилади масалан, техник чизмалар ёки бирор электр схема, иш босқичлари ва изоҳлар кўрсатилган жадвал шаклидаги иш режаси ҳамда назорат варағи, унда ўқувчининг натижалари ёзиб борилади.

Бунда ушбу чизмалар ва бошқа ҳужжатларни целлофан пакет, плёнкага чиқарилмайдиган қилиб солиб қўйган яхши ва талабаларга кўриш учун бериш керак. Иш режасини эса шахсий меҳнат воситаси сифатида ҳар бир ўқувчи ўзи тўлдириши керак. Бу мақсадда амалиёт ўқитувчиси тегишли шаклни тайёрлайди ва ўқувчиларга тўлдириш учун тарқатади.

Назорат ёки баҳолаш варағи ҳам тегишли шаклда бўлиши керак. Уни ўқитувчи натижаларнинг исботи сифатида машқлар тугаганидан кейин ўзида сақлаб қолади.

Қўшимча равишда талабаларга тарқатма дидактик материаллар (карточка-топшириқлар) берилиши мумкин. Тарқатма материаллар дарсликлар, махсус адабиётлар ёки эксплуатация бўйича йўриқномалардан олинган қиска маълумотлар (кўчирмалар) бўлиши мумкин.

**Машқ материаллари** деб амалий машқларни бажариш учун керак хом ашёлар, сарфланадиган материаллар ва ёрдамчи материалларни айтилади. Улар касб-ҳунарни ўргатишга бевосита боғлиқ бўлиб, таълим берувчи корхона (фирма)нинг маҳсулотларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Керакли машқ материалларини амалиёт ўқитувчиси одатда, бир йил олдиндан режалаштиради. Уларни ҳисоблашда қуйидаги маълумотларга асосланилади:




- бир йилда таълим оладиган талабалар сони, бир йилда ўтказиладиган машқлар сони ва бунинг учун керакли хом ашё сарфи ва ёрдамчи материаллар миқдори.

Жуда оддий мисол: Эговлаш машқлари учун 40ммх40ммх100мм хажмидаги тўрт қиррали пўлат кўзда тутилган. Йил давомида тахминан 30 ўқувчи шу машқни бажарадилар. Демак, бу йил учун 3 метр пўлат керак бўлади (30 киши х 100 мм). Бундай режаларни тузиш учун амалиёт ўқитувчиси шундай ҳужжатни ишлаб чиқиши керакки, унда қуйидаги индикаторлар (маълумотлар) бўлиши керак:

- барча курслар давомида ўтказиладиган машқлар рўйхати (номи ва сони);
- бирор техник чизма мавжудлиги ;
- бу машқлар бўйича хом ашё ҳажмлари кўрсаткичлари (ҳар бир маҳсулотнинг тайёр ҳажми ҳамда тайёрлаш жараёнидаги чиқиндилар);



- зарур бўладиган асбоблар, текшириш ва ўлчаш асбоблари, ёрдамчи воситалар, бошқа керакли асбоб-ускуналар тўғрисида маълумотлар;
- кўникмаларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш учун тахминан қанча вақт талаб қилиниши тўғрисида маълумотлар.

Режалаштиришда эътибор бериш керак бўлган кейинги нарса - бу асбобларнинг ейилиши. Буни инобатга олиш лозим, чунки амалиёт ўқитувчиси қачон ва қанча миқдордаги асбобларни алмаштириш керак бўлишини билиши зарур.

Тайёрлаб қўйиладиган асбобларни икки турга бўлинади:

- устахонада умумий фойдаланиш учун мўлжалланган асбоблар (масалан қимматбаҳо ўлчаш воситалари камдан-кам ишлатиладиган махсус асбоблар);
- иш ўрнида якка тартибда (индивидуал) фойдаланиш учун мўлжалланган асбоблар (ўқувчига бериб қўйилади);
- асбоб-ускуналарга тааллуқли, уларни созлаш, таъмирлаш, чархлаш ва ш. к. асбоблар;
- амалиёт ўқитувчисининг асбоблари ва ҳоказо.

Ҳар бир ўқувчида ўзининг индивидуал асбоблари бўлса, фақат шундагина ҳамма ўқувчилар машқларни бир вақтда бажаришлари мумкин.

Агар бунинг иложи бўлмаса, бошқа ташкилий ечимлар топилиши керак, масалан, асбобларни галма-гал ишлатиш, машқларни алмаштириб ўтказиш ва бошқа ечимлар.

**Ўқитишнинг 4 поғонали методининг психологик асослари.**

Бу метод психологияда бихевиоризм назарияси (инсоннинг ўзини тутишига оид назария) билан асосланган.

Дастлаб ҳайвонлар устида ўтказилган экспериментларда олинган натижалар кейинчалик инсонга нисбатан қўлланила бошланган. Бунда қўзғовчи ва реакция каби элементлар ҳамда аниқ ўлчаш мумкин бўлган кўрсаткичлар муҳим роль ўйнаган. Чунки олимларнинг фикрича, режа асосида ишлатилган ташқи қўзғовчилар ва назорат қилиниши мумкин бўлган реакцияларгина етарли даражада текширилиши мумкин ва шундан келиб чиқиб, умумий илмий хулосалар чиқариш мумкин деб ҳисобланган. Шунга мувофиқ аниқланган қуйидаги илмий хулосаларни таъкидлаб ўтиш зарур:

1. Ўзлаштириш (ўрганиш) - бу «қўзғаш таъсири-реакция» кетма-кетлиги такрорланишининг натижасидир. Шу такрорлар

сони қанча кўп бўлса ўзлаштириш натижаси шунча яхши бўлади. («Такрор орқали ўрганиш» тамойтли).

2. Иккинчи кўзғовчи биринчи кўзғовчи билан биргаликда тез-тез ишлатиб турилса, у биринчи кўзғовчининг ўрнини боса олади. («Шартли рефлекслар орқали ўрганиш» тамойили).

3. Ўзлаштиришда эришилган яхши натижалар мақтаб турилса, бундай натижалар кўпайиб бораверади. («Кучайтириш орқали ўрганиш» принципи).

4. Аниқ бир мақсадга қаратилган тарзда ишлатилган мақтов ва жазолар орқали деярли исталганча тегишли ўзини тутиш тарзлари ўзлаштирилиши ёки йўқ қилиниши мумкин.

Амалиётда ўргатиш учун эса, бундан қуйидаги хулосалар чиқарилди:

Кўзғовчи сифатида берилган ҳар бир қисқа саволга тўғри жавоб берилиши билан иложи борича уни дарров мақтаб қўйиш (масалан «Яхши жавоб!» деб) керак. Нотўғри жавоб ҳам очиқ ва ойдин танқидланиши (танбеҳланиши) лозим.

Амалиётда талабалар бирорта иложи борича қиска иш босқичи билан таништирилади, сўнг уни қайтарадилар ва то уни мукаммал ўзлаштирмагунларича такрорлаб машқ қиладилар. Бундай машқларнинг зарурлиги очиқ ва ойдин тан олиниши керак. Бунда кичик ўқув босқичлари катта аҳамиятга эга. Бугунги кунда бу усулга баъзи дидактик элементлар қўшилиб, мукаммалаштирилди.

Бундан ташқари босқичларни бироз мураккаброқ қилишга харакат қилинмоқда. Яъни шундай машқлар ҳам киритилиши мумкинки улар доирасида талаба бирданига бир нечта кўникмалар ва операцияларни амалда бажариши керак. «Тушунтириш» ва «нима қилишни кўрсатиб бериш» поғоналари эса, босқичма-босқич амалга оширилади.

Ҳайвонлар устида муваффақиятли ўтказилган экспериментлар асосида олимлар инсон ўзини тутишини истаганча манипуляция қилиш (бошқариш) мумкин деб ҳисоблаб, инсоннинг фикрлашидаги ички жараёнларни батамом эътибордан ташқарида қолдиришган, чунки улар фақат айрим жонзотлар ташқи кўзғовчиларга қандай реакция қилишларини ўлчаганлар холос. Шунга қарамай бу усул одамларга ҳар турли касбий ҳаракатларни бажариш кўникмаларини ўргатишда ўзини жуда ҳам яхши оқлади.



Шунинг учун бу усул касбий-техникавий соҳаларда энг аввало, иш ўрнида керакли кўникмаларни ўргатишда келажакда ҳам муҳим роль ўйнайди.

## СУГГЕСТОПЕДИЯ МЕТОДИ

Суггестопедия методининг асосчиси болгариялик врач Лозанов. Бу таълим жараёни бир одам (ўқитувчи)нинг бошқаси (таълим олувчи)га психик таъсир кўрсатишидан иборат. Бу усул чет тилларини жадал ўргатишда қўлланилади. Лекин бошқа фанларда ҳам қўллашга ҳаракат қилинмоқда.

Лейпциг университети мнемология лабораториясида чет тиллари сифатида инглиз, рус тилларида 30 кунда 3200 лексик бирлик, кунига 120—140 лексик бирлик ўргатилади. Бу бошқа жадал ўқитишларга нисбатан 3 марта ортиқ.

Бу машғлотларга 50 ёшгача бўлганлар, баъзан ундан ҳам катта ёшдагилар илгари чет тилини ўқиган бўлса, қабул қилинади.

***Методикаси:*** таълим олувчилар фикрни жамлаш учун аутоген машқлар бажарадилар, яъни паст овоздаги сокин мусиқа ёрдамида хотиржам ҳолатга келтирилади.

***Формуласи:*** „Мен батамом хотиржамман". Классик мусиқа билан бир вақтда ўқитувчи турли интонацияларда таъсирчан, баланд, баъзан эса жуда паст овозда, лекин аниқ, тушунарли қилиб чет тилидаги матнни ўқиб, маъносини она тилида тушунтиради.

Бунда инсон онгига маълум ахборот осон кириб боради. Лекин бундан ташқари, таълим олувчилар ўзлаштирган билимларидан машғулотларда фаол фойдаланишлари, куннинг 2-ярмида уйда тўлиқ такрорлаб боришлари лозим.

Бу усулда диққатни тўлиқ жамлаб англанган, эслаб қолинган ахборот англанмаган ахборот билан қўшилиб, хотира имкониятларини кенгайтиради.

Натижа жуда яхши: таълим олувчилар ўзлаштирган билимлар уларнинг хотираларида 3 ойдан кейин 95 %, 1 йилдан кейин 85% сақланади.

***Суггестия*** – (лотинча) ишонтириш маъносини билдиради. Бундай мулоқот шаклида таълим олувчи (суггеренд) таъсир кўрсатувчи, ишонтирувчи ўқитувчи (суггестор)нинг айтганларини пассив, ихтиёрсиз, ўйламасдан ўзлаштиради ва унинг топшириқларини мотивлар курашисиз бажаради.

Ўз-ўзини ишонтириш ёки ўз-ўзига таъсир кўрсатиш деб суггеренд ва суггесторликни бир киши бажаришига айтилади.

## ГИПНОПЕДИЯ МЕТОДИ

Гипнопедия уйкуда ўкитиш методи бўлиб, купрок чет тилларни ўргатишда кўлланилади. Бу метод хаммага хам тўғри келмайди. Бунинг сабаби эса, бу метод хар ким учун алохида чукурликдаги уйку даражасидагина самара беришидан иборат. Зарур уйку чукурлигига эришиш ва уни саклаб туриш кийин.

Билимларни ўзлаштириш, идрок килиш ва қайта ишлашдаги шахсий фарклар ўзлаштириш тезлиги ва мустаҳкамлигининг асосий омиллари ҳисобланади. Уларнинг айрим хусусиятлари куйидагилар:

Ақли заифлар — жуда кам ҳажмдаги билимларни ўзлаштирадилар.

Бошқаларда турлича бўлиб, айримлар материални осон ўзлаштиради, тез унутади, баъзилар секин ўзлаштиради, лекин унутмайди. Булар ўзлаштириш тезлиги ва мустаҳкамлик омиллари ҳисобланади.

Булар марказий асаб тизими таркибининг хусусиятлари, яъни асаб ҳужайраларининг "эслаб қолиш имкониятлари" билан боғлиқ.

Ўзлаштириш натижаларига фаолият турларини мақбул тарзда алмаштириб туриш ижобий таъсир кўрсатади. Шуни ҳисобга олган ҳолда дарс жадвалида хамда уйда дарс тайёрлашда бир-биридан кўпрок фаркли фанлар ўзаро кетма-кетликда бўлиши яхши натижа беради. Буни куйидаги тажриба тасдиклайди:

Гурух талабаларига 20 та русча сўзни ёд олиш топширилади. Улар бажаргач, шу талабаларни 2 та кичик гуруҳга ажратилади. Шундан сўнг биринчи кичик гуруҳга 20 та болгарча (русчага якин тил) сўзни ёдлаш, иккинчисига бадиий асар ўкиш топширилади. Кейин иккала кичик гуруҳда русча сўзларни эслаб колганлик даражаси текширилади. Кўрсаткич 2- кичик гурухда юкори бўлади.

Ёмон бахонинг сабаби ўқувчининг мактабга ёмон муносабати сабабли хамда мактабнинг ўқувчига ёмон муносабати сабабли ҳам бўлиши мумкин.



## МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

***Ҳеч ким ҳеч кимга ҳеч нарса ўргата олмайди, ўқувчи ўзи ўрганиши керак. Билим – бу воқеликнинг нусхаси эмас, у индивид томонидан конструкция қилинади. (Ж. Пиаже).***

Мустақил таълим олинган билим, кўникма, малакаларни мустаҳкамлаш, қўшимча маълумот ёки материални мустақил ўрганиш мақсадида ташкил этилади. Мустақил таълимнинг афзаллиги ўқувчилар билимларни ўзлари учун қулай бўлган шароит ва вақтда ўзлаштира оладилар. Бугунги кунда мустақил таълим олиш учун кенг имкониятлар мавжуд. Ўқувчи мавжуд нашр материаллари (ўқув, илмий, илмий-оммабоп ва оммабоп асарлар), Интернет, оммавий ахборот воситалари томонидан тақдим этилаётган материаллар ёрдамида ўз билим, кўникма, малакаларини мустаҳкамлаш имкониятига эга.

Мустақил таълим методлари кўп шаклларда амалга оширилади. Мустақил таълимнинг самарали бўлиши ва ундан кўзланган мақсадга эришишнинг асосий йўли уни қатъий режа асосида ҳамда шу режада белгиланган вақтлар давомида тўлиқ ҳажмда ва пухта олиб боришдан иборат.

## 2-БОБ. ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Ҳозирги вақтда таълим жараёнида ўқитишнинг замонавий методлари кенг қўлланилмоқда. Ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Бу методларни ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ. Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда уни таълим олувчилар фаолиятини фаоллаштирадиган турли-туман методлар билан бойитиш таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражаси ўсишига олиб келади.

Бугунги кунда бир қатор ривожланган мамлакатларда таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи замонавий педагогик технологияларни қўллаш борасида катта тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан юритилмоқда

Интерфаол таълим методлари ҳозирда энг кўп тарқалган ва барча турдаги таълим мукассасаларида кенг қўлланаётган методлардан ҳисобланади. Шу билан бирга, интерфаол таълим методларининг турлари кўп бўлиб, таълим-тарбия жараёнининг деярлик ҳамма вазифаларини амалга ошириш мақсадлари учун мослари ҳозирда мавжуд. Амалиётда улардан муайян мақсадлар учун мосларини ажратиб тегишлича қўллаш мумкин. Бу ҳолат ҳозирда интерфаол таълим методларини маълум мақсадларни амалга ошириш учун тўғри танлаш муаммосини келтириб чиқарган.

Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим олувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантириб турилиши, ўқув материалини кичик-кичик бўлакларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс-мунозара, муаммоли вазият, йўналтирувчи матн, лойиҳа, ролли ўйинлар каби методларни қўллаш ва таълим олувчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади.

Интерфаол метод бирор фаолият ёки муаммони ўзаро мулоқотда, ўзаро баҳс-мунозарада фикрлаш асносида, ҳамжиҳатлик билан ҳал этишдир. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, бутун фаолият ўқувчи-талабани мустақил фикрлашга ўргатиб, мустақил ҳаётга тайёрлайди.[2]

Ўқитишнинг интерфаол усулларини танлашда таълим мақсади, таълим олувчиларнинг сони ва имкониятлари, ўқув муассасасининг ўқув-моддий шароити, таълимнинг давомийлиги, ўқитувчининг педагогик маҳорати ва бошқалар эътиборга олинади.

***Интерфаол методлар деганда - таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим олувчи бўлган методлар тушунилади.*** Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим олувчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим олувчи бутун жараён давомида иштирок этади. Таълим олувчи марказда бўлган ёндашувнинг фойдали жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- таълим самараси юқорироқ бўлган ўқиш-ўрганиш;
- таълим олувчининг юқори даражада рағбатлантирилиши;

---

[2] Asranov S. Yangi pedagogik texnologiyalar va ularning imkoniyatlari. Zamonaviy pedagogik texnologiyalarning tashkiliy va ilmiy-metodik muammolari. Ilmiy-amaliy anjuman materiallari to'plami. –T.: 2005, 41-bet.



- илгари орттирилган билимларнинг ҳам эътиборга олиниши;
- таълим жараёни таълим олувчининг мақсад ва эҳтиёжларига мувофиқлаштирилиши;
- таълим олувчининг ташаббускорлиги ва масъулиятининг қўллаб-қувватланиши;
- амалда бажариш орқали ўрганилиши;
- икки тарафлама фикр-мулоҳазаларга шароит яратилиши.

Шундай қилиб, фанларни ўқитиш жараёнида интерфаол методлардан фойдаланиш ўзига хос хусусиятга эга. Таълим амалиётида фойдаланилаётган ҳар бир интерфаол методни синчиклаб ўрганиш ва амалда қўллаш ўқувчи-талабаларнинг фикрлашини кенгайтиради ҳамда муаммонинг тўғри ечимини топишларига ижобий таъсир кўрсатади. Ўқувчи-талабаларнинг ижодкорлигини ва фаоллигини оширади. Турли хил назарий ва амалий муаммолар интерфаол методлар орқали таҳлил этилганда ўқувчи-талабаларнинг билим, кўникма, малакалари кенгайиши ва чуқурлашишига эришилади.

Юқорида айтилганлардан интерфаол таълим методларини тегишлича таҳлил қилиш ва шу асосда уларни таснифлаш зарурати маълум бўлади. Қуйида ушбу масала юзасидан умумий мулоҳазаларни келтирамиз.

Бу методларни таснифлашда уларни ***интерфаол методлар, интерфаол таълим стратегиялари, интерфаол график органайзерларга*** ажратиш мумкин.

Ҳозирги кунда энг оммавий интерфаол таълим методлари қуйидагилар саналади:

***1. Интерфаол методлар***: “Кейс-стади” (ёки “Ўқув кейслари”), “Блиц-сўров”, “Моделлаштириш”, “Ижодий иш”, “Муаммоли таълим” ва б.

2. ***Интерфаол таълим стратегиялари***: “Ақлий ҳужум”, “Бумеранг”, “Галерея”, “Зиг-заг”, “Зинама-зина”, “Музёрар”, “Ротация”, “Юмалоқланган қор” ва ҳ.к. Интерфаол таълим методлари таркибидан интерфаол таълим стратегияларини ажратишда гуруҳ ишини ташкил қилишга ёндашув маълум маънода стратегик ёндашувга қиёсланишига асосланилади. Аслида бу стратегиялар ҳам кўпроқ жиҳатдан интерфаол таълим методларига тегишли бўлиб, уларнинг орасида бошқа фарқлар йўқ.

3. ***Интерфаол график органайзерлар***: "Балиқ скелети", "БББ", "Концептуал жадвал", "Венн диаграммаси", "Т-жадвал", "Инсерт", "Кластер", "Нима учун?", "Қандай?" ва б. Интерфаол график органайзерларни ажратишда бундай машғулотларда асосий фикрлар турли график шаклларда ёзма кўринишда ифодаланишига асосланилади. Аслида бу график органайзерлар билан ишлаш ҳам кўпроқ жиҳатдан интерфаол таълим методларига тегишли бўлиб, уларнинг орасида бошқа фарқлар йўқ.

Интерфаол таълим методларини кўпинча турли шакллардаги ўқув машғулотлари технологиялари билан бир вақтда қўлланмоқда. Бу методларни қўллаш машғулот иштирокчиларининг фаолликларини ошириб, таълим самарадорлигини яхшилашга хизмат қилади.

Шу муносабат билан юқоридаги тасниф бўйича ҳозирги айрим интерфаол таълим методларининг турли шакллардаги ўқув машғулотлари технологиялари билан қўллаш учун қулайлиги шартли равишда қуйидаги 8-жадвалда келтирилди.

Бу жадвалдаги айрим интерфаол таълим методларининг турли шакллардаги ўқув машғулотлари технологиялари билан қўллаш учун қулайлиги бир мунча шартли ва аслида муайян ўқув машғулотлари технологиялари билан бошқа яна кўп интерфаол методларни аниқ мақсадлар йўлида қўллаш мумкин эканлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

8-жадвал

**Айрим интерфаол таълим методларининг турли шакллардаги ўқув машғулотлари технологиялари билан қўллаш учун қулайлиги**

| **Ўқув машғулотлари технологияси** | **Интерфаол методлар ва таълим стратегиялари** | **График органайзерлар** |
|---|---|---|
| Маъруза машғулотлари таълим технологияси. | Эркин ёзиш. Асосланган эссе ва б. | Кластер. Б-Б-Б чизмаси Т-чизма ва б. |
| Семинар машғулотлари таълим технологияси. | Ақлий ҳужум ФСМУ Блиц-сўров. Блиц-ўйин ва б. | Венн диаграммаси. Концептуал жадвал ва б. |
| Амалий машғулотлар таълим технологияси. | Ўқитиш бўйича қўлланма. Ёзма ва оғзаки давра суҳбати ва б. | Инсерт жадвали. "Нима учун" чизмаси. "Қандай?" диаграммаси ва б. |
| Мустакил таълим технологияси. | Тушунчаларни аниқлаш ва б. | Балиқ скелети ва б. |
| Кейс-стади таълим технологияси. | Тушунчалар асосида матн тузиш ва б. | Тоифалаш жадвали ва б. |
| Лойиҳали таълим технологияси. | Чалкаштирилган мантиқий занжирлар кетма-кетлиги ва б. | Нилуфар гули ва б. |



Энг жиддий дидактик муаммолардан бири **таълим методларини танлаш нималарга боғлиқ,** деган масаладир.

Дидактикага оид адабиётларда таълим методларини тўғри танлаш ва уларни қўллаш самарадорлигининг турли омиллар билан боғлиқликлари қуйидагича қайд қилинади:

• *биринчидан, ўқув машғулотларининг дидактик мақсадлари ва вазифаларига боғлиқ;*

• *иккинчидан, баён қилинадиган материалнинг характерига боғлиқ;*

• *учинчидан, таълим олувчиларнинг билими ва ривожланиш даражасига боғлиқ;*

• *тўртинчидан, ўқув жараёнида ўрганилаётган фан асосларининг муайян (ҳозирги) даврдаги методларига боғлиқ;*

• *бешинчидан, олий ўқув юрти ёки кафедранинг шароитларига боғлиқ;*

• *олтинчидан, ўқув жараёнининг моддий-техник таъминоти билан боғлиқ;*

• *еттинчидан, ўқитувчининг педагогик маҳорати, унинг тайёргарлиги ва ўқув жараёнини ташкил этиш даражаси ҳамда ўқитувчининг ҳозирги замон методлари бўйича билимларига боғлиқ.*

Шундай қилиб, олий таълим муассасаларидаги касбий таълим жараёни ўқитишнинг замонавий шакл ва методларига мувофиқ ташкил этиладиган кўпқиррали яхлит тизим доирасида амалга оширилади. Бунда ҳар бир шакл ўз олдига қўйган вазифаларни бажаради, лекин шакл ва методлар тўплами ягона дидактик мажмуани ҳосил қилади. Бу дидактик мажмуанинг амалга

оширилиши эса, ўқув жараёнининг психологик-педагогик қонуниятлари билан белгиланади.

Қуйида ҳозир амалда кўп қўлланаётган интерфаол таълим методларидан айримларига доир маълумотлар келтирилди.

## “БАҲС - МУНОЗАРА” МЕТОДИ

> ***“Баҳс -мунозара” методи-*** *бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс-мунозара ва фикр алмашув тарзида ўтказиладиган машғулот методидир.*

Баҳс-мунозаралар ўқув гуруҳини икки ёки ундан кўп кичик гуруҳларга бўлган ҳолда иштирокчиларнинг бирор мавзу бўйича ўзаро фикрлар алмашиши тарзида ўтказилади.

**«Баҳс-мунозара» методининг тузилмаси**




Баҳснинг самарали бўлиши энг аввало баҳслашувчиларнинг бир-бирларига нисбатан қандай ҳолатда жойлашувларига боглиқ. Тингловчи ва музокарада қатнашувчиларнинг ўзаро жойлашувлари ва уларнинг психологик мавқеларининг моҳияти муҳим аҳамиятга эга эканлиги боис биз ушбу масала бўйича қуйидаги вариантларни келтирамиз:

- **Синф шароити**. Бу - анъанавий дарс ўтказиш шакли бўлиб, тингловчилар бир-бирларининг юзларини кўриш имкониятлари чекланган ҳолатда ўтирадилар. Уларнинг доска олдидаги ўқитувчига ва у баён этаётган мазмунга нисбатан муносабатлари ва масъулиятлари турлича. Бу шароитда баҳс ўтказиш мумкин эмас.



Чунки синфда охирги қаторда ўтирган бола билан биринчи қаторда ўтирганнинг дарсга муносабати кескин фарқ қилади. Тингловчининг психологик мавқеи - **«Мен» - ўйиндан ташқарида»** деб баҳоланади.

- **«Мен» - ўйинда»** деб аталувчи ҳолат: тингловчилар доира шаклидаги стол атрофида жойлашадилар ва ўртага ташланган мавзу юзасидан эркин фикр алмашиш, ҳаттоки, айрим ижтимоий ролларга ҳам кириш имкониятига эга бўладилар, ҳатто бошловчи ҳам «қаторда» ўтиради. «Ишчанлик ўйинлари» ва бошқа ролли ўйинлар ана шундай шароитда ўтказилиши мумкин.
- **«Мен» - мунозарада»** деб аталувчи ҳолат айни баҳс - мунозаралар ўтказиш учун қулай, чунки унда шахс ўз фикрини дадил айтиш учун имкониятни ҳис қилади. Одатда, бундай баҳслар тўртбурчак стол атрофида уюштирилади.
- **«Мен» - ҳамкорликдаман»** деган ҳолат каттароқ гуруҳлар таркибида ташкил этилади. Мунозара аъзолари тўрт-беш кишидан бўлиб алоҳида столлар атрофида ўтириб, ҳар бир гуруҳ ўз қарорини чиқаради. «Мунозара» клублари» фаолияти шу тарзда ташкил этилади.

3-схема

**«Баҳс-мунозара» методи иштирокчиларининг жойлашиши схемаси**



Бу келтирилган ҳар бир холат баҳс қатнашувчиларида ўзига хос руҳий тайёргарлик ва масъулият хиссини келтириб чиқаради.

Демак, дарс мобайнида ўқитувчи мавзунинг характери ва у бўйича шакллантириш лозим бўлган билим, малака ва фазилатларга мос тарзда мунозара шароитини танлаши ва шундан кейингина машғулотни бошлаши керак. Кўриниб турибдики, анъанавий синфда ташкил этиладиган машғулотларнинг самарадорлиги

деярли йўқ, чунки улар олдинги қаторларда ўтирган тингловчиларнинг фаоллигигагина йўналтирилган, қолганлар «уйиндан ташқари» ҳолатда, бу нарса уларнинг дарс мазмунига муносабатларида бевосита акс этади.

Кичик, тор доиралардаги ихчам гуруҳларда уюштирилган мунозараларнинг ***эркин мавзули, йўналтирилган ва аниқ сценарийли диспут*** турлари мавжуд бўлиб, бу танланган мавзуга ва мунозара гуруҳларининг мулоқот тажрибасига боғлиқдир («диспут» сўзининг луғавий маъноси - «фикрлаяпман», «тортишаяпман», деган маъноларни билдиради). Кичик гуруҳларда ташкил қилинадиган мунозаралардаги асосий нарса - гуруҳ аъзоларининг танланган мавзу хусусиятига қараб, ҳар бирининг ўз фикр-мулоҳазаларини охиригача баён этиш имкониятлари борлигидир.

Бундай гуруҳда бошловчи ҳам қаторда ўтириб, мавзунинг ечими батамом ҳал бўлмагунча фаол мулоқотларнинг иштирокчиси бўлиши мумкин. Лекин асосий роль гуруҳнинг аъзоларига юкланганлигини ва бевосита ажралиб чиққан норасмий лидер асосий баҳс юритувчи бўлиши мумкинлигини унутмаслиги зарур. Бундай баҳс-мунозаралар турли шароитда, кўпинча баҳс иштирокчилари учун табиий шароитларда (масалан, синфда, талабалар аудиторияларида, иш хоналарида ва б.да) ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлади.

## “ЁЗМА БАҲСЛАР” МЕТОДИ

Бу метод ўқувчиларга ўқув хонасидаги тенгдошлари билан биргаликда шу онда жамоатчилик фикрини тўлқинлантираётган мавзуларда мулоқотларни режалаштириш имконини беради. Услуб ўқувчиларнинг берилган мавзу соҳасидаги билимларини чуқурлаштириш шароитини яратиш, мунозара маданиятини ўргатиш ва ўз фикрини асослаш қобилиятини ривожлатиришга хизмат қилади.

Бу методдан фойдаланишда ўқитувчи ўқувчиларни баҳолаш учун асос хизматини ўтовчи ажойиб материалга эга бўлади. Ёзма баҳслар услубиёти бундай мулоқотларни ўқув хонасидаги барча ўқувчилар иштирокида ёзма шаклда ўтказиш имконини беради.

***Машғулотни ўтказиш тартиби:***



1.Ўқувчилар баҳс мавзуси билан олдин ўтказилган машғулотда танишадилар. Баҳс арафасида ўқитувчи бўлажак мавзу тўғрисида ўқувчиларга ахборот берар экан, баҳслар қай йўсинда ўтишини қисқача тушунтиради (бу, албатта, баҳслар биринчи марта ўтказилаётган бўлса, жуда ҳам мухимдир).

2. Ўқитувчи гуруҳ ўқувчиларини иккига ажратади ва уларни ўқув хонасининг икки томонига қатор қўйилган столлар атрофига юзма-юз ҳолатда ўтказади ва хар бир гуруҳ қатнашчилари қайси нуқтаи назарни химоя қилишларини белгилайди (масалан, 1-гуруҳ - ижобий холат жорий қилиниши тарафдорлари, 2-гуруҳ - бунга қаршилар).

3. Шундан сўнг ўқитувчи ўқувчиларни жуфтликларга ажратади, ҳар бир жуфтликда қарама-қарши қарашлар тарафдорлари бўлиши керак. Жуфтликларни тартиб рақами ёки алифбо ҳарфлари билан белгиланади. Агар ўқув хонасида ўқувчилар сони тоқ бўлса, ўқитувчи мунозарага етишмаган шерик хуқуқида қатнашиши мумкин. Ўқитувчи 1-гуруҳ ўқтувчиларига (келтирилган мисолда - ижобий ҳолат жорий қилиниши тарафдорлари) ҳар бир жуфтнинг рақами (ҳарфи ёки рамзи) билан белгиланган катак қоғоз варақларини тарқатади

4. Ўқувчилар ўқув хонасининг икки томонида ўтириб, жуфтма-жуфт ёзма мулоқотни бошлайдилар. 1-гуруҳ ўқувчиларига ўзлари маъқуллаётган нуқтаи назар фойдасига битта очиқ далилни шакллантириш учун 5 дақиқа вақт берилади. Улар бу далилни қоғоз варағига пухта таҳрир қилинган параграф шаклида ёзадилар. Бу вақтда 2-гуруҳ ўқувчилари ўзлари баҳс жараёнида баён этишлари мумкин бўган нуқтаи назарларини исботлашлари мумкин.

5. Ёзилган варақлар қарши гуруҳдаги шерикларга (ижобий холатнинг жорий қилинишига қарши чиқувчиларга) берилади. Уларга жуфтлик буйича шерикларининг далилларига қарши жавоб топиш ва ёзиш учун ҳамда ўз қарши далиларини баён қилишлари учун 8 дақиқа вақт ажратилади.

6. Далиллар алмашишнинг бундай тартиби 2-3 марта такрорланади бунда хар бир ўқувчи шеригининг далил-исботига жавоб қайтариши ва ўзининг акс далилини келтириши шарт. Ўқувчиларнинг билимларини аниқлаш учун 3-4 раунд етарлидир. Охирги раундда ўқувчиларга якуний параграфни ёзиш имкони берилади. Шундан сўнг ёзма иш йиғиб олинади.

7. Баҳсларни самарали якунлашнинг энг қулай шакли - иккала томонга қаратилган саволдир: “Қарши томоннинг энг яхши далил-исботлари қайсилар бўлди?” Ҳар иккала томон вакиллари қарши тараф ёзган фикрларни ўқиб юқоридаги саволга жавоб берадилар.

8. Ўқитувчи ишни яккама-якка ёки жуфтлик бўйича баҳолаши мумкин. Агар ўқитувчи ёзма ишни баҳолашни режалаштирган бўлса, бу ҳақда ўқувчиларни дарснинг бошидаёқ огоҳлантириши керак.

Таълим муассасаларидаги машғулотларда ёзма баҳслар усулидан фойдаланиш давомида қуйидаги жадвал кўринишда келтирилган тарқатма материалдан фойдаланиш мумкин:

9-жадвал

**“Ёзма баҳслар” методи бўйича жавобларни асослаб ёзиш варағи намунаси**

| **Баҳс мавзуси:** |
|---|
| **ҲА**<br>• Бу жавобни асосланг.<br>• Далил келтиринг. |
| **ЙЎҚ**<br>• Бу жавобни асосланг.<br>• Далил келтиринг. |

## ”ЭССЕ” МЕТОДИ

Эссе француз тилидан таржимада “тажриба, андаза” маъноларини англатади. Эссе – прозаик этюд, қандайдир бир предметга оид умумий ёки дастлабки мулоҳазалар. Кўпинча эссе ёзиш машғулотнинг бошида, ёки рефлексия сифатида, охирида таклиф этилади. Эссе ёзиш кўпинча назарий машғулотлар, маърузалар ҳамда мустақил машғулотлар таркибида ўтказилади. Унинг қуйидаги турлари тегишли мақсадларга мувофиқ ҳолда қўлланилади:

**Эссе** – таклиф этилган мавзу юзасидан 1000 дан 5000 гача сўз ҳажмидаги иншо.

**Эссе** – бу муаллифнинг таъкидлаб ўтадиган индивидуал нуқтаи назарини эркин ифода этиш шакли; қандайдир мавзу бўйича умумий ёки дастлабки дунёқарашни ўз ичига олади.

**Асосланган эссе** – қўйилган саволга асосли жавоб келтирилган ёзма ишдир. Муаллиф маълум бир нуқтаи назарни



эгаллайди ва уни ҳимоя қилади, бунда ўзининг нуқтаи назарини қўллаб-қувватлаш учун бир қанча асосланган исботларни келтиради. Мақсад – муаллиф лозим топадиган қарашларни бошқаларнинг ҳам қабул қилишига ишонтириш.

Асосланган самарали эссе ёзиш учун агар сиз ўз эссеингизни ёзиш жараёнида уни фикрий жиҳатдан китобхонларга (уни ўқувчиларга) “тақдим эта олсангиз” ва улар билан фикрий мулоқот ўрната олсангиз, уни ёзишингиз енгил бўлади.

**Асосланган эссе таркиби:**

Мисол сифатида “Менимча мамлакатимиз иқтисоди гуллаб яшнайди, агарда ...” мавзусида асосланган эссе ёзинг,[3] деган топшириқни бажариш тартибини кўриб чиқамиз:

1. Мавзу (савол)га нисбатан муаллиф нуқтаи назарининг баён этилиши (1 хатбоши).

2. Баён этилган нуқтаи назарни асослаш – ушбу нуқтаи назарни қўллаб-қувватлаш бўйича муаллифнинг ишонарли далиллари ва ушбу нуқтаи назарни қабул қилишга ишонтириш.

3. Хулоса – резюме.

**Асосланган эссени баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари:**

- мавзу мазмунига мос келиши (мавзудан четга чиқмаслик);
- мазмуни, фикри;
- унга тааллуқли муаммони олдиндан кўра билиш, шахсий нуқтаи назари, маълумотлар етарлилиги;
- услуб, ифода аниқлиги, муайянлиги;
- орфография қоидаларига риоя қилиниши.

**Беш дақиқали эссе** – ўрганилаётган мавзу бўйича олинган билимларни умумлаштириш, мушоҳада қилиш мақсадида ўқув машғулоти охирида 5 дақиқа оралиғида ўтказилади. Ёзма топшириқнинг ушбу тури талабаларнинг мавзуга доир ўз мустақил фикрларини ифодалай олишга ёрдам бериш ва ўқитувчига ўз талабалари ўқув материали билан танишганда қайси жиҳатларига кўпроқ эътибор беришлари хусусида фикрлаш имконини беради.

Ушбу ёзма топшириқ турида таълим олувчилардан қуйидаги ***икки топшириқни*** бажариш: мазкур мавзу бўйича улар нималарни ўрганганликларини мустақил баён этиш ва улар барибир жавобини ололмаган битта саволни бериш сўралади.

Ўқитувчи таклиф этиши мумкин:

[3] Д.Тожибоева. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. – Т.: 2007, 281-283-бетлар.

– "Мен бу ... ҳақида нимани ўйлайман" ёки "Нима учун, менинг фикримга кўра ..." саволларига жавоб беринг;

– ўқув машғулотида берилган талаблар учун янги саналган ғояни тавсифлаш ва шарҳлаб бериш;

– олинган билим, кўникмалар қаерда амалиётда қўлланилишини тавсифлаш.

Ушбу кўринишдаги эссе баҳоланмаслиги ҳам мумкин. Аммо, ўқитувчи жуфтликларга ажралиш, ишлар билан ўзаро алмашиш ва ёзилганларни муҳокама қилиш таклифини бериши мумкин. Ушбу ҳолда ўқитувчи 2-3 та эссени танлаб текшириши мумкин, уларни овозини чиқарган ҳолда шарҳлаши талабалар билан муҳокама қилиши ва хулоса қилиши мумкин.

**Эркин ёзиш методи -** беш дақиқали эссенинг бошқа кўриниши бўлиб, талабаларнинг муайян мавзу бўйича ўз хаёлларига келган барча нарсаларни тўхтамасдан ёзиш машқларидан иборат. Масалан, талабаларга беш дақиқа ичида "Улуғбек фожеаси" мавзуси бўйича ўз хаёлларига келган барча нарсаларни тўхтамасдан ёзишни таклиф қилиш мумкин. Беш дақиқа тугаганида (**эслатма,** беш дақиқа тугади деб эълон қилинг ва ишни тугаллаш учун яна бир дақиқа вақт беринг, зеро қизиқарли фикрлар одатда танг вазиятларда туғилади) уларга ўз ёзганларини шерикларига ўқиб беришларини таклиф этиш мумкин.

Мазкур босқичда ўқитувчининг ихтиёрида кўп имкониятлар бўлади. Масалан, жуфтликларга ўз фикрларини бутун гуруҳ билан ўртоқлашишни таклиф этиш ва гуруҳли ақлий ҳужум вазиятини яратиш мумкин.

## "АССЕСМЕНТ" МЕТОДИ

"Ассесмент" инглизча "assessment" сўзидан олинган бўлиб, "баҳо", "баҳолаш" маъноларини билдиради. **Ассесмент методи** талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасини ҳар томонлама, холис баҳолаш имкониятини таъминловчи топшириқлар тўплами бўлиб, у биографик анкета, таълим соҳасидаги ютуқлар баёни, ўқув индивидуал топшириғи, баҳс-мунозара, интервью, ижодий иш, тест, индивидул кейс, тақдимот, эксперт кузатиши, ролли ҳамда ишбилармонлик ўйинлари кабилардан ташкил топади. Бу метод асосан қуйидаги уч мақсадга хизмат қилади:



1) талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ҳар томонлама, холис баҳолаш;

2) талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш имкониятларини аниқлаш;

3) талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга хизмат қиладиган истиқбол режа (мақсадли дастур)ни шакллантириш.

Мазкур технологиянинг яратилиш тарихи ўтган асрнинг **30-40-йилларига** бориб тақалади. Дастлаб технология мавжуд ҳарбий вазиятларни тўғри баҳолай оладиган, ҳарбий ҳаракатлар жараёнини самарали бошқарадиган, зарур ўринларда окилона ҳаракатни ташкил эта оладиган инглиз ҳамда немис ҳарбийлари орасидан билимдон, тадбиркор, маҳоратли ҳарбийлар, шунингдек, офицерларни танлаш мақсадида қўлланилган.

Кейинчалик бу метод тадбиркорлик соҳасига ҳам самарали татбиқ этилди. Методни биринчи марта **1954-йилда "AT&T"** компанияси томонидан тадқиқот дастурларини амалга ошириш доирасида қўлланилган.

Тўрт йилдан сўнг малакали менежерларни танлаш мақсадида қўлланила бошланган ушбу метод негизида тадбиркорлар ва психологлар билан ҳамкорликда мазкур технология ёрдамида ишлаб чиқариш, савдо, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ҳамда ташкилотлар учун малакали мутахассисларни танлаш хизмати – "Ассесмент-марказ" (**"The Assessment Centre"**) фаолиятини йўлга қўйилди.

1960 йилда "IBM", "Standart oyl of Ogayo", "Sirs Robaks"каби йирик америка компаниялари ўз фаолиятларига бу технологияни самарали татбиқ этдилар. Агар 1980 йилда 2000 та фирма "Ассесмент-марказ" асосида малакали мутахассисларни танлашни маъқул кўрган бўлса, ҳозир бу технологиядан ўн минглаб корхона, ташкилот, фирма ва компанияларда самарали қўлланилмоқда.

Айни вақтда ишлаб чиқарувчи ва савдо компаниялари малакали менежерларни танлаш мақсадида мазкур технологиядан муваффақиятли фойдаланмоқдалар. Сўнгги йилларда мазкур технология таълим тизимига ҳам самарали жорий этилди. Унинг ёрдамида талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари даражаси ҳар томонлама, холис баҳоланмоқда.

***Методнинг қўлланиши.*** "Ассесмент" методи ўқув машғулотларининг барча турларида (дарс бошланиш ёки дарс

охирида ёки ўқув предметнинг бирон-бир бўлими тугалланганида) ўтилган мавзуни ўзлаштирилганлик даражасини баҳолаш, такрорлаш, мустаҳкамлаш ёки оралиқ ва якуний назорат ўтказиш учун, шунингдек, янги мавзуни бошлашдан олдин таълим олувчиларнинг билимларини текшириб олиш, малака оширишга келган тингловчиларнинг дастлабки билимлари, кўникма, малакаларини аниқлаб олиш учун мўлжалланган.

Ушбу методни машғулот жараёнида ёки машғулотнинг бир қисмида ҳамда якка тартибда қўллаш мумкин. Бу методдан уйга вазифа беришда ҳам фойдаланса бўлади. Бунда топшириқлар шакли 10-жадвалдаги кўринишда бўлиши мумкин:

10-жадвал

**“Ассесмент” методи бўйича топшириқ намунаси**

| | |
|---|---|
| **Тест.** Тегишли фан бўйича ўтилган (бўлим, курс) юзасидан 1-2 та тест берилади. | **Муаммоли вазият.** Ўтилган мавзу асосида аниқ ҳаётий вазият, ҳодисага асосланган муаммо берилади. |
| **Симптом.** Мавзу бўйича илмий-назарий фикрлар, ғоялар, таърифлар тугалланмаган фикр кўринишида берилади, масалан: ....таъриф беринг, ..... илмий асосланг.... , ёритинг... ва б. | **Амалий кўникма.** Ўтилган мавзу мазмунини ҳаётда иш фоалиятида қўллашдаги кўникмаларга тегишли топширик берилади, масалан: ... чизинг, ҳисобланг, тўлдиринг, топинг, солиштиринг... ва б. |

## “СКАРАБЕЙ” МЕТОДИ

Скарабей - “қўнғиз” - ҳар томондан кавлаб чиқувчи маъносини билдиради. “Скарабей” методи талабаларда мантиқий фикрлаш қобилиятини, хотирани, шунингдек, муайян муаммони ҳал қилишда ўз фикрини очиқ, эркин ифодалаш малакасини ривожлантиришига хизмат қилади. Бу методни қўллаш жараёнида таълим олувчиларнинг билимлари сифати ва даражасини холис баҳолаш, ўрганилаётган мавзу ҳақидаги тасаввурлари кўламини аниқлаш имконияти ҳосил бўлади. Шунингдек, бу метод турли ғояларни очиқ, эркин, мантиқан ифодалаш, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлашда ҳам самарали саналади.

Унинг ёрдамида талабаларда қуйидаги сифатларни шакллантириш, ривожлантиришга эришиш мумкин: мустақил ишлаш; мулоқотга эркин кириша олиш; хушфеъллик, ўзгалар



фикрини хурмат қилиш; фаоллик; фаолиятга ижодий ёндашиш; фаолиятининг самарали бўлишига қизиқиш; ўз-ўзини баҳолаш.

Ушбу методдан дарснинг муайян босқичларида турли мақсадларда фойдаланиш мумкин. Уни умумий тазда қуйидаги 4-схема кўринишида ифодалаш мумкин:

4-схема

**“Скарабей” методидан дарснинг турли босқичларида фойдаланиш мақсадлари схемаси**

| | |
|---|---|
| Дарснинг бошида ⇨ | Талабаларнинг ўқув фаолиятини рағбалантириш |
| Дарснинг ўртасида ⇨ | Ўқув материалларининг моҳияти, мазмуни ва тузилишини белгилаш |
| Дарснинг охирида ⇨ | Талабалар томонидан ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш ва машғулотни якунлаш |

Мазкур стратегия талаба томонидан осон қабул қилинади. Зеро, у шахсга хос фикрлаш, билиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

## “ПИНБОРД” МЕТОДИ

**Пинборд -** (инглизча: “pin” - мустаҳкамлаш, маҳкамлаб тақиб, қадаб қўйиш “board” – ёзув тахтаси (доска) маъносини билдиради) - мунозара усуллари ёки ўқув суҳбатини амалий

“Пинборд” методи билимларни мустаҳкамлаш ва янги билимларни ўргатишга хизмат қилади. Бу метод бўйича машғулотда иштирокчиларнинг вазифалари қуйидагича белгиланади:

***Таълим берувчи:***

-машғулот мавзуси бўйича ҳал этиш лозим бўлган муаммони ечишни таклиф этади;

-таклиф этилган муаммони ечиш бўйича ўз нуқтаи назарини баён қилади;

-таълим олувчилар билан ақлий хужум машғулотини ташкил қилади ва бошқариб боради.

***Таълим олувчилар:***

- муаммони муҳокама қиладилар, унинг ечими юзасидан таклифлар билдирадилар, ўз ғояларини асослайдилар;
- билдирилган ғоялардан энг кўп маъқул бўлган, самарали ғояларни танлайдилар ва баҳолайдилар;
- танлаган ғояларини қоғоз варағига асосий сўзлар (2 сўздан кўп бўлмаган) кўринишида ёзадилар ва ёзув тахтасига маҳкамлайдилар.

***Гуруҳ аъзоларидан*** (таълим берувчи томонидан белгиланган) 2-3 талаба ёзув тахтаси олдига чиқадилар ва бошқалар билан маслаҳатлашиб:

- хато деб ҳисобланган ёки такрорланган ғояларни ажратадилар;
- баҳсли тортишувларнинг тўғри ечимларини аниқлайдилар;
- ғояларнинг тизимлаштириш мумкин бўлган белгиларини аниқлаб тизимлаштирадилар;
- шу белгилар бўйича ҳамма ғояларни гуруҳларга ажратиб ёзув тахтасига жойлайдилар (варақлар ёки бошқа кўринишда).

***Таълим берувчи:***

-мавзу бўйича муҳокама жараёнидаги фикрларни умумлаштиради ва иш натижаларини баҳолайди.

11-жадвал

**Пинборд методи қўлланилган ўқув машғулотининг технологик харитаси**

| Ишлар босқичи ва мазмуни | Фаолият | |
|---|---|---|
| | Таълим берувчи | Таълим олувчилар |
| 1-босқич. Тайёргарлик | Ўқув машғулотида пинборд методини қўллаш ўрнини аниқлайди, унинг мақсадини шакллантиради, муаммони ва уни ечиш бўйича таклиф этилаётган ғояларни баҳолаш мезонларини аниқлайди. | |
| 2-босқич. Мавзуни яхши ўрганиш. | Мавзу тузилмасини аниқлайди. Пинборд методини тушунтиради. Ўзининг фикрларини айтади ва таълим олувчиларга ўз фикрларини айтишларини таклиф этади. Мунозара бошланишини тезлатиш учун бир қатор саволлар беради. Кузатади. Берилган муаммони эслатади ва бошлашга рухсат беради | Ҳар бир гуруҳ баҳолаш ва мақбул, самарали, оқилона ғояларни қайд этиб бориши учун эксперт танлайди. Гуруҳ аъзолари ҳамкорликда ишлашлари мумкин бўлган ҳолда ўтирадилар. |
| 3-босқич. Умумлаштириш. | Маслаҳат, тавсиялар беради. | Мунозара жараёнида ишлаб чиқилган, ўз фикрларини, асосий якуний хулосадек кичик қоғозларга ёзадилар ва ёзув тахтасига бириктирадилар. |
| 4-босқич. Якуний хулосани ёзма баён этиш. | Жараённи кузатиб ва бошқариб боради. | Ўқув гуруҳидан 2-3 вакиллар бошқа таълим олувчилар билан маслаҳатлашиб, маълумотни тизимлаштирадилар ва мазмунига кўра гуруҳлайдилар. Кўрсатувчи чизиқлар ёки бошқа белгилар ёрдамида уларнинг мосликларини кўрсатадилар. |
| 5-босқич. Якунлаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш. | Якунларни умумлаштиради, гуруҳлар ишини таҳлил қилади ва баҳолайди: ижобий, ижодкорликнинг юқори даражаси ҳолатлари, жамоавий фаолият муваффақиятларини кўрсатади. | Ўз-ўзларини баҳолайдилар. |



## ПАРАДОКСЛАР МЕТОДИ

*Хатолар ақл беради (Л.Н. Толстой)*

Педагог маърузани олиб бориш жараёнида талабаларнинг қарама-қаршиликка (тушунчалардаги, билимлардаги) дуч келишларини таъминлайди. Бундай вазият асосан талабанинг тушунчаларидаги адашишлар ва хатоликлар билан боғлиқ. Демак, бу муаммоли вазият талабаларнинг олдинги фикр, тушунчалари ва хулосаларига қарама-қарши, парадоксал бўлган вазиятдир.

Талабалар муаммоли вазиятни юзага келтирган амаллардаги хатоликни излайдилар (лекин амалларда хатолик йўқ)

Ижодий фикрлай оладиган талаба амалларнинг бажарилиши жараёни эмас, балки мазкур амалнинг ўзи хато эканлигини аниқлай олади (бундай талаба топилмаса, ўқитувчининг ўзи буни ошкор қилишига тўғри келади).
Энди қуйидаги схемада Парадокслар методини қўллаш қоидалари келтириб ўтамиз.

5 –схема

**Парадокслар методини қўллаш қоидалари**

- Талабалар билимларини фаоллаштириб олиш зарур.
- Парадокс объекти сифатида олинаётган жараён ҳақида талабаларнинг ўзлари тўғри деб ҳисоблаган фикрлари аслида хато бўлиши керак.
- Талабалар муаммоли вазиятга ўзлари дуч келишлари керак ва тўғри деб билган нарсаларининг хато бўлиб чиққанидан тушунмовчиликда қолишлари (ҳайрон бўлишлари) керак. Бу ўта муҳим, чунки айнан шу сабабли улар фаол фикрлай бошлайдилар, хатони топишга ҳаракат қиладилар.
- Парадоксни, қарама-қаршиликни қандайдир бир қийинчиликлар билан адаштирмаслик лозим.
- *Парадокслар усули* – бу аввалдан билганлари билан янги билимлар ўртасидаги кўприкдир. Шу тарзда янги билимнинг аввалдан маълум билим билан ўзаро боғланиши ва бу жараённи ҳис қилишга талабани «мажбур» қилиниши унинг хотирасида янги билимнинг мустаҳкамланиб қолишига ёрдам беради.

## "КУНДАЛИК ДАФТАР" МЕТОДИ

**Кундалик дафтар юритиш методи.** Гуруҳнинг ҳар бир аъзосига ён чўнтак дафтарчаси тарқатилади. Унга, айтайлик, бир ҳафта давомида муҳокама қилинадиган муаммо бўйича туғилган фикрлар қайд қилиб борилади. Барча иштирокчиларнинг ёзиб борган фикрлари пешқадамлар томонидан таҳлил қилиниб, тайёрланган материал охирги муҳокамага олиб чиқилади.



Бу метод қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради: биринчидан, туғилган ғоя, аниқ рационал таклиф ўша гуруҳнинг фикри даражасига кўтарилади, иккинчидан, турли хилдаги тортишувлар, нуқтаи назарлар гуруҳ мажлисигача ҳал қилинади, кескинлашган нуқтаи назарлар ҳам текисланади.

6-схема

**"Кундалик дафтар" методи** – қўйилган муаммони ҳал этиш вариантларидан узоқ муддат давомида ишланган ва чуқур ўйланган энг яхшисини баҳолаш ва танлаш имконини беради. Бу методни қуйидаги ҳаракатлар алгоритмига мувофиқ олиб борилади.

↓

Ўрганувчиларнинг ҳар бири, масалан бир ҳафта давомида, қўйилган муаммони ҳал этиш бўйича барча фикрларини ёзув дафтарчасига киритиб боради.

↓

Гуруҳ раҳбари билан якка тартибдаги музокара пайтида барча нуқтаи назарлар аниқланади ва қатъий тасдиқлашлар бартараф этилади.

↓

Гуруҳ раҳбари билан якка тартибдаги музокара пайтида барча нуқтаи назарлар аниқланади ва қатъий тасдиқлашлар бартараф этилади.

↓

Ўқув машғулотида гуруҳлар натижалари тақдим этилади ва муҳокама қилинади, муаммони ҳал этиш бўйича жамоа фикри ва аниқ оқилона таклифлар ишлаб чиқилади.

**"Кундалик дафтар" методи босқичлари**

## «АҚЛИЙ ҲУЖУМ» МЕТОДИ

"Ақлий ҳужум" – инглизча "***brain storming***" сўзларидан олинган бўлиб, бирор муаммо бўйича иштирокчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир. Бу метод ақлий фаолликни қўзғатади, ижодий ва инновацион жараёнларни жадаллаштиради.

Бу методнинг пайдо бўлиши иккинчи жаҳон урушида Япон денгизида хизмат қилган америкалик мутахассис *А.Осборн* билан боглиқ. Ҳарбий кемани қандай қилиб торпедолардан ҳимоя қилиш мумкинлиги масаласида кема кенгаши ўтказилади. Кенгаш қоидасига кўра ҳамма – юнгадан тортиб капитангача ҳар қандай, ҳатто хаёлий ва амалга ошириб бўлмайдиган ғояларни ҳам айтаверса бўларди, ҳар қандай таклифлар ёзиб борилди.

Матрослардан бири шундай фикрни илгари сурди: “Торпедони сезиб қолсам, мен бутун жамоани бортга тизардим-да, торпедога қараб пуфлашни буюрардим”. Ғояни эшитиб, ҳамма кулиб юборди, лекин, шу ғояни ҳам ҳам ёзиб қўйилди. Муҳокама давомида бу ғоя қайта ишлаб чиқилди ва сувнинг кучли оқимидан фойдаланишга қарор қилинди. Сув насосдан отилаётган оқим ёрдамида торпедога урилди ва у тўхтатилди. Бир қарашда кулгили туюлган ғоя масалани ҳал қилди-қўйди.

50-йилларнинг охирига келиб америкалик психолог А.Осборн ўзи ишлаётган университетда “Ақлий ҳужум” методини кутилмаган ғоя ва таклифлар тўплаш ва мураккаб бўлган масалаларни ечиш усули сифатида тарғиб қила бошлади.

Ижодий фаолликнинг ва маҳсулдорликнинг стимулятори ҳисобланган «Ақлий ҳужум» методи асосан янги, оригинал фикрларнинг туғилишига қаршилик кўрсатувчи танқидий муҳитнинг йўқлиги деб аталган психологик механизмга таянади. Бундай муҳитда ҳеч қандай фикр танқид қилинмайди, нотўғри фикр айтишдан қўрқилмайди, ҳеч кимнинг устидан кулинмайди.

Шундай қилиб, “Ақлий ҳужум” методи дастлаб АҚШ, Англия, Францияда сўнгра Японияда ишлатилди. 70-йиллардан бошлаб Россияда, 90-йиллардан бошлаб эса, Ўзбекистонда ишлатила бошланди.

“Ақлий ҳужум” методини ўтказишдан кўзланган *мақсадлар* қуйидагилар:

- муаммони ҳал қилиш учун ғояларни чиқариш;
- ғояларни уларнинг аҳамиятлигига қараб, тартиблаш;
- фаол фикрлаш малакасини шакллантириш;
- кутилмаган ғояларнинг пайдо бўлиш жараёнини намойиш қилиш;
- топилган ғоялардан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.



7-схема

**“Ақлий ҳужум” методининг асосий қоидалари**



Ақлий ҳужум" методини олиб борувчи маълум муаммони илгари суради ва иштирокчилардан бу муаммони ҳал қилиш бўйича қандай мулоҳазалари борлигини ҳамда улардан энг кутилмаган фикрларни ҳам илгари суришларини сўрайди. Билдирилаётган барча фикрларни котиб томонидан ёзиб борилади. Айтилаётган фикрларга нисбатан ҳеч қандай танқидий муносабат билдирмайди ва фикрлар охиригача ёзиб борилаверади.

"Ақлий ҳужум"да қуйидаги қоидаларга амал қилинади:

*1. Ғояларнинг илгари сурилиши босқичида танқид (ҳатто ҳазил) тақиқланади.*

*2. Оригинал, ҳатто фантастик ғоялар рағбатлантирилади.*

*3. Барча ғоялар ёзиб борилади ёки аудио ёки видеоплёнкада қайд қилинади.*

*4. Агар маъқул топса, муаллифнинг ўзи ҳам ёзиб бориши мумкин.*

*5. "Ақлий ҳужум" методи қатнашчилари ҳаммаси бир-бири билан юридик ва административ (маъмурий) жиҳатдан мутлақо боғлиқ бўлмаслиги зарур.*

*6. Таҳлилчилар гуруҳи нисбатан самарали ғояларни таҳлил қилади, синтез қилади, баҳолайди ва танлайди.*

## "Ақлий ҳужум" методини амалда татбиқ этиш

"Ақлий ҳужум" методини амалда бевосита ўтказишнинг намунавий шартларини келтирамиз. Масалан, экранда ҳал этилиши зарур муаммо, уни ҳал этишдан кўзланаётган мақсадлар, тегишли режа, иштирокчилар риоя қилиши шарт бўлган қоидалар акс эттирилади.

Бу тадбирларни амалга оширишга 10 дақиқагача вақт талаб қилинади.

*Муаммони қўйиш ва уни тушунтириш*

Бу босқичда асосий роль "Ақлий ҳужум" методини ўтказувчига боғлиқ бўлади. У ташкилотчи ва ижодкор бўлмоғи лозим. Олдинига у "Ақлий ҳужум" методи иштирокчиларига бир қанча муаммолардан бирини танлашни таклиф қилади. Шу билан бирга танланган муаммо мутахассис-қатнашчилар учун долзарб, таниш, қизиқарли бўлмоғи лозим.

Агар бу қишлоқ хўжалик фанларига оид муаммо бўлса, унда, масалан, ўқув жараёнида қишлоқ хўжалик экинлари



агротехникасини яхшилаш ва юқори ҳосил олиш муаммосини ўрганиш мумкин. Шунда муаммони қуйидагича қўйиш мақсадга мувофиқ:

*1. "Ўзбекистонда шўрланган ерлардан қандай самарали фойдаланиш мумкин?".*

*2. Пахтачиликни ривожлантириш муаммолари.*

*3. Қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш масаласи.*

*4. Тупроқ агротехникасини ривожлантириш муаммолари ва ш.к.*

Муаммони шакллантириш ва иштирокчилар томонидан қабул қилиниши учун тегишли омилларни ҳисобга олган ҳолда муаммонинг умумий таҳлилини амалга ошириш зарур бўлади:

*– муаммонинг мураккаблиги нимада;*

*– муаммонинг таснифи, яъни маълум бир типга алоқадорлиги, ноаниқлик даражаси ва ҳ.к.;*

*– мураккаб саволларни аниқлаштириш;*

*– муаммонинг салбий ва ижобий жиҳатлари (минуслари ва плюслари);*

*– қабул қилинадиган қарорнинг бажарилиши имкониятлари.*

Муаммонинг бундай таҳлили муаммо ҳақида тингловчиларда тасаввур пайдо қилади ва тингловчилар муаммони ҳал қилиш йўлларини топишда қийналишмайди.

*Генерация – эксперимент (разведка) босқичи*

Шундай қилиб, "Ақлий ҳужум" методини ўтказиш бошланади. Олдинига ғоялар яратилишининг эксперимент (разведка) босқичи бошланади. Методни ўтказувчи илк ғояларни илгари суради, қоидаларга риоя қилинишини қатъий назорат қилади, айниқса, танқидга тааллуқлисига алоҳида эътибор беради. Генераторларнинг ғояларини 12-жадвалга мос ҳолда тўлдиради. Бу жараён 5-7 дақиқа давом этади.

*Ғояларнинг генераторлари учун*

Муаммони ёзинг: Масалан, *"Ўзбекистонда шўрланган ерлардан қандай самарали фойдаланиш мумкин?"*

12-жадвал

## Генераторларнинг ғояларини ёзиш шакли

| Муаммони ҳал қилиш бўйича Сизнинг ғояларингиз | Ғоянинг янгилиги нимада? Кутилаётган қийинчиликлар, ўзига хос хусусиятлар, бажаришнинг таклиф қилинган муддати. Сизнинг шахсан қатнашадиган қисмингиз, бажариш алгоритми. Кутиладиган натижалар | Ғоя муаллифининг исми, шарифи |
|---|---|---|

### *Бевосита генерация босқичи*

Генерация – эксперимент (разведка) босқичи секин-аста бевосита генерация босқичига ўтади. Бунда энди ҳар бир иштирокчи ўзининг оригинал ғоясини илгари суради. Махсус ассистент ғояларни қандай айтилаётган бўлса, шундайлигича ҳеч қандай шарҳсиз ёзиб боради.

Агар методни ўтказувчи иштирокчиларнинг янги ғояларни илгари сурмай қўяётганини сезиб қолса, уларни илгариги фикрларининг аксини айтишга чорлаш керак бўлади. Шунда уларда «иккинчи нафас» очилади.

Бу босқичнинг сўнггида (бу босқич 20-30 дақиқа давом этади) раҳбар барчага «Ақлий ҳужум»да қатнашганликлари учун миннатдорчилик билдиради.

### *Ишнинг синтез босқичи*

Бу босқичда таҳлилчилар гуруҳи (3-5 одамдан иборат) 2-шакл бўйича тўпланган ғояларни йиғиб олиб, уларни кейинчалик таҳлил қилиш учун корзинкаларга жойлашади. Шундан сўнг барча ғоялар тизимлаштирилади, тасниф қилинади, баҳоланади ва нисбатан муаммонинг ечилишига ёрдам берадиганларини алоҳида олиб қўядилар.

### *Танқидий босқич*

Бу босқичда таҳлилчилар иккита гуруҳга бўлинадилар: таҳлилчилар ва танқидчилар. Танқидчилар илгари сурилган ғояларни танқид қиладилар ва бунда генераторнинг шахсини эмас, балки ғояларнинг ўзини танқид қилиш зарур бўлади.

Шундан сўнг ғоялар учга корзинага ташланади:

*1.Янги, бемалол ҳаётга татбиқ қилса бўладиган ғоялар.*



*2.Маълум ғоялар.*

*3.Кейинчалик таҳлил қилиш учун сақланадиган ғоялар.*

Бу методни ўтказувчилар таҳлилчиларга доимий консультациялар бериб борадилар ва регламентни сақлашга ҳаракат қиладилар (регламент 30 дақиқа). Таҳлилчилар ... – жадвалга мос ҳолдаги шаклни тўлдирадилар. Шундай қилиб, янги маълумот тизими дунёга келади.

*Таҳлилчилар учун "Таҳлилчилар гуруҳи"нинг исми-шарифи (асосий таҳлилчиларни кўрсатинг)*

________________________________________

________________________________________

Илгари сурилган ғоялар бўйича киритиладиган маълумотлар.

1. Миқдорий кўрсаткичлар: ____________________

а) қатнашчилар миқдори____________________

б) ғоялар миқдори ____________________

2. Сифат кўрсаткичлари:

а) янги, ҳаётга татбиқ қилиш мумкин бўлган ғоялар;

б) маълум ғоялар;

б) кейинги таҳлил учун "захира ғоялар".

3. Биринчи иккита йўналишдаги ғояларни алоҳида белгилаш ва таҳлил қилиш зарур;

4. Муаллифини таъкидлаган ҳолда нисбатан оригинал ғояларни ажратиш зарур (ғоянинг мазмунини қисқача ёзиш зарур):

________________________________________

________________________________________

________________________________________

________________________________________

Ғояларни умумлаштириш бўйича бош таҳлилчининг маърузаси.

Таҳлилчилар гуруҳи 10 дақиқалик маъруза учун бош таҳлилчини мустақил ҳолда танлашади. Маърузанинг тахминан қуйидаги шакли таклиф қилинади. Миқдорий кўрсаткичлар:

*1. Иштирокчилар миқдори*

*2. Ғоялар миқдори*

*Шулардан:*

- *Янги ва реал ғоялар*
- *Оригинал ғоялар*

- *Маълум ғоялар*
- *Кераксиз ғоялар*

Биринчи корзинкадаги ғояларга алоҳида эътибор қаратилади.

*"Ақлий ҳужум" бўйича умумий хулосаларнинг чиқарилиши*

"Ақлий ҳужум" методини ўтказувчи ғояларни олдинга қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилади ва мавжуд бўлган эски ғоялар билан қиёслайди. Бундан ташқари, "Ақлий ҳужум"ни ўтказиш жараёнига қисқача баҳо беради. Шу ўринда натижага алоҳида эътибор қаратилади, энг келажаги бор ғоялар реал амалий фаолиятда қўлланилиши таъкидланади.

"Ақлий ҳужум" методини ҳар хил вариантларда амалга ошириш мумкин:

*– оғзаки индивидуал фикр билдириш. Бунда муаллиф ва унинг ғояси доскада муқаррар қайд қилинади;*

*– гуруҳ билан ишлаш. Бунда жамоаларнинг гуруҳли ғоялари қайд қилинади;*

"Ақлий ҳужум" методи "Ғоялар конференцияси" кўринишида ҳам амалга оширилиши мумкин;

"Ақлий ҳужум"нинг яна бир кўринишида муаллифларнинг ўзлари ўз фикрларини ёзадилар ва уни оғзаки тушунтирадилар.

Хулосада шу нарсани таъкидламоқчимизки, "Ақлий ҳужум" методи янгилик туйғуси ривожланган, интеллектуал ижод рағбатлантириладиган, ғояларни ҳақиқатдан ҳам ҳаётга татбиқ этиладиган жамоадагина самара бериши мумкин.

Маълумки, баъзи бир ишга тааллуқли ўйинларда маълум масалаларнинг муҳокамаси пайтида "Ақлий ҳужум"дан фойдаланилади. Шунинг учун педагоглар "Ақлий ҳужум" методини ўйин жараёнида қўллаш технологиясини иложи борича мукаммал ўзлаштириб олишлари зарур.



# "ЯЛПИ ФИКРИЙ ҲУЖУМ" МЕТОДИ

***Ақлли бўлишнинг ўзи кифоя эмас, ақлни ишлата билиш керак (Цицерон)***

**"Ялпи фикрий ҳужум" методи** – бирор муаммо бўйича ўқувчилар томонидан билдирилган янги фикр ва ғояларни тўплаб, улар орасидан энг яхши ва ўзига хос деб топилган жавобларни танлаб олинадиган методдир. Метод ўқувчилар томонидан янги ғояларнинг ўртага ташланиши учун шароит яратиб беришга хизмат қилади.

**"Ялпи фикрий ҳужум" методи** *J. Donald Filips* томонидан ишлаб чиқилган.

***"Ялпи фикрий ҳужум" методини амалда қўллаш***

"Ялпи фикрий ҳужум" методини бир неча ўн (20-60) нафар ўқувчи-талабалардан иборат гуруҳларда қўллаш мумкин. Бунда аввало, ўқувчилар томонидан янги ғояларнинг ўртага ташланиши учун гуруҳлар шакллантирилади. Барча иштирокчилар 5 ёки 6 нафар ўқувчиларни ўз ичига олган кичик гуруҳларга бўлинади ва ҳар бир кичик гуруҳ ҳал қилинадиган ижодий вазифа ёки муаммолар бўйича 15 дақиқа давомида *"Фикрлар ҳужуми"* ўтказади. Топшириқ ва ижодий вазифалар белгиланган вақт ичида ижодий ҳал этилгач, бу ҳақда гуруҳ аъзоларидан бири ахборот беради.

Гуруҳ томонидан берилган ахборот (топшириқ ёки ижодий вазифанинг ечими) ўқитувчи ва бошқа гуруҳлар аъзолари томонидан муҳокама қилинади ва унга баҳо берилади. Машғулот якунида ўқитувчи берилган топшириқ ёки ижодий вазифаларнинг ечимлари орасидан энг яхши ва ўзига хос деб топилган жавобларни эълон қилади. Машғулот жараёнида гуруҳ аъзоларининг фаолиятлари уларнинг иштироклари даражасига кўра баҳолаб борилади.

7-схема

**“Ялпи фикрий ҳужум” методининг тузилмаси**




## “ФИКРЛАРНИНГ ШИДДАТЛИ ҲУЖУМИ” МЕТОДИ

***Цивилизациянинг буюк вазифаси, одамни фикрлашга ўргатишдир.***
***Т.Эдисон***

**“Фикрларнинг шиддатли ҳужуми”** методи – жамоа орасида муайян топшириқларни бажараётган ҳар бир ўқувчининг шахсий имкониятларини рўёбга чиқаришга ва ўқувчиларда маълум жамоа (гуруҳ) томонидан билдирилган зид фикрга қарши ғояни илгари суриш лаёқатини юзага келтиришга асосланган методдир. Бунда жамоа бўлиб ғоялар ишлаб чиқишда иштирокчиларнинг ижодий имкониятлари фаоллаштирилади ва уларнинг фикрларига зид ғоялар қўйилади.

“Фикрларнинг шиддатли ҳужуми” методи ***Я.А. Александров*** томонидан асосланган ҳамда ***Г.Я. Буш*** томонидан қайта ишланган.



“Фикрларнинг шиддатли ҳужуми” методини ижтимоий, гуманитар ва табиий йўналишлардаги фанлар юзасидан ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида бирдек муваффақиятли қўллаш мумкин.

Ушбу методдан фойдаланишга асосланган машғулот бир неча босқичда ташкил этилади. Улар қуйидагича:

8-схема

**“Фикрларнинг шиддатли ҳужуми” методини амалда қўллаш босқичлари**




“Фикрларнинг шиддатли ҳужуми” методини қўллаш жараёнида қуйидаги ҳолатлар юзага келади:

*– ўқувчи-талабалар томонидан муайян назарий билимларнинг пухта ўзлаштирилишига эришиш;*

*– вақтни тежаш;*

*– ҳар бир ўқувчи-талабани фаоллика ундаш;*

*– уларда эркин фикрлаш лаёқатини шакллантириш.*

9-схема

**“Фикрларнинг шиддатли ҳужуми”методининг тузилмаси**




## «ЯШИРИН ФИКРЛАРНИНГ ШИДДАТЛИ ҲУЖУМИ» МЕТОДИ

Кейинги даврларда « Яширин фикрларнинг шиддатли ҳужуми» шаклидаги метод кенг ривожланмоқда. Бу методнинг келиб чиқиш моҳияти шундай: ҳар бир киши ҳам ижодий меҳнат қила олмайди, бегона шахслар олдида, айниқса, бегона шахслар баҳсга аралашиб турганда ғоялар ишлаб чиқа олмайди, лекин уларнинг ғоялар ишлаб чиқишга укувлари бор, балки улар ёлғизликка ва сокинликка муҳтож бўладилар.



Шу туфайли «яширин фикрлар ҳужуми»да икки ғоя ишлаб чиқувчи гуруҳча: бири - одатдаги фикрларнинг шиддатли ҳужуми давомида ғояни олға сурувчилар; иккинчиси – яширин, яъни улар биринчи гуруҳ муҳокамаларида қатнашмайдилар, улар учун «яширин хона» ташкил этилади ва жойлаштирилади. Улар телемонитор воситасида биринчи гуруҳнинг баҳсларини кузатадилар ҳамда юзага келган ғояларни ўз дафтарчаларига ёзиб борадилар ва уларни «эксперт»ларга узатадилар.

## “6х6х6” МЕТОДИ

Бу метод ёрдамида бир вақтнинг ўзида 36 нафар ўқувчи-талабани муайян фаолиятга жалб этиш орқали маълум топшириқ ёки масалани ҳал этиш, шунингдек, гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси имкониятларини аниқлаш, уларнинг қарашларини билиб олиш мумкин. “6х6х6” методи асосида ташкил этилаётган машғулотда ҳар бирида 6 нафардан иштирокчи бўлган 6 та гуруҳ ўқитувчи томонидан ўртага ташланган муаммо (масала)ни муҳокама қилади (10-схемага қаранг).

10-схема

**“6х6х6” методида иштирокчиларнинг жойлашуви**




Белгиланган вақт ниҳоясига етгач, ўқитувчи 6 та гуруҳни тарқатиб, улардан қайта 6 та гуруҳ тузади. Қайтадан шаклланган гуруҳларнинг ҳар бирида аввалги 6 та гуруҳдан биттадан вакил бўлади. Янги шаклланган гуруҳ аъзолари ўз жамоадошларига аввалги гуруҳ томонидан муаммо (масала) ечими сифатида тақдим этилган хулосани баён этиб берадилар ва мазкур ечимларни биргаликда муҳокама қиладилар.

"6х6х6" методининг афзал жиҳатлари қуйидагилардир:

*– гуруҳларнинг ҳар бир аъзосини фаол бўлишга ундайди;*

*– улар томонидан шахсий қарашларнинг ифода этилишини таъминлайди;*

*– гуруҳнинг бошқа аъзоларининг фикрларини тинглай олиш кўникмаларини ҳосил қилади;*

*– илгари сурилаётган бир неча фикрни умумлаштира олиш, шунингдек, ўз фикрини ҳимоя қилишга ўргатади.*

Энг муҳими, машғулот иштирокчиларининг ҳар бири қисқа вақт (20 дақиқа) мобайнида ҳам мунозара қатнашчиси, ҳам тингловчи, ҳам маърузачи сифатида фаолият олиб боради.

Ушбу методни 5, 6, 7 ва ҳатто 8 нафар ўқувчи-талабадан иборат бўлган бир нечта гуруҳларда ҳам қўллаш мумкин. Бироқ йирик гуруҳлар ўртасида "6х6х6" методи қўлланилганда вақтни кўпайтиришга тўғри келди. Чунки бундай машғулотларда мунозара учун ҳам, ахборот бериш учун ҳам бирмунча кўп вақт талаб этилади. Сўз юритилаётган метод қўлланилаётган машғулотларда гуруҳлар томонидан бир ёки бир нечта мавзу (муаммо)ни муҳокама қилиш имконияти мавжуд.

"6х6х6" методидан таълим жараёнида фойдаланиш ўқитувчидан фаоллик, педагогик маҳорат, шунингдек, гуруҳларни мақсадга мувофиқ шакллантира олиш лаёқатига эга бўлишни талаб этади. Гуруҳларнинг тўғри шакллантирилмаслиги топшириқ ёки вазифаларнинг тўғри ҳал этилмаслигига сабаб бўлиши мумкин.

***"6х6х6" методи ёрдамида машғулотлар қуйидаги тартибда ташкил этилади:***

*1. Ўқитувчи машғулот бошланишидан олдин 6 та стол атрофига 6 тадан стул қўйиб чиқади.*

*2. Ўқувчи-талабалар ўқитувчи томонидан 6 та гуруҳга бўлинади. Ўқувчи-талабаларни гуруҳларга бўлишда ўқитувчи қуйидагича йўл тутиши мумкин: 6 та столнинг ҳар бирига муайян объект (масалан, кема, тўлқин, балиқ, дельфин, кит, акула) сурати чизилган лавҳани қўйиб чиқади. Машғулот иштирокчиларига кема, тўлқин, балиқ, дельфин, кит ҳамда акула сурати тасвирланган (жами 36 та) варақчалардан бирини олиш таклиф этилади. Ҳар бир ўқувчи-талаба ўзи танлаган варақчада тасвирланган сурат билан номланувчи стол атрофига қўйилган стулдан жой эгаллайди.*



*3. Ўқувчи-талабалар жойлашиб олганларидан сўнг ўқитувчи машғулот мавзусини эълон қилади ҳамда гуруҳларга муайян топшириқларни беради. Маълум вақт белгиланиб, мунозара жараёни ташкил этилади.*

*4. Ўқитувчи гуруҳларнинг фаолиятини кузатиб боради, керакли ўринларда гуруҳ аъзоларига маслаҳатлар беради, йўл-йўриқлар кўрсатади ҳамда гуруҳлар томонидан берилган топшириқларнинг тўғри ҳал этилганлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг, гуруҳлардан мунозараларни якунлашларини сўрайди.*

*5. Мунозара учун белгиланган вақт ниҳоясига етгач, ўқитувчи гуруҳларни қайтадан шакллантиради. Янгидан шаклланган ҳар бир гуруҳда аввалги 6 та гуруҳнинг ҳар биридан бир нафар вакил бўлишига алоҳида эътибор қаратилади. Ўқувчи-талабалар ўз ўринларини алмаштириб олганларидан сўнг, белгиланган вақт ичида гуруҳ аъзолари аввалги гуруҳларга топширилган вазифа ва унинг ечими хусусида гуруҳдошларига сўзлаб берадилар. Шу тартибда янгидан шаклланган гуруҳ аввалги гуруҳлар томонидан қабул қилинган хулосалар (топшириқ ечимлари)ни муҳокама қиладилар ва якуний хулосага келадилар.*

## "ҚАРОРЛАР ШАЖАРАСИ" МЕТОДИ

***..бизни қандай ҳаёт кечиришимиз қабул қиладиган қароримизга боғлиқ (Рокфеллер)***

**"Қарорлар шажараси"** методи – муайян фан асослари борасидаги бир қадар мураккаб мавзуларни ўзлаштириш, маълум масалаларда ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан муайян хулосаларга келиш, бир муаммо хусусида билдирилаётган бир нечта хулосалар орасидан энг мақбул ҳамда тўғрисини топишга йўналтирилган техник ёндашувлар имкониятини яратувчи методдир.

Ушбу метод, шунингдек, аввалги вазиятларда қабул қилинган қарор (хулоса)лар моҳиятини яна бир бора таҳлил этиш ва уни мукаммал тушунишга хизмат қилади.

Ўқувчи-талабалар гуруҳи иштирокида қўлланиладиган "Қарорлар шажараси" бир неча ўн нафар ўқувчи-талабаларнинг билимлари даражасини аниқлаш, уларнинг фикрларини жамлаш ва

баҳолаш имконини беради. Таълим жараёнида мазкур методнинг қўлланилиши муайян муаммо юзасидан оқилона қарор қабул қилиш (хулосага келиш)да ўқувчи-талабалар томонидан билдирилаётган ҳар бир вариант, уларнинг мақбул ҳамда номақбул жиҳатларини муфассал таҳлил этиш имкониятини яратади. Машғулот жараёнида ўқувчи-талабалар қуйидаги -схема асосида тузилган жадвални тўлдирадилар (ёки ушбу тартибдаги фаолиятни олиб боришда ёзув тахтасидан фойдаланадилар).

11-схема

**“Қарорлар шажараси” методи схемаси**




"Қарорлар шажараси" методи қуйидаги шартлар асосида қўлланилади:

*1. Ўқитувчи машғулот бошланишидан олдин мунозара, таҳлил учун мавзуга оид бирор муаммони белгилайди. Гуруҳлар томонидан қабул қилинган хулоса (қарор)ларни ёзиш учун плакатларни тайёрлайди.*

*2. Ўқитувчи ўқувчи-талабаларни 4 ёки 6 нафардан иборат гуруҳларга ажратади. Муаммонинг ҳал этилиши ва бу борада энг мақбул қарор қабул қилиниши учун муайян вақт белгиланади.*

*3. Қарорни қабул қилиш жараёнида гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси томонидан билдирилаётган вариантларнинг мақбуллик ҳамда номақбуллик даражалари батафсил муҳокама қилинади. Ҳар бир вариантнинг афзал ва афзал бўлмаган жиҳатлари ёзиб борилади. Билдирилган вариантлар асосида муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қилувчи усул хусусида гуруҳ аъзолари бир тўхтамга келиб оладилар.*

*4. Мунозара учун ажратилган вақт ниҳоясига етгач, ҳар бир гуруҳ аъзолари ўз гуруҳининг қарори тўғрисида ахборот берадилар. Зарур ҳолларда ўқитувчи раҳбарлигида барча ўқувчи-*



*талабалар билдирилган хулоса (қарор)ларни бир-бири билан қиёслайдилар.*

Муаммога оид тегишлича қарорлар борасида саволлар юзага келса, уларга тегишлича жавоб қайтарилади, ноаниқликларга аниқлик киритилади. Агар барча гуруҳлар томонидан муаммо юзасидан бир хил қарорга келинган бўлса, ўқитувчи бунинг сабабини изоҳлайди.

"Қарорлар шажараси" методининг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, бу метод бевосита маълум лойиҳа асосида қўлланилади. Мазкур лойиҳа қуйидаги кўринишга эга:

13-жадвал

**"Қарорлар шажараси" методини қўллаш лойиҳаси**

| “ҚАРОРЛАР ШАЖАРАСИ” методи | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| УМУМИЙ МУАММО | | | | | |
| 1-қарор варианти | | 2-қарор варианти | | 3-қарор варианти | |
| Афзаллиги | Камчилиги | Афзаллиги | Камчилиги | Афзаллиги | Камчилиги |
| | | | | | |
| Қарор: | | | | | |

## "ТАЖРИБА ВОСИТАСИДА ЎҚИТИШ ЦИКЛИ" (Д. КОЛБ ҒОЯСИ) МЕТОДИ

Мазкур метод қуйидаги 12-схемада акс эттирилган тўрт омил асосига қурилади: Ушбу схемада қайд этилган омилларнинг ҳар бири ўқитувчи ва таълим олувчилар учун муайян шиор (ғоя)ларга асосланади. Чунончи:

**1. Рефлектив кузатиш.**

***Ўқитувчи учун шиор:*** ўқувчи-талабалар учун машқ (топшириқ)лар мазмунини танқидий ўрганиш ва улар устида фикр юритиш имконини берувчи шароитни яратинг.

***Ўқувчи-талабалар учун шиор:*** ўқитувчи таклиф қилган машқ (топшириқ)лар мазмунини танқидий ўрганинг ва улар устида фикр юритинг.

**2. Назарий билимларни ўргатиш.**

***Ўқитувчи учун шиор:*** ўқувчи-талабаларга зарур назарий билимларни беринг.

***Ўқувчи-талабалар учун шиор:*** ўқитувчи таклиф қилган зарур назарий билимларни ўзлаштиринг.

12-схема

**«Тажриба воситасида ўқитиш цикли» методининг асосий омиллари**




**3,Абстракт хулосалаш, концептуаллаш.**

***Ўқитувчи учун шиор:*** муаммо юзасидан билдирилган фикрларни умумлаштириш ва хулосалаш учун шароит яратинг.

***Ўқувчи-талабалар учун шиор:*** ўқитувчи кўрсатган муаммо юзасидан билдирилган фикрларни умумлаштиринг ва хулосаланг.

**3. Фаол тажриба олиб боришга тайёрлаш.**

***Ўқитувчи учун шиор:*** ўқувчи-талабаларга мукаммал шаклланган, айни вақтда яна бир бор текшириб чиқилиши лозим бўлган машқ (топшириқ)ларни ишлаб чиқиш имконини беринг.

***Ўқувчи-талабалар учун шиор:*** мукаммал шаклланган, айни вақтда яна бир бор текшириб чиқилиши лозим бўлган машқ (топшириқ)ларни ишлаб чиқинг.

**4. Аниқ тажриба ўтказиш.**

***Ўқитувчи учун шиор:*** ўқувчи-талабаларга якуний хулосани шахсий тажрибадан ўтказиш ва фаолиятда ундан фойдаланишни ўргатинг.



***Ўқувчи-талабалар учун шиор:*** якуний хулосани шахсий тажрибадан ўтказинг ва фаолиятда ундан фойдаланинг

## "ҚОРА ҚУТИ" МЕТОДИ

Таълим жараёнида мазкур методни қўллашдан мақсад ўқувчи-талабалар томонидан мавзуни пухта ўзлаштиришга эришиш билан бирга уларни фаолликка ундаш, уларда ҳамкорликда ишлаш, маълум вазиятларни бошқариш ҳамда мантиқий тафаккур юритиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

***Методдан фойдаланишда қуйидаги ҳаракатлар ташкил этилади:***

*– ўқувчи-талабалар жуфтликка бириктирилади;*

*– жуфтликларга мавзу моҳиятини ёритувчи асосий тушунчалар (таянч сўзлар, саналар, рақамлар, белгилар ва ҳ.к.)ни карточкаларга қайд этиш вазифаси юкланади:*

*– ўқитувчи ўқувчи-талабалар билан ҳамкорликда гуруҳлар томонидан топшириқнинг бажарилишини текширадилар;*

*– топшириқни тўғри бажарган гуруҳнинг бир аъзоси ўқитувчи ролини бажаради ва топшириқнинг ечимини ёзув тахтасига ёзади;*

*– ўқувчи-талабалар ёзув тахтасида қайд этилган фикрни шарҳлайдилар (таянч сўзлар, саналар, рақамлар, белгилар қандай маънони англатишини айтадилар);*

*– тўғри жавоб берган талаба-ўқувчи ўқитувчи ролини бажариб, жуфтликларга мавзу моҳиятини ёритувчи шакл, жадвал ёки тасвир яратишни топширади ва ўқитувчи ёрдамида топшириқнинг бажарилишини текширади.*

## "БЕШИНЧИСИ (ОЛТИНЧИСИ, ЕТТИНЧИСИ, ...) ОРТИҚЧА" МЕТОДИ

Ушбу метод ўқувчи-талабаларнинг мантиқий тафаккур юритиш кўникмаларига эга бўлишларида алоҳида аҳамиятга эга. ***Уни қўллашда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:***

*– ўрганилаётган мавзу моҳиятини очиб беришга хизмат қилувчи тушунчалар тизимини шакллантириш;*

*– ҳосил бўлган тизимдан мавзуга тааллуқли бўлган тўртта (бешта, олтита, ... ) тушунчанинг ўрин олишига эришиш;*

*– ўқувчи-талабаларга мавзуга тааллуқли бўлмаган тушунчани аниқлаш ва уни тизимдан чиқариш вазифасини топшириш;*

*– ўқувчи-талабаларни ўз ҳаракатлари моҳиятини шарҳлашга ундаш (мавзуни мустаҳкамлаш мақсадида ўқувчи-талабалардан тизимда сақланиб қолган тушунчаларга ҳам изоҳ бериб ўтишлари ҳамда улар ўртасидаги мантиқий боғлиқликни асослашларини талаб этиш лозим).*

Мавзу моҳиятини ёритувчи тушунчалар ўртасидаги мантиқий боғлиқликни кўрсата ва асослай олиш ўқувчи-талабаларда мустақил фикрлаш, шахсий ёндашувларни асослай олиш, шунингдек, тенгдошларининг фикрлари билан шахсий мулоҳазаларини ўзаро таққослаш кўникмаларини ҳам шакллантиради.

## "3/3" ("4/4", "5/5", ....) МЕТОДИ

Мазкур метод ҳам юқорида қайд этилган методларнинг муқобили ҳисобланиб, ўқувчи-талабалардан ўрганилаётган мавзу (ёки бўлим, боб) юзасидан таҳлилий мулоҳаза юритиш, шунингдек, энг муҳим таянч тушунчаларни ифодалай олишни талаб этади.

Унга кўра, ўқитувчи мавзу (бўлим, боб) юзасидан учта (тўртта, бешта ва ҳоказо) тўғри ва унга тенг нисбатда (учта, тўртта, бешта) бўлган ва ноўрин қўлланилган тушунчалар (сўзлар, белгилар, тасвирлар ва бошқалар)дан иборат тизимни шакллантиради. Ўқувчи-талабалар ушбу тизимдан мавзу (бўлим, боб)га тааллуқли бўлмаган тушунчаларни ажратадилар ва ҳаракатларининг моҳиятини изоҳлайдилар.

Методни қўллашда қуйидаги ҳаракатлар ташкил этилади:

*– ўқитувчи ўзаро тенг нисбатда мавзу (бўлим, боб)га оид ва оид бўлмаган асосий тушунчалар тизимини яратади;*

*– ўқувчи-талабалар мавзу (бўлим, боб)га оид ва оид бўлмаган асосий тушунчаларни аниқлайдилар ва дахлдор бўлмаган асосий тушунчаларни тизимдан чиқарадилар;*

*– ўқувчи-талабалар ўз ҳаракатларининг моҳиятини изоҳлайдилар.*

Методдан индивидуал, гуруҳли ва оммавий шаклда ўқувчи-талабалар томонидан мавзунинг пухта ўзлаштирилишини таъминлаш ҳамда уларнинг билимларини аниқлаш мақсадида фойдаланиш мумкин.



## "РАСМЛАРНИ ТЎҒРИ ЖОЙЛАШТИРИНГ" МЕТОДИ

Кичик гуруҳларда ишлашда ушбу методдан фойдаланиш ҳам ижобий натижаларни кафолатлайди. **Методни қўллашда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:**

*– ўқитувчи томонидан ўрганилаётган мавзунинг моҳиятини мантиқий кетма-кетликда ёритишга хизмат қилувчи тушунчаларни ифода этган махсус карточкалар тўпламлари тайёрланади. Бу карточкаларнинг бир томонида мавзунинг моҳиятини ёритишга хизмат қилувчи тушунчани ифода этган тасвирлар ёки бошқа белгилар акс эттирилган бўлади. Шу тасвир ёки белгининг маъносига мос равишда ҳар бир карточканинг орқа томонига мавзунинг моҳиятини ёритувчи "ядро" тушунчанинг биттадан ҳарфи жойлаштирилади ва махсус қоплама билан беркитилади. Мавзунинг моҳиятини мантиқий кетма-кетликда ёритишга хизмат қилувчи ҳар бир "ядро" тушунчага бағишланган бундай карточкаларнинг тўпламлари кичик гуруҳлар сонига тенг сонда тайёрланади;*

*– ҳар бир гуруҳга махсус карточкаларнинг битта "ядро" тушунчага тегишли тўлиқ тўлами алоҳида топширилади ва карточкаларни улардаги тушунчаларга асосан, мантиқий кетма-кетликда жойлаштириш вазифаси юкланади;*

*– гуруҳлар томонидан топшириқ бажарилиб бўлингач, карточкаларнинг орқа томони ўгирилади ва махсус қоплама очилиб, топшириқнинг қай даражада тўғри бажарилганлиги аниқланади.*

Агар топшириқ гуруҳлар томонидан тўғри бажарилган бўлса, якуний жараёнда карточкалар орқа томонга ўгирилганда мавзунинг моҳиятини ёритувчи "ядро" тушунча ҳосил бўлади.

Методдан фойдаланишнинг афзаллиги шундаки, бу жараёнда ўқувчи-талабаларда мавзуни муайян қисмларга бўлиб ўрганиш ва қисмлар ўртасидаги мантиқий боғлиқлик ҳамда алоқадорликни анализ ва синтез асосида аниқлаш кўникмалари ҳосил қилинади.

## "ҚИЗИЛ ВА ЯШИЛ РАНГЛИ КАРТОЧКАЛАР БИЛАН ИШЛАШ" МЕТОДИ

Ўқувчи-талабалар билан оммавий ва гуруҳ шаклида ишлашда ушбу методни қўллаш ниҳоятда қулай. Бу методдан машғулотлар сўнггида мавзуни мустаҳкамлашга оид **тезкор савол-жавобни ташкил этишда** фойдаланиш мумкин. Бунда тезкорликни

таъминлаш учун одатда, "ҳа" ёки "йўқ" деб жавоб бериш мумкин бўлган саволлардан фойдаланилади. Метод қуйидаги ҳаракатларни ташкил этиш асосида қўлланилади:

*– ўқитувчи томонидан қизил ва яшил рангли карточкалар иштирокчилар сонига мувофиқ тайёрланиб, уларга тарқатилади.*

*- тезкор савол-жавобни ташкил этишда ўқитувчи саволларни бирма-бир эълон қилиб боради. Бунда битта саволни эълон қилинганда ўқувчи-талабалар "ҳа" ёки "йўқ" деган жавобни билдириш учун тегишлича тартибда яшил ёки қизил рангли карточкалардан тегишлисини кўтариб жавоб берадилар. Бу усул дарсда шовқин бўлмаслигига ҳамда бир вақтда гуруҳдаги барча ўқувчи-талабаларнинг ўзлаштириш даражасини билишга имкон беради. Ўқитувчи тўғри ва нотўғри жавобларни санаб белгилайди ва кейинги саволни эълон қилади ҳамда жавобларни санаб белгилаб боради.*

*Ўқитувчи тўғри ва нотўғри жавобларнинг нисбатини аниқлаш орқали гуруҳдаги ўқувчи-талабаларнинг умумий ўзлаштириш даражасини билиш ва тегишли чораларни кўриш имконига эга бўлади.*

Мактаб, академик лицей, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида "Иқтисодий назария" ва "Иқтисодий билим асослари" фанлари бўйича ташкил этилган машғулот жараёнида "Қизил ва яшил рангли карточкалар билан ишлаш" методини қўллашда ўқувчи-талабаларга қуйидаги саволларни бериш мумкин.

*1. Инсон эҳтиёжларини қондириш учун унга турли хил неъматлар (ресурслар) зарур бўладими?*

*2. Ҳаво, сув, қуёш нури ва иссиқлиги, шунингдек, фойдали қазилмаларни инсон кучи билан ҳосил қилиш мумкинми?*

*3. Инсон меҳнати, унинг томонидан ташкил этилаётган иқтисодий фаолиятнинг маҳсули маҳсулот деб аталадими?*

*4. Маҳсулотлар фақат моддий неъматлардангина иборатми?*

*5. Хизмат кўрсатишнинг муайян кўриниши маҳсулот бўла оладими?*

*6. Моддий неъмат яратмайдиган, бироқ натижаси инсонлар эҳтиёжини қондиришга қаратилган иқтисодий фаолият хизматлар деб аталадими?*

*7. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун иқтисодий ресурслар (хомашё, инсоннинг жисмоний ва ақлий кучи, турли механизм, машина ва асбоб-уску-налар, ишлаб чиқариш корхоналари)нинг бўлиши шартми?*



*8. Иқтисодий ресурслар миқдорининг "чекланган деб ҳисобланиши" тўғрими?*

*9. Жамиятда иқтисодий чекланганлик муаммоси мавжудми?*

*10. Иқтисодий чекланганлик муаммосининг иқтисодиётнинг асосий (бош, етакчи) муаммоси деб ҳисобланиши тўғрими?*

## "ВИДЕОТОПИШМОҚ" МЕТОДИ

Сўнгги йилларда педагогик фаолиятда турли ахборот-коммуникация воситалари (компьютер, монитор доска, проектор, мультимедиа материаллари, телевидение, радио, нусха кўчирувчи қурилма, слайд, видео ва аудиомагнитофонлар) ёрдамида таълим жараёни ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқитувчилар олдида таълим жараёнида турли ахборот воситаларидан ўринли ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш вазифаси турибди. Видеотопишмоқ методидан фойдаланишда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

*– ўқувчи-талабаларга ўрганилаётган мавзу моҳиятини тасвирий ёритишга ёрдам берувчи изоҳларсиз бир нечта видео лавҳа намойиш этилади;*

*– ўқувчи-талабалар ҳар бир лавҳада қандай жараён акс эттирилганлигини изоҳлайдилар;*

*– жараёнларнинг моҳиятини дафтарларига қайд этадилар;*

*– ўқитувчи томонидан берилган саволларга жавоб қайтарадилар.*

## "ЮМАЛОҚЛАНГАН ҚОР" МЕТОДИ

Ушбу метод ҳам мавзуни муайян қисмларга бўлган ҳолда ўзлаштириш имконини беради ҳамда ўқувчи-талабаларда гуруҳ бўлиб ва жуфтликда ишлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Методни қўллаш жараёнида қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

*– тасвирли карточкалар тайёрланади;*

*– уларнинг орқа томонига мавзуни ўзлаштиришга оид ўн бешта вариантдан иборат топшириқлар ёзилади;*

*– ўқувчи-талабалар икки ёки уч гуруҳга бўлинадилар (гуруҳларни ҳосил қилишда тасвирли карточкалардан фойдаланилади);*

*– ҳар бир гуруҳ аъзолари бир нечта жуфтликларга бириктирилади;*

*– ҳар бир жуфтлик бир вариантдаги топшириқни бажаради;*
*– жараён якунида умумий хулосалар чиқарилади.*

"Юмалоқланган қор" методидан муайян бўлим ёки боблар бўйича ўзлаштирилган назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланиш ниҳоятда қулай.

## "ДУМАЛОВЧИ ҚОР УЮМИ" МЕТОДИ

Думаловчи қор уюми методи ўқув машғулоти ўтказиш методининг рамзий номи бўлиб, иш қўйилган муаммо устида мулоҳаза юритиб кўриш учун талабаларга вақт, тегишли манбалар, тарқатма материаллар беришдан бошланади. Бу метод гуруҳнинг ҳар бир аъзосига бутун гуруҳнинг билимлари ва тажрибаларидан фойдаланиб, ўзининг кенг қамровли нуқтаи назарини баён этишни назарда тутади. Бунинг учун талабалар 4 та кичик гуруҳларга ажратилади. Муҳокама қилиб чиқиш учун барча гуруҳларга битта топшириқ берилади.

Ҳар бир кичик гуруҳ топшириқ устида алоҳида ишлайди. Сўнгра биринчи билан иккинчи ва учинчи билан тўртинчи гуруҳлар муаммо устида биргаликда муҳокама юритишади. Охир оқибатда барча кичик гуруҳлар бирлашиб, бутун яхлит гуруҳ бўлиб қўйилган муаммо ечимини ҳал этишнинг турли йўлларини, вариантларини муҳокама қилишади. Бундай муҳокама жараёнида талабаларнинг қўйилган муаммо юзасидан билимлари чуқурлашиб, ойдинлашиб, бойиб, кенгқамровли бўлиб боради.

## "ҚОР БЎРОН" МЕТОДИ

Иккига ажратилган гуруҳ талабалари бир муаммо юзасидан энг кўп тўғри жавоблар топиш мақсадида биргаликда муҳокама юритишади. Ҳар бир тўғри жавоб юмалоқланган қор кўринишида ўша гуруҳ ҳисобига ёзиб қўйилади; тўпланган умумий баллар миқдори асосида гуруҳлар баҳоланади.

Муаммо битта гуруҳда ёки икки кичик гуруҳларда муҳокама қилинади. Бунда топшириқлар ҳар хил ёки бутун гуруҳга битта бўлиши мумкин. Гуруҳлар қўйилган муаммони маълум муддат муҳокама этиб, натижани бошқаларга маълум қилишади. Муаммо ечимининг энг яхши варианти танлаб олинади.



## "ЗАКОВАТЛИ ЗУККО" МЕТОДИ

"Заковатли зукко" методи ўқувчи-талабаларда тезкор фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, шунингдек, уларнинг тафаккур тезликларини аниқлашга ёрдам беради. Мавжуд билимларни пухта ўзлаштиришда ўқувчи-талабаларнинг фикрлаш, тафаккур юритиш лаёқатларига эгаликлари муҳим аҳамиятга эга.

Метод ўз хоҳишларига кўра шахсий имкониятларини синаб кўриш истагида бўлган ўқувчи-талабалар учун қулай имконият яратади. Улар ўқитувчи томонидан берилган саволларга тез (қисқа вақт давомида) тўғри ва аниқ жавоб қайтара олишлари зарур. Саволларнинг мураккаблик даражасига кўра ҳар бир саволга қайтарилган тўғри жавоб учун баллар белгиланади.

Якуний балларнинг ўртача арифметик қийматини топиш асосида ўқувчи-талабаларнинг тафаккур тезлиги аниқланади. Балларнинг белгиланиши ўқувчи-талабаларнинг шахсий имкониятлари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишларини таъминлайди.

Метод ўқувчи-талабалар билан якка тартибда, гуруҳли ва оммавий ишлашда бирдек қўлланилиши мумкин.

## "ҚАРАМА-ҚАРШИ МУНОСАБАТ" МЕТОДИ

Бу метод ўз моҳиятига кўра ўзлаштирилган билимларни таҳлил ва синтез қилиш асосида асосий ҳамда иккинчи даражали маълумотлар сифатида гуруҳларга ажратиш имконини беради. Методни қўллашда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

*– мавзунинг умумий мазмуни ёдга олиниб, унинг аҳамиятини ёритувчи таянч тушунчалар аниқланади;*

*– улар муайян кетма-кетликда қайд этилади;*

*– тушунчалар шахсий ёндашув асосида муҳим ва у қадар муҳим бўлмаган тушунчалар тарзида гуруҳланади;*

*– жадвал яратилиб, унинг 1-устунига муҳим бўлган, 2-устунига муҳим бўлмаган тушунчалар ёзилади;*

*– кичик гуруҳлар асосида шахсий ёндашувлар муҳокама қилинади;*

*– жамоанинг умумий фикрига мувофиқ бўлган якуний хулосани ифода этувчи жадвал яратилади.*

Ўқувчи-талабалар фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш учун уларга мавзу бўйича қуйидаги 14 ва 15-жадвалларни тўлдиришни таклиф этиш мақсадга мувофиқ:

1. Якка тартибда ишлаш жараёнида фойдаланиш учун:

14-жадвал

**Мавзу бўйича тушунчаларни саралаш жадвали**

| Мавзунинг аҳамияти | | | |
|---|---|---|---|
| № | Муҳим тушунчалар | № | Муҳим бўлмаган тушунчалар |
| 1. | | 1. | |
| 2. | | 2. | |
| 3. | | 3. | |
| 4. | | 4. | |
| 5. | | 5. | |
| ... | | ... | |

2. Жамоа асосида ишлаш жараёни учун:

**15** -жадвал

**Мавзунинг аҳамиятини таҳлил қилиш жадвали**

| Мавзунинг аҳамияти | | |
|---|---|---|
| № | Жамиятнинг ижтимоий (иқтисодий, маданий) ҳаётдаги роли | Шахс ҳаётдаги роли |
| 1. | | |
| 2. | | |
| 3. | | |
| 4. | | |
| 5. | | |
| ... | | |

## "ЗИГ-ЗАГ" ЁКИ "БОШҚАЛАРНИ ЎҚИТИШ" МЕТОДИ

Бу метод талаба-ўқувчилар билан гуруҳ асосида ишлаш, мавзуни тезкор ва пухта ўзлаштиришга хизмат қилади. Методнинг афзаллиги қуйидаги жиҳатлар билан белгиланади:

*1. Ўқувчи-талабаларда жамоа бўлиб ишлаш кўникмаси шаклланади;*

*2. Мавзуни ўзлаштиришга сарфланадиган вақт тежалади*

***"Зиг-заг" методининг қўлланиш қоидаси қуйидагича:***

*1-босқич. Кичик гуруҳлар ташкил этилади.*



*2-босқич. Ҳар бир гуруҳ иштирокчиларига 1, 2, 3 рақамлари ёзилган қоғозлар (топшириқлар сонига қараб) тарқатилади.*

*3-босқич. Ҳар бир гуруҳдаги иштирокчилар алоҳида стол атрофида бирлашади. Буни шартли равишда (1,1,1,1), (2,2,2,2), (3,3,3,3) кўринишида ифодалаш мумкин. Ушбу гуруҳларнинг ҳар бирига алоҳида топшириқлар берилади (мисол учун 1-гуруҳга дарснинг методик таҳлили, 2-гуруҳга илмий, 3-гуруҳга дидактик таҳлили).*

*4-босқич. Гуруҳ иштирокчилари белгиланган вақт оралиғида берилган таҳлил турларини пухта ўрганадилар ва ҳар бир иштирокчи "ўқитувчи" даражасига кўтарилади.*

*5-босқич. Ҳар бир иштирокчи аввалги ўрнига қайтади ва ўзининг пухта ўрганиб келган материалини (дарс таҳлили турини) шерикларига галма-галдан тушунтириши керак. Мана шу тартибда дарс таҳлили турлари талабалар томонидан мустақил ўрганилади. Ва бу ишларнинг тақдимоти ўтказилади.*

*Дарс таҳлилининг қайси тури бўйича тақдимот қилиш ўқитувчи томонидан белгиланади, яъни гуруҳлар тақдимот қилиб берадилар. Ҳар бир гуруҳлар тақдимотини қолган гуруҳлар баҳолайди.*

*Баҳолаш мезони максимал – 10 балл. Шундан таҳлил мазмуни учун – 6 балл, тақдимот сифати учун – 2 балл, ижодий ёндашув учун - 2 балл бўлиб, гуруҳ ўқитувчи томонидан рағбатлантирилади.*

## «АЖУРЛИ АРРА» МЕТОДИ

**«Ажурли арра»** (французча «*ажоур*» сўзидан олинган бўлиб, "*бир ёқдан иккинчи ёққа ўтган, икки томони очиқ*" деган маънони англатади) методи- яхлит мавзуни бир неча қисмларга ажратган ҳолда мазмунини ёритиш асосида таълим олувчиларнинг пухта ўзлаштириши, ўз билимларини бошқаларга етказиб бериш имконига эга бўлиши таъминланади.

Ушбу методни Ф.Славин томонидан ишлаб чиқилган (1986 й.)

"Ажурли арра" методи тузилиши жиҳатидан ўзида қуйидаги босқичларни қамраб олади:

*Топшириқни бўлиш: топшириқ ва матнли материаллар бир неча асосий қисмларга (ёки) мавзуларга қирқилади.*

*Бирламчи гуруҳлар: ҳар бир гуруҳ аъзолари қирқилган мавзуни олади ва экспертга айланади.*

• *Эксперт гуруҳлар: қўлида бир мавзуга оид ўқув топшириқлари мавжуд бўлган ўқувчи-талабалар мавзуни муҳокама қилиш, бошқаларга ўргатиш, режасини*

*Бирламчи гуруҳлар: ўқувчи-талабалар ўзларининг* бирламчи гуруҳларига ўрганганларини ўқитишади.

Шунингдек:

*1. Ўқитиш жараёнига бу тарзда ёндашилганда ўқувчи-талабаларнинг ҳамкорликда ишлашларига ва қисқа вақт ичида катта ҳажмдаги ахборотларни ўзлаштиришларига имкон туғилади.*

*2. У ёки бу фаолиятни дарсда амалга ошириш учун талаба-ўқувчиларга бошланғич ахборотларни узатиш зарурат туғилса, маъруза ўрнини боса оладиган самарали қурол ҳисобланади.*

*3. Ўқитувчи мураккаб мавзулар бўйича ўқувчи-талабаларни дарсга тайёрлаш учун олдиндан уларнинг ҳар бирига мўлжалланган алоҳида ахборот тайёрлайди. Унда дарсликдан ташқари қўшимча тарзда газета, журналлардаги мақолалардан материаллар бўлиши керак.*

*4. Ҳар бир ўқувчи-талаба икки гуруҳ таркибида иштирок этади: Дастлаб "ўз уйи" (бирламчи) гуруҳига, кейин эса (эксперт)*



*гуруҳига бирлашиб, ўқув элементларини мустақил равишда ўрганишади. Эксперт гуруҳини тезда ташкил этиш учун ўқувчи-талабалар олган ахборот пакетларидан ҳар бир мавзуга оид материаллар, бир хил рангдаги қоғозларга ёзилган ёки рангли қалам билан қоғознинг бирор бир бурчаги бўялгани маъқул.*

*5. Ҳар бир гуруҳда 3 тадан 5 тагача ўқувчи-талаба (ўқувчи-талабалар сонига қараб) бўлиши мумкин. Ҳар бир ўқувчи-талаба "ўз уйи"дагиларни ва қайта учрашиш жойини аниқлаб олиши керак.*

*6. Ўқитувчи ўқувчи-талабаларни "рангли топшириқлар" асосида гуруҳга бирлашишларини таклиф этади ҳамда улар алоҳида мавзулар бўйича экспертга айланади. Мисол учун, "қизил"ларни аудитория ёки синф хонаси охирида, "кўк"ларни эса ЎқЮ, касб-ҳунар коллежи, мактаб йўлакчасида учрашиши белгиланади. Ҳар бир эксперт гуруҳида ўқувчи-талабалар сони 3 нафардан кам бўлмаслиги керак.*

*7. Гуруҳларга ахборотли пакетлар тарқатилади, ҳар қайси гуруҳ турли хил материаллар тўпламини олишлари ва уларни муҳокама қилиши, айнан ана шу ахборотлар бўйича экспертга айланиши лозим. Ўқув материаллари бўйича "эксперт" бўлиши учун ўқувчи-талабаларда вақт етарли бўлиши зарур. Агар материаллар мураккаб ва катта бўлса, бир дарс жараёни тўлиқ талаб қилинади.*

*8. Ўқувчи-талабаларга қуйидаги топшириқлар берилади:*

*– пакетдаги материалларни қунт билан ўрганинг ва муҳокама қилинг;*

*– бир-бирингиздан сўранг, материалларни ҳар бирингиз тушуниб олганингизга ишонч ҳосил қилинг;*

*– ўз "уйингиз" гуруҳида ўқитиш зарурлигини ҳисобга олиб, материалнинг муҳим ўқув унсурларига эътиборни қаратинг.*

*9. Ўқувчи-талабаларнинг ўз "уйларига" қайтишларини илтимос қилинг. Ҳар бири ўз "уйи" гуруҳига ахборот беради. Шак-шубҳасиз, "уй" гуруҳида эксперт гуруҳидан 1 та ўқувчи-талаба бўлиши шарт. Ўрганиб келган ўқувчи-талаба материалларни ўз гуруҳи ўқувчи-талабаларига ўргатиш жавобгарлигини бўйнига олади. Бу жараён ўқув материалларининг ўзлаштирилиши зарурлигига қараб, яна бир соат давом этиши мумкин.*

"Ажурли арра" стратегиясининг технологик моделини қуйидаги 13-схема шаклида ифодалаш мумкин:

13-схема

**“Ажурли арра” стратегиясининг технологик модели схемаси**




## ЕЛПИҒИЧ (ВЕЕР) МЕТОДИ

Бу метод мураккаб, кўп тармоқли, кўпинча муаммоли характерга эга бўлган мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг мохияти шундан иборатки, унда мавзунинг барча жиҳатлари (масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик ва камчиликлари, фойда ва зарарлари, бошқа фазилатлари) тўғрисида бир йўла шарҳ берилади. Айни пайтда уларнинг ҳар бири алоҳида белгиланади ва тегишлича муҳокама этилади.

Бу интерфаол метод ўқувчи талабаларда танқидий, таҳлилий, аниқ, мантиқий фикрлашнинг муваффақиятли ривожланишига ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, ҳимоя қилиш қобилиятини ривожлантиришга имконият яратади.

Елпиғич методи умумий мавзунинг айрим жиҳатларини алоҳида муҳокама қилувчи кичик гуруҳларнинг ҳамда ҳар бир иштирокчининг ва шу билан бирга, бутун гуруҳнинг фаол ишлашини ташкил қилишга йўналтирилган.

Елпиғич методини мавзуни ўрганишнинг турли босқичларида қўллаш мумкин:

– *бошланишида: ўқувчи-талабаларнинг билимларини эркин фаоллаштириш;*

– *мавзуни ўрганиш жараёнида: унинг асосларини чуқур фаҳмлаш ва англаб етиш;*

– *якунлаш босқичида: олинган билимларни тартибга солиш.*



Бу методни қўллашда мавзу бўйича қуйидаги асосий тушунчалар ўрганилади:

– *мавзуга тегишли тушунчалар, нуқтаи назарлар, предмет, ҳодисалар;*

– *афзаллик – бирор нарса билан қиёслагандаги устунлик,. имтиёз;*

– *нуқсон–номукаммаллик, қоидаларга, мезонларга номувофиқлик;*

– *фазилат – ижобий сифатлар;*

– *хулоса – муайян бир фикрга, мантиқий қоидалар бўйича далилдан натижага келиш.*

Елпиғич методи таълим мақсадидан ташқари тарбиявий характердаги қуйидаги вазифаларни амалга ошириш имконини ҳам беради:

– *жамоа, гуруҳларда ишлаш маҳорати;*

– *муаммолар, вазиятларни турли нуқтаи назардан муҳокама қилиш маҳорати;*

– *муросали қарорларни топа олиш маҳорати;*

– *ўзгалар фикрига ҳурмат;*

– *хушмуомалалик;*

– *ишга ижобий ёндашиш;*

– *фаоллик;*

– *муаммога диққатини жамлай олиш маҳоратини шакллантириш ва мустаҳкамлаш.*

## “СИНКВЕЙН” МЕТОДИ

“Синквейн” методи – машғулот мавзусига доир ахборотларни қисқача баён қилиш, мураккаб ғояларни, ҳис-туйғуларни, тасаввурларни бир нечта сўзлар воситасида аниқ ва қисқа баён қилишни ўргатиш имкониятини берувчи интерфаол таълим методидир.

Ж.Стилл, К.Мередс, Ч.Темил томонидан ишлаб чиқилган.

“Синквейн” атамаси французча “*беш қатордан иборат*” шеър маъносини билдиради.

*“Синквейн” методи “Ўқиш ва ёзиш асосида танқидий фикрлашни ривожлантириш дастури”да кўзда тутилган ҳар бир*

*таълим олувчининг фикрлаш фаоллигини ошириш, уларда танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган методдир.* Синквейн бу – "*беш қатордан иборат*" ўзига хос қофиясиз шеър бўлиб, у бирор воқеа муносабати билан ёзиладиган ёки рефлексия қилинадиган ахборот ва материалларнинг қисқа ифодаларда синтезланишини талаб этади.

Синквейн кўринишидаги шеърда машғулот мавзуси ва унга доир ўрганилаётган тушунча, ҳодиса, воқеа ҳақидаги ахборотни ўқувчи-талаба сўзи билан умумлаштирилган ҳолда турли вариантларда ва турли нуқтаи назарлар орқали ифодаланади. Ҳозирда синквейн ёзишнинг муайян тартиби шаклланган.

*Синквейнни ёзиб чиқиш қоидаси қуйидагича:*

1. Биринчи қаторда бир сўз билан мавзу ёки муаммо ёзилади (одатда, от туркумига оид сўз билан).
2. Иккинчи қаторда мавзу ёки муаммо икки сўз билан тавсиф қилинади (сифат туркумига оид икки сўз билан).
3. Учинчи қаторда ушбу мавзу ёки муаммо бўйича хатти-ҳаракатлар уч сўз билан тавсиф этилади.
4. Тўртинчи қаторда бир сўз билан ифодаланган мавзу ёки муаммога алоқадорликни кўрсатувчи тўрт сўздан иборат ҳиссиётни ифодаловчи гап (ибора) тузилади;
5. Бешинчи қаторда мавзунинг моҳиятини такрорловчи бир сўздан иборат синоним ёки моҳиятининг янгича ифодаси ёзилади:

Амалиётда синквейн:

- *мураккаб ахборотни синтезлаш қуроли;*
- *ўқувчи-талабалар тушунча захирасини баҳолаш воситаси;*
- *фикрни ижодий ифодалаш воситаси сифатида жуда фойдалидир.*

Синквейн тушунчалар ва ахборотларни рефлексиялаш, синтезлаш ва умумлаштиришда тезкор, айни замонда қудратли қурол ҳисобланади.[4]

Агар синквейн маълум бир мавзу ўрганилгандан сўнг тузилса, унинг асосий хусусиятлари, моҳияти тушунилиб, якунланади. Синквейн материаллар устида ўйлашга, мураккаб ахборотни синтезлашга ёрдам беради. Ижодий ишлаш имконияти келиб чиқади.

[4] Qarang: Azizxodjayeva. N. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat .- T.: 2006, 39-45-betlar.



"Синквейн" методини нисбатан адабиёт, фалсафа, тарих ва бошқа шунга ўхшаш фанларда қўллаш осонроқ. Сабаби, уларнинг сифати ва ҳаракати билан богловчи синоним сўзларни топиш осон. Иқтисодий фанларда эса, категорияларнинг синонимини топиш қийинроқ. Лекин уни бошқача усуллар билан қўлласа бўлади. Ана шу қийинчилик уни қўллашнинг қизиқарли бўлишига олиб келади.

"Синквейн" методидан иқтисодий категорияларни ўрганишда фойдаланишни қуйидаги мисол ёрдамида кўриш мумкин.

***"Синквейн" методини амалда татбиқ этишга мисол:***

1. Ном (от) **Коллеж**
2. Тавсифи (2 та сифат) **катта, чиройли**
3. Ҳаракат (3 та феъл) **ўқитади, ўргатади, тарбиялайди**
4. Мавзуга тегишли гап (4 та сўз) **тадқиқот илм фан маскани**
5. Синоним (1 та сўз) **билимгоҳ.**

**Вазифа:** "**Фермер**" мавзуси бўйича фикрларингизни синквейн кўринишида баён этинг.

1. Ном (от) ____________
2. Тавсифи (2 та сифат) ________, ________,
3. Ҳаракат (3 та феъл) ______, ________, __________
4. Мавзуга тегишли гап (4 та сўз) _____ ____________
5. Синоним (1 та сўз) ______________

## ФИКР, САБАБ, МИСОЛ, УМУМЛАШТИРИШ (ФСМУ) МЕТОДИ

***ФСМУ методининг тавсифи:*** Бу метод машғулотда ўрганилаётган мавзунинг муҳокамаси жараёнида унга доир масалалар бўйича талабалар ўз фикрларини баён қилишлари, шу фикрларни асословчи сабабларни кўрсатишлари, уларни тасдиқловчи мисоллларни келтиришлари ва пировардида умумлаштирувчи хулосалар чиқаришларини ўргатиш ва машқ қилдириш методидир.

Бу метод талабаларни эркин фикрлашга, ўз фикрини ҳимоя қилишга ва бошқаларга ўз фикрини ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, баҳс-мунозара маданиятига, шу билан бир қаторда,

талабалар томонидан ўқув жараёнида эгалланган билимларни таҳлил этишга ва ўзлаштириш даражасини аниқлашга, баҳолашга ўргатади.

***ФСМУ методининг умумий схемаси:***

**Ф-*фикр***ингизни баён этинг;

С-фикрингизни асословчи ***сабаб*** кўрсатинг;

М-кўрсатган сабабингизни тасдиқловчи ***мисол*** келтиринг;

**У-** фикрингизни ***умумлаштиринг.***

***ФСМУ методини амалда қўллаш намунаси:***

Ўқитувчи қуйидагига ўхшаган вазифалар ёзилган тарқатма материалларни олдиндан тайёрлаб, машғулот вақтида кичик гуруҳларга ёки алоҳида талабаларга тарқатади.

***1-вазифа.*** "Таълим технологияси ўзини оқлайди" мавзуси юзасидан фикрларингизни ФСМУ методи бўйича баён этинг.

**Ф-** ____________________

**С-** ____________________

**М-** ____________________

**У-** ____________________

***2-вазифа.*** "Маданий ўсимликларнинг бегона ўтлар билан муносабати" мавзуси юзасидан фикрларингизни ФСМУ методи бўйича баён этинг.

**Ф-** ____________________

**С-** ____________________

**М-** ____________________

**У-** ____________________

Ўқитувчи вазифани бажариш учун вақтни белгилаб эълон қилади. Вазифаларни бажариш вақтида умумий раҳбарликни амалга оширади. Талабалар ўзларига берилган вазифани бажариб бўлгандан сўнг, уларнинг умумий муҳокамасини ташкил қилади. Вазифани энг яхши бажарганлар рағбатлантирилади.

## "РЕЗЮМЕ" МЕТОДИ

***"Резюме" методининг тавсифи:*** Бу метод мавзу билан боғлиқ турли масалалар бўйича бир йўла якуний ахборотни, одатда, хулосаларни белгилаш машқларини ўз ичига олади. Масалан, бу



метод орқали тегишли масалаларга доир ижобий ва салбий жиҳатлар, афзаллик ва камчиликлар, фойда ва зарарлар белгиланади.

***"Резюме" методининг мақсади:*** ўқувчиларни эркин, мустақил, танқидий фикрлашга, изланишга, фикрларни жамлаб таққослаш услуби ёрдамида мавзудан келиб чиққан ҳолда ўқув муаммосининг ечимини топишга, керакли хулосаларга келиш ва қарорлар қабул қилишга ўргатиш ҳисобланади.

***"Резюме" методини амалда қўллаш шаклига мисол:***

Ўқитувчи қуйидагига ўхшаган вазифалар ёзилган тарқатма материалларни олдиндан тайёрлаб, машғулот вақтида кичик гуруҳларга ёки алоҳида талабаларга тарқатади.

16-жадвал

**"Резюме" методини амалда қўллаш учун тарқатма материаллар намуналари**

а)

| Мавзу: "Меваларни қайта ишлаш технологияси" | |
|---|---|
| Афзалликлари | Камчиликлари |
| | |

б)

| Мавзу: "Тупроққа ишлов бериш машиналарининг турлари, вазифаси ва ишлатилиши" | |
|---|---|
| Афзалликлари | Камчиликлари |
| | |

Ўқитувчи вазифани бажариш учун вақтни белгилаб эълон қилади. Вазифаларни бажариш вақтида умумий раҳбарликни амалга оширади. Талабалар ўзларига берилган вазифани бажариб бўлгандан сўнг, уларнинг умумий муҳокамасини ташкил қилади. Вазифани энг яхши бажарганлар рағбатлантирилади.

## «ҚАЛИН ВА ИНГИЧКА САВОЛЛАР» МЕТОДИ

Бу метод «Қалин» ва «ингичка» саволлар методи деб аталишининг сабаби қуйидагича. Таълим жараёнида саволлардан фойдаланишда уларни икки турга: оддий ва мураккаб саволларга ажратиш қабул қилинган. Бунда оддий саволлар “ҳа” ёки “йўқ” ёхуд бошқа бирорта сўзлар билан жавоб бериш мумкин бўлган саволлардан иборат. Уларни бошқачасига қисқа ёки ихчам, образли қилиб эса, ингичка саволлар деб ҳам аташ мумкин. Мураккаб саволлар уларга бирнечта сўзлар, иборалар, гаплар ёки тегишлича баён қилиш, тушунтириш билан жавоб бериш лозим бўлган саволлардан иборат. Уларни бошқачасига тўлиқ ёки ёйиқ, образли қилиб эса, қалин саволлар деб аташ ҳам мумкин.

Шунга кўра ушбу «Қалин» ва «ингичка» саволлар методининг номини бошқачасига «Тўлиқ» ва «қисқа» ёки «Ёйиқ» ва «ихчам» саволлар методи деб ҳам аташ мумкин. Бу методдан ўқувчи-талабаларнинг ўзлаштиришини тезкор назорат қилиш ҳамда фаолликларини ошириш мақсадларида машғулотнинг турли босқичларида фойдаланиш мумкин. Бунинг учун ўқитувчи дарснинг мавзусига тегишли «Қалин» ва «ингичка» саволлар жадвалини (17-жадвал) олдиндан тузиб олиши керак.

17-жадвал

**«Қалин» ва «ингичка» саволлар жадвали намунаси**

| "Ингичка" саволлар | "Қалин" саволлар |
|---|---|
| Битта сўздан иборат жавоб бериш мумкин бўлган саволлар, репродуктив режа саволлари.<br>Масалан:<br>Ким? сўроғи бўлган савол:<br>«Жиноятчи» ҳикоясининг муаллифи ким?<br>Шунингдек, қуйидагиларга ўхшаган сўроқлар иштирок этган саволлар:<br>Нима?<br>Қачон?<br>… қандай аталади?<br>… содир бўлдими? ва бошқалар. | Фикрлашни, қўшимча билимларни жалб қилишни, таҳлил кила билишни талаб этадиган саволлар. Масалан:<br>Учта тушунча беринг, нима учун …?<br>Тушунтириб беринг, нима учун ...?<br>Нима деб ўйлайсиз ...?<br>Нима деб ҳисоблайсиз ...?<br>… ўртасидаги фарқ нимада?<br>Фараз қилинг, агар … нима содир бўлади?<br>Агар … ?<br>… қандай қилиш мумкин?<br>… нима қилса бўлади?<br>... мумкин эдими?<br>… нима учун?<br>... сабаби нимада?<br>... қандай рўй беради? ва бошқалар. |



Бундай жадвалдаги саволлардан дарснинг учта босқичларидан бошланиш (чақирув) босқичида – мавзуни ўрганилгунича саволлар; англаб етиш босқичида – ўқиш, эшитиш жараёнидаги ўрганилаётган маълумотларни фаол қайд этишга, фикрлашга ёрдам берувчи саволлар; ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш босқичида – дарсдаги маълумотларнинг тўғри ва тўлиқ ўзлаштирилганлигини назорат қилиш ҳамда уларни такрорлашга йўналтирилган саволлардан фойдаланиш мумкин.

## “БЛИЦ-СЎРОВ” МЕТОДИ

“Блиц-сўров” (“блиц” (инглизча) - тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ, лўнда ва тез жавоб қайтаришга ўргатишни машқ қилиш методи саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гуруҳли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, талабаларнинг қамраб олинишига кўра белгиланади.

Машғулотларда «Блиц-сўров» методини қўллаш намунаси қуйидаги 14-схемада келтирилган.

14-схема

**«Блиц-сўров» методини амалга ошириш схемаси намунаси**

Ўқитувчи ўрганилган мавзу ва унинг муайян таркибий қисмлари моҳиятини очиб беришни талаб этадиган саволларни ишлаб чиқиб, ўқувчи-талабалар эътиборига ҳавола қилади

Ўқувчи-талабалар берилган саволга қисқа вақтда аниқ, лўнда жавоб қайтаришлари талаб этилади.

Гуруҳ ёки жуфтликда ишлашда бир нафар талаба берилган саволга жавоб қайтаради унинг гуруҳдошлари ёки шериги жавобни тўлдиришлари мумкин, лекин, фикрлар такрорланмаслиги лозим.

Бу методни қўллашда мавзуга доир таянч тушунчалар, асосий ғояларнинг моҳияти талабалар томонидан оғзаки, ёзма ёки тасвир (жадвал, диаграмма) тарзида ёритилиши мумкин.

## «ДЕБАТ» МЕТОДИ

***«Дебат» (фр. «дебаттере» сўзидан олинган бўлиб, «дебатс» – «баҳслашмоқ») методи машғулотларда, шунингдек, турли йиғилиш, мажлисларда бирор мавзу юзасидан иштирокчилар ўртасида ўзаро баҳс уюштириш, уларнинг ўзаро фикр алмашишларини таъминлашга хизмат қилади.***

«Дебатлар» методи Қадимги Грецияда яратилган бўлиб, улар демократиянинг муҳим элементи сифатида намоён бўлган. Афина фуқаролари тақдим этилаётган қонунларнинг афзал томонлари ва камчиликлари ҳақида тортишиб, масалани яхши тушуниш учун уни турли томондан таҳлил қилишар, шу билан бирга, таҳлил қилиб баҳс қилишга ўрганар эдилар. Ўрта асрларда Европа таълим тизими таркибида нутқ сўзлаш маҳорати ва дебатлар дарслари мавжуд бўлган. Ҳозирги вақтда дебатлар бутун дунё мактабларида ва университетларида ўтказилмоқда.

Дебатни ўтказишда қуйидагиларга амал қилиш лозим:

1-дебатлар кўп нарсага ўргатади,

2-чин диллик ва виждонлилик мажбурияти,

3- ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш.

Дебатда иштирок этиш натижасида таълим олувчиларда муаммони аниқлаш ва ажратиш қобилияти, далиллар ва фикрларни аниқлаш маҳорати, танқидий фикр юритиш, муҳим бўлган маълумотни муҳим бўлмаган маълумотдан ажратиш, сабаб ва унинг бўлиши мумкин бўлган оқибатларига баҳо бериш, хулоса чиқариш, муаммоларни ажратиш ва самарали ечим топиш малакалари, ўзининг фикр юритишига, тафаккур жараёнига баҳо бериш кўникмалари, жамоада ишлаш қобилияти, нутқ сўзлаш маданияти шаклланади. Ўтказилган педагогик тажриба-синов натижаларига таяниб, биз малака ошириш жараёнида дебат ўтказиш тартибини ишлаб чиқдик.



18-жадвал

**«Дебат»ни ўтказиш тартиби**

| | |
|---|---|
| **Дебатнинг мақсад ва вазифалари** | Дебатлар қарама-қарши нуктаи назарларнинг тўқнашувидир. Унинг мақсади - иштирокчиларда интеллектуал, мантиқий фикрлаш малакасини шакллантириш, ўзгача фикрни инобатга олмасдан хулоса чиқариш нотўғри қарор қабул қилишга олиб келиши мумкинлигини исботлашдан иборат. Ўйин сифатида дебатларда танқидий фикр юритиш, танқидий тафаккур, тадқиқий ва ташкилий малакалар, эшитиш, ёзма қайд қилиш малакалари шаклланади. |
| **Дебатни тайёрлаш ва ўтказиш тартиби** | 1. Дебат иштирокчилари учун қизиқиш уйғотувчи мавзу ёки ғоя аниқлангач, дебатнинг мавзуси тасдиқловчи маънодаги фикр билан ифодаланиши керак. Масалан: «Давлат ҳар бир болага таълим бериши керак» ёки «Ягона жаҳон ҳукумати зарурдир» каби. Дебатнинг мавзуси сиёсий, ҳуқуқий, қадр-қиммат мавзуларида бўлиши мумкин.<br>2. Дебатда иккита жамоа иштирок этади. Биринчи жамоа-тасдиқловчи томон сифатида, иккинчи жамоа - қарши томон сифатида. Иштирок этувчилардан тасдиқловчи томоннинг сўзга чиқувчилари, яъни спикерларини Т1, Т2, Т3; қарши томоннинг сўзга чиқувчилари, яъни спикерларини К1, К2, К3 деб шартли равишда белгилаш мумкин. |
| **Дебатнинг ўтказилиши** | Дебат методини қўллашда энг асосий иш иштирокчиларни танлаб олиш бўлиб, бунда ҳар бир иштирокчини дебат жараёни билим орттиришга мўлжалланган дастур эканлигига ишонтириш лозим; маъмурият томонидан кўмак олиш, яъни тадбирларни ўтказиш жараёнида раҳбариятнинг иштирок этишини таъминлаш керак. Шу билан бирга, жамоа ишини тўғри ташкил қилиш ва жамоа тартибини сақлаб туриш, жамоанинг ҳар бир аъзоси ўз вазифасини тўлиқ тушунишига эришиш лозим. |
| **Дебатнинг мазмуни** | Дебатлар фикрни исботлашга асосланган бўлиб, иштирокчилардан аудитория эътиборини жалб қилиш учун кутилмаган статистик маълумот ёки мисоллар келтириш орқали эътибор қозониш талаб этилади. |
| **Дебатнинг давомийлиги** | Дебатда мавзу олдиндан эълон қилиниши ва мавзуни ёритиш учун вақт ҳисобга олинган бўлиши лозим. Малака ошириш курсларида ташкил этиладиган дебатларнинг давомийлиги 1 соатдан 3 соатгача белгиланиши мумкин. Ундан ортиқ вақт |

| | |
|---|---|
| | давом этган дебат кутилган натижаларни бермайди. |
| **Назорат шакли ва баҳолаш** | Ҳакамлар ҳар иккила жамоанинг келтирган фактларини тинглагач, ҳакамлик жадвалини тўлдирадилар ва дебат натижасида қайси жамоага афзаллик берилганлиги ҳақидаги ҳакамлар қарорини ёзиб қўядилар. |

15-схема

**Ўқув машғулотларида дебат методини қўллаш схемаси**

1. Ўрганилаётган мавзу юзасидан бахс юритилиши зарур бўлган муаммо танланади
2. Баҳслашиш учун икки нафар талаба (гуруҳ ёки жуфтлик) ларнинг эътиборларига танланган муаммо ҳавола этилади
3. Муаммо юзасидан алоҳида талаба, гуруҳ ёки жуфтликлар томонидан билдириладиган фикрлар таҳлил қилинади
4. Экспертларнинг фикрлари тингланади
5. Дебатда билдирилган фикрлар юзасидан хулоса чиқарилади
6. Дебат якунланади

Ҳозирда дебатларнинг қуйидаги шакллари амалиётда турли жараёнларда қўлланилади:

*Америкача мунозара* (дебат). Бундай тарзда дарс ўтишда икки талаба белгиланган қатъий тартиб бўйича, мунозарага раислик қилувчининг раҳбарлиги остида берилган савол ёки муаммо бўйича мунозара олиб борадилар. Уларнинг билдирган фикрларини ҳакамлар жамоаси баҳолайди. Ҳакамлар жамоасининг таркиби талабалардан белгиланади.

*Инглизча мунозара* (дебат). Мунозаранинг бу шаклида муҳокама қилинаётган муаммо ечимига етказилади.

*Очиқ мунозара* (дебат). Қўйилган муаммони белгиланган қоида бўйича муҳокама қилиниб, унинг дебат натижасидаги ечимини қабул қилиш ёки қилмасликни машғулот раҳбарига, агар дебат йиғилиш, мажлисда ўтказилган бўлса, унинг юқори бўғинига, раҳбариятига топшириш билан якунланади.



## “МАНТИҚИЙ ЧАЛКАШ ЗАНЖИР” МЕТОДИ

Бу метод тушунчалар, билдирилган фикрлар ўртасида боғлиқликни юзага келтириш, уларни мантиқий жиҳатдан кетма-кетликда тўғри ифодалашга ёрдам берувчи таълим стратегиясидан иборат. Унинг моҳияти шундан иборатки, ўқитувчи бу методни қўллашда машғулот мавзусини ёритувчи маълумотларни тўғри ҳамда нотўғри тартибда, ўзига хос чалкашликда баён этади.

Талабаларнинг вазифаси мантиқий жиҳатдан нотўғри ифодаланган маълумотларни тўғри далилларга айлантириш, юзага келган мантиқий чалкашликни тузатиш, фикрларни муайян кетма-кетликда тўғри жойлаштирган ҳолда узилган занжирни “улаш”дан иборат. Бу методни машғулотда қўллаш қуйидаги 16-схемада кўрсатилган тартибда амалга оширилади:

16-схема

**“Мантиқий чалкаш занжир” методини амалда қўллаш схемаси**

1. Ўқитувчи таълим олувчиларни стратегиянинг моҳияти билан таништиради
2. Таълим олувчилар бир нечта кичик гуруҳларга бириктирилади
3. Кичик гуруҳларга чалкаш маълумотларни ўзида ифодалаган тарқатма материаллар берилади
4. Топшириқларни бажариш учун вақт ҳажми (5 дақиқа) белгиланади
5. Кичик гуруҳ тарқатма материалда ифодаланган матндаги мантиқий хато ва чалкашликларни аниқлаб, узилган занжирни “улаш”га ҳаракат қилади
6. Белгиланган вақт якунлангач, ҳар бир гуруҳдан бир нафар вакил жамоани топшириқ мазмуни ва гуруҳнинг жавоблари билан таништиради
7. Жамоада гуруҳларнинг жавоблари юзасидан муҳокама ташкил этилади
8. Ўқитувчи жамоанинг фикрига таяниб гуруҳлар ишини баҳолайди

Масалан, “Таълим методлари” мавзуси бўйича амалий машғулот ўтказилаяпти, дейлик. Дастлаб ўқитувчи доскага таълим методларини чалкаштирилган ҳолда ёзиб қўяди (18-жадвал). Сўнгра, талабалардан мазкур методларнинг ҳар бирини қайси гуруҳга киришига қараб, оғзаки, кўргазмали ва амалий методларга таснифлашни таклиф этади.

18-жадвал

**“Таълим методлари” мавзуси бўйича амалий машғулот учун дидактик материал намунаси**

1. Машқ
2. Ҳикоя
3. Видеометод
4. Мунозара
5. Дидактик ўйинлар
6. Лаборатория методи
7. Суҳбат
8. Тушунтириш
9. Маъруза
10. Китоб билан ишлаш
11. Экскурсия
12. Намойиш

| Оғзаки | Кўргазмали | Амалий |
|---|---|---|
| 2, 4, 7, 8, 9 | 3, 10, 12 | 1, 5, 6, 11 |

*Изоҳ*: ўқитувчи талабаларнинг мустақил ишлашини таъминлаш учун топшириқ мазмунини бироз ўзгартирган ҳолда ҳар бир талабага алоҳида топшириқ бериши мумкин..

## “МУАММОЛИ ВАЗИЯТ” МЕТОДИ

***Инсон енгиб ўтиши ўта муҳим бўлган муаммоларга тўқнаш келгандагина фикрлаб, тафаккур қила бошлайди. Шунинг учун тўғри ташкил қилинган таълим муаммоли бўлмоғи зарур. (Ж.Дьюи)***

Муаммоли вазият методининг моҳияти машғулотлар жараёнида муаммоли вазиятларни яратиш ва ечишдан иборат бўлиб, унинг асосида машғулотни ташкил қилиш ва олиб боришда фойдаланиладиган дидактик зиддиятлар ётади. Муаммоли вазият методи концепциясининг асосий тушунчалари «муаммоли вазият» «муаммо», «муаммони топиш», «муаммони ечиш», «зиддиятлар», «усуллар» кабилар ҳисобланади. “Муаммоли вазият” методининг дастлабки босқичи муаммоли вазиятни аниқлаш ҳисобланиб, ўзида ўрганилаётган мавзуга доир маълум ёки қисман тушуниб етилган муаммони ифодалайди.

Уни бартараф этиш янги билимлар, усуллар, ҳаракат кўникмаларини ўзлаштиришни тақозо этади. Агар ўқувчида муаммони ҳал этиш билан боғлиқ қийинчиликларни бартараф қилиш йўлларини излаб топиш учун бошланғич маълумотлар етарли бўлмаса, у албатта, муаммоли вазият ечимини топа олмайди, яъни муаммонинг ечими унинг онгида акс этмайди. Ўқувчи-талабалар муаммоли вазиятни қабул қилишлари (тушуниб етишлари) биланоқ ўзларида мавжуд бўлган билим ва кўникмалар мажмуаси ва изланиш тажрибаси ҳамда фикрлаш асосида муаммонинг моҳиятини ҳар тарафлама тўлиқ тушуниб етиш, унинг асосий боғлиқликларини белгилаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, хулоса чиқариш ва уни тўғри ифодалаш жараёни бошланади. Бу ҳолда муаммоли вазият ҳал этилиши лозим бўлган муаммога айланади. Бундай боғлиқликдан кўриниб турадики, ҳар бир муаммо муаммоли вазиятни ўзида намоён этади, бироқ барча муаммоли вазиятлар муаммога айланавермайди.

Зиддиятларни бартараф этиш нафақат илмий билиш йўли, шу билан бирга ўқиш, ўрганиш, янги билим, кўникма, малакалар ҳосил қилиш йўли ҳамдир. Бу методни қуйидаги 17-схема ёрдамида ифодалаш мумкин:

17-схема

**Муаммоли вазият методининг тузилмаси**




Мазкур методдан фойдаланиш жараёнида муаммо ечимини топишга ёрдам берувчи йўналишлар кўрсатилмайди ва

чегараланмайди. Бу хусусият муаммоли масалага хосдир. Муаммода ечимининг қандайдир параметрлари кўрсатилса, у ўрганилаётган мавзуга доир маълум ёки қисман тушуниб етилган муаммоли масала ҳисобланади.

Ҳар қандай муаммоли топшириқ маълум муаммони ва унга тегишли муаммоли вазиятни ҳам қамраб олади. Бироқ юқорида таъкидланганидек, барча муаммоли вазият муаммо бўла олмайди. Инсон ҳар доим муаммоли масалаларни ҳал этади. Агар унинг олдида муаммо пайдо бўлса, уни муаммоли масалага айлантиради, яъни унинг ечими учун ўзидаги билимлар тизимига таянади ва маълум кўрсаткичларни белгилаб олади. Муваффақиятсизликка учраган тақдирда, у бошқа кўрсаткичларни қидиради ва шу муаммо бўйича янги вариантлардаги масалаларни лойиҳалайди.

Таълим жараёнида муаммоли вазият методини қўллашда ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

19-жадвал

**Муаммоли вазият методи иштирокчиларининг фаолияти тузилмаси**

| Ўқитувчи фаолиятининг тузилмаси | Ўқувчи фаолиятининг тузилмаси |
|---|---|
| Ўқув материалига оид муаммоли вазиятларни белгилаш ва ўқувчи-талабаларга ҳсал этиш учун таклиф этиш:<br>муаммоли вазиятларни тузиш;<br>муаммонинг мавжудлигини аниқлаб бериш;<br>-муаммоли топшириқларни лойиҳалаш. | Ўқув материали моҳиятини англаб етиш ва топшириқни бажариш:<br>муаммоли вазият юзасидан фикрлаш;<br>мавжуд билимлар ва тажрибани қайта тиклаш;<br>муаммоли масалани таҳлил қилиш, ечимини аниқлаш;<br>топшириқни бажариш. |

***"Муаммоли вазият" методини амалга оширишбосқичлари:***

**Ўқитувчи:**

1. "Муаммоли вазият" методи асосида ишлаш йўлларини тушунтиради ва тарқатма материалларни тарқатади.
2. Муаммоли вазиятнинг фойдали ва муаммоли томонлари кўриб чиқилади.



3. Ҳақиқий муаммо танлаб олиниб ва ўқитувчи кўрсатмаси билан кичик гуруҳларга бўлинишлари илтимос қилинади.
4. Ҳар бир гуруҳга маълум бир муаммони белгилаб беради.
5. Гуруҳлар ўз фикрларини ёзма равишда баён этишлари уқтирилади, ҳимоя қилишлари ташкил этилади.
6. Ўқитувчи Ўқувчи-талабаларнинг фикр-мулоҳазаларини тахлил этади, натижани белгилайди.

**Ўқувчи-талабалар:**

1. "Муаммоли вазият" методи асосида ишлаш йўлларини тушуниб оладилар.
2. Муаммоли вазиятнинг фойдали ва муаммоли томонларини таҳлил этадилар.
3. Ҳақиқий муаммони танлаб олиб ва ўқитувчи кўрсатмаси билан кичик гуруҳларга бўлинадилар.
4. Ҳар бир гуруҳ маълум бир муаммони танлаб олади.
5. Гуруҳлар ўз фикрларини ёзма равишда баён этадилар ва ҳимояга чиқадилар.
6. Фикр-мулоҳазаларни таҳлил этадилар ва натижани қўлга киритадилар.

Кутиладиган натижа: Талабалар "Муаммоли вазият" методини амалиётга татбиқ этишни ўрганадилар.

## «ТРАМК РЕЖАСИ» НОМЛИ ТАЪЛИМ ШАКЛИГА АСОСЛАНГАН МЕТОД

«Трамк режаси» методи АҚШда жуда машҳур. Бу ўқитиш шаклларининг шундай тизимики, унда катта аудиториядаги машғулотлар кичик гуруҳлардаги индивидуал машғулотлар билан қўшиб олиб борилади.

***«Трамк режаси» XX асрнинг 60-йилларида америкалик педагог Люйд Трамк томонидан асосланган бўлиб, унга кўра машғулотларни катта (100-150 нафар кишилик) аудиторияда, 10-15 кишидан иборат гуруҳларда ёки ўқувчиларнинг ҳар бири билан якка тартибдаги ишларни олиб бориш асосида ташкил этилади.***

Замонавий техника воситалари ёрдамида 100-150 кишидан иборат катта гуруҳларда юксак малакали ўқитувчилар, профессорлар маъруза ўқийдилар. 10-15 кишидан иборат кичик гуруҳларда эса, маъруза материалларини муҳокама қиладилар, баҳс

юритадилар. Якка тартибдаги ишлар эса, мактаб кабинетларида, лабораторияларида ўтказилади.

Ўқув вақти маъруза машғулотларига 40%, кичик гуруҳлардаги машғулотларга 20%, кабинет ва лабораторияларда якка тартибдаги ишларга 40% ажратилади. Одатдаги синф тушунчаси йўқ, кичик гуруҳлар ҳам доимий эмас.

## «ИККИ ҚИСМЛИ КУНДАЛИК ДАФТАР» МЕТОДИ

***«Икки қисмли кундалик дафтар» методи ўқувчиларга матн мазмунини ўз шахсий тажрибаси билан чамбарчас боғлаш, ўзининг табиий қизиқувчанлигини қондириш имконини берадиган метод ҳисобланади.*** Айниқса, ўқувчилар қандайдир катта матнни уйда, ўқув аудиториясидан ташқарида ўқиб чиқиш топшириғини олишганида икки қисмли кундалик дафтарлар фойдалидир.

Икки қисмли кундалик дафтар учун ўқувчилар тоза (ёзилмаган) қоғоз варағининг ўртасидан тик чизиқ ўтказиб, уни икки қисмга ажратишлари керак. Қоғознинг чап томонида матннинг қайси қисми уларга энг кўп таассурот қолдирганини қайд этишади. Эҳтимол, у қандайдир хотирани уйғотар ёки ҳаётларида юз берган воқеаларни эсга туширар, ёки шунчаки таажжубга солар. Ёхуд уларнинг қалбида кескин норозилик ҳиссини уйғотар.

Ўнг томонида улар шарҳ беришлари керак: айни шу цитатани ёзишга уларни нима нарса мажбур этди? Уларда қандай фикрлар уйғотди? Шу муносабат билан уларда қандай савол туғилди? Қисқаси, матнни ўқиркан, ўқувчилар вақти-вақти билан тўхташлари ва ўзларининг икки қисмли кундалик дафтарларида тегишли белгилар қўйиб боришлари керак.

## “ЛОЙИҲА” МЕТОДИ

Таълим тизимида “Лойиҳа” методи турли фанлар бўйича ўқув лойиҳаларини амалга ошириш жараёнига хизмат қилади. **Ўқув лойиҳаси** - ўқитувчи томонидан талабанинг муаммони излаши, уни ҳал этиш бўйича фаолиятини режалаштириши ва ташкил этишидан то уни ҳал этиш йўлини тақдим этишигача мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи махсус ташкил этилган мақсадли ўқув фаолиятидир.



***Лойиҳа*** (***проект***) –баъзи мураккаб ишланмаларни яратиш бўйича ҳужжатлар йиғиндиси. Шу билан бирга, лойиҳа тушунчасининг кенгроқ ифодаланиши маълум натижа (лойиҳадан кўзда тутиладиган юқори натижа)га эришиш учун мақсадли ташкил этиладиган фаолият маъноларини билдиради.

***Лойиҳалаштириш*** - («лойиҳа» сўзидан) – муаммони хал этиш бўйича реал натижага олиб келувчи, қатъий тартибга солинган ҳаракатлар изчиллигини ўз ичига олган фаолиятни англатади.




***Лойиҳалаш*** – бошланғич маълумотларга асосланиб, кутиладиган натижани тахмин қилиш, башоратлаш, режалаштириш орқали фаолият жараёни мазмунини ишлаб чиқишга қаратилган амалий ҳаракат.

Лойиҳалаш “ғоя – мақсад – кутиладиган натижа – тахмин қилиш, башоратлаш – режалаштириш” тизимига асосланади. Лойиҳалаш моддий буюм, қуроллар, масалан: компьютер технологияси ёки оддий иш қоғози, чизғич, қалам, маркер, нусха кўчириш аппарати (принтер) ва бошқа воситалар,ёрдамида амалга оширилади.

Лойиҳани яратиш учун педагог:

- лойиҳани яратиш;
- жараённи босқичма-босқич ёритиш;

- мақсадни аниқ белгилаш;
- мақсадга мос вазифаларни аниқлаш;
- ўқув материали мазмунини шакллантириш;
- савол ва топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш;
- жараён ёки тадбирнинг методик тузилишини асослаш;
- талабанинг билим даражасини ташхислаш ва унинг тарбияланганлик даражасини баҳолаш каби кўникма ва малакаларга эга бўлиши зарур.

## «РОТАЦИЯ» МЕТОДИ

Ротация сўзи алмаштириш маъносини билдиради.

Ротация методи машғулот мавзусини ҳар бир кичик гуруҳ алоҳида-алоҳида муҳокама қилиб чиқиши ва ёзганларини бутун гуруҳ жамоа бўлиб таҳлил қилиб кўриши учун қўлланилади ва қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

-дарс мавзуси бўйича номерланган топшириқлар (масалан, режадаги мавзучалар) плакатларга ёзилиб доскага осиб қўйилади;

-топшириқлар сони учта бўлса, талаба-ўқувчилар ҳам шунча кичик гуруҳларга ажратилади ва гуруҳчалар номерланади;

-кичик гуруҳлар ўзларининг номерларига мос номердаги топшириқни ва уни бажаришда фойдаланиладиган ёзма маълумотлар пакетини олади;

-кичик гуруҳлар ўзларига тақдим этилган материалларни ҳамкорликда ўрганиб, топшириққа ўз жавобларини ёзадилар;

-жавоблар кичик гуруҳдаги ҳуснихати чиройли бир талаба ўқувчи томонидан ёзилади;

-топшириқларга ёзилган жавоблар варағи, маълумотлар пакети кичик гуруҳлараро алмаштирилади ва қўшимчалар қилинади, бироқ жавобларнинг такрорланишига йўл қўйилмайди;

-жавоблар қайси кичик гуруҳники эканлиги ажралиб туриши учун уларга ҳар хил рангдаги фламастерлардан фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек кичик гуруҳлар номерланиб, улар ўзларининг жавобларини шу номер остида ёзишлари ҳам мумкин;

-жавоблар ёзилган варақлар доскадаги осиғлиқ плакатларга скотч билан ёпиштирилиб, ўқитувчи иштирокида муҳокама қилинади, умумлаштирилади ва тўғри жавоблар дафтарларга ёзиб олинади;



-тўғри ва мукаммал жавоблар сонига қараб талаба-ўқувчилар рағбатлантирилади ва баҳоланади.

## “АКВАРИУМ” МЕТОДИ

Аквариум методи ўқувчи-талабаларда фикрлаш, тинглаш, кузатиш, баҳолаш, ўз фикрларини баён қилиш ва ҳимоя қилиш қобилиятларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш имконини беради. Бу методни амалга оширишда гуруҳ аъзоларидан уч нафар талаба ажратиб олиниб, уларга хона ўртасидаги стол атрофига ўтиришлари ва қўйилган муаммони ўн минутгача вақт давомида биргаликда муҳокама қилиб, якуний фикрларини билдиришлари сўралади.

Бу уч нафар талабаларни аквариумдаги балиқларга қиёс қилинади. Уларнинг атрофида ўтирган кузатувчи талабалар ўртадаги, яъни аквариумдаги талабаларнинг фикрларини диққат билан тинглаб, уларни тўғри ва нотўғрига ажратиб ёзиб боришади ҳамда муҳокама пайтида ўзларининг қарашларини баён этишади.

Етарли даражада фикр билдира олмаган ўртадаги, яъни аквариумдаги талабалар ўз ўринларини кучли фикр билдирган кузатувчи талабаларга бўшатиб берадилар. Ҳар бир муаммо юзасидан билдирилган фикрлар талабалар иштирокида ўқитувчи томонидан умумлаштирилади.

## “СИНЕКТИКА” МЕТОДИ

“Синектика” методини 1960 йилда АҚШда У.Гордон томонидан ишлаб чиқилган. Бу метод таълим олувчиларга муаммонинг унсурларини ифодалашга, ижоднинг бош мақсадини ажратиб олишга, турли хил характердаги вазифаларни ечишнинг ҳар хил вариантларини излашга ёрдам беради ва улар қуйидаги шаклга эга бўлади: бевосита (маълум бир вазифанинг ечилишига ўхшатиб ечилади), шахсий (объектдаги берилган вазифа образига киришга уриниб кўриш ва шу нуқтаи назардан фикрлашга ҳаракат қилиб кўриш), рамзий (икки жумла билан вазифанинг образли моҳиятини айтиб бериш), хаёлий (гўёки эртаклардагидек мазмун ва тузилишга эга бўлган вазифани ечадилар).

Бу билан бўлгуси мутахассисларда абстракциялаш малакаси, муҳокама мазмунидан ўзини фикран олиб қочиш, ақл юритиш

мойиллиги, хаёлот, баҳсларга киришиб кета олиш, боғланиб қолиш ҳавфи бўлган ғоялардан узоқлашиш, бошқалар фикрини тинглаш, сафдоши билдирган ғояларга нисбатан чидамли бўлиш, одатдагилар ичидан ғайри одатийларини, ғайри одатийлар ичидан одатдагиларини топиш, ўхшашликлар (аналогиялар)дан унумли фойдаланиш каби синектик фикрлашга бўлган қобилият шаклланади.

Бу метод амалий машғулотлар, семинарлар ва лаборатория машғулотлари учун қулай бўлиб, «ақлий ҳужум» методига яқин. Бунда талаба дарсда қўйилган муаммони ҳал қилиш юзасидан ўхшашликларга асосланган ҳолда ўз фикрларини, қарашларини олға суради. Бунда ўхшашликлар бевосита, шахсий, рамзий ва хаёлий бўлиши мумкин.

## “ДУМАЛОҚ СТОЛ” МЕТОДИ

“Думалоқ стол” методи амалий машғулотлар учун қулай. Бунда ўқитувчи томонидан битта савол ёзилган варақ кичик гуруҳга тақдим этилади. Талабалар ўзларининг исм-шарифларини ва саволга жавобларини ёзиб, варақни ёнидаги талабага узатади. Шу тариқа ёзилган жавоблар йиғиштириб олиниб, талабалар иштирокида нотўғрилари ўчириб чиқилади ва натижалар баҳоланади.

## “РУЧКА СТОЛ УСТИДА” МЕТОДИ

“Ручка стол устида” методи амалий машғулот учун қулай. Ўқитувчи томонидан берилган савол ёзилган варақда ўзининг шу саволга жавоб вариантини ёзган кичик гуруҳдаги талаба ручкасини стол устига қўйиб варақни ёнидаги шеригига узатади. Саволга жавоб ёза олмаган талаба ручкасини столга қўймайди. Бир нечта кичик гуруҳлардаги талабаларнинг қўйилган бир хил саволга жавоблари йиғиштириб олиниб биргаликда муҳокама қилинади.

Бу методнинг афзалликлари: ўқитувчи машғулотга ким тайёр, ким тайёр эмаслигини кўриб туради; машғулотга тайёрланмаган талаба оғзаки муҳокама пайтида кўриб чиқилаётган мавзу юзасидан анчагина фойдали билимлар олади; бу метод кичик гуруҳда олиб бориладиган иш бўлиб, талабаларнинг интизомини мустаҳкамлайди ва уларни жипслаштиради, чунки ўзининг жавоб варианти устида



узоқ ўйлаб ўтирадиган талаба бутун гуруҳга ажратилган вақтни сарфлаб юборади. Шунингдек, талаба машғулотга тайёр бўлмаса, бунда ҳам гуруҳга панд беради. Талабалар ўз жавобларини икки марта, яъни ёзма жавоб ёзиш пайтида ва оғзаки муҳокама вақтида таҳлил қилиб чиқишади.

## «БУМЕРАНГ» МЕТОДИ

*Бошқаларни ўқитиб, ўзимиз ҳам ўрганамиз*
*Сенека*

**«Бумеранг» методи** -таълим олувчиларни машғулот жараёнида, машғулотдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, фикрини эркин ҳолда баён этиш, бир дарс давомида барча таълим олувчиларни ишлатиш ва баҳолашга қаратилган методдир. Янги мавзуни ёки материални ўрганиш жараёнида бу методдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

20-жадвал

**«Бумеранг» методидан фойдаланиш тартиби**

| | |
|---|---|
| **1-боскич.** | Таълим олувчилар 4-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга бўлинадилар. |
| **2-боскич.** | Ўқитувчи гуруҳнинг ҳар бир аъзосига мустақил ўрганиш, фикрлаш ва ёдда сақлаб қолиш учун янги мавзу бўйича тарқатма материал беради. Тарқатма материал умумий мавзунинг бир қисмини ташкил қиладиган матндан ёки жадвалдан иборат бўлиб, гуруҳнинг барча аъзоларига бир хил мазмунда берилиши керак. Демак, янги мавзу олдиндан ташкил этиладиган гуруҳлар сонига қараб 4 ёки 5 қисмга бўлиниши лозим. |
| **3-боскич.** | Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси матнни якка тартибда ўрганиб чиқиб эслаб қолиши, кейин эса, гуруҳ аъзолари матнни ўзаро савол-жавоб асосида гуруҳда муҳокама қилишлари керак. Матннинг катта-кичиклигига қараб бу ишга 10 минутгача вақт ажратилади. |
| **4-боскич.** | Ўқитувчи ҳар бир гуруҳ ёнига келиб, гуруҳ аъзоларига олдиндан тайёрланган, рақам ёзилган қоғозлардан биттадан олишни таклиф этади (қоғоз сони гуруҳдаги таълим олувчилар сонига тенг бўлиши керак,1 рақамини олганлар 1-гуруҳ, 2 рақамини олганлар 2-гуруҳ ва ҳоказо). Ўқитувчи рақамлар бўйича янги гуруҳлар тузишни таклиф этади. |
| **5-боскич.** | Янги тузилган гуруҳнинг ҳар бир аъзоси энди ўзига 2 та вазифани: ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчи вазифасини олади. Яъни |

| | |
|---|---|
| | гуруҳнинг ҳар бир аъзоси олдинги гуруҳда ўзи ўрганиб чиққан матн мазмунини янги гуруҳ аъзоларига ўргатиши ва ўз навбатида гуруҳнинг бошқа аъзоларидаги матнларни ҳам ўзлаштириб олиши талаб этилади. Бунда ҳар бир иштирокчи ўзи ўзлаштирган материални сўзлаб бериш орқали бошқаларга ўргатиши керак. Бунинг учун 20 дақиқа вақт ажратилади. Натижада, рақамлар бўйича тузилган янги гурухлар мавзу бўйича барча материалларни ўзлаштиришга эришадилар. |
| 6-босқич. | Матн қандай ўзлаштирилганини текшириш учун ўқитувчи гуруҳ аъзоларига ўз матнларидан келиб чиқиб бир-бирларига савол бериш орқали гуруҳ ичида ички назорат ўтказилади. Бу гуруҳдагиларнинг бир-бирларига сўзлаб берган материалларини қандай ўзлаштирилганини аниқлашга ва мустаҳкамлашга ёрдам беради |
| 7-босқич. | Ўқитувчи иштирокчилардан олдинги гуруҳларига қайтишларини сўрайди ва ҳамма дастлабки гуруҳига қайтади. |
| 8-босқич. | Ўқитувчи барча иштирокчиларнинг мавзуга оид ҳамма материал билан танишиб чиққанлигини ҳисобга олиб, назорат саволларини рейтинг баллари асосида баҳолайди. Агар саволларга берилган жавоблар тўлиқ бўлса –3 балл, қўшимча қилинса-2 балл, ўтирган жойида луқма ташласа-1 балл, жавоб беролмаса-0 балл қўйилади. Гуруҳ аъзоларининг жавобларини белгилаш ва ҳисоблаб бориш учун масъул тайинланади. |
| 9- босқич. | Ўқитувчи тарқатма материаллардаги саволлар асосида гурухларнинг ўзлаштиришини текшириб чиқади. |
| 10-босқич. | Бу босқичда ҳар бир гуруҳга ўз материали асосида янгидан 3 та савол тузиш таклиф этилади. |
| 11-босқич. | Бу босқичда гуруҳлар бир-бирларига тузган саволларини беради ва берилган жавоблар юқоридаги тартибда ҳисобланади. Агар бошқа гуруҳлар саволга тўғри жавоб бера олмаса, гуруҳ жавобни тўлдиради ва қўшимча баллга эга бўлади. |
| 12-босқич | Якуний босқичда гурухлар тўплаган баллар ҳисобланиб, гуруҳ аъзолари сонига бўлинади. Балларни тақсимлашда гуруҳ аъзоларининг ҳам фикри инобатга олинади. |

## "ГАЛЕРЕЯНИ АЙЛАНИШ" МЕТОДИ

Кичик гуруҳларнинг барча аъзоларига битта муаммо таклиф этилади. Ҳар бир кичик гуруҳ ўзларига берилган муаммога белгиланган вақт ичида фикрларини ёзиб, жавоблари ёзилган варақларини бошқа гуруҳ билан алмаштиради. Жавобларни олган гуруҳ уларни баҳолайди ва тугал бўлмаса, ўз вариантлари билан



тўлдиради. Сўнгра гуруҳларнинг фикрлари умумлаштирилиб, энг юқори баллга арзийдиган тўғри ва мукаммал жавоблар танлаб олинади.

## "СИНДИКАТ" МЕТОДИ

Гуруҳ учта кичик гуруҳларга бўлинади. Бунда таклиф этилаётган топшириқ уч хил нуқтаи назардан ҳал этилиши зарур. Масалан, уч ноъмалумли учта тенгламалар системасини ечиш топшириғи берилган бўлсин, у ҳолда биринчи гуруҳ масалани Гаусс, иккинчи гуруҳ Крамер, учинчи гуруҳ матрица усулидан фойдаланиб ечади. Сўнгра ечимлар биргаликда муҳокама этилиб, умумлаштирилади.

## "ДАВРАЛАР" МЕТОДИ

Талабалар давра қуриб ўтириб таклиф этилган саволни кетма-кет эмас, балки билганлар галма-гал изоҳлаб беришади. Бунда ҳар бир талаба ўз фикрини баён қилиб, муҳокамага фойдали улуш қўшиш имкониятига эга бўлади, чунки барча қатнашчиларнинг фикрларини билиш муҳим. Сўзга чиқувчиларнинг гапларига муносабат билдириш ҳеч кимга, жумладан ўқитувчига ҳам рухсат этилмайди. Охирида ҳаммага
уларнинг иштирок этганликлари учун ташаккур билдирилади ва фикрлар умумлаштирилади. Давра методидан дарснинг боши ва охирида фойдаланиш қулай.

## "МОЖАРО" МЕТОДИ

Бу метод амалий машғулотлар учун қулай. Одатдан ташқари, ҳаттоки фавқулоддаги вазиятларда қилинадиган ҳатти-ҳаракатларни талабаларга ўргатиш мақсадида бу методдан фойдаланилади. Масалан, туғаётган сигирнинг бузоғи тескари келди, юрак тўхташ арафасида, нима чора кўриш керак ва ҳоказо. Бундай муаммоларни ҳал қилиш йўлларини ўрганишда можаро методидан фойдаланилса, талаба-ўқувчиларнинг фикрлари фаоллашиб, қисқа вақт ичида тўғри қарор қабул қилиш, ишни тўла, тез ва чаққон бажариш сифатлари шаклланади.

## “МУНОЗАРА” МЕТОДИ

Мунозара (диспут) - бу икки ёки кўпроқ кишиларнинг кескин чегараланган қоидалар доирасида оғзаки олиб бориладиган баҳси, мунозараси, масала талашувидир. Диспутнинг мавзуси уни ўтказишдан олдин тайёргарлик кўриш учун талаба-ўқувчиларга маълум қилинади.

Талаба-ўқувчиларга билим беришга мўлжалланган диспутда камида битта раис ва икки гуруҳнинг ҳар биридан бир нафардан сўзловчи қатнашади. Диспутни очувчи биринчи талаба қўйилган таклифни маъқуллаб чиқса, иккинчиси унга қарши чиқади, яъни оппонент бўлади.

Сўзловчиларга 10 минутдан, ҳар икки гуруҳдан иккитадан ортиқ бўлмаган қўшимча қилишга чиқадиган талабаларнинг ҳар бирига 5 минутдан вақт берилади. Икки марта сўзга чиқишга рухсат этилмайди. Сўзга чиқувчиларнинг барчаси раисга мурожаат этишади ва унинг қарори қатъий бўлиб, диспутнинг мавзудан четга чиқиб кетмаслигини назорат қилади.

***Мунозаралар ўтказиш технологияси***

Мунозараларни ташкил этиш ва ўтказиш ташкилотчидан жуда жиддий тайёргарликни, ижодий муҳит яратишни талаб этади. Ўқитувчи илгаридан мунозаранинг мавзусини, уни ўтказиш режасини, вақтларини талаба-ўқувчилар билан ўзаро келишиб олади.

Талаба-ўқувчиларга ўқув йили бошланишида мунозара мавзулари режаси эълон қилиниб, уларга етказилади. Уларнинг тайёргарлик кўришлари учун вақт берилади. Мунозара муҳокамасига маъмурият, маҳалла фаоллари, машҳур мутахассислар таклиф этилади. Мунозаранинг бошловчиси тайинланади. Бошловчи жуда кенг қамровли билимга эга бўлиши керак.

Мунозара даврида вужудга келадиган муаммоли масалалар, айниқса, чигал фикрлар бўйича уларни чуқур таҳлил қилиш қобилиятига эга экспертлар таклиф этилади. Мунозарани олиб борганда унинг иштирокчиларини қизиқтириб, қовуштириб, бошқариб, зарур йўлланмалар бериб бориш муҳим аҳамият касб этади. Айнан мунозара жараёнида тўғри хулосалар чиқариш жуда катта маъсулият талаб этади.



Мунозаралар мавзуга қизиқиш билдирган гуруҳларни қўшиб, аксинча ҳолларда эса, уларни гуруҳларга бўлиб, зарур бўлган айрим холларда катта залларда, катта аудиторияларда олиб борилади. Мунозаралар демократик, ошкоралик, тенглик, самимийлик, ҳамкорлик ҳамижодкорлик, бир-бирини қўллаш руҳиятида олиб борилишини таъминлаш яхши натижалар беради.

Мунозара эркин фикр юритишни, ўз шахсий позициясида туришга ўргатади. Энг муҳими, талаба-ўқувчини мустақил мутолаага, фикр алмашув орқали узлуксиз ўз билим ва малакасини оширишга олиб келади.

## «ТЕХНИК ЕЧИМЛАРНИНГ МОРФОЛОГИК ТАҲЛИЛИ ВА СИНТЕЗИ» МЕТОДИ

“Техник ечимларнинг морфологик таҳлили ва синтези” методи **швейцариялик астроном Ф. Цвикки томонидан ишлаб чиқилган.** Бу методни қўллашда ўрганилиши лозим бўлган техник тизимнинг таркибий қисмлари ёки функционал морфологик белгиларидан иборат бўлган таркибнинг рўйхатидан аниқ муқобиллари, техник ифодалари ажратиб олинади; улар морфологик қути ёки матрица деб номланадиган жадваллар шаклида жойлашади ва ажралиб турган белгилар вариантларини бирлаштириб саралаб олиш орқали янги вазифалар ечими аниқланади.

Морфологик таҳлилда бўлгуси мутахассислар техник вазифалар ечими унсурларининг ҳар томонлама комбинациясини ясашга ўрганадилар, чунки бу метод қуйидаги тамойилга асосланган: техник характердаги ижодий вазифаларни ечишда мувофиқлаштирувчи ўқлар ёрдамида объектнинг муҳим тавсифларини фарқлаб оладилар. Унга қуйидагилар киради:

- вазифаларни аниқ ифодалаш, янги ифодаларни топишга уриниш, иккинчи даражали ва ўхшаш вазифаларни аниқлаш, улардан энг муҳимини ажратиб олиш;
- ечимлардаги мавжуд камчиликлар, уларнинг асосий тамойиллари ва янги таклифларни санаб кўрсатиш;
- хаёлий, биологик, иқтисодий, молекуляр ва бошқа аналогларни хомаки режалаштириш;

- математик, гидравлик, электрон, механик ва бошқа моделларни ясаш (улар аслида аналогларга қиёсланган ғояларни ифода қилади);
- вариантлар, тобеликлар, бўлғуси алоқалар, мантиқий ўхшашликларни ўрнатиш;
- бу ишдан мутлақо хабари йўқ баъзи кишиларнинг фикрларини билиш ва бошқалар.

## "ФУНКЦИОНАЛ – ФОЙДАЛИ ТАҲЛИЛ" МЕТОДИ

Функционал – фойдали таҳлил методининг яратувчилари Пермлик муҳандис Ю.М. Соболев ва Л.Майез бошчилигидаги Американинг «Женерал электрик» фирмасининг муҳандисларидир.

Бу техник объектларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини белгилаш методи бўлиб, уларнинг истеъмолчилари ўзига хослиги ва бу ўзига хосликни таъминловчи чиқимлар ўртасидаги муносабатларни яхшилашга хизмат қилади. Бу методнинг моҳияти шундаки, объектга бажарилиши лозим бўлган амаллар ва истеъмолчи талаблари нуқтаи назаридан ёндошилади.

Бу метод бир қатор мураккаб конструкцияларга ишлов бериш, уларнинг технологиклигини аниқлаш, самарасиз чиқимларга қарши «марказлашган ҳужум» ташкил этиш, моддий ва меҳнат омилларидан самарали фойдаланишни ошириш масалаларини ҳал қилишда иқтисодий самарадор метод ҳисобланади. Мамлакатимиздаги илмий ташкилотлар ва корхоналарнинг хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтилиши бу методдан кенг фойдаланиш лозимлигини кўрсатади.

Шунингдек, функционал-фойдали таҳлил асослари олий мактабда бўлғуси мутахассис-тадқиқотчиларга (конструкторлар, технологлар) дарс сифатида ўтилиши лозим. Бу эса, олий ўқув юртини битиргандан сўнг бориб ишлайдиган илмий ташкилот (корхона)да маҳсулотлар конструкциясини, уни тайёрлаш технологиясини яхшилашнинг конкрет йўлларини аниқлашга янги имкониятлардан келиб чиқиб ишлаб чиқариш ва ускуналарни ишлатиш ҳамда ортиқ даражадаги сарф-ҳаражатларни бартараф қилишга имкон беради.

Масала шундаки, функционал-фойдали таҳлил нуқтаи назаридан қаралганда, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барча сарф-ҳаражатлари фойдали ва фойдасиз ҳамда ортиқча деб тақсим



қилинади. Кейингилари яққол кўриниб турган ва беҳуда сарфлардир.

## «АРИЗ - ТРИЗ» МЕТОДИ

«АРИЗ - ТРИЗ» методи. Г.С. Альтшуллер ва унинг издошлари томонидан ишлаб чиқилган. Бу методлар синов ва камчиликлар ҳамда бошқа уларнинг модификацияларидан сезиларли фарқ қилади. Улар кўр-кўрона қидиришдан кўра техник тизимларни ривожлантириш қонуниятларига бўйсунган мантиқий операциялар тизими асосига қурилган. Назариянинг асосий ғояси: техник тизимлар ўз ҳолича эмас, балки яратувчилик вазифаларини онгли ва мақсадга мувофиқ ечишда фойдаланиш мумкин бўлган муайян қонунлар асосида юзага келади ва ривожланади, деган ғоядан иборат.

Бу вазифаларни ечиш жараёнини мавжуд техник зиддиятларни аниқлаш, таҳлил этиш ва ечиш деб қараш лозим бўлади. Белгиланган вазифаларни қўллаш методикаси эса, техника ва технологияни яратишдаги илмий-техник зиддиятларни ажратиб олиш, аниқлаш ва ҳал қилиш бўйича мунтазам равишда муайян ҳаракатларни бажаришдир. Тизим ўз ичига бундай зиддиятларни ҳал қилишга ёрдам берувчи ўзига хос янгиловчи операторларнинг 40 та иш усулларини қамраб олади. Улардан айримлари қуйидагилар:

1.«Тақсим қилиш»: а) объектни мустақил қисмларга бўлиш; б) объектни бўлакларга бўлиб бажариш; в) тақсимлаш даражасини кенгайтириш.

2.«Бутлаш»: айни ёки ёндош операциялар учун мўлжалланган объектларни бирлаштириш; б) айни ва ёндош операцияларни бирлаштириш.

3. «Оналик»: а) бир объектни иккинчи объект ичига ва ўз навбатида унинг ичига учинчи объектни жойлаштириш; б) бир объектни тўғридан-тўғри иккинчи объект орасидан ўтказиш.

4. «Чаппалик»: а) объектнинг ҳаракатдаги қисмини ёки ташқи муҳитни қўзғалмас ҳолатга олиб келиш, аксинча, муқим ҳолатни ҳаракатдаги ҳолатга келтириш; б) вазифа шартлари талаб қилган ҳаракатлар ўрнига тескари ҳаракатни амалга ошириш; в) объектнинг «оёғини осмонга қилиб қўйиш» ва уни ўнглаш.

5. «Зарарни фойдага айлантириш»: а) зарарли факторлардан (масалан, муҳитга зарар етказадиган) ижобий самара беришда фойдаланиш; б) зарарли факторларни бошқа зарарли факторлар билан қўшиш асосида уни бартараф этиш; в) зарарли факторларни ортиқ даражада кучайтириш асосида уни безарар қилиш.

## "ТУШУНЧАЛАР АСОСИДА МАТН ТУЗИШ" МЕТОДИ

***Сиз нимани тушунмасангиз, у сизга бегона***
***И. Гёте***

"Тушунчалар асосида матн тузиш" методи билиш-изланиш туридаги мустақил ишлар сирасига киради. Бу метод талаба-ўқувчиларга мустақил ишлар бажариш жараёнида турли хил мантиқий амаллардан фойдаланишни ўргатишга хизмат қилади. Булар: таҳлил қилиш ва умумлаштириш, далил ва ҳодисаларни қиёслаш, улардаги муштараклик ва фарқли томонларни аниқлаш, асосий ва иккинчи даражали белгиларни ажратиш, сабаб-оқибат алоқаларини очиб бериш ва шу кабиларни ўз ичига олади.

Одатда, талабалар мустақил ишлар бажаришда ўзлари учун номаълум бўлган ҳодисалар, янги ўқув материалларига дуч келадилар, бунда улар учун янги билимларни эгаллаш ва ўқув муаммосини ҳал қилиш йўлларини излаб топишни талаб этадиган муаммоли вазият пайдо бўлади. Бундай муаммоларни тўғри ҳал қилишда тегишли назарий билимлар ва айниқса, мавзуга доир тушунчалар, қоидаларни пухта билиш талаб қилинади.

***Мазкур методни қўллаш қоидалари:***

Ўқитувчи дарсга тайёргарлик кўриш босқичида янги мавзуга тегишли асосий тушунчаларни (калит сўзларни) белгилаб, уларнинг таърифлари ва ўзаро боғлиқликларини аниқлаб олади. Дарсда ўқитувчи янги мавзуни эълон қилади. Ўзи мавзунинг қисқача баёнини берганидан сўнг, мавзуга оид тушунчаларни ажратиб, таълим олувчиларга тегишли тушунтиришларни беради. Мавзуга доир вазифалардан бирини намуна сифатида бажариб кўрсатади.

Таълим олувчилар дарсни тинглаш жараёнида ўрганаётган янги мавзулари бўйича ўзларининг тезкор таянч конспектларини тайёрлайдилар. Сўнг улар таянч конспектдан фойдаланиб, ўрганилаётган тушунчалар, уларнинг мазмун-моҳияти ва ўзаро боғлиқликлари тўғрисида мустақил равишда матн тузадилар. Тузган матнларини ўзаро муҳокама қилишлари, ўқитувчи билан



бирга тегишли хулосалар чиқаришлари ва ўқитувчининг зарур йўл-йўриқлар бериши ташкил қилинади. Бундай матнлар таълим олувчиларнинг тегишли мустақил ишларни бажаришларида жиддий ёрдам беради.

## "ЗИНАМА-ЗИНА" МЕТОДИ



Мавзуга оид оддийдан мураккабга қараб кетма-кетликка асосланган саволлар ёрдамида таълимни амалга оширишга **"Зинама-зина"** методи деб аталади. Бу метод асосида кичик гуруҳлар, алоҳида талаба-ўқувчилар орасида берилган вазифани қанчалик тўлиқ бажарилишига қараб маррага – зинапоянинг юқорисига ким биринчи чиқиши мусобақаси шаклида ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш самарали ҳисобланади. Бунда зинапоялар сони мавзунинг мураккаблигига мос равишда белгиланади.

Ушбу метод таълим олувчиларни ўтилган ёки ўтилиши керак бўлган мавзу бўйича якка ва кичик жамоа бўлиб фикрлаш ҳамда хотиралаш, ўзлаштирилган билимларни эслаш, тўпланган билимларни умумлаштира олиш ва уларни ёзма, расм, чизма кўринишда ифодалай олишга ўргатади.

***Методни қўллаш тартиби:***

• ўқитувчи машғулотга тайёргарлик кўриш жараёнида ўқув материалини бир нечта кичик мавзуларга бўлиб олади (масалан: 2 ёки 3 та, 4 ёки 5 та...). Бу кичик мавзулар ҳар бири дарснинг умумий мавзусини ўрганиш учун зарур босқичлар (зинапоялар) ҳисобланади. Уларни кетма-кетликда ўрганиш зинама-зина юқорилаб бориш орқали машғулот мавзусини тўлиқ ўрганишни назарда тутади;

• ўқитувчи таълим олувчиларни мавзулар сонига қараб 3-5 нафар кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;

• ўқитувчи таълим олувчиларни машғулотнинг мақсади ва уни ўтказиш тартиби билан таништиради. Ҳар бир гуруҳга қоғознинг чап қисмида кичик мавзу ёзилган варақалар тарқатади;

• ўқитувчи гуруҳ аъзоларини тарқатма материалда ёзилган кичик мавзулар билан танишишлари ва шу мавзу асосида билганларини қоғоздаги бўш жойга жамоа билан биргаликда фикрлашиб ёзиб чиқиш вазифасини беради ва вақт белгилайди;

• гуруҳ аъзолари биргаликда тарқатма материалда берилган кичик мавзуни ёзма (ёки расм, чизма) кўринишда ифода этадилар.

## “КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ” МЕТОДИ

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи - таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материалини ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчилар кичик гуруҳларда жамоа аъзоси бўлиб ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи-назарларни қадрлашни ўрганиш имконига эга бўладилар.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган (18-схема).



18-схема

**“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси**




***“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:***

• Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.

• Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим олувчилар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.

• Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.

• Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.

• Кичик гуруҳлар ўзлари бажарган вазифанинг натижалари тўғрисида тақдимот қиладилар.

• Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.

• Кичик гуруҳлар баҳоланади.

| «Кичик гурухларда ишлаш» методининг афзалликлари: | «Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг камчиликлари: |
|---|---|
| 1) ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;<br>2) мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;<br>3) вақтни тежаш имконияти мавжуд;<br>4) барча таълим олувчилар жалб этилади;<br>5) ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади. | 1) баъзи кичик гуруҳларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;<br>2) барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;<br>3) гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;<br>4) гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин. |

## ЖАМОАЛИ ЎЗАРО ЎҚИТИШ МЕТОДИ

Бу усул 1918 йилда пайдо бўлган. Ҳозирги кунда жамоали ўзаро ўқитиш методи деб аталадиган метод бўйича дастлаб педагог Рибин педагогик тажриба ўтказган эди. У машғулотларда талабаларнинг ўрганилаётган мавзу бўйича топшириқларни бажаришда якка (индивидуал) ва жуфт-жуфт бўлиб ишлашлари усулини қўллади. Бундай машғулотларда талабалар масалалар ечар, конспект ёзар, китоблардан реферат ёзар, шеърлар ёдлашарди, маърузалар эшитишарди, бир-бирлари ва ўқитувчи олдида ҳисобот беришарди.

Бу давр (бир ўқув йили) мобайнида ҳар бир талаба 3-4 йиллик ўқув курсини ўзлаштирди. Бунда талабаларнинг ривожланиши ҳайратли даражада юқори эди. Ривожланмаган қишлоқ ўсмирлари 1 йилдан сўнг, мантиқли фикрлайдиган, исботлай оладиган, мунозара қила оладиган, мураккаб матнларни таҳлил қила оладиган, ҳаттоки педагогик қобилиятларни ҳам намоён қила оладиган даражага етдилар. Бу методни қўллаш натижасида 3 та педагогик кашфиёт қилинди, улар қуйидагилар:

- биринчи марта маҳаллий ва хорижий педагогикада йил давомида интенсив равишда ўқув фаолияти амалга оширилди. Унда талабалар ўзгарувчан жуфтлик ва кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда иш олиб боришди;



- ўқув тарбиявий ишнинг янги методи ишлаб чиқилди ва синов (апробация)дан ўтказилди;

- биринчи марта турли ёшдаги ўзини ўзи ўқитадиган ўқув жамоаси тузилди.

Ўқитишнинг бундай методи ўша даврдаги замондошлар томонидан яхши қабул қилинмади.

## ЎҚИТИШ БЎЙИЧА ҚЎЛЛАНМА МЕТОДИ

Ўқитиш бўйича қўлланма методи мавзуни ўрганиш учун зарур материалларни, маълумотларни, мисол, масалаларни ҳамда тинговчилар учун саволларни олдиндан тўплаш, тайёрлаш ҳамда режалаштириш асосида ўқув машғулотини ташкил қилиш ва ўтказишдан иборат. Бундай қўлланмалар талабаларнинг ўқиш, ўрганиш, тадқиқ этиш фаолиятини ҳатто ўқитувчи йўқлигида, масалан, улар матнни мустақил ўқиш топшириғини олганларида йўналтиришга ёрдам беради.

Ўқитиш бўйича қўлланма методи қуйидаги ҳолларда яхши кўмакчи эканлигини эслатиб ўтиш лозим:

1) талабаларга ўзларининг кузатиши эҳтимолдан узоқ бўлган фикрнинг анча нозик ҳаракатини сезишда ёрдам беради;

2) ишнинг ҳамма босқичларида юқори тартибдаги фикрлашни рағбатлантиради;

3) мунозара ёки ёзма иш учун асос бўлиб хизмат қилади, яъни талаба ўз қобиғига ўралиб қолмайди.

Қуйида мисол сифатида “Амир Темур таълимоти ва унинг давлатни бошқариш фаолияти” мавзусига доир ўқитиш бўйича қўлланмани кўриб чиқамиз. Ушбу мавзу юзасидан ўқитиш бўйича қўлланма методи учун тайёрланган материал қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Мавзу бўйича асосий маълумотларни ўз ичига олган қисқа матн.

2. Мавзуни ўзлаштиришни мустаҳкамлаш бўйича тингловчилар учун саволлар варақаси.

Машғулотнинг бошланишида талабаларнинг билиш фаоллигини ривожлантириш учун “Темур тузуклари” асарининг тегишли жойларидан олиб тузилган Амир Темурнинг давлатни бошқариш фаолияти тўғрисидаги қисқа матнни ялпи ўқиб

чиқилади. Кейин шу мавзу бўйича саволлар ёзилган варақни талабаларга тарқатиб, уларга жавоб ёзиш топшириғи берилади. Саволларнинг мазмуни тингловчиларнинг эътиборини матн ичида сочилган муайян деталларга жалб этишга қаратилган бўлади.

"Амир Темур таълимоти ва унинг давлатни бошқариш фаолияти" мавзуси бўйича талабаларга жавоб ёзиш топшириғи бериш учун саволлар варақаси намунаси:

---

1. Амир Темур таълимотида қандай ғоялар илгари сурилган?
2. "Темур тузуклари" асарида жамият ҳаётининг қайси соҳаларига тегишли фикрлар баён қилинган?
3. Амир Темурнинг "Куч - адолатдадир" деб айтган фикрини қандай изоҳлаш мумкин?
4. Амир Темур билан унга душман бўлганлар ўртасидаги келишмовчиликларга сиз қандай қарайсиз? Сизнингча, уларнинг қай бирининг ғоялари жамият ривожи учун асос бўла олади?

---

**Эслатма:** дастлабки иккита саволга жавоблар бутун матннинг ҳар-ҳар еридан тўпланади. Учинчи ва тўртинчи саволга жавоб бериш учун биринчи ва иккинчи саволга жавоб бериш учун тўпланган материал асосида юқорироқ тартибда фикрлашга тингловчилар рағбатлантирилади.

## ЙЎНАЛТИРУВЧИ МАТН МЕТОДИ

Йўналтирувчи матн методи ўтган асрнинг 70-йилларида «Daimler Benz» корхонасининг Гаггенау шаҳридаги (Daimler Benz AG (Gaggenau)) ўқув устахонаси томонидан ишлаб чиқилган. Бу метод товуш ва тасвирли тақдимотлар билан жиҳозланган мустақил ўрганиш дастурлари шаклидаги лойиҳавий касб-ҳунар таълимига қўшимча сифатида ишлаб чиқилган.

Бошланғич шаклида бу метод касб-ҳунар таълими амалиётчилари томонидан ишлаб чиқилган, кейинчалик эса, назарий жиҳатдан асосланиб, илмий асосда такомиллаштирилиб, олий таълимда қўлланила бошланган.

Йўналтирувчи матн усулида қуйидаги 6 босқич фарқланади:

1. Маълумот йиғиш
2. Режалаштириш



3. Қарор қабул қилиш
4. Амалга ошириш
5. Текшириш
6. Хулоса чиқариш

Бу босқичлар таълим жараёнида қўллашда доирасимон ҳаракат йўналиши бўйича алмашинади. Бу босқичларнинг ҳаммасини талаба томонидан амалга оширилади. Бу методнинг ишлаб чиқилишига сабаб лойиҳалар устида иш билан боғлиқ ташкилий муаммолар бўлган эди, чунки ўқувчилар ҳар хил тезликда ишлашлари туфайли бутун гуруҳ учун инструктаж ўтказишга қулай вақтни топиш қийин эди.

Бир ўқувчи ҳаммадан тез ишлаб янги кўникмани ўрганишга тайёр бўлган бўлса, секинроқ ишлаган талабалар учун эса, янги инструктажнинг фойдаси жуда кам эди. Қайтага янги инструктаж уларнинг ишларига халал бергандай ёки кераги йўқ тўхталиш каби туюлар эди. Бунинг натижасида эса, талабаларнинг қизиқишлари (мотивацияси) қисман барбод қилинар эди.

Йўналтирувчи матнлар ёрдами билан мустақил инструктаж ўтказиш имконияти пайдо бўлди ва ҳар бир ўқувчи айнан унга янги кўникма учун билимлар керак бўлган пайтда шу билимларни олиши мумкин бўлди. Энг биринчи йўналтирувчи матнлар - бу асли оғзаки равишда ўтказиладиган инструктажларнинг ёзма шакли эди. Лекин барибир барча махсус маълумотлар талабаларга иложи борича оғзаки берилар эди.




Бугунги кунда эса, йўналтирувчи матнлар шундай тузилганки, талабалар йўналтирувчи саволлар ёрдамида ўзлари учун керакли маълумотларни китоб, жадвал, инструкция видеокассеталар ёки компьютер дискларидан олиб ишлаб чиқишни ўрганишади. Бунинг натижасида ўргатиш ва ўрганишни ташкил қилишнинг янги бир методи вужудга келди. Унинг асосий белгиси ўқувчининг кўпрок мустақил равишда ўрганишидир.

Амалиёт ўқитувчиси эса, заифроқ талабалар билан кўпроқ шуғулланиши мумкин бўлиб қолди. Талабаларнинг мустақил ишлаши эса, ўз навбатида қўшимча фойда келтирмоқда, яъни уларда биргаликда мулоқотда бўлиш, биргаликда режа тузиш, қарор қабул қилиш ҳамда ўз ишини текшириш каби юқорироқ кўникма ва қобилиятлар ривожланади. Гуруҳ бўлиб биргаликда



ишлаш орқали муайян ижтимоий компетенциялар ривож топади ва шу компетенцияларга мўлжалланган мақсадларни ҳам назарда тутиш мумкин бўлиб боради.

Кўриб турибмизки, вақт ўтган сари йўналтирувчи матн методини қўллашнинг маъноси ўзгариб бормоқда, чунки бугунги кунга келиб бу метод айнан «пойдевор кўникма ва малакалар» деб аталган қобилиятларни ривожлантириш мақсадида қўлланади. Йўналтирувчи матн методи тушунчасини Германияда таълим жараёнига меҳнат бозори тадқиқотчиси Д. Мертенс киритган. У бу тушунча билан асосан услубий компетенцияларни (яъни фикрлаш, ташкил қилиш ва режалаштириш усулларини) атаган.

Ҳозирги кунда эса бу тушунча билан шундай қобилиятлар, кўникма ва ўзини тутиш тарзлари аталадики, улар айнан шу касб-ҳунарга оид билим, кўникма, малакалар билан бирга, унга қўшимча сифатида барча бошқа касб-ҳунарларда ҳам керак бўладиган ҳатти-ҳаракатларни ўз ичига олади. Булар орасида муайян вазифани бажариш бўйича ишни мустақил режалаштириш, амалга ошириш ва ўз ишининг назоратини олиб бориш кўникмаларини шакллантириш асосий ўрин тутади.

Йўналтирувчи матн методини қўллашда амалиёт ўқитувчисининг фаолияти бевосита инструктаж жараёнида бажариладиган ишлар билан бирга кўпроқ дарсдан олдин ва дарсдан кейин бажариладиган ишлардан иборат. Ўқувчилар эса, машғулотнинг барча босқичларида мустақил ишлашади.

**Йўналтирувчи матн методини қўллашдаги ҳаракатлар.** Таълим мақсади - касбий ҳаракатларни мустақил бажаришга ўргатиш. Германияда таълимнинг энг муҳим мақсади - талабани малакали касбий фаолиятни бажаришга қодир қилиш, бунинг таркибига эса, мустақил равишда режалаштиришни амалга ошириш ва назорат олиб бориш кўникмалари киради. Бу кўникмалардан фойдаланишни амалда мутахассиснинг корхонадаги фаолият ваколатлари билан адаштириш мумкин эмас.

Албатта мутахассислар бундай кенг малака талабларига уларнинг иш жойидаги шарт-шароитлар ва имкониятлари доирасида жавоб бера оладилар. Шундан келиб чиққан ҳолда мустақил ҳаракат қилиш шуни англатадики, мутахассис ўзига топширилган ишларни мустақил равишда, яъни бировнинг бошқариб туришисиз амалга ошириши керак. Масалан, бирор ишни

бошлашдан олдин иш тартибини режалаштириш, ишлаб чиқариш усулини белгилаш, керакли материалларни танлаш ва иш тугатилганидан кейин натижа сифати назоратини ўтказиши керак.

Бундан ташқари мустақил ва маъсулиятли ишловчи мутахассислардан кутиладиган нарса шуки, улар иш тартибини иқтисодий мезонларга мувофиқ, яъни тежамкорлик асосида режалаштириш ва амалга оширишлари керак. Бунинг учун улар тежамли ишлаб чиқариш усулларини, ишлатиладиган материаллардан ва энергиядан тежамли фойдаланиш усулларини билишлари керак.




Корхонада ўтказилаётган ўқув жараёнида «мустақил ҳаракатланиш» деб аталган ўқув мақсаднга эришиш фақат тасодифан бўлишига йўл қўйилмайди. Бу малакани тизимли равишда ўргатиш таълим амалиётининг доимий омили бўлиши лозим.

Мустақил ҳаракатланиш кўникмаларини ривожлантириш таълимнинг биринчи кунидаиоқ унинг таркибий қисми бўлиши керак. Бунинг учун топшириқларни бажаришда режалаштириш ва назорат вазифалари киритилиши лозим.

## МУКАММАЛ ҲАРАКАТ МОДЕЛИ МЕТОДИ

Мукаммал ҳаракат модели методи техникавий соҳадаги касбларга тегишли иш фаолиятида натижаларини кўриш, ўлчаш мумкин бўлган мақсадларга қаратилган ҳаракатларни моделлаштириб ўргатиш жараёнидан иборат. Уни мустақил касбий ҳаракатланиш модели деб ҳам аталади.

Бу метод касбий-техникавий соҳада учрайдиган кўплаб иш фаолиятларига мос келади. Мақсад кўринарли ўлчанарли натижалардан иборат бўлган ҳоллар учун мос ҳисобланади. Бу модель бир касбий ҳаракатни 6 та алоҳида ҳаракат босқичларига бўлган ҳолда батафсил ўргатишга қаратилган. Бунда мукаммал ҳаракатни амалга оширилишининг ўзи ўрганиш билан тенг деб ҳисобланади.



Мукаммал ҳаракат модели методини қўллашдаги педагогик муаммо шундан иборатки, ҳар бир алоҳида босқич бўйича бир ўқувчининг ҳам хаёлида (ҳаракатни хаёлан бажариб кўришида), ҳам амалда мукаммал ҳаракатларни бажариши таъминланадиган стратегияни тўғри танлаш керак.

Йўналтирувчи матн методи бўйича бу муаммони ҳал қилишда хаёлда бажариладиган жараёнларни деярли ташқарига чиқарилади. Яъни, одатда фақат хаёлда бўлиб ўтадиган нарсалар бу метод бўйича ёзилиши ёки овоз чиқариб айтилиши керак.

Шунинг учун бу ерда бир нечта қайта алоқа жараёнлари мавжуд. Жумладан, «Маълумот йиғиш» (1), «Режалаштириш» (2), «Амалга ошириш» (4) ва «Текшириш» (5) босқичларини ўқувчи деярли бутунлай ўзи ёки кичик гуруҳларда бажариши мумкин. «Қарор қабул қилиш» (3) ва «Хулоса чиқариш» (6) босқичларида эришилган натижалар эса, амалиёт ёки назариёт ўқитувчилари билан батафсил муҳокама қилиниши керак.

Ўқув жараёни бундай босқичларга бўлиниши ўқувчиларнинг иложи борича кўпроқ мустақил ўрганишларига туртки беради. Ўқувчиларга «Маълумот йиғиш» ва «Режалаштириш» босқичларида ёзма ҳужжатлар масалан техник чизмалар, жадваллар, эслатмалар, йўриқномалар ёки ўқитувчининг ўзи тузган ҳужжатлар берилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай ҳужжатлар мустақил ўрганиш жарааёнини жуда яхши кучайтиради.

Амалиёт ўқитувчиси ўқув жараёнида модератор ролини ўйнайди, яъни у ҳар бир босқич учун керакли маълумот ва материалларни тайёрлайди ва талабаларга мустақил маълумот йиғишда ёрдам бериб боради. У талабаларнинг аниқ мақсадга қаратилган иш-ҳаракатларига туртки беради, уларнинг билим, кўникма, малакалари ўсишини назорат қилади ва ўқитувчилар билан биргаликда ўргатишдаги нуқсонларни бартараф этиш йўлларини белгилайди.

Талаба эса, ўзининг таълим олиш жараёнининг фаол қатнашчиси бўлиб қолади. Энди у фақат тингловчи эмас, балки бажариладиган топшириқ учун керакли барча маълумотларни йиғади, ўз иш тартибини ва керакли вақтни ўзи режалаштиради ва қолаверса, ўз иш натижасини ўзи баҳолайди.

Буларнинг ҳаммасини ўқувчининг бир ўзи, якка тартибда ёки бошқа ўқувчилар билан биргаликда бажариши мумкин, бу эса, мақсадга ниҳоятда мувофиқ бўлади. Ўқитувчилар шундай роль

ўйнашлари ва ўзларини шундай тутишлари «пойдевор билим, кўникма, малакалар» деб аталган қобилиятлар ривожланишига жуда катта ёрдам беради, яъни талабаларда мустақил ўрганиш, мулоқотга киришиш, жамоада ишлаш ва энг муҳими, ўз натижаларини ўзи баҳолаш ва иш-ҳаракатларини режалаштириш каби қобилиятларни ривожлантиради.

## ДЕЛЬФИ МЕТОДИ

Бу метод ўтган асрнинг 50-60 йилларида асосланиб, қадимги юнон афсонавий қаҳрамони Апполон фаолияти билан боғлиқ ҳодиса негизида шакллантирилган стратегия ҳисобланади.

Методнинг мазмуни жамоа бўлиб қўйилган муаммонинг муқобил ечимларини мақбуллик даражалари бўйича табақалаштириб, улардан ҳар бирининг муҳим ёки номуҳимлигини баҳолашдан, шу асосда энг яхши вариантни танлаб олишдан иборат.

Масалан, ер майдонини плугда 15, 20, 25, 30, 35, 40, 45 см. чуқурликда ағдариб ҳайдаш мумкин бўлсин. Маълум бир ер майдонини агдариб ҳайдашда шу вариантлардан қайси бири энг яхши эканлигини аниқлаш учун уларнинг ҳар бирини талаба-ўқувчилар томонидан ер ҳайдашга доир мавжуд агротехник омиллар асосида ўқитувчининг раҳбарлигида баҳоланади. Бунда ҳар бир кичик гуруҳ ўзларининг вариантларини таклиф этишлари, сўнгра фикрлар умумлаштирилиб, энг яхши вариант танлаб олиниши ҳам мумкин.

Дельфи методи – тавсия этилган сериядаги муқобиллардан энг яхшисини танлаб олишга ёрдам беради.

Гуруҳ аъзоларидан ҳар бири муқобил вариантга муайян изчилликда баҳо бериши талаб қилинади. Тадбирни ўтказиш тартиби қуйидагича. Масалан, статистик методлар орқали 5та камчилик (нуқсон) сабаблари аниқланган. Улардан қайси бири муҳим камчилик эканлигини аниқлаш керак. Муҳокама иштирокчилари муаммони аввало муҳимлик даражасига кўра саралаб чиқадилар. Ўзлари муҳим деб ҳисоблаган муқобил вариантни долзарблиги даражаси бўйича энг долзарбини биринчи, қолганларини шу тартибда иккинчидан бешинчигача тоифалар билан баҳолайдилар.



Шундан сўнг ҳар бир муқобил вариантга ҳар бир иштирокчи камчиликларнинг сабабларига тўхталган ҳолда шу сабабларнинг бартараф қилиниши аҳамиятини 10 баллик тизим асосида баҳолаб чиқади. Бунда энг юқори аҳамиятли сабабни 1 ва шу тартибда 10 баллгача белгилаб баҳоланади. Учинчи босқичда муқобил варантларнинг ҳар бири ўзаро кўпайтирилади ва ҳосила рақам топилади. Энг кам рақам тезликда ва биринчи навбатда бартараф қилинадиган сабабни билдиради. Ҳисоблашни осонлаштириш учун махсус жадвал (32-жадвал ) тузиш мумкин.

32-жадвал

**Дельфи методи бўйича муқобил вариантларни баҳолаш**

| МҚ | Муқобил вариантлар | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1 | | | 2 | | | 3 | | | 4 | | | 5 | | |
| | Т | Б | Ҳ | Т | Б | Ҳ | Т | Б | Ҳ | Т | Б | Ҳ | Т | Б | Ҳ |
| А | 4 | 7 | 28 | 3 | 4 | 12 | 1 | 1 | 1 | 2 | 3 | 6 | 5 | 10 | 50 |
| Б | 5 | 2 | 10 | 3 | 6 | 18 | 2 | 7 | 14 | 1 | 10 | 10 | 4 | 4 | 16 |
| В | 2 | 8 | 16 | 1 | 1 | 1 | 4 | 3 | 12 | 3 | 4 | 12 | 5 | 2 | 10 |
| Г | 5 | 10 | 50 | 4 | 5 | 20 | 3 | 4 | 12 | 2 | 3 | 6 | 1 | 1 | 1 |
| Жами ҳосила | | | 104 | | | 51 | | | 39 | | | 34 | | | 77 |

**Изоҳлар:**

МҚ - муҳокама қатнашчиларининг шартли белгиланиши;

Т - муқобил вариантнинг долзарблиги тоифаси бўйича баҳолаш (энг долзарб муқобил вариант 1-тоифа ва шу тартибда 5-тоифагача);

Б - камчиликлар сабабларининг аҳамиятлилиги даражасини баҳолаш (энг юқори аҳамиятли сабаб 1 балл ва энг кам аҳамиятли сабаб 10 баллгача);

Ҳ - ҳосила (ТхБ).

## «РОЛЛИ ЎЙИНЛАР» МЕТОДИ

Ролли ўйинларнинг бошқа ўйинлардан фарқ қилувчи белгиси ўйин давомида баҳолаш тизимининг йўқлигидир. Шу билан бирга ролли ўйинлар бошқа ўйинлардан фарқли ўлароқ, ўзининг мақсади билан жамоавий ёки индивидуал қарор қабул қилишга асосланади. Ролли ўйинлар ўқувчи-талабаларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради, келгусидаги амалий фаолиятлари учун зарур билим, кўникма ва малакаларни амалий асосда, яъни фаол ўйин жараёнида эгаллашларига имкон беради.

Ролли ўйиннинг метод сифатидаги имкониятлари:

*– таълимда мотивацияни шакллантиради (шу боис таълимда самарадорлик босқичи бошланади);*

*– ўқувчи-талабаларнинг тайёргарлик даражаси баҳоланади;*

*–материалларни ўзлаштирганлик даражаси - пассив ўзлаштиришдан то малакаларнинг фаол шаклланганлигига кўра баҳолаш.*

Ролли ўйинни режалаштириш;

*– ролли ўйинларни режалаштириш ва тайёрлаш уни муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади.*

Биринчи навбатда, ролли ўйиннинг мақсадини тушунтириш ва унинг афзаллик жиҳатларини кўрсатиш зарур. Биринчи бор оддий ролли ўйинни намойиш қилиш маъқулроқ.

Ролли ўйинни режалаштиришда ўқитувчи қуйидаги саволларга ижобий жавоблар бериш имкониятлари мавжудлигини ҳисобга олиши зарур:

1. Педагогик саволлар:

- Ролли ўйин ўқув материалларини ўзлаштиришда мақбул усул ҳисобланадими?
- Агар сизга маъқул келса, ундан фойдаланишингиз мумкинми?
- Мақсадингиз аниқми?

2. Амалий саволлар:

- Ролли ўйинни ташкил қилиш учун зарур воситалар, жиҳозлар сизда мавжудми (стуллар, столлар, телефонлар, экранлар)?
- Керакли материаллар етарлими (флипчарт, маркер ва бошқалар)?
- Хона ва майдон етарлими?
- Ролларнинг баёни ва бошқа ёзма материалларни тайёрлагансизми?
- Ролларни ижро этиш бўйича танланган ўқувчи-талабалар етарлими?

3. Сизнинг ролингиз:

- Ролли ўйинда иштирок этасизми?
- Бошқаларни фаолликка ундовчи бирор ролни оласизми ёки кўрсатма берувчи нутқни намойиш қиласизми?
- Агар ўйинда иштирок этиш хоҳиши бўлса, ролингизни ижро этиш вақтида жараённи қандай бошқарасиз?



- Ролли ўйин ёрдамида мавзуни кўриб чиқишдаги таклифингиз?

Ролли ўйиннинг тақдимоти:

- Машғулот мавзусининг тақдимоти.
- Иштирокчиларни ихтиёрий равишда бошқа ролни танлаши ёки хоҳиши бўлмаса, роллардан бирини ижро этиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантириш.
- Ролли ўйин вазиятларини қисқача баён этиш мумкин. Бу ўйин иштирокчиларига вазиятни ўзгартириш ва ўз муносабатини ҳосил қилишни ўргатади.

Ролли ўйин машғулотини ташкил қилиш босқичида вақт сарфини қисқартириш бўйича бир неча усуллар мавжуд:

- Айрим ролларни синф, аудитория ва конференция залида норасмий сўз орқали ифодалаш.
- Ролларни қоғозга ёзиб, иштирокчиларга тарқатиш.
- Ролларни иштирокчиларнинг ўзлари тақсимлаши.
- Иштирокчиларга ролларни ўзлари танлаб олишини таклиф қилиш.

Кузатувчилар:

- Кузатувчиларга махсус кўрсатма бериладики, улар ўйинни дарс мақсадидан келиб чиқиб кузатадилар.

Ўйин вақтида ва ўйиндан кейин:

- Ролли ўйиннинг муҳим таркибий қисми топшириқларнинг бажарилгани ҳақида сўровнома ўтказиш (Ролли ўйин тамом бўлгандан сўнг).
- Ўйин охирида иштирокчилардан улар ижро этган ролни ички ҳолатидан қандай фарқ қилишини баён этиб бериш сўралади. Уларга ролларни фарқлаш имконияти ва айнан ўйнаган ролини яна қандай ўйнаши мумкинлигини изоҳлашига имконият берилади.

**Ролли ўйин ўтказиш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари**

| Ўйин босқичлари | Асосий қийинчиликлар | Бартараф этиш йўллари |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| **Тайёргарлик босқичи** | | |
| Инструментал жиҳат | 1. Ўйинчиларнинг ҳар хил тайёргарликка эгалиги | Олдиндан ташхис қилиш ва иштирокчиларни ўйинга тайёрлаш |

| | | |
|---|---|---|
| | 2. Ўйин вазиятларидаги моделлаштириш ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслик | Ўйиндаги моделлаштиришни, объектни олдиндан ўрганиш |
| | 3. Ўйинда йўл қўйиладиган ва қўллаб-қувватлаш механизм-ларидаги зиддиятларни аниқлаш | Ўйин шаклини танлаш, ўйинни фикран ишлаб чиқиш. Ўйиннинг критик нуқтасини ажратиш, қўшимча кириш маълумотларини шакллантириш |
| Эмоционал жиҳат | 4. Ўйинчиларда ўйинда юз бериши мумкин бўлган ҳодисалар бўйича хулосалаш ноаниқлигининг юқори даражадалиги | Иштирокчиларни олдиндан ўйин қоидаси ва дастури билан таништириш |
| | 5. Ўйин иштирокчиларининг қадриятлари ва мақсадлари ҳақида маълумотларнинг йўқлиги | Ўйин иштирокчиларини олдиндан диагностика қилиш |
| **Асосий босқич** | | |
| Инструментал жиҳат | 6. Иштирокчиларнинг ўйинга етарлича қўшилолмасликлари | Кириш шартларини аниқ баён этиш, топшириқ ва тарқатма материалларни тўғри тушунтириш |
| | 7. Ўйин иштирокчиларининг мақсадни ва муаммони етарли-ча аниқлаштира олмасликлари | Моделлаштириладиган вазиятни биргаликда бажариш |

## “АЙИРБОШЛАШ” РОЛЛИ ЎЙИНИ

“Айирбошлаш” ролли ўйин машғулотининг мақсади: Иштирокчиларда савдо-сотиқ ва ундаги айирбошлаш жараёни ҳақида тушунча ва ролли ўйинлар методи ҳақида тасаввурни шакллантириш.

Машғулотдан кутиладиган натижалар: иштирокчиларнинг ролли ўйинга тавсиф бериш, товарлар ва хизматларни айирбошлашнинг аҳамиятини таҳлил қила олиш, ролли ўйинлар ёрдамида дарс ташкил қила олиш кўникмаларини ўзлаштиришлари.

Талаб этиладиган вақт: 1 соат 15 дақиқа.

Зарур бўладиган материаллар 3-4 тадан унча қиммат бўлмаган совғалар - тарқатма материаллар, масалан: қалам, ручка, линейка, ўчиргич, календарь, китобчалар: тўғноғич, тароқ; сақич, қурт, конфет, печенье; скрипка, рангли қоғозлар, қоғоз жилд, пакетлар,



откритка, стержень, қаламдон, ёзув қоғози, бўр, туфлининг ипи, рангли қалам, гугурт, сигарета, жўхори қаламчалари, тугмача, газета, дафтар, дафтар жилди, рангли скрепка, кнопка ва ҳ.к.

*“Айирбошлаш” ролли ўйини ўқув усули сифатида қуйидаги вазифаларни бажаради:*

- иштирокчиларнинг ижодий қобилиятини ўстириш, жумладан, янги вазиятларни тушуниш, аниқлаш ва таҳлил қилиш;
- ривожлантирувчи – мантиқий тафаккурни атроф-муҳит шароитини ўрганиш қобилиятини ўстириш;
- қизиқтирувчи – иштирокчиларнинг ўқув қобилиятларини намоён этишга ундаш, мустақил хулосага келишга рағбатлантириш;
- тарбиявий – масъулиятни, коммуникативликни шакллантириш.

*“Айирбошлаш” ролли ўйинини ташкил қилиш:*

- ўйин машғулоти усуллари ва ўйин жараёни босқичларининг мақсадларига мувофиқ танланадиган вазиятларни белгиланади;
- дидактик мақсад тингловчилар олдига вазифа ўрнида қўйилади;
- иштирокчилар ўқув фаолиятида ўйин қоидаларига бўйсунадилар;
- ўйин жараёнини амалга ошириш воситаси сифатида ўқув материалларидан фойдаланилади;
- ўқув фаолиятига дидактик вазифани ўйин шаклида бажариладиган мусобақа элементлари киритилади;
- дидактик вазифанинг муваффақиятли бажарилиши ўйин натижаси билан боғланади.

Бу ролли ўйин кўрсатилган вазиятга тегишли муаммони ечиш бўйича иштирокчиларнинг биргаликда фаол иш олиб боришларига асосланган.

Ролли ўйин мавзуси бўйича иштирокчиларнинг асосий мажбурий мақсадлари – муаммони ечишдан иборат.

Ишлаб чиқилган ўйин мумкин қадар ҳаётий бўлиши, лекин иштирокчилар учун жуда мураккаб ва қийин бўлмаслиги лозим.

Иштирокчиларга айрим асосий маълумотлар эслатиб ўтилади, масалан:

Савдо-сотиқнинг жаҳон иқтисодий тизимидаги ўрни нақадар беқиёслигини бугунги кун тажрибалари тасдиқламоқда. Буни бир қатор ривожланган давлатларнинг тажрибаси амалий жиҳатдан кўрсатиб турибди.

Аргументлар назариясида жаҳон савдосида фойда олиш учун рақобатдошлар айрим чет эл корхоналарини сиқиб чиқаришга ва корхона ишчиларини ишдан бўшатишга ҳаракат қиладилар.

Шу билан бирга, савдо-сотиқда иштирок этувчи субъектлар ўртасидаги боғлиқликка асосланган айрим иқтисодий қонуниятлардан бири эркин айирбошлашдир.

Қуйидаги асосий тушунчаларнинг таърифлари айтилиб, тегишли изоҳлар берилади:

1.Эркин айирбошлаш.

2.Фойдалилик.

Эркин айирбошлашда мақсад иштирокчининг ўзи томонидан ўз эҳтиёжларини баҳолаши орқали эркин айирбошлашнинг шахсий қониқишга таъсирини таҳлил қилинади.

Алмаштириш лойиҳа, машқ натижасида амалга оширилишини. айирбошлаш жараёнларига бозор таъсири ҳажмини баҳолашни тушунтирилади.

***Дарснинг бориши:***

Дарснинг бошида иштирокчиларни "Айирбошлаш" ролли ўйини қоидалари, мавзу бўйича зарур маълумотлар билан таништирилади ва совғалар тарқатилади. Совғалар рақамлар билан белгиланган бўлиши лозим. Кўринмайдиган пакетдаги совғалар ҳар хил бўлиши керак.

Иштирокчилар олган совғалари бўйича ўз қониқишларини баҳолайдилар. Бунда уларнинг ҳар бири олган совғаларини аҳамиятига кўра баҳолайдилар.

Ҳар бирлари ўз эҳтиёжлари бўйича ўз нарсаларининг алоҳида ва сўнгра ўртача қиймат кўрсаткичини ҳисоблайдилар.

5-10 дақиқа ўқувчи-талабаларга имконият берилади, улар нарсаларини қолган иштирокчилар билан ўз эҳтиёжларига мос келишига қараб, айирбошлайдилар. Айирбошлаш ҳеч кимга мажбурий эмас.

Бу ўйин икки босқичдан иборат. Ҳар бир иштирокчи ўз ихтиёрига кўра нарсаларни айирбошлашга киришадилар. Нарсаларни айирбошлагандан сўнг, уларни баҳолаш тавсия этилади, баҳо янги 1-5 гача ўз эҳтиёжларига қараб баҳоланади. Баҳоларни умумлаштириб, уларнинг ўртача қиймати ҳисобланади.

Иштирокчиларга яна 10-15 дақиқа вақт берилади. Улар шу вақт ичида нарсаларини бошқа ўзлари хоҳлаган иштирокчи билан



айирбошлашлари тавсия этилади. Баҳоларни умумлаштириб, уларнинг ўртача қиймати ҳисобланади.

Фойдалилик баҳоси натижаларини эълон қилинади.

Иштирокчиларга бир қатор саволлар билан мурожаат қилинади:

Нима учун ҳар сафар ўртача ва умумий миқдор ҳар бир босқич бўйича ўсди?

Ҳаммангиз айирбошлашда иштирок этганингиздан қониқдингизми?

Одамлар ҳақиқий айирбошлашда янги имкониятларга эга бўладиларми?

21-жадвал

**"Айирбошлаш" ролли ўйини машғулотининг технологик харитаси**

| Босқичлар | Таълим берувчининг фаолияти | Таълим олувчиларнинг фаолияти |
|---|---|---|
| I босқич. Тайёргарлик | Ўқув машғулотининг мақсади ва натижалари аниқланади.<br>Таълим олувчини баҳолаш мезонларини аниқлайди.<br>Машғулотнинг технологик харитасини тузади.<br>Зарур ўқув материаллари ва совғаларни тайёрлайди. | |
| II босқич Ўйинга кириш | Таълим олувчиларга улар "Бартер" ўйини қатнашчилари бўлишларини эълон қилади.<br>Ушбу таълим усулининг маъносини тушунтиради.<br>Мақсад ва кутиладиган натижаларни айтиб беради. Баҳолаш мезонлари билан таништиради. Таълим олувчиларни 3та гуруҳга бўлиб чиқади.<br>Ҳар бир иштирокчига кўринмайдиган пакетда совғалар тарқатилади, улар 1-6 рақамлар билан белгиланган бўлиши керак. | Иштирокчилар мавзунинг номи, ўқув машғулотининг мақсад ва натижаларини ёзадилар. Иштирокчилар совға солиш пакетини олиб, рақам бўйича шерикларини топиб, столга ўтиришади. |
| | Иштирокчиларга совғаларни ўзларининг эҳтиёжига қараб 1 дан 5 гача рақам билан баҳолашни таклиф қилиш.<br>1- энг паст эҳтиёж, 5-энг юқори. | Иштирокчилар саволларни баҳолайдилар. Қоғозга ёзиб, таълим берувчига берадилар. |

| | | |
|---|---|---|
| III босқич Асосий | Иштирокчилардан ўзларининг совғаларини қанчага баҳолаганларини қоғозга ёзиб беришларини сўраш. Сонлар йиғиндисига кўра ўз эҳтиёжларига қараб, ўртачасини ҳисоблаб чиқиш. 1-босқич. Иштирокчиларга 2-3 дақиқада ўз хоҳишларига кўра нарсаларини бошқалар билан айирбошлашларини айтади. Хоҳламасалар, айирбошламайдилар. Иштирокчилардан ҳисобланган қоғозларни йиғиб олиб, умумий ҳисоблаб чиқиб, эҳтиёжни айтиш. | Иштирокчилар нарсаларини ўз эҳтиёжини қондириш учун айирбошлайдилар. Қоғозга айирбошланган нарсаларининг нархини ҳисоблашади. Айирбошламаганлар олдинги нархларни қўядилар. |
| | 2-босқич. Энди иштирокчиларга нарсаларини айирбошлаш учун 5 дақиқа вақт берилади. Иштирокчилардан баҳолаган варақларини йиғиб олиб, ўртача қийматини эълон қилади. | Айирбошлаб бўлгандан кейин ўринларига келиб ўтиришади ва ўзининг эхтиёжи учун айирбошланган нарсаларининг қийматини ҳисоблайдилар. |
| IV босқич. Таклиф ўз-ўзини баҳолаш. | Билим олувчиларга "Бартер" фаолиятини таҳлил қилиш ва ўз-ўзини баҳо-лашни амалга оширишни таклиф қилиш. | Ўз-ўзини баҳолашни амалга оширадилар. |
| V босқич. Муҳокама, Хулосалаш. | Таълим олувчиларга савол бериш. 1. Нима учун миқдор ўсишига эришилади? 2. Нега ҳар бир босқичда ўртача ва умумий миқдор кўрсаткичи янада ошди? 3. Ҳаётдан шунга мос мисоллар келтира оласизми? 4. Айирбошлашдан қониқдингизми? Саволларга жавоб олгандан кейин умумлаштириб, якун ясалади. | Таълим олувчилар берилган саволларга ўйлаб жавоб берадилар. Таълим бе-рувчининг якунини эшитадилар ва ўзлари учун хулосалар чиқарадилар. |

## "ТАДБИРКОРЛИК" ЎЙИНИ

Тадбиркорлик ўйинлари ўз мазмун-моҳиятига, ижтимоий-психологик ва ижтимоий-педагогик хусусиятларига кўра, инсоннинг шахсий хислатларини шакллантиришнинг воситаси ҳамда иқтисодий таълим тизимида таълим-тарбия ишларини ташкил



этишнинг бир шаклидир. Зеро, тадбиркорлик ўйинлари ўқув жараёнида ўз ўрнига эга ва ўқув жараёнининг асосий вазифалари, моҳияти ва тузилмаси ҳамда ўрганилаётган иқтисодий фаннинг дидактик табиатига боғлиқ бўлган, аниқ белгиланган функцияларни бажаради.

Тадбиркорлик ўйинларининг дидактик функцияларига қуйидагилар киради:

– *ўқувчи-талабаларда ақлий фаолият усулларининг шаклланиши;*

– *билимларни мустаҳкамлаш ва қўллаш;*

– *ўқув жараёнида бўлғуси иқтисодчи мутахассиснинг фаолияти фақат ўрганиш эмас, балки ишлаб чиқишдан иборат бўлиши;*

– *ўқувчи-талабалар ўқув-билиш фаолиятининг бўлғуси касбий фаолияти, характери ва тузилмасига максимал даражада яқинлашиб бориши.*

Тадбиркорлик ўйини ижтимоий-педагогик тизим сифатида қуйидаги тайёргарлик босқичларига эга:

1. Ўқув-билиш вазифаларини муаммоли вазият топшириғи шаклида қўйиш:

- *бўлғуси тадбиркорлик ўйинининг мақсадини аниқлаб олиш;*
- *муаммоли вазиятни англаб етиш;*
- *ўқувчи-талабаларга навбатдаги тадбиркорлик ўйини ҳақида дастлабки маълумотлар бериш.*

2. Навбатдаги вазифани бажариш учун зарур бўлган ва аввал эгалланган билимлардан фойдаланиш:

- *ўқувчи-талабаларнинг ўқитувчидан ёки адабиётларни таҳлил қилиш орқали янги билимларни қабул қилиб олиши;*
- *бажарилиши лозим бўлган иш тўғрисида ўқувчи-талабаларга йўл-йўриқлар кўрсатиш;*
- *олинган билим, ўзлаштирилган илмий тушунчалар ва ишлаш методларини умумлаштириш;*
- *ўз-ўзини назорат қилиш.*

3. Тадбиркорлик ўйинларининг шартларини тушунтириш ва вазифани бажариш учун зарур бўлган янги амалий билимларнинг ахборотини бериш.

4. Навбатдаги ишни режалаштириш:

- *аввал маълум бўлганлар асосида унинг айрим босқичларини бажариш усулларини танлаш;*
- *аввал эгалланган билимлар асосида тушунтириш ишини олиб бориш ва ўз ижоди учун зарур бўлган янги методларни қидириш;*
- *режалаштиришни мустақил назорат қилиш.*

5. Вазифа шартлари, уларнинг бажарилишини тушунтирувчи қоидалар (материаллар)ни ўрганиш ва таҳлил қилиш бўйича мустақил ишлар ва тадбиркорлик ўйинларидаги ўз мавқеини аниқлаш.

6. Ўзларидаги бор билим, малака ва кўникмалар асосидаги режа бўйича ишларни бажариш:

- *янги билим ва малакаларни ҳосил қилиш;*
- *ўз хатти-ҳаракатлари ва уларнинг натижаларини мунтазам назорат қилиш. Қайд қилинган камчиликлар ва уларнинг сабабларини бартараф қилиш;*
- *белгиланган режаларни (режа олди ишлари ва режадан ташқари) такомиллаштириш;*
- *якуний натижаларни текшириб кўриш ва таҳлил қилиш.*

7. Ўқувчи-талабалар фаолиятини, уларнинг билими, малакаси, кўникмаларини назорат қилиш ва жорий йўл-йўриқлар бериш.

8. Ўқувчи-талабаларнинг тадбиркорлик ўйинларига тайёрлигини аниқлаш мақсадида уларнинг мустақил ишлари натижаларини текшириб кўриш.

9. Ўқувчи-талабаларга тадбиркорлик ўйинларини ўтказиш ва унда қатнашиш бўйича йўл-йўриқлар бериш, уларни роль ўйнаш бўйича тақсим қилиш, зарурат туғилганда ҳар бирига қўшимча йўл-йўриқлар бериш.

10. Олдиндан ишлаб чиқилган сценарий бўйича ўқувчи-талабаларнинг тадбиркорлик ўйинлари.

11. Ўйин иштирокчиларига жорий йўл-йўриқлар бериш.

12. Ўйин иштирокчиларининг ўйин давомида ўзи ўйнаган ролларига баҳо бериши ҳамда ўз-ўзини назорат қилиши.

13. Тадбиркорлик ўйини натижаларини муҳокама қилиш ва ўқувчи талабанинг ўқув-ўйин фаолиятига баҳо бериш.

Шундай қилиб, тадбиркорлик ўйинларидан янги билимларни эгаллаш, ўтилганларни мустаҳкамлаш, ижодий қобилиятларни ривожлантириш, умумий малакани шакллантириш каби бир қатор вазифаларни ечишда фойдаланилади.



Иқтисодий таълим беришда тадбиркорлик ўйинларининг фаол шаклларидан бири “Иқтисодий саводхонлик” тренингидир. “Иқтисодий саводхонлик” тренинги ўқувчи-талабаларнинг иқтисодий жараёнлар ва бу жараёнларда кузатиладиган ўзаро боғлиқликлар, иқтисодий тушунчалар ҳақидаги тасаввурларини ривожлантириш мақсадида ташкил этиладиган тренинг гуруҳ ўқувчи-талабалари билан ўтказилади.

Бунинг учун гуруҳ ўқувчи-талабалари бир неча жамоага бўлинади. Кейин, жамоалар ўзаро беллашади, яъни мусобақа жараёнида уларнинг ҳар бири иқтисодий жараёнлар ҳақидаги билим ва иқтисодий саводхонлигининг қай даражада эканини кўрсатишга ҳаракат қилади. Масалан, мусобақа “Тадбиркор” тушунчасининг мазмунини изоҳлаб бериш ва атамадан фойдаланиб, иқтисодий маънога эга гаплар тузиш бўйича ўтказилиши мумкин.

Уларнинг иқтисодий маънога эга гап тузиш-лари учун 10-15 дақиқа вақт берилади. Бу вақт давомида мусобақада иштирок этаётган жамоанинг ҳар бири “тадбиркор” сўзи билан бошланадиган иқтисодий маънога эга гапларни кўпроқ тузиши керак бўлади. Гаплар бир-бирини такрорламаслиги лозим. Биринчи тузилган гапда асосий сўз ёки атаманинг моҳият-мазмуни ёки луғавий маъноси ифодаланади. Кейин жамоалар ўша сўздан фойдаланиб, иқтисодий маънога эга бўлган бошқа гапларни тузадилар. Масалан, қуйидагиларга ўхшаш гапларни тузишлари мумкин:

Тадбиркор

1. Фойда олиш учун хўжалик фаолияти билан машғул бўлган раҳбар.
2. Тадбиркорлик фаолияти субъекти.
3. Ёлланиб ишлайдиган шахс меҳнатига меҳнат қонунчилигида белгиланган миқдорда ҳақ тўлайди.
4. Товар етказиб берувчи ва истеъмолчини танлаш ҳуқуқига эга.
5. Меҳнатсевар, доимо иш билан банд масъул шахс.
6. Ўз фаолиятида мақсадга интилган киши.

Мусобақа учун ажратилган вақт тугагандан кейин ҳар бир жамоа ўз варағини тўлдириб, уни бошқа жамоага беради. жамоалар тузилган гапларнинг иқтисодий маънога эга эмаслигини, яъни уларнинг тўғри-нотўғрилигини текширади.

Бир-бирларини такрорлайдиган, иқтисодий маънога эга бўлмаган ибораларни аниқлайди. Ўзаро текширувлардан кейин ҳар бир жамоа маъруза билан чиқади. Улар жамоа томонидан тузилган ибора (гап)ларнинг нечтаси иқтисодий маънога эга ёки эга эмаслигини эътироф этишади.

Жамоаларнинг маърузалари тренинг иштирокчилари ва ўқитувчилар томонидан муҳокама этилади ва натижага асосланиб, ҳар бир жамоага неча балл берилиши ҳақида қарор қабул қилинади. Иқтисодий маънога эга бўлган гапларни кўп тузган жамоа ғолиб саналади ва тақдирланади.

## "ИШБИЛАРМОНЛИК" ЎЙИНИ

"Ишбилармонлик" ўйини тақлид асосида бажариладиган ўйин шаклидаги ўқув машғулоти туридан иборат. Бу машғулот умумий жиҳатдан ўйин иштирокчилари томонидан тайёрланган ёки уларга олдиндан берилган топшириқларга кўра ҳар хил вазиятдаги бошқарувчилик қарорларини қабул қилишни имитация қилиш (тақлид, ифодалаш, акс эттириш) методи ҳисобланади. Шу боис ҳам ишбилармонлик ўйинлари имитацион бошқарувчилик ўйинлари деб аталади.

Ишбилармонлик ўйинларидан кўзда тутиладиган мақсад иштирокчиларни турли ижтимоий-иқтисодий вазиятларда бошқарувчилик қарорларини қабул қилишга ўргатишдан иборат. Ушбу мақсадга мувофиқ равишда ижтимоий-иқтисодий тизим модели асосида бошқарувчилик қарорини қабул қилиш бўйича ташкилот раҳбари, ходимлари ва мутахассислари фаолияти имитация қилинади.

Ўйин фаолиятида бирорта ташкилот вакили сифатида иштирок этаётган иштирокчининг иш фаолияти, хулқ-атвори ва ижтимоий институтлар функцияларини имитация қилиш амалга оширилади. Ўйин давомида ҳал қилинадиган муаммонинг характерига, иштирокчиларнинг ўзаро таъсирлашув хусусиятларига кўра вазифаларни гуруҳли ҳал қилинади. Бунда бир томондан ўйин назорат қилинса, иккинчи томондан оралиқ натижаларга кўра иштирокчилар ўз фаолиятларини ўзгартириш имкониятига эга бўладилар. Ишбилармонлик ўйинининг кўп тактли эканлиги унинг ўзига хос жиҳати ҳисобланади.



Ишбилармонлик ўйинида роллар ва ролларга тегишли мақсадлар аралаш ҳолда бўлади. Иштирокчиларнинг бир қисми ўйин давомида қатъий белгиланган ва ўзгармас ролларни ижро этишлари белгиланади.

Ишбилармонлик ўйини бошқарувчиси ўзининг ташкилий фаолияти билан бир вақтда фаол иштирокчи ҳам ҳисобланади. У ўйинни ташкил қилади, ўйинни амалга ошириш режасини белгилайди, кенгаш ўтказади ёки низоли вазиятни ҳосил қилувчи манба сифатида иштирок этади. Ўйин бошқарувчиси ўйиндаги гуруҳлар ва экспертлар сингари ўйин жараёнининг таркибий элементи ҳисобланади.

Иқтисодий ўйинни баҳолаш тизими қуйидаги функцияларни амалга оширади: иштирокчиларнинг ўйинни ташкил этиш, унинг мақсадларини амалга оширишдаги фаолиятларини, ҳар бир иштирокчи ўзига берилган ролдан қанчалик чалғиганини тақдирлаш ёки жазолаш ҳамда ўйиннинг алоҳида босқичларини баллар асосида баҳолашни назарда тутади. Ушбу индивидуал ва гуруҳли баҳолар асосида якуний баҳолаш амалга оширилиши мумкин.

Ўқув жараёнида қўлланиладиган ўйин методларини ишбилармонлик ўйинлари, ролли ўйинлар ва ташкилий фаолият ўйинлари турларига ажратилади. Бу ўйинлардан уларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлган мавзуларни ўргатишда фойдаланилади. Бунда ўйинни ўтказишдан олдин унинг дидактик ва тарбиявий мақсадлари аниқлаб олинади. Ушбу ўйинларнинг умумий тавсифи қуйидаги жадвалда келтирилган.

22-жадвал

**Ўқув жараёнида қўлланиладиган ўйин турларнинг умумий тавсифи**

| Ўйиннинг асосий белгилари | Ўқув ўйинларининг турлари | | |
|---|---|---|---|
| | Ишбилармонлик ўйини | Ташкилий фаолият ўйини | Ролли ўйин |
| Ўйин жараёнида моделлаштириш шакли ва имитация даражаси | Реал ижро этилади | Мулоҳазалашга асосланади (фаолият ҳақида фикр юритилади) | Реал ижро этилади |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Ўйин бошқарувчисининг роли | Ўйин давомида фаол иштирок этади, лидер | Жамоавий фикрлашнинг ташкилотчиси, коммуникацияда воситачи. Фаол позицияда | "Кадр ортида" ўйин методларини билвосита назорат қилади |
| Ролларни тақсим қилиш тартиби | Роллар айнан тақсимлаб берилади | Роллар шартли бўлади, тақсимланмайди, шахсий позициялар бўйича белгиланади | Роллар айнан тақсимлаб берилади |
| Кўп қўлланиладиган моделлаштириш соҳаси | Жамоавий | Жамоавий | Жамоавий ёки индивидуал |
| Ўйиннинг боришини баҳолаш тизими | Бўлади | Кўпинча бўлмайди | Бўлмайди |

## КРОССВОРД - ЎЙИН МЕТОДИ

***Болалар фақат улар ўзлари ихтиро қилган нарсалар борасидагина ҳақиқий тушунчага эга бўладилар ва ҳар сафар, биз уларга бир нарсани тез ўргатмоқчи бўлганимизда, биз уларни нарсаларни қайтадан кашф этишдан ушлаб қоламиз. (Ж. Пиаже)***

Кроссворд ўйини XX асрнинг бошларида пайдо бўлди ва ўзининг қизиқарлилиги билан қисқа вақт ичида бутун дунёга кенг тарқалди.

"Кроссворд" сўзи инглизча сўздан олинган бўлиб, кросс - "кесиб ўтиш" ва "word" – "сўз" сўзларининг бирикмасидир ва у бошқотирма маъносини англатади. Кроссворд тузиш учун "ўзаро кесишувчи" катакчаларга сўзлар ёзилиши ва ёзувда умумий катакчаларда бир хил ҳарфлар қатнашиши керак. Кроссвордлар шакли ва ҳажми жиҳатидан жуда кўп турли бўлади.

Кроссворднинг ватанини аниқлаш борасида уч давлат баҳс юритадилар. Улар АҚШ, Англия ва ЖАР давлатларидир. Кроссворднинг газета саҳифасида биринчи марта чоп этилиши



1913-йилнинг 21-декабрига тўғри келади ва бу кун биринчи газета кроссвордининг туғилиш куни сифатида Гиннес рекордлар китобига расман киритилган. Бу кроссворд АҚШда Артур Уинн томонидан тузилган бўлиб, "Hew York world" газетасида эълон қилинган.

Кроссвордга оид муҳим педагогик-психологик жиҳатлар устида тўхталиб ўтамиз.

***Талаба учун кроссворд:***

1. Ўйин характерига эга. Бу хусусият мавзуни осон эгаллаш имконини беради. Чунки инсоннинг руҳияти мавзуни ўйин орқали қабул қилишга мойилдир.
2. Хотирани чиниқтиради.
3. Фикрлаш доирасини кенгайтиради, ақлни пешлайди.
4. Англаш ва фаҳмлаш қобилиятини ривожлантиради.
5. Сўз бойлигини оширади.
6. Изланувчанликни вужудга келтиради.
7. Интеллектуал салоҳиятни кенгайтиради.
8. Мустақил фикрлаш кўникмасини ҳосил қилади ва шакллантиради.
9. Бўш вақтни мазмунли ўтказиш имконини беради.

***Ўқитувчи учун:***

1. Кроссворд ўқув жараёнида талабаларнинг олган билимини аниқлашнинг барча назорат босқичларида (жорий, оралиқ ва якуний назорат босқичларида) қўлланиши мумкин.
2. Кроссворддан талабаларнинг мустақил билим олишини ташкил қилишда фойдаланиш мумкин. Масалан, ўқитувчи тузган кроссвордлардан талабалар мустақил ёки биргаликда таълим олишларида фойдалансалар бўлади. Шунингдек, талабалар ўзлаштириши керак бўлган мавзу бўйича мустақил равишда кроссворд тузиш топшириғини бажариши ҳам мустақил билим олишнинг бир турини ташкил этади.
3. Кроссворд барча фанлар бўйича тузилиши мумкин.

Кроссворднинг юқорида келтирилган жиҳатлари дарсларда қўлланиши учун тўлиқ асос бўлади, деб ҳисоблаймиз.

***Қуйида жорий назоратда кроссвордни қўллаш бўйича услубий тавсияни келтирамиз:***

Айни шу кунгача ўтилган мавзулар бўйича тузилган кроссворд талабаларга тарқатилади ва уларга катакларни тўлдириш учун 5 дақиқа вақт ажратилади. Талаба кроссворд катакларини мумкин

қадар тўлдиради ва у тўғри деб ҳисоблаган жавоблар сонини қоғоз четига ёзиб қўяди.

Ўқитувчи талабаларнинг жавобларини кўриб чиққач, тўғри жавобни кроссворднинг ечими кўринишида (яъни, кроссворд катакларида) эълон қилади. Бу ишни техник восита – проектор ёрдамида экранда намойиш этилиши яхши самара беради. Талаба бир дақиқада ўз жавобининг тўғри ва хато жойларини англаб етади. Бу машғулот мавзуга оид билимнинг талаба хотирасида узоқ вақт сақланиб қолишига олиб келади.

Кроссворд ёрдамида талаба билимини текширишнинг бу усули ўқитувчига аудитория дарси вақтидан унумли фойдаланишга ва талабанинг таълим олишдаги фаоллигини оширишга имкон беради. Бирданига амалга оширилган бундай назорат тури талаба учун ҳам қизиқарли ҳамда шу кунгача эгалланган назарий ва амалий билим, кўникмаларни қанчалик эгаллаганлигини, ўзига ишончини, зеҳнини яна бир марта синаш имконини беради.

Кроссворд ёрдамида талабаларнинг мустақил таълим олишларини ташкил қилишни қуйидагича амалга ошириш мумкин:

- талаба ўқитувчи томонидан уйда машқ қилиш учун берилган кроссвордларни мустақил ечиб, ўз билимини ошириши мумкин. Бу машқ пайтида талаба адабиётлардан ва бошқа манбалардан фойдаланиш имкониятига эга;
- ўқитувчи томонидан берилган кроссвордлардан бир нечта талабалар биргаликда фойдаланиб, ўз билимларини оширишлари мумкин. Бундай машғулот талабалар орасида эркин баҳс-мунозара, ўзаро бир-бирини синаш билан ўйин кайфиятида ўтади. Натижада билим осон ва мустаҳкам эгалланади.
- талабага мустақил кроссворд тузиш топшириғи бериш мумкин. Бундай топшириқ талабани мавзуга оид адабиётларни кўриб чиқишга ва ўз устида мустақил ишлаш кўникмасининг шаклланишига олиб келади.

Кроссворднинг бошқа педагогик жиҳатлари, таълим жараёнида қўлланиш услубиятлари, кроссвордларни тузиш қоидалари, кроссвордларни тузишда компьютер ва ахборот технологияларини қўллаш ҳақидаги фикрларни ривожлантириш масаласи келгуси илмий изланишлар мавзуларини ташкил этади.



19-схема

**Кроссворд намунаси**




## 3-БОБ. ИНТЕРФАОЛ ГРАФИК ОРГАНАЙЗЕРЛАР МЕТОДИ

Интерфаол график органайзерлар ўрганилаётган мавзуга тегишли асосий маълумотларни ҳар турли кўргазмали шаклларда (схема, жадвал, диаграмма, гистограмма ва бошқа тасвирлар кўринишида акс эттириш орқали) таққослаш, таҳлил қилиш методлари ва воситаларидан иборат.

| |
|---|
| **График органайзер** – (график ташкил этувчи) – фикрий жараёнларни кўргазмали тақдим этиш воситаси. |

**График органайзер** – (график ташкил этувчи) – фикрий жараёнларни кўргазмали тақдим этиш воситаси. Таълим тизимида дидактиканинг кўргазмалилик тамойилини амалга ошириш имконини берувчи воситалар туркумига киради. График органайзерлар қуйидаги мақсадларга хизмат қилади:

Маълумотларни таркиблаштириш ва таркибий бўлиб чиқиш усул ва воситалари, ўрганилаётган тушунчалар (ҳодисалар,

воқеалар, мавзулар ва шу кабилар) ўртасида алоқа ва алоқадорлик ўрнатиш.

Агар график органайзерларни ўқитувчи томонидан таълим олувчиларнинг машғулот мавзусига доир билимларини мустаҳкамлаш ва фикрлашини ривожлантириш мақсадида ишлатилса, улар ***таълим методи вазифасини*** бажаради.

Агар график органайзерларни ўқитувчи тайёр (тўлдирилган) ҳолда қўлласа, улар ***таълим воситаси вазифасини*** бажаради. Амалиётда график органайзерларни бир машғулот давомида кўпинча шу икки вазифада қўлланилади. Шунга кўра уларни амалиётда таълим методлари деб ҳисобланади. Ҳозирда кенг қўлланилаётган график органайзерларни кўриб чиқамиз.

## "КЛАСТЕР" МЕТОДИ

"**Кластер**" *(тармоқ, ғунча, боғлам)* методи – таълим олувчиларда берилган муаммолар бўйича эркин, очиқ ўйлаш, шахсий фикрларни бемалол билдириш ва турли жавоблар ўртасида боғлиқлик ўрнатиш ҳамда гуруҳлаш имкониятини яратувчи методдир.

"Кластер"лар ғоясини ишлаб чиққан олимлар *Jeni Stil va Stil* (1991) ҳисобланади.

"Кластер" лотинча сўз бўлиб, "ғунча, боғлам" маъносини англатади. Кластер методи бирор объект, предмет, тушунча билан боғлиқ бўлган атамалар, сўзлар, ибораларни жамлаш ва ўзаро боғлиқликда кўргазмали шаклда ифода этишдан иборат. Шунга кўра бу методни ахборотларни ёйиш методи деб ҳам аташ мумкин. Мазкур метод турли хил тушунчалар, ғоялар ўртасидаги боғлиқликларни муайян тизимли график шаклда тасвирлаш орқали улар тўғрисида бирмунча яққол фикрлаш имкониятини беради.

"Кластер" методи педагогик, дидактик стратегиянинг муайян шакли бўлиб, ўқувчи-талабаларга исталган муаммо (мавзу)лар хусусида эркин, очиқ ўйлаш ва шахсий фикрларини бемалол баён



этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Бу метод аниқ объектга йўналтирилган фикрлаш шакли саналади.

"Кластер" методидан фойдаланиб фикрлаш жараёни инсон мия фаолиятининг ишлаш тамойили билан боғлиқ равишда амалга ошади. Ушбу метод муайян мавзунинг ўқувчи-талабалар томонидан чуқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

### "Кластер" методидан фойдаланиш тартиби

"Кластер" методи пухта ўйланган стратегия бўлиб, ундан ўқувчи-талабалар билан якка тартибда ёки гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида фойдаланиш мумкин. Метод гуруҳ асосида ташкил этилаётган машғулотларда ўқувчи-талабалар томонидан билдирилаётган ғояларнинг мажмуи тарзида намоён бўлади. Бу эса, илгари сурилган ғояларни умумлаштириш ва улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.

"Кластер" методидан фойдаланишда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш талаб этилади:

20-схема

**"Кластер" методи бўйича машғулот иштирокчилари учун қоидалар**




**Кластерлар тузиш.** Кластерлар тузиш методидан машғулот бошланишида ҳам, фикрлаш босқичида ҳам фойдаланилади. Ундан ўқувчи-талабаларнинг муайян мавзуни синчиклаб тўлиқ

ўрганилгунча фаол фикрлаш фаолиятини таъминлаш мақсадида фойдаланиш мумкин. Кластерлар тузиш ўқувчи-талабаларнинг тасаввурларини янги боғланишлар билан бойитиш, уларни график кўринишда ифодалаш ҳамда мавзу бўйича якуний муҳокама ўтказиш воситаси сифатида қўлланилиши мумкин. Бу уларнинг янги билимларни яхши ўзлаштириши, муайян мавзу тўғрисидаги тасаввурларини кенгайтириш ва унга тегишли боғлиқликларни тушунишларига йўл очадиган стратегиядир. Кластерлар тузиш кетма-кетлиги қуйидагича:

21-схема

**Кластерлар тузиш кетма-кетлиги схемаси**




Кластерлар тузиш қоидаси қуйидаги усулларда амалга оширилади:

1. Калит сўз билан боғлиқлиги бўлган ақлингизга келган барча фикрларни ёзиб олинг. Бу фикрларни муҳокама қилманг, шунчаки, ёзиб олаверинг.

2. Хатни (матнни) ёзишни кечиктирадиган имло ва бошқа омилларга ҳам эътибор берманг.

3. Сизга берилган вақт ниҳоясига етмагунга қадар ёзишдан тўхтаманг. Миянгизга фикр келиши тўхтаб қолса, токи янги фикрлар келгунга қадар қоғозда нималарнидир чизиб ўтиринг.

4. Имкони борича боғланиши мумкин бўлган ғояларни тизиб чиқинг. Ғояларнинг оқими сифатида ва улар орасидаги алоқаларни чегаралаб қўйманг.

Кластерлар тузиш бўйича намуналарни келтириб ўтамиз:



22-схема

**Кластернинг схематик намунаси**



Масалан, "Фермер" тушунчаси асосида кластер тузайлик. Бунинг учун хаёлимизга келган барча сўз, тушунча, ғояларни ёзиб чиқамиз. Уларни алоқадорликда қуйидаги "Фермер" кластерида акс эттиришимиз мумкин. Навбатда тушунчанинг бир-бирига ўхшаш хоссаларини умумлаштириб, кластерни ташкил этувчиларни тоифаларга ажратамиз ва 23-схемада ифодалаб, боғланишларни аниқлаб кўрсатамиз.

23-схема

**"Фермер" тушунчаси асосидаги кластер намунаси**



Бу кластерни ниҳоятда кенг тузиш мумкин, чунки барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш фермерлик фаолияти билан боғлиқ.

Кластер жуда мослашувчан стратегия, уни барча фанларни ўрганишда индивидуал ёки гуруҳли тарзда ҳамда бошқа методлар билан биргаликда қўллаш мумкин.

Масалан, кластердан "Ақлий ҳужум" методини қўллаб ўтказилаётган машғулотда самарали фойдаланиш мумкин. Одатда, "Ақлий ҳужум" методини қўллаб дарс ўтиш жараёнида кластер тузиш орқали берилган жавобларни умумлаштириш, туркумларга ажратиш амалга оширилади. Бу эса, ўқувчи-талабаларда ахборотни туркумлаш қобилиятини ривожлантиради, фикрларни тизимлаштиришни ўрганиш имконини беради.

Ахборотларни туркумларга ажратишнинг изчиллигини таъминлаш учун:

1. *Ўрганиладиган мавзу бўйича мавжуд фикрларни ёзиб олиш.*

2. *Олинган ахборотларни у ёки бу сифатига нисбатан умумлаштирадиган умумий тушунчаларни топиш.*

3. *Уларни доскага ёки дафтарга ёзиб, дастлабки ёзилган фикрларни ажратиб ёзиб чиқиш.*

4. *Тақсимлаш жараёнида ўқувчи-талабалар у ёки бу тушунчани ўзгартиришлари, янгиларини ёзишлари мумкин.*

5. *Кичик гуруҳлар бир-бирларининг ишлари билан танишиб олишлари имконини берадиган усулларни қўллаш лозим.*

"***Фермер***" кластери бўйича тушунчаларни умумлаштирувчи туркумларга ажратамиз:

1. Фермернинг вазифалари:

– бошқариш ҳисоб-китоб қилиш;
– қишлоқ хўжалик экинлари агротехникасини тартибга солиш;
– қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш;
– қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини таъминлайдиган ишлаб чиқариш жараёнларини таҳлил, синтез қилиш ва оптималлаштиришни билиши лозим;
– ижтимоий ҳимоя вазифаси.

2. "Фермер"лик турлари:

*– Пахтачилик;*
*– Ғллачилик;*



*– Паррандачилик;*
*– Чорвачилик;*
*– Мева-сабзаводчилик ва ҳоказолар.*

Ўқитувчининг қуйидаги маслаҳатларга амал қилиши дарсни муваффақиятли ўтказишга ёрдам беради:

*- ахборотларни туркумлашнинг ягона тўғри усули йўқ. Бир кичик гуруҳдаги туркумлаш иккинчисидан фарқ қилиши мумкин. Фақат ўқувчи-талабалар ўз фикрларини асослаб беришлари зарур;*

*- у ёки бу ишни таққосламанг, алоҳида ажратиб кўрсатманг. Бу гуруҳда шахсиятпарастликни келтириб чиқаради. Ишни ўқувчи-талабаларнинг ўзлари баҳолашсин;*

*- ўқувчи-талабалар тайёрлаган туркум сиз тайёрлаган ва туркумлаган кластердан фарқ қилиши мумкин. Ўқувчи-талабаларни мустақил фикрлашга ўргатмоқчи эканмиз, уларга эркинлик бериш ва ўз фикрларни баён қилишга имконият яратиш керак;*

*- умумлаштирувчи туркумлаш натижа эмас, жараён сифатида муҳим. Чунки у ўқувчи-талабаларни ўйлашга, фикрлашга мажбур қилади.*

Кластерни педагоглар кўпроқ "англаш", "тушуниш" фазасида қўллаган маъқул дейишади. Чунки бунда ўқувчи-талабаларга ўқув материалларини нафақат мустақил ва фаол ўзлаштириш, балки ўз тушунчаларини кузатиб бориш имконини ҳам беради.[5]

## "ИНСЕРТ" МЕТОДИ

"Инсерт" методи мавзуни ўрганиш жараёнида "биламан" (+), "билмайман" (-), "фикримга қарши" (x), "билишни хоҳлайман" (v), "тушунмадим" (?) деб номланган устунларга эга махсус жадвални тўлдириш ва тегишли таҳлиллар ўтказиш, хулосалар чиқариш машғулотидан иборат.

[5]Qarang: Tojiboyeva D. Maxsus fanlarni o'qitish metodikasi. – T:. "Fan va texnologiya", 2007, 330-331-betlar.

24-схема

### “Инсерт” методини қўллашнинг умумий схемаси




23-жадвал

### Инсерт жадвали

| v | + | – | ? |
|---|---|---|---|
| | | | |
| | | | |

Бу метод ўзлаштирилиши кўзда тутилган янги мавзу бўйича ўқувчи-талабаларнинг муайян тушунчаларга эгаликларини аниқлаш ва уларда матнга нисбатан таҳлилий ёндашиш кўникмаларини



шакллантиришга хизмат қилади. Методни қўллаш жараёнида қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

*– кичик гуруҳлар шакллантирилиб, улар номланади. Ҳар бир гуруҳдан ўзлаштирилиши режалаштирилаётган мавзуга оид иккита фикр билдириш сўралади;*

*– ўқувчи-талабалар навбатма-навбат мулоҳазаларни баён этадилар;*

*– баён этилган фикрлар ёзув тахтасига ёзиб борилади;*

*– сўнгра ўқитувчи янги мавзу моҳиятини ёритувчи матнни гуруҳларга тарқатади;*

*– гуруҳлар матн билан танишиб чиқиб, матн ва ўзлари билдирган фикрларнинг бир-бирига қай даражада мувофиқ келганлигини аниқлайдилар (ўхшашлик ва фарқлар махсус белгилар ёрдамида қайд этилади);*

*– гуруҳ аъзолари шахсий қарашларини ифода этадилар ва махсус белгилар сони умумлаштирилади;*

*– гуруҳ аъзолари орасидан лидерлар белгиланади, лидерлар гуруҳлар ва синф жамоасининг натижалари билан таништирадилар;*

*– гуруҳларнинг ёндашувлари умумлаштирилиб, якуний хулоса чиқарилади.*

Методни қўллашда ўқувчи-талабаларнинг фаолиятларини тегишлича шакллардаги жадвал ёки схемалар бўйича ташкил этилади. Масалан, гуруҳлар томонидан билдирилган фикрлар билан матн қиёсий таққосланганда 24-жадвалда кўрсатилган шакл бўйича ташкил этилади:

24-жадвал

### Гуруҳлар томонидан билдирилган фикрлар билан матнни қиёсий таққослаш жадвали намунаси

| Махсус белгилар | Махсус белгиларнинг маоноси |
|---|---|
| Z | Матнда гуруҳлар томонидан билдирилган фикрлар ўз аксини топган бўлса |
| S | Матнда гуруҳлар томонидан билдирилган фикрлар ўз аксини топмаган бўлса |
| ? | Матн билан танишиш жараёнида саволлар туғилса (тушунмовчиликлар юзага келса) |

Гурухлар бўйича лидерларнинг ҳисоботидан сўнг гурухларнинг натижаларини қиёсий таққослаб ўрганишни 25-жадвалда кўрсатилган шакл бўйича ташкил этилади:

25-жадвал

**Лидерларнинг ҳисоботидан сўнг гурухларнинг натижаларини қиёсий таққослаш жадвали намунаси**

| Махсус белгиларнинг тартиб рақамлари | Гурухларнинг номлари | | | |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Форобий | Фаргоний | Беҳбудий | Авлоний |
| 2. | | | | |
| 3. | | | | |

Метод ўқувчи-талабаларда мантиқий фикрлаш, шахсий хатолар устида ишлаш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради.[6]

"Инсерт" технологияси ўқув материалларини ўзлаштириш ва мустаҳкамлаш, ўқувчи-талабаларнинг китоб билан ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, берилган вазифаларни мустақил бажаришларида қўл келади. Ушбу технология қўлланилганда ўқувчи-талабалар матнлардан мустақил фойдаланиш, олинган ахборотларни таҳлил қилиш ва тизимлаштириш, уларни қисқа ва аниқ баён қилиш ҳамда танқидий фикрлаш кўникмасига эга бўладилар.

Ўқитишнинг ушбу технологиясида ўқитувчи янги мавзуни баён этмайди, балки унинг номини эълон қилади. Мавзу эълон қилингач, ўқувчи-талабалар берилган матнни мустақил ўқиб-ўрганадилар.

Шундан кейин келтирилган махсус жадвалнинг "биламан" (+), "билмайман" (-), "фикримга қарши" (х), "билишни хоҳлайман" (v), "тушунмадим" (?) деб номланган устунларини белгилар билан тўлдирадилар. Сўнг ўқитувчи ўқувчи-талабалар билан биргаликда тўлдирилган жадвалларни муҳокама қилади.

*Методнинг афзаллиги:*

*– ўқувчи-талаба матнлардан мустақил фойдалана олади;*

*– олинган ахборотларни мустақил таҳлил қила олади;*

*– ахборотларни тизимлаштириб, уларни қисқа ва аниқ баён қилиш кўникмасига эга бўлади;*

[6] 1. Qarang: Tolipov O'.Q., Usmonboyeva M. Pedagogik texnologiyalarning tatbiqiy asoslari. – T.: «Fan», 2006, 144 – 174-betlar.



*– кичик гуруҳларда ишлаш жараёнида ҳар бир гуруҳ аъзосининг гуруҳ билан ишлаш ҳамжиҳатлиги мустаҳкамланади.*

*Методнинг камчилиги:*

*– методни қўллаш учун кўп вақт керак;*

*– ҳар бир иштирокчи учун алоҳида тарқатма материал талаб этилади;*

*– иштирокчиларнинг ўзлаштириш даражалари ҳар хиллиги сабабли кутиладиган натижага ҳар доим ҳам эришилавермайди.*

## "ТОИФАЛИ ЖАДВАЛ ТУЗИШ" МЕТОДИ

***Қийин фанлар йўқ, фақат ҳазм этилиши қийин бўлган изоҳларгина бор (А.И. Герцен)***

Бу метод ўрганилаётган мавзу бўйича асосий тушунчаларни тоифалаштириб таҳлил қилиш ва хулосалар чиқариш машғулотидан иборат.

**Тоифа** – мавжуд ҳолат ва муносабатларни акс эттирадиган умумий тушунча бўлиб, у:

- ажратилган белгиларга кўра олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди.
- тизимли мушоҳада қилишни, маълумотларни таркиблаштириш ва тизимлаштириш кўникмасини ривожлантиради.

Ўқувчи- талабалар тоифали шарҳни тузиш қоидалари билан таништирилади. Аклий хужум (кластерга ажратиш)дан сўнг кичик гурухларда янги ўқув материали билан танишилади ва олинган маълумотлар фрагментларини бирлаштиришга имкон берадиган тоифаларни излаш ишлари олиб борилади.

Тоифалар жадвал кўринишида расмийлаштирилади. Ғоя маълумотлар жадвалида тегишли тоифалар бўйича таксимланади. Иш жараёнида маълум бир тоифалар номлари ўзгартирилиши мумкин. Янгилари пайдо бўлиши мумкин

Иш натижаси тақдимоти

## Тоифали шарҳни тузиш қоидалари

1. Тоифалар бўйича маълумотларни тақсимлашнинг ягона усули мавжуд эмас.

2. Битта кичик гуруҳда тоифаларга ажратиш бошқа гуруҳда ажратилган тоифалардан фарқ қилиши мумкин.

3. Ўрганувчиларга олдиндан тайёрлаб қўйилган тоифаларни бериш мумкин эмас, бу уларнинг мустақил танлови бўлсин.

4. Тоифали шарҳни яратиш якуний маҳсул сифатида эмас, балки жараён сифатида муҳим.

26-жадвал

**Тоифали шарҳ жавдали намунаси**

| Тоифалар ва шарҳлари | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |

## "КОНЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛ ТУЗИШ" МЕТОДИ

"Концептуал жадвал тузиш" методи ўрганилаётган мавзу билан боглиқ ҳар турли ёндашувлар, тушунчалар, тавсифлар, тоифалар, ажралиб турадиган белгилар ва шу кабиларни тегишлича таққослаш, тоифалаш асосида таҳлиллар ўтказиш, хулосалар чиқаришга ўргатиш учун хизмат қилади.

**"Концептуал жадвал тузиш"** методи ўрганилаётган ҳодиса, тушунча, қараш, мавзу ва шу кабиларни икки ва ундан ортиқ жиҳат бўйича таққослаш имконини беради.

Тизимли мушоҳада қилиш, маълумотларни таркиблаштириш ва тизимлаштириш кўникмасини ривожлантиради.

**Методни қўллаш босқичлари:**

1. Концептуал жадвал тузиш қоидалари билан танишилади. Таққосланадиган объектлар аниқланади, таққослаш амалга ошириладиган тавсифлар ажратилади.



2. Якка тартибда ёки кичик гуруҳларда концептуал жадвал тузилади ва тўлдирилади;

- *вертикал бўйича* - таққослаш талаб этиладиган нарсалар (қарашлар, назариялар) жойлаштирилади

- *горизонтал бўйича* – таққослашни амалга оширишдаги ҳар хил тавсифлар жойлаштирилади.

3. Иш натижаси тақдимоти.

27-жадвал

**Концептуал жадвал тузиш намунаси**

| ... га ёндашувлар, ... тушунчалари | Тавсифлар, тоифалар, ажралиб турадиган белгилар ва шу кабилар | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| | | | | |

## "БИЛАМАН, БИЛИШНИ ХОҲЛАЙМАН, БИЛИБ ОЛДИМ" ("БББ –ЖАДВАЛИ" ) МЕТОДИ

Ушбу метод ўқувчи-талабаларга муайян мавзулар бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беради. Методни қўллаш жараёнида ўқувчи-талабалар билан гуруҳли ёки оммавий ишлаш мумкин. Гуруҳ шаклида ишлашда машғулот якунида ҳар бир гуруҳ томонидан бажарилган фаолият таҳлил этилади. Гуруҳларнинг фаолиятлари қуйидаги кўринишда ташкил этилиши мумкин:

*1) ҳар бир гуруҳ умумий схема асосида ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради ва машғулот якунида гуруҳларнинг муносабатлари лойиҳа бандлари бўйича умумлаштирилади;*

*2) гуруҳлар умумий схеманинг алоҳида бандлари бўйича ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради.*

Ўқув фаолияти бевосита ёзув тахтаси ёки иш қоғозида ўз аксини топган қуйидаги 25-схема асосида ташкил этилади:

25-схема

**"Биламан, билишни хоҳлайман, билиб олдим" схемаси**

| Биламан | Билишни хохлайман | Билиб олдим |
|---|---|---|
| | | |

Методдан фойдаланиш уч босқич асосида амалга оширилади, яъни:

1. Ўқувчи-талабаларнинг ўрганилиши режалаштирилаётган мавзу бўйича тушунчаларга эгалик даражалари аниқланади.
2. Ўқувчи-талабаларнинг мавзу бўйича мавжуд билимларини бойитишга бўлган эҳтиёжлари ўрганилади.
3. Ўқувчи-талабаларни мавзуга оид маълумотлар билан батафсил таништирилади.

Босқичлар бўйича амалга ошириладиган ҳаракатларнинг тўлиқ тафсилоти қуйидагича:

– *ўқувчи-талабалар гуруҳларга бириктирилади;*

– *ўқувчи-талабаларнинг янги мавзу бўйича тушунчаларга эгалик даражаси ўрганилади;*

– *ўқувчи-талабалар томонидан қайд этилган тушунчалар лойиҳанинг 1-бандига ёзиб борилади;*

– *ўқувчи-талабаларнинг янги мавзу бўйича мавжуд билимларини бойитишга бўлган эҳтиёжлари сифатида баён этилган тушунчалар лойиҳанинг 2-бандига ёзиб қўйилади;*

– *ўқитувчи ўқувчи-талабаларни янги мавзуга оид умумий маълумотлар билан таништиради;*

– *ўқувчи-талабалар ўзлаштирган янги тушунчалар аниқланади;*

– *баён этилган янги тушунчалар лойиҳанинг 3-бандига ёзиб қўйилади;*

– *машғулот якунида ягона лойиҳа яратилади.*

## “Т – ЖАДВАЛ”

“Т-жадвал” машғулотда икки хилга ажратиб таҳлил қилиш мумкин бўлган маълумотлар билан ишлашни қулайлаштириш имконини берадиган шаклдаги жадвалдан иборат. Унинг оддий кўриниши қоғоз варағининг ўртасидан тик чизиқ билан икки



қисмга ажратиш ва ҳар бир қисм юқорисига тегишлича “ҳа”-“йўқ”, “тарафдор”-“қарши” каби сўзлар билан, “+”-“-” каби белгилар билан, “А”-“Б”, “1”-“2” каби ҳарфлар ёки рақамлар ва шу кабилар билан белгилашдан иборат. Шундай ҳосил қилинган жадвалнинг кўриниши “Т” ҳарфига ўхшашлигидан уни “Т-жадвал” деб номланади.

“Т-жадвал” мунозара вақтида маълумотларни ҳамда қўшалоқ жавобларни (“ҳа”-“йўқ”, “тарафдор”-“қарши”) ёки бошқа асосларда таққослаш натижаларини ёзиш учун универсал график органайзер ҳисобланади.

26-схема

**“Т-жадвал”дан фойдаланиш машғулоти босқичлари**

**Т – жадвал ўрганилаётган мавзуга доир битта концепция (маълумот)нинг жиҳатларини ўзаро солиштириш ёки уларни “ҳа”-“йўқ”, “тарафдор”-“қарши”га ажратиш учун хизмат қилади. Танқидий мушоҳадани ривожлантиради**

Иштирокчиларни Т-жадвал билан ишлаш қоидалари билан таништирилади. Иштирокчилар ўз Т-жадвалларини якка тартибда ёки жуфтликда тўлдириб расмийлаштирадилар.

Ажратилган вақт оралиғида белгиланган тартибда (жуфтликда) Т-жадвални тўлдирадилар, унинг чап томонига сабаблар ёзилади, ўнг томонига эса чап томондагига нисбатан қарама – қарши ғоялар, омиллар ва шу кабилар ёзилади.

Якка ёки жуфтликда тузилган жадвалларни таққослаб, муҳокама қилиб, кичик гуруҳнинг умумий жадвалини тўлдирилади.

Кичик гуруҳлар томонидан тузилган жадвалларни таққослаб, муҳокама қилиб, ўқув гуруҳининг ягона Т-жадвалини тузилади.

28-жадвал

**“Т-жадвал” намунаси**

| + (ҳа) | – (йўк) |
|---|---|
| | |

## “SWOT-ТАҲЛИЛ” МЕТОДИ

**Кучли, кучсиз томонларни, имкониятлар, хавф-хатарни аниқлаш асосида таҳлил қилиш ва хулосалар чиқариш методи**

Бу метод бирор лойиҳанинг ёки ташкилот фаолиятининг муваффақияти учун келгусидаги кўзда тутилган аниқ натижани ҳисобга олган ҳолда стратегик мақсад ва лойиҳаларни ишлаб чиқишда қўл келади.

Қоидага кўра, “SWOT-таҳлил”нинг муваффақияти ташкилотга боғлиқ бўлмай, балки келгусидаги стратегик мақсад ва лойиҳаларни ишлаб чиқишда улардан кўзда тутилган натижанинг ҳисобга олинишига боғлиқ бўлади. Уни қўллашда таҳлил қилинаётган мақсад ва лойиҳа элементларини қуйидагича талқин қилиш мумкин:

**S** - strength - **кучли томони** - ҳал этилаётган вазифанинг афзалликлари;

**W** - weakness - **кучсиз томони** - мақсадга эришишда ички муҳит омилларини таъсири;

**O** - opportunities - **имкониятлар** - белгиланган вазифаларни ҳал этишдаги энг маъқул ҳолат;

**T** - threats - **хавф-хатар** - фаолиятни амалга оширишда тўсқинлик қилувчи ташқи муҳит омиллари.



**“SWOT-таҳлил” методининг умумий 27-схемаси**

“SWOT-таҳлил” жадвали - ташкилот ресурслари ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш воситаси. Бу каби таҳлилни ташкилот бўйича умумий тарзда ёки алоҳида муаммо ёки лойиҳа бўйича ҳам амалга ошириш мумкин. Тизимли мушоҳада қилиш, таққослаш, солиштириш, таҳлил ва синтезни амалга ошириш кўникмаларини ривожлантиради

“SWOT-таҳлил” жадвалини тузиш тартиби билан танишилади

Иштирокчилар кичик гуруҳларга бирлашишади, таққослашади, тўлдиришади, ўзгартиришади. Умумий “SWOT-таҳлил” жадвалига жамлашади.

Иш натижаси тақдимоти

29-жадвал

**“SWOT-таҳлил” жадвалини тўлдириш намунаси**

| | | |
|---|---|---|
| S | Кучли томонлари (корхона ички ресурслари) | - барқарор ривожланишнинг асосий механизми бўлиб хизмат қилади<br>- янги лойиҳалар асоси ҳисобланади<br>- ноқулайликларни енгиб ўтиши воситаси ҳам бўлиши мумкин |
| W | Ожиз томонлари (корхона ички муаммолари) | - корхона фаолияти айнан шу каби камчиликларни енгиб ўтишга йўналтирилган бўлиши лозим<br>- янги лойиҳалар учун ўзак мақсад ҳисобланади<br>- ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда мажбуран ҳисобга олиниши зарур |
| O | Имкониятлар (ташқаридан) | - молиялаштириш ва қўллаб-қувватлашнинг қўшимча ресурслари ёки ташқи манбаси бўлиб хизмат қилади<br>- корхона мақсади билан қанчалик даражада улар мос келиши ёки қанчалик муросага келиш имконияти борлигини ҳисобга олиш зарур бўлади<br>- янги лойиҳалар асоси, ёхуд ҳамкорлик манбаси бўлиши мумкин |
| T | Хавфлар (ташқаридан) | - ҳар бир янги лойиҳада ҳисобга олиниши зарур<br>- уларни бартараф этиш чора-табирларини ишлаб чиқиш талаб этилади;<br>- айрим ҳолларда «душманни» «иттифоқчи» га айлантириш парадоксал варианти мумкин бўлади |

30-жадвал

**“SWOT-таҳлил” жадвалининг умумий кўриниши**

| S | W |
|---|---|
| O | T |

31-жадвал

**“SWOT-таҳлил” методи бўйича машғулотлар учун топшириқлар намунаси**

1-вазифа. “Ўз имкониятингизни баҳоланг” мавзусида SWOT – таҳлил ўтказинг.

| S -кучли томони | W— кучсиз томони |
|---|---|
| - | - |
| O— имкониятлар | T— хавф-хатар |
| - | - |

2-вазифа. “Ғўзанинг вирус касаллигига карши кураш” мавзуси бўйича фикрларингизни баён этинг.

| S -кучли томони | W— кучсиз томони |
|---|---|
| - | - |
| O— имкониятлар | T— хавф-хатар |
| - | - |



## “ВЕНН ДИАГРАММАСИ” МЕТОДИ

Бу методга инглиз файласуфи, математиги, мантиқшуноси **Жон Венн асос солган**. Мазкур метод ўқувчи-талабаларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади.

**Методни қўллаш босқичлари қуйидагилардан иборат:**

– ўқувчи-талабалар кичик гуруҳларга бўлинади;

- синф доскасига “Венн диаграммаси”нинг схемаси (28-схема) чизилади ва бу схемани тўлдириш қоидалари тушунтириб берилади;

– ҳар бир кичик гуруҳга ўрганилаётган мавзу (бўлим, боб) юзасидан алоҳида топшириқлар берилади;

– доскага топшириқни бажариш учун зарур бўлган турли усулларда тайёрланган маълумотлар илиб қўйилади, улар чизиб ёки ёзиб ҳам акс эттирилиши мумкин;

– топшириқлар бажарилгач, ҳар бир кичик гуруҳ аъзолари орасидан лидерлар танланади;

– лидерлар гуруҳ аъзолари томонидан билдирилган фикрларни умумлаштириб, доскада чизилган “Венн диаграммаси”ни тўлдирадилар, бу ўқув гуруҳининг умумий иши натижаси бўлади;

-ўқув гуруҳининг умумий “Венн диаграммаси”ни якуний муҳокама, таҳлил қилинади, тақдимот ўтказилади.

28-схема

**“Венн диаграммаси”нинг схемаси**



***1) "А" объектнинг ўзига хос жиҳатлари; 2) "Б" объектнинг ўзига хос жиҳатлари; 3) "С" объектнинг ўзига хос жиҳатлари; 4) "А" ва "Б" объектларнинг ўхшаш жиҳатлари; 5) "А" ва "С" объектларнинг ўхшаш жиҳатлари; 6) "Б" ва "С" объектларнинг ўхшаш жиҳатлари; 7) "А", "Б" ва "С" объектларнинг ўхшаш жиҳатлари.***

Метод ўқувчи-талабалар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билимлар, маълумотлар ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ушбу методдан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.

## «КУЧЛАР ТАҲЛИЛИ» МЕТОДИ

**«Кучлар таҳлили» методи** ўрганилаётган объект, воқеа, ҳодиса, предмет билан боғлиқ мақсадларни амалга ошириш бўйича салбий ва ижобий таъсирлар, кучлар нисбатини аниқлаш орқали муаммоларни ҳал қилиш бўйича хулосалар чиқаришни ўргатишга қаратилган.

**«Кучлар таҳлили» графигини тузиш қоидаси.** «Кучлар таҳлили» графиги Т-жадвалга ўхшаган кўринишда бўлиб, қоғоз вараги ўртасидан тик ҳолда чизиқ - координата ўқи чизилади, унинг чап трмонига стрелка (кучлар) билан корхона ривожланиши ёки муайян бизнес лойиҳасини амалга оширишга халақит берувчи тўсиқлар жойлаштирилади. Ушбу стрелкалар катталиги жиҳатидан у ёки бу муаммога таъсири ҳамда жиддийлигига мос келиши лозим бўлади.

Сўнгра қарама-қарши томонга ушбу кучларни енгиб ўтиш воситалари стрелка кўринишида акс эттирилади. Уларнинг сони ва катталиги графикнинг чап томонидаги стрелкаларга нисбатан мувозанатни ёки ортиқликни кўрсатганда ижобий натижа чиқара оладиган даражада бўлади.

Умуман олганда, бу келгусини аниқлаштириш ва бўлакларга ажратиш талаб этиладиган кучларни нисбатан баҳолаш ҳисобланади.

«Кучлар таҳлили» графиги - ноқулайлик, қийинчиликлар ва усуллар ажратилган ҳолдаги "SWOT-таҳлил"нинг соддалаштирилган ва график кўриниши ўзгартирилган варианти.

Tizimli mushohada qilish, taqqoslash, solishtirish, tahlil va sintezni amalga oshirish ko'nikmalarini rivojlantiradi



**«Кучлар таҳлили» методини амалда қўллаш босқичлари** асосан қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Иштирокчиларни «Кучлар таҳлили» графигини тузиш қоидалари билан таништирилади. Якка (ёки жуфтликда) график чизилади ва у тўлдирилади.
2. Иштирокчиларни кичик гуруҳларга ажратилади.
3. Ўрганилаётган объект, воқеа, ҳодиса, предмет билан боғлиқ мақсадларни амалга ошириш бўйича салбий ва ижобий таъсирлар, кучлар нисбатини аниқлаш, таққослаш бўйича муҳокама, мунозара ўтказилади.
4. Кичик гуруҳлардаги муҳокамалар натижасидаги хулосалар асосида ўз графикларига тегишли салбий ва ижобий кучларни чизилади, зарур ҳолларда тўлдирилдаи ўзгартирилади.
5. Кичик гуруҳлар лидерлари томонидан ҳамкорликда ўқув гуруҳининг умумий графиги чизилади.
6. Иш натижасининг тақдимоти ўтказилади.

29-схема

**«Кучлар таҳлили» графиги намунаси**




## «НИМА УЧУН?» СХЕМАСИ

«Нима учун?» схемаси муаммонинг дастлабки сабабини аниқлаш бўйича бир бутун қатор карашларни тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

1. Иштирокчилар «Нима учун?» схемасини тузиш қоидалари билан таништирилади.

2. Иштирокчиларни кичик гуруҳларга ажратилади,

3. Ўрганилаётган мавзу билан боғлиқ ҳал қилиш лозим муаммони иштирокчилар томонидан якка тартибда, жуфтликда ёки кичик гуруҳлар бўйича шакллантирилади.

4. Муаммони сўзлар билан ёзилади ёки шартли белги билан акс эттирилади, уни ҳал этиш бўйича «Нима учун?» сўроғи билан стрелка чизилади ва ушбу саволга жавоб ёзилади. Ушбу жараён муаммони келтириб чиқарган илдиз яширинган сабаб аниқланмагунча давом эттирилади.

5. Иштирокчиларни кичик гуруҳларга ажратилади, улар ўз схемаларини таққослайдилар ва қўшимчалар киритадилар. Уларни ҳар бир кичик гуруҳлар ўзларининг умумий схемаларига жамлайдилар. Гуруҳ аъзолари орасидан лидерлар танланади.

6. Лидерлар гуруҳ аъзолари томонидан билдирилган фикрларни умумлаштириб, ўқув гуруҳининг умумий схемасини доскада чизадилар.

7. Натижалар тақдимоти ўтказилади.

30-схема

**«Нима учун?» схемасини тузиш намунаси**




**«Нима учун?» схемасини тузиш қоидалари:**

1. Қандай пиктограммадан (айлана, тўғри тўртбурчак, квадрат, ромб, овал ва ш.к.лардан) фойдаланишни ўзингиз ҳал этасиз.

2. Мулоҳазалар схема-занжири турини (чизиқли, ночизиқли, спиралсимон, дастлабки ҳолатни марказга ёки четга жойлаштиришни ўзингиз танлайсиз.

3. Стрелка сизнинг дастлабки ҳолатдан оқибатгача қидирув йўналишингизни белгилайди.



## «БАЛИҚ СКЕЛЕТИ» СХЕМАСИ
### "Фишбоне " технологияси (Исикава диаграммаси)

«Балиқ скелети» схемаси «ақлий хужум» методининг бир тури ҳисобланади. У ўрганилаётган мавзу билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича юзага келадиган ғояларни «балиқ скелети» кўринишида схематик ёзган ҳолда тегишли боғлиқликларни таҳлил қилищдан фойдаланиб масаланинг керакли ечимини топишга мўлжалланган.

«Балиқ скелети» схемасини йирик Япония менежмент назариячиларидан бири бўлган Каору Исикава шарафига Исикава диаграммаси деб номланган. Шу билан бирга, бу схемани "Фишбоне " технологияси деб ҳам номланади. Исикава 1952 йилда (бошқа маълумотларга кўра, 1943 йилда) Япония саноатида амалда бўлган жараёнларни мантиқий таҳлил қилиш ва сифатни яхшилаш методикасига қўшимча сифатида ушбу «Балиқ скелети» схемаси кўринишидаги Исикава диаграммасидан фойдаланишни таклиф этган.

***«Балиқ скелети» схемаси муаммони қўйиш ва ҳал этиш модели бўлиб, қатор муаммоларни тавсифлаш ва ҳал этиш бўйича юзага келадиган ғояларни «балиқ скелети» кўринишда схематик ёзган ҳолда муаммоларнинг келиб чиқиш омиллари ва оқибатлари ўртасидаги сезиларли сабаблар, ўзаро боғлиқликларни тадқиқ қилиш ва аниқлашнинг график методи ҳисобланади.***

«Балиқ скелети» схемаси шаклида муаммони қўйиш ва ҳал этиш модели қатор муаммоларни тавсифлаш ва ҳал этишга уриниш имконини беради. Бунда ўзига хос муаммолар ва уларнинг ечимлари майдони вужудга келади. Бу жараёндаги мантиқий фикрлаш ўқувчиларнинг фаоллиги билан узвий боғлиқ бўлади.

Қоидага кўра, ўқувчилар ўқитувчининг ўз фанини билишига ёки ушбу билимлар дарслик ёки бошқа манбада келтирилганлигига, ўқитувчи уларнинг билимларига маъсуллигига қатъий ишонадиган пассив тингловчилар ҳисобланадилар. Ўқувчиларнинг ўқув жараёнида фаол иштироки ва ўзларининг ўқишлари учун ўзлари жавобгар эканликларини билишлари уларни мантиқий фикрлашга

олиб келиши мумкин. Ўқувчиларнинг мулоҳаза қилишга жалб қилиниши, уларнинг ўз гоялари ва фикрлари билан алмашишларидаги фаолликлари педагогик жараён самарадорлигни оширади.

***Методнинг вазифаси.*** Маҳсулотни ишлаб чиқишда ва узлуксиз такомиллаштиришда қўлланилади. «Балиқ скелети» бу муаммолар юзага келишининг ҳақиқий сабабларини аниқлашда тизимли ёндашувни таъминлайдиган восита ҳисобланади.

***Методнинг мақсади.*** Кўриб чиқилаётган муаммони самарали ҳал этиш учун унинг ҳақиқий сабабини излаш технологиясини ўрганиш, акс эттириш ва ҳал этиш йўлларини белгилаш.

***Методнинг моҳияти.*** «Балиқ скелети» схемаси сабаб-оқибат боғлиқликлари диаграммаси бўлиб, бу диаграмма эса, юзага келувчи муаммоларни ҳал этиш учун асос бўлади. Диаграмма содда ва қулай шаклда бўлиб, кўриб чиқилаётган муаммоларнинг барча потенциал сабабларини тизимга келтириш, сабабларни даражаси бўйича излаш, биринчи даражада аҳамиятга эга сабабларни ва улардан энг аҳамиятлисини ажратиб олиш имконини беради.

***Ҳаракатлар режаси.*** Маълум бўлган Парето тамойилига мувофиқ муаммоларни юзага келтирувчи кўплаб потенциал сабаблар (Исикава бўйича сабабли омиллар) орасидан икки-учтаси энг аҳамиятли бўлиб ҳисобланади, уларни излаш ташкил этилган бўлиши керак. Бунинг учун қуйидагилар амалга оширилади:

- тадқиқ қилинаётган муаммога бевосита ёки билвосита таъсир этувчи барча сабабларни тўплаш ва тизимлаштириш;
- маъно ва сабаб-оқибат блоклари бўйича ушбу сабабларни гуруҳлаш;
- ҳар бир блок ичидаги кўрсатилган сабаб-оқибатларни тартибга келтириш;
- ҳосил бўлган кўринишни таҳлил қилиш.



## «Балиқ скелети» схемаси ёки «Фишбоне» технологиясини қўллашга мисол

Иштирокчилар «Балиқ скелети» схемасини тузиш қоидалари билан таништирилади. «Балиқ скелети»нинг бошига муаммони, «скелет»нинг юқори қисмига шу муаммо ичидаги муаммоларни ёзилади, пстки қисмига эса, ушбу муаммо ичидаги муаммолар амалда мавжуд эканлигини тасдиқловчи фактлар ёзилади.

31-схема

**«Балиқ скелети» схемасини амалда қўллашга мисол**




**«Балиқ скелети» схемасининг шартли тасвири**



Иштирокчилар кичик гуруҳларга ажратилади, улар ўз кичик гуруҳларида ўзларининг схемаларини таққослайдилар ва қўшимчалар киритадилар. Кичик гуруҳнинг умумий схемасига жамлайдилар. Сўнг ўқув гуруҳининг умумий 31-схемаси ишлаб чиқилади. Натижалар тақдимоти ўтказилади.

# «ҚАНДАЙ?» ИЕРАРХИК ДИАГРАММАСИ

«Қандай?» иерархик диаграммаси қуйидан юқорига босқичма-босқич бўйсунадиган ғоялар тузилмасини аниқлашга ва такомиллаштиришга, муаммони ечиш бўйича нафақат бор имкониятларни, балки уларни амалга ошириш йўлларини ҳам тадқиқ қилишга имконият яратади.

«Қандай?» иерархик диаграммаси -муаммо ҳақида бутунлигича умумий таассурот олиш имконини берувчи мантиқий бир қатор саволлар тизимини ифодалайди. Тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Иштирокчилар диаграммаии тузиш қоидалари билан таништирилади. Якка (жуфтликда) диаграмма тузилади.

Жуфтларга бирлашадилар, ўз диаграммаларини таққослайдилар ва қўшимчалар киритадилар.

Натижалар тақдимоти ўтказилади.

32-схема

**«Қандай?» иерархик диаграммасининг шартли тасвири**






**«Қандай?» диаграммасини қуриш қоидалари:**

1. Кўп ҳолларда муаммоларни ҳал этишда «Нима қилиш керак?» деган саволга нисбатан «Буни қандай қилиш керак?» деган саволга жавоб топиш асосий аҳамиятга эга бўлади. Шунга кўра «Қандай?» деган савол муаммони ҳал этишда асосий савол ҳисобланади.

«Қандай?» иерархик диаграммаси муаммо ҳақида бутунлигича умумий тасаввурга эга бўлишга имкон берадиган саволларнинг мантиқий занжири кўринишида бўлади.

Кетма-кет равишда «Қандай?» саволини қўйиш орқали сиз фақат муаммони ҳал этишнинг барча имкониятларини тадқиқ этибгина қолмай, балки уларни амалга ошириш усулларини ҳам ўрганасиз.

Диаграмма стратегик даражадаги савол билан иш бошлайди. Муаммони ҳал этишнинг пастки (қуйи) даражаси биринчи навбатдаги ҳаракатлар рўйхатига мос келади.

2. Ўйламай, баҳоламай ва уларни ўзаро солиштирмай тезликда барча ғояларни ёзиш лозим бўлади.

3. Диаграмма ҳеч қачон тугалланмайди, унга янги ғояларни киритиш мумкин бўлади.

4. Агар бир хил савол схемада бир қанча «шохлар»да қайтарилса, демак у нисбатан муҳимдир. У муаммони ҳал этишнинг муҳим қадами бўлиши мумкин.

5. Янги ғояларни қандай график кўринишда қайд этишни ўзингиз ҳал этинг (дарахт ёки каскад кўринишида, юқоридан пастга ёки чапдан ўнгга). Бунда энг муҳими нисбатан кўп миқдордаги фойдали ғояларни ва муаммо ечимларини топишга имкон берадиган усул энг мақбул усул ҳисобланишини эсда тутинг.

6. Агар сиз тўғри савол берсангиз ва оптимист бўлсангиз, у ҳолда «Қандай?» иерархик диаграммаси (техникаси) ҳар қандай муаммонинг ечимини топиб беришни кафолатлайди.

# «КАСКАД» ТАРКИБИЙ-МАНТИҚИЙ СХЕМАСИ

«Каскад» таркибий-мантиқий схемаси ўқувчи-талабаларда ўрганилаётган муаммони таркибий-мантиқий таҳлил қилиш,унга тегишли иерархик ғоялар таркибини аниқлаш, тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

**«Каскад» таркибий-мантиқий схемасини қуриш қоидалари:**

33-схема

**«Каскад» таркибий-мантиқий схемасини қўллаш намунаси**




1. «Каскад»ни тузиш жараёнида тизимли схеманинг таркибий қисми ва элементларини олдинга суриш мумкин – бу у ёки бу ҳолатни қайта мушоҳада қилишга имкон беради.

2. Ғояларни ишлаб чиқишда агар сиз тор йўлакка кириб қолсангиз, у ҳолда бир-икки даража юқорига қайтинг ва муҳим нарсани унутмаганингизга ҳамда бошқача нимадир қилиш мумкин эканлигига амин бўлинг.

3. Сиз чапдан ўнгга ёзишга ўргангансиз. «Каскад» қуришнинг эса, ўнгдан чапга бўлишига ҳаракат қилинг. Бунинг учун асосий ғояни варақнинг чап чеккасига эмас, балки ўнг чеккасига жойлаштиринг.



**«Каскад» таркибий-мантиқий схемасини қўллашнинг шартли тасвири**

34-схема



## «Каскад» таркибий-мантиқий схемасининг намуналари



а)



б)

## «НИЛУФАР ГУЛИ» СХЕМАСИ

«Нилуфар гули» схемаси иштирокчиларда тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада қилиш кўникмаларини ривожлантиради. Унинг асосини 9 та катта квадратлар ташкил этиб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида тўққизта кичик квадратлардан иборат. Асосий муаммо (масала) марказий квадратнинг марказига ёзилади. Уни ҳал қилиш ғоялари марказий квадрат атрофида жойлашган қолган саккизта квадратларга ёзилади. Ҳар бир ушбу саккизта ғоя марказий квадрат атрофида жойлашган саккизта катта квадратларнинг марказига ўтказилади, - бошқача айтганда, нилуфар гулидан унинг гул баргига ўтказилади. Шундай қилиб, улар ҳар бири, ўз навбатида, яна бир муаммо сифатида қаралади.



**«Нилуфар гули» схемаси асосида машғулотни ташкил қилиш:**

1. Ўрганилаётган мавзуга доир ўқув топшириқлари ўқитувчи томонидан олдиндан тайёрлаб олинади.
2. Машғулот бошланишида ўқувчи-талабаларни ўқув топшириқларини бажариш учун 3 та кичик гуруҳларга ажратилади.
3. Кичик гуруҳларга топшириқлар тарқатилади ва тегишли тушунтиришлар берилади.
4. Ҳар бир кичик гуруҳ аъзолари ўз гуруҳлари рақамига мувофиқ белгилаб қўйилган квадратларга (график ташкил этувчиларидан бирига) мустақил равишда ўз фикрлари бўйича муносиб тавсиф ва белгиларни хоҳлаган шаклда ёзадилар.
5. Маълумотларни таркиблаштириш ва таркибий бўлиб чиқиш усул ва воситаларини қўллаб ўрганилаётган тушунчалар (ҳодисалар, воқеалар, мавзулар ва шу кабилар) ўртасидаги боғлиқликларни акс эттирадилар.
6. Шу боглиқликлар бўйича маълумотларни таҳлил қилиш, солиштириш ва таққослаш усул ва воситаларини қўллаб маълумотларни аҳамияти жиҳатидан тегишли даражаларга ажратадилар.
7. Маълумотлар таркиби ва боғлиқликларидаги муаммони аниқлаш, уни ҳал этиш, таҳлил қилиш ва режалаштириш усуллари ва воситаларини қўллаб тегишли хулосалар чиқарадилар.
8. Кичик гуруҳлар бирлашиб, тўлдирилган график ташкил этувчиларда ёзилганларни муҳокама қиладилар ва қиёсий таҳлил қиладилар.
9. Маълум бир мисол асосида машғулотдан кўзда тутилган мақсаднинг бажарилганлигини таҳлил қилиб хулосалар чиқарилади.
10. Ушбу мавзу бўйича ўқув гуруҳининг билимини акс эттирадиган кўргазмали тақдимотни расмийлаштирилади.

## «Нилуфар гули» схемасини қўллаш босқичлари

«Нилуфар гули» схемаси муаммони ҳал этиш усули.
Ўзида нилуфар гули образини мужассам этган. Унинг асосини 9 та катта квадратлар ташкил этиб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида тўққизта кичик квадратдан иборат. Тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада қилиш кўникмаларини ривожлантиради

Иштирокчилар схемани тузиш қоидалари билан таништирилади. Улар якка (жуфтликда) ўз схемаларини тузадилар: асосий муаммо (масала) марказий квадратнинг марказига ёзилади. Уни ҳал қилиш ғоялари марказий квадрат атрофида жойлашган қолган саккизта квадратларга ёзилади. Ҳар бир ушбу саккизта ғоя марказий квадрат атрофида жойлашган саккизта катта квадрат марказига ўтказилади, - бошқача айтганда, нилуфар гулидан унинг гул баргига ўтказилади. Шундай қилиб, улар ҳар бири, ўз навбатида,

Иштирокчилар жуфтликларга бирлашадилар, ўз схемаларини таққослайдилар ва қўшимчалар киритадилар. Умумий схемага жамлайдилар

Натижалар тақдимоти ўтказилади

35-схема

## «Нилуфар гули» схемасининг умумий кўриниши

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | |
| | B | | | Z | | | C | |
| | | | | | | | | |
| | | | B | Z | C | | | |
| | D | | D | A | F | | F | |
| | | | G | H | Y | | | |
| | | | | | | | | |
| | G | | | H | | | Y | |
| | | | | | | | | |



## ХОТИМА

Таълим олувчиларнинг ўқув фаолияти шахсий моҳият сифатида қабул қилинадиган ўқув мақсадларига онгли равишда қаратилган бўлиши лозим. Психолог олимлар (Д.Б.Эльконин ва б.) таъкидлаганидек, ўқув фаолияти энг аввало шундай фаолиятки, унинг натижасида таълим олувчининг (ўқувчининг) ўзида ўзгариш юз беради. Бу фаолият ўз ҳолича ўзгаришдир. Унинг маҳсули, субъектнинг ўзида юз берган ўзгаришлардир.

Ўқув фаолиятининг асосий мотивлари ички ўқув-билиш мотивларидир. Ўқув фаолиятининг энг муҳим мотивацияси эса, таълим олувчининг бўлғуси касбига бўлган қизиқиши ва мойиллигидир.

Таълим олувчи ўзининг ўқув жараёнида эгаллаган билимларидан, касбий кўникма ва малакаларидан ҳиссий қониқиш ва ундан қувонч ҳиссини ҳосил қилиши лозим.

Бундай вазифаларни ҳал қилишда ўқитиш жараёнида ўйинли методлардан фойдаланиш улкан аҳамият касб этади. Ўйинли ўқитиш методларидан фойдаланиш таълим жараёнида барча иштирокчилар мулоқотнинг демократик услуби ютуқларидан фойдаланишларига хизмат қилади, таълим олувчиларнинг ижодий кучлари ва қобилиятини ўстиради.

Ҳозирда ўқитувчилар учун ҳар бир дарс мавзусига хос хусусиятларга мувофиқ бўлган таълим методларини тўғри танлаш, улардан самарали фойдаланиш йўл-йўриқларини пухта эгаллаш энг долзарб масала ҳисобланади. Ушбу йўналишда мазкур ўқув-методик қўлланма зарур ёрдам кўрсатишига умид қиламиз.

## АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Ҳозирда таълим методлари соҳасида турли мамлакатларда ўзига хос тажрибалар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда педагогик фаолиятда хорижий адабиётлар, ўқув-методик материаллар ва бошқа манбалар билан танишиш, уларни ўрганиш ҳамда амалиётда зарур даражада фойдаланиш таълим-тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишда жиддий аҳамиятга эга. Шу муносабат билан таълим методларининг назарий ва амалий масалаларига тегишли асосий атамаларнинг ўзбек ва инглиз тилларидаги қисқа шарҳларини қуйидаги жадвалда келтирдик.

| Атамалар | Ўзбек тилидаги шарҳи | Инглиз тилидаги шарҳи |
|---|---|---|
| **"Ассесмент" технологияси "Asesment technology"** | Талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасини ҳар томонлама, холис баҳолаш имкониятини таъминловчи топшириқлар тўплами | A set of assignments intended for comprehensive assessment of skill and competence level of students |
| **Валидация Validation** | Таълим маҳсулоти, таълим хизматлари ёки таълим тизими истеъмолчилари эҳтиёжларининг қондирилиши | Satisfaction of interests of customers in educational and service system |
| **Вебинар технология Webinar technology** | Web технологиялар асоси (онлайн тадбирлар ва таълим воситалари ёрдами)да ташкил этиладиган семинар, конференция, баҳс-мунозара, учрашув, тақдимот, тренинг, турли воқеа ёки ҳодисалар бўйича Интернет тармоғи орқали ташкил этиладиган тўғридан тўғри узатиладиган лавҳа (трансляция)лар. | Broadcasting organized via Internet transmitting live seminars, conferences,debates, resentations, negotiations, meetings, trainings, various events with the help of Web technologies |
| **Дарс ишланмаси**<br><br>**Lesson planning** | Таълимий мазмунга эга лойиҳа ва ўқитувчи томонидан тузилиши мажбурий бўлган ҳужжат | An obligatory document completed by a teacher and a project that has educational essence |
| **Дастурий таълим**<br><br>**Program education** | 1) ўқитишнинг талаба, талабалар эҳтиёжи, қизиқиши, билими, дунёқараши, улар томонидан ўқув материал-ларини ўзлаштиришда дуч келиш эҳтимоли бўлган муаммолар, ўқув фанининг имкониятларини инобатга олган ҳолда ташкил этиладиган таълим; 2) педагогик технологияларидан бири | 1) education organized considering interests and needs, outlook of students, problems that appear in assimilation of study materials by students, and opportuni-ties of the academic subject; 2) one of the pedagogical technologies |



| | | |
|---|---|---|
| **Инвигилатор**<br><br>**Invigilator** | Масофавий таълим асосида ташкил этиладиган ўқитиш натижаларини назорат қилувчи мутахассис-педагог | A specialist-pedagog who controls the results of teaching in the frames of distance learning |
| **Индивидуал таълим**<br><br>**Individual education** | Таълим жараёнида ўқитувчининг фақатгина бир нафар талаба билан ёки талабанинг таълим воситалари (адабиётлар, компьютер, телевидение, радио ва б. ахборот технологиялар) билан ўзаро ҳамкорлиги асосида ўқув материалларининг ўзлаштирилишини таъминлашга йўналтирилган таълим | Education aimed at developing of mastering skills of a student in cooperatuion with a single student or educational means (literature, computer, television, redio, etc.) during educational process |
| **Инновацион таълим**<br><br>**Innovative education** | Талабада янги ғоя, меъёр, қоидаларни яратиш, ўзга шахслар томонидан яратилган илғор ғоялар, меъёр, қоидаларни табиий қабул қилишга оид сифатлар, малакаларни шакллантириш имкониятини яратадиган таълим | Education that allows to develop skills and qualities f a student |
| **Инновацион фаолият**<br><br>**Innovative activity** | Янги ижтимоий талабларнинг анъанавий меъёрларга мос келмаслиги ёки янги шаклланаётган ғояларнинг мавжуд ғояларни инкор этиши натижасида вужудга келадиган мажмуали муаммоларни ечишга қаратилган фаолият | An activity carried out for solving a set of problems that occur as a result of rejecting new developing ideas or inappropriateness of new social requirements to traditional standards |
| **Инновация Innovation** | Муайян тизимнинг ички тузилишини ўзгартиришга қаратилган фаолият | An activity aimed at changing the internal structure of a certain system |
| **Интерфаол таълим Interactive education** | Талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлидаги ўзаро ҳаракатини ташкил этишга асосланувчи таълим | The education based on organization of interaction in mastering by students certain moral qualities, skills and knodlegde |

| | | |
|---|---|---|
| **“Кейс-стади” технологияси “Case study” technology** | Муаммоли вазият; талабаларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиладиган технология | A technology that forms skills in earching for proper variants by analizing created or authentic dilemma (problematic situation) or problems |
| **Консорциум Consortium** | Масофавий таълимни ташкил этувчи икки университетдан иборат бирлашма | A union of two universities that organize a distance learning |
| **Лойиҳалаш Projecting** | Бошланғич маълумотлар, аниқ белгиланган вақт, махсус танланган шакл, метод ва воситаларга таяниб, кутиладиган натижани тахмин қилиш, башоратлаш, режалаштириш орқали аввалдан фаолият моделини тузиш, фаолият ёки жараён мазмунини ишлаб чиқишга қаратилган амалий ҳаракат | An action aimed at developing the essence of an activity or process, acivity model by assuming, predicting, planning an expected result based on the initial information, specifically chosen form, method and means |
| **Лойиҳа Project** | Аниқ режа, мақсад асосида унинг натижаланишини кафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишга қаратилган ҳаракат маҳсули | A result of an action aimed at developing the essence of pedagogical activity based on a certain plan, aim and by guaranteeing its effectiveness |
| **Лойиҳа методи A method of project** | Ўқув жараёнини индивидуаллаштириш, талабанинг ўзини мустақил намоён қилишини режалаштириш, ўз фаолиятини оқилона ташкиллаштириш ва назорат қилиш имкониятини берадиган таълим методлари мажмуи | A set of educational methods that allow individualization of educational process, independent planning of students' performance, control and proper orga-nization of an activity |



| | | |
|---|---|---|
| **Лойиҳа таълими A study of project** | Таълимий характердаги аниқ режа, мақсад асосида унинг натижаланишини кафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишга йўналтирилган таълим | Education aimed at developing the essence of pedagogical activity by guaranteeing the effectiveness of a pla and aim that have educational characteristics |
| **Масофавий таълим Distance learning** | Муайян нуқтадан ахборот-коммуникация воситалари (видео, аудио, компьютер, мультимедиа, радио, телевидение ва б.) ёрдамида таълим хизматларини кўрсатиш, таълимий маҳсулотларни тарқатиш ва етказиб беришдаи анъанавий ҳамда инновацион шакл, метод, воситаларга асосланган ҳолда таълим ресурсларидан фойдаланишга йўналтирилган таълим | Education aimed at using study resources based on innovational form, method and means in organizing study services, expanding and delivering study products with the help of certain information communication means (video, audio, computer, multimedia, radio, television, etc.) |
| **Маҳорат дарслари Master classes** | Очиқ ташкил этилиб, илғор педагогик тажрибаларни тарғиб этишга йўналтирилан самарали ўқитиш шакли | An effective form of teaching organized to spread progressive pedagogical experiences |
| **Модератор Moderator** | Масофавий таълим негизида ташкил этилаётган семинар, тренинг, давра суҳбати ва форумларга бошчилик қилувчи (бошқарувчи) педагог | A gedagog leading seminars, trainings, debates and forums organized in the frames of distance learning |
| **Модел Model** | Реал, ҳақиқатда мавжуд бўлган объектнинг соддалаштирилган, кичрайтирилган (катталаштирилган) ёки унга ўхшаган нусхаси | A simplified or lessened copy of a real and authentic object |

| | | |
|---|---|---|
| **Модернизация** **Modernization** | Объектнинг янги талаблар ва меъёрлар, техник кўрсатмалар, сифат кўрсаткичларига мос равишда янгиланиши | Renewal of the object according to the new requirements, quality indicators and technical regulations |
| **Модул** **Module** | 1) тизим ичидаги ўзаро чамбарчас боғлиқ элемент-лардан иборат тугун; 2) муайян технологияни ташкил қилувчи таркибий бўлакларни ифодаловчи атама; 3) ўқув материалининг манн-тиқан тугалланган бирлиги | 1) units that consists of interrelated elements in the system; 2) notion meaning parts that create a certain technology; 3) logically completed units of study materials |
| **Модул таълими** **A study of module** | Ўқув жараёнини ташкил этишнинг муайян шакли бўлиб, унга кўра ўқув материали мантиқий тугалланган бирликлари – модулларга асосланган ҳолда маълум босқич ва қадамлар асосида ўзлаштирилади | A certain form of organization of educational process, according to which the logically completed units of study materials are mastered based on the certain stages and steps |
| **Муаммоли вазият** **Dilemma** | Талабаларнинг маълум топшириқларни бажариш (масалани ечиш, саволга жавоб топиш) жараёнида юзага келган зиддиятни англаши билан боғлиқ руҳий ҳолати бўлиб, у ҳал этилаётган масала билан боғлиқ янги билимларни излашни тақозо этади | It is a psychological state of a student that is related with tension that occurs during a process of accomplishing the assignments, and it requires to master skills, knowledge for successful and effective accomplishment |
| **Муаммоли таълим** **Problem education** | Талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хулосаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим | Education aimed at developing students' competence and skills in carrying out creative researches, promoting certain theories, reasoning the results, |



| | | |
|---|---|---|
| | | coming to some conclusions |
| **Мустақил таълим** **Independent learning** | ОТМ талабаларида педагог раҳбарлиги ва назорати остида ўқув ҳамда мутахассислик фанлари бўйича маъруза, семинар ва амалий машғулотларида эгалланган БКМни мустаҳкамлаш, бойитиш, улар томонидан янги БКМни мустақил ўзлаштирилишини таъминлаш, уларни касбий фаолиятни мустақил ташкил эта олишга тайёрлашга йўналтирилган таълим | education aimed at preparing the students of higher educational institutions for indepen-dent organization of professional activity, self-mastering and improving skills and competence obtained in lectures, seminars and practical lessons on specialized study subjects under the supervision and control of pedagogs |
| **Новация** **Novation** | Тизимдаги айрим элементларнигина ўзгартиришга хизмат қилувчи фаолият | An activity that serves to change certain elements in the system |
| **Педагогик муаммо** **Pedagogical problem** | Ҳал қилиниши зарур, бироқ, ҳали ечиш усули номаълум бўлган педагогик характердаги масала | A pedagogical issue that must be solved but has uncertain ways of solution |
| **Ривожлантирувчи таълим** **Developing education** | Талабаларнинг ички имкониятларини ривожланти-риш ва уларни тўла рўёбга чиқаришга йўналтирилган таълим | Education aimed at revealing and developing students' inner capacities |
| **Супервизор** **Supervisor** | Қуйидаги тўрт вазифани бажаради: ўқитувчи сифатида ўргатади, фасилитаторлик, маслаҳатчи, эксперт вазифани бажаради. | Supervisor-does 4tasks, teaches as a teacher facilitator,advisor and expert. |
| **Супервизия** **Supervision** | Ўзаро муносабатлар тизими бўлиб, супервизор томонидан касбий фаолиятга оид бошқа мутахассисга маслаҳатлар беришни кўзда тутади. | Supervision-gives advice to other specialists on their professional, activities and interrelation system. |

| | | |
|---|---|---|
| **Тадқиқот лойиҳалари Projects of research works** | Илмий изланиш характерига эга лойиҳалар | Projects that have scientific study characteristics |
| **Таълим жараёнини лойиҳалаштириш**<br><br>**Projecting the educational process** | Ўқитувчи томонидан талабанинг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолият-ни режалаштириш ва ташкил-лаштиришдан то оммавий баҳолашгача бўлган мустақил ҳаракат қилишини таъминлов-чи махсус ташкил этилган мақсадли ўқув фаолияти | A targeted educational activity organized in order to develop students' skills in carrying out independent actions to plan and organize activites and its assessment |
| **Таълим инновациялари**<br><br>**Educational innovations** | Таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар | Forms, methods and technologies that are used for innovative solutions to existing problems in learning process or educational sphere and that guarantee effective results |
| **Таянч конспект**<br><br>**Reference cponspect** | Назарий ўқув материали (ахбороти)ни графикли тасвир (қисқа хулоса, тушунтирувчи сурат, шартли рамз, схема, жавал, график чизма ва б.)да ифодаловчи конспект | A conspect about theoretical learning materials (information) depicted with graphic pictures (brief conclusion, explaining pictures, signs, schems, charts) |
| **Технологик модел (паспорт)**<br><br>**Technological model (passport)** | Таълим ёки маънавий-маърифий тадбирнинг асосий кўрсаткичлари ва уларнинг технологик тавсифини ёритувчи ҳужжат | A document that reveals main indicators of education or spiritual and educational events and their technological characteristics |
| **Технологик харита**<br><br>**Technological map** | Таълим жараённи бажарувчи ёки маълум объектга техник хизмат кўрсатувчи педагогларга тақдим этиладиган барча зарур | A document that comprises all necessary information that is represented to pedagogues that lead |



| | | |
|---|---|---|
| | маълумотлар, кўрсатмаларни ўз ичига олган ҳужжат | educational process or those who carry out technical services to a certain object |
| **Тьютор**<br><br>**Tutor** | Ўқув курслари учун интерфаол методларни танловчи, маъруза ўқитувчиси билан талаба ўртасида таълимий алоқани ўрнатувчи устоз, мураббий | A teacher, coach who uses interactive methods for cources and establishes learning communication between a student and lecturer |
| **Фасилитатор**<br><br>**Facilitator** | Масофавий таълим хизматидан фойдаланаётган гуруҳларнинг фаолиятини натижасини муаммонинг илмий ечимини топишга йўналтирувчи, гуруҳларда юзага келадиган мулоқотни ривожлантирувчи, шунингдек, гуруҳлар фаолиятини холис, самарали баҳоловчи педагог | A teacher who helps to search for scientific solutions to the problem of the results of activities of groups that use distance learning services, and who develops communication occurring in groups, effectively and objectively asseses activity of groups |
| **Франчайзинг**<br><br>**Franchising** | Ўзаро ҳамкор университет-ларнинг бир-бирларига ўзлари томонидан ташкил этиладиган масофавий таълим курсларини ташкил этиш ҳуқуқининг бериши | Rights that are given by partner universities to other univerisities for carrying out distance learning cources |
| **Шахсга йўналтирилган таълим**<br><br>**Student-centered education** | Талабанинг фикрлаш ва ҳаракат стратегиясини инобатга олган ҳолда унинг шахси, ўзига хос хусусиятлари, қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълим | Education aimed at developing particular characteristics and abilities and personality of a student by considering his thinking and action strategies |
| **Шахсни ривожлантириш Developing an individual** | Индивидда вақт нуқтаи назаридан жисмоний ва руҳий ўзгаришларнинг содир бўлиш жараёни | A process of occurring physical and psychological changes in an indiviaul |

| | | |
|---|---|---|
| **Эдвайзер**<br><br>**Advisor** | Битирув малакавий иши, курс лойиҳаларининг талабалар томонидан индивидуал, мустақил бажарилиши вақтида методик ёрдам берадиган маслаҳатчи | An advisor who assists in an independent accomplishment of a thesis, course projects by students |
| **Ўйин технологиялари (ўйин таълими)**<br><br>**Game technologies (game learning)** | Ижтимоий тажрибаларни ўзлаштиришнинг барча кўринишлари: билим, кўникма, малака ҳамда ҳиссий-баҳоловчи фаолият жараёнини ҳосил қилишга йўналтирилган шартли ўқув вазиятларини ифодаловчи шахсга йўналтирилган таълим (педагогик технология) турларидан бири | One of the types of education (pedagogical technologies) aimed at creating a process of emotional and assessment activity as well as skills and competence that are the forms of mastering various social experiences by a student |
| **Ўқув лойиҳаси**<br><br>**Learning project** | 1) талабларнинг муаммоларни излаш, тадқиқот қилиш ва ечиш, натижа (ечим)ни маҳсулот кўринишида расмийлаштиришга қаратилган мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш усули;<br>2) назарий билимлар асосида амалий топшириқларни ечишга қаратилган ўқув ҳаракати воситаси;<br>3) ривожлантириш, тарбиялаш, таълим бериш, билимларни бойитиш, мустаҳкамлаш ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган дидактик восита | 1) a method of organizing an independent learning activity carried out by students for searching, studying and solving the problems and representing a result in the form of a product;<br>2) means of learning activities carried out by students for accomplish-ing the practical assignments based on theoretical knowledge;<br>3) a didactic mean that developes, educates, increases knowledge and develops skills, competence |



| | | |
|---|---|---|
| **Ўқув топшириқлари**<br><br>**Study assignments** | Ўрганилаётган мавзу бўйича талабалар томонидан ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалар даражасини аниқлашга хизмат қиладиган таълимий вазифалар йиғиндиси | A set of learning assignments that allows to identify the level of knowledge, skills and competence of students on a certain subject |
| **Ҳамкорлик таълими**<br><br>**Cooperation education** | Ўқув жараёнида талабаларнинг жамоада, кичик гуруҳ ва жуфтликда билимларни биргаликда ўзлаштиришлари, ўзаро ривожланишлари, "педагог-талаба(лар)" муносабатининг ҳамкорликда ташкил этилишини ифодаловчи таълим | Education based on cooperation of a teacher and student, and cooperation of students for mastering learning materials and improving in a team, small groups or in pairs in a learning process |
| **Ҳамкорлик таълими технологиялари**<br><br>**Cooperation education technologies** | Ўқув жараёнида талабаларнинг жамоада, кичик гуруҳ ва жуфтликда билимларни биргаликда ўзлаштиришлари, ўзаро ривожланишлари, шунингдек, "педагог-талаба(лар)" муносабатининг ҳамкорликда ташкил этилишини таъминловчи таълимий характердаги технологиялар | Educational technologies that allow to establish relationships based on cooperation of a teacher and student, and cooperation of students for mastering learning materials and improving in a team, small groups or in pairs in a learning process |

## АДАБИЁТЛАР


1. Bottino R.M., Forcheri P., Molfino M.T. Technology Transfer in School: from Research to Innovation // British Journal of Educational Technology. 1998. № 29 (2). Pp. 163-172.
2. Cropley A., Cropley, D. Using Assessment to Foster Creativity. – Singapore: World Scientific. 2007. Pp. 209-230.
3. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem soving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.
4. Авлаев О.У. Муаммоли таълимнинг психологик асоси. –Т.: 2014 й. 132 б
5. Аюпов Т.Х., Аҳмаджонов Х.И., Имомқориева Ш.Р. Самарали таълим бериш усуллари. –Т.: 2003.
6. Ашурова С. Махсус фанларни модул технологияси асосида ўқитиш. // Касб-ҳунар таълими. 2004-йил 5-сони.
7. Азизхўжаева Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Ўқув қўлланма.–Т.: 2006, 159 бет.
8. Ахунова Г.Н., Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш. Ўқув услубий қўлланма. – Т.: 2009. 155 бет.
9. "Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик" модули бўйича ўқув –услубий мажмуа. (Тузувчилар: Н.А. Муслимов, М.Усмонбоева, М.Мирсолиева) Т.: 2016 й. 227 бет.
10. Каримова В. Психология. Ўқув қўлланма. –Т.: 2002.
11. Олимов Қ.Т. "Замонавий таълим ва инновацион технологиялари бўйича илғор хорижий тажрибалар" модули бўйича ўқув –услубий мажмуа. 2015й. 81 бет
12. Толипов Ў.Қ., Усмонбердиева М. Педагогик технологиялар-нинг татбиқий асослари. Ўқув қўлланма; -Т.:«Фан», 2006.
13. Тожибоева Д. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. –Т.: 2009.
14. "Таълим самарадорлигини ошириш йўллари" мавзусидаги семинар тренинг материаллари. –Т.: 2002.
15. Тиллашайхова М. Янги ахборот-коммуникация технология-лари ва уларнинг таълим тизимини ривожлантиришдаги ўрни.// Иқтисодиёт ва таълим, 2005-йил 2-сони.
16. Усмонова Ш., Раҳимов Б. Муаммоли таълимни ташкил этишнинг психологик асослари. // Халк таълими, 2005-йил 5-сони.
17. Фарберман Б.Л. Илғор педагогик технологиялар. –Т.: Фан, 2000.
18. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г. Жумабоева Ф.Р. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. –Т.: 2002.
19. Ходиев Баходир Юнусович, Голиш Людмила Владимировна. Мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш усул ва воситалари. Ўқув-услубий қўлланма – Т.:ТДИУ, 2010. – 97 б
20. Йўлдошев Ж., Ҳасанов С. Педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма.– Т.: "Иқтисод-молия" , 2009, 608 бет.




## МУНДАРИЖА


| | |
|---|---|
| Муқаддима ........ | 3 |
| **1-БОБ. ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ** | 5 |
| Таълим методларининг таркибий тузилиши........ | 7 |
| Ҳозирги таълим методларининг асосий турлари ........ | 13 |
| "Кейс-стади" методи ........ | 17 |
| Мультимедиа таълим методи........ | 42 |
| Масофавий таълим методлари........ | 42 |
| Интернет конференциялар - таълим методи ........ | 43 |
| Аудио конференциялар........ | 43 |
| Видеоконференциялар........ | 44 |
| Форумлар - таълим методи........ | 45 |
| "Вебинар" методи........ | 46 |
| Ўқитишнинг 4 поғонали методи ........ | 47 |
| "Суггестопедия" методи........ | 55 |
| Гипнопедия методи ........ | 56 |
| Мустақил таълим методлари........ | 57 |
| **2-БОБ. ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ** | 57 |
| "Баҳс -мунозара" методи........ | 62 |
| "Ёзма баҳслар" методи ........ | 64 |
| "Эссе" методи ........ | 66 |
| "Ассессмент" методи ........ | 68 |
| "Скарабей" стратегияси........ | 70 |
| "Пинборд" техникаси........ | 71 |
| "Парадокслар" методи........ | 73 |
| "Кундалик дафтар" методи ........ | 74 |
| «Ақлий хужум» методи........ | 75 |
| "Ялпи фикрий хужум" методи. ........ | 83 |
| "Фикрларнинг шиддатли хужуми" методи........ | 84 |
| « Яширин фикрларнинг шиддатли хужуми» 90 методи. ........ | 86 |
| "6x6x6" методи........ | 87 |
| "Қарорлар шажараси" ........ | 89 |
| "Тажриба воситасида ўқитиш цикли" методи........ | 91 |
| "Қора кути" методи........ | 93 |
| "Бешинчиси (олтинчиси, еттинчиси, ...) ортиқча" методи........ | 93 |
| "3/3" ("4/4", "5/5", ....) методи........ | 94 |
| "Расмларни тўғри жойлаштиринг" методи........ | 94 |
| "Қизил ва яшил рангли карточкалар билан ишлаш" методи........ | 95 |

| | |
|---|---|
| "Видеотопишмоқ" методи | 97 |
| "Юмалокланган қор" методи | 97 |
| "Думалоқ қор" методи | 98 |
| "Қор бўрон" методи | 98 |
| "Заковатли зукко" методи | 98 |
| "Қарама-қарши муносабат" методи | 99 |
| "Зиг-заг" ёки "бошқаларни ўқитиш" методи | 100 |
| «Ажурли арра» методи | 101 |
| "Елпиғич (веер)" методи | 104 |
| "Синквейн" методи | 105 |
| "Фикр, сабаб, мисол, умумлаштириш (ФСМУ)" методи | 107 |
| "Резюме" методи | 108 |
| «Қалин ва ингичка саволлар» методи | 109 |
| "Блиц-сўров" методи | 111 |
| "Дебат" методи | 112 |
| "Мантиқий чалкаш занжир" методи | 114 |
| "Муаммоли вазият" методи | 116 |
| «Трамк режаси» номли таълим шаклига асосланган метод | 119 |
| «Икки қисмли кундалик дафтар» методи. | 120 |
| "Лойиҳа" методи | 120 |
| «Ротация» методи | 122 |
| "Аквариум" методи | 123 |
| «Синектика» методи | 123 |
| "Думалоқ стол" методи | 124 |
| "Ручка стол устида" методи | 124 |
| «Бумеранг» методи | 125 |
| "Галерeяни айланиш" методи | 126 |
| "Синдикат" методи | 127 |
| "Давралар" методи | 127 |
| "Можаро" методи | 127 |
| "Мунозара" методи | 127 |
| «Техник ечимларнинг морфологик таҳлили ва синтези» методи» | 129 |
| Функционал – фойдали таҳлил" методи. | 130 |
| "АРИЗ – ТРИЗ" методи | 130 |
| "Тушунчалар асосида матн тузиш" методи | 132 |
| "Зинама-зина" методи | 133 |
| "Кичик гуруҳларда ишлаш" методи. | 134 |
| Жамоали ўзаро ўқитиш методи. | 135 |
| Ўқитиш бўйича қўлланма методи | 136 |
| Йўналтирувчи матн методи. | 138 |
| Мукаммал ҳаракат модели методи | 142 |





| | |
|---|---|
| Дельфи техникаси | 144 |
| «Ролли ўйинлар» методи | 145 |
| "Айирбошлаш" ролли ўйини | 148 |
| "Тадбиркорлик" ўйини | 152 |
| Ишбилармонлик ўйинлари | 156 |
| Кроссворд - ўйин методи | 158 |
| **3-БОБ. ИНТЕРФАОЛ ГРАФИК ОРГАНАЙЗЕРЛАР МЕТОДИ** | **161** |
| "Кластер" методи | 162 |
| "Инсерт" методи | 167 |
| "Тоифали жадвал тузиш" методи | 171 |
| Концептуал жадвал тузиш" методи | 172 |
| "Биламан, билишни хоҳлайман, билиб олдим" ("БББ –жадвали" методи | 171 |
| Т-жадвал | 174 |
| "SWOT–таҳлил" методи | 176 |
| "Венн диаграммаси" методи. | 179 |
| «Кучлар таҳлили» методи | 180 |
| «Нима учун?» схемаси | 181 |
| «Балиқ скелети» схемаси | 183 |
| «Қандай?» иерархик диаграммаси | 186 |
| «Каскад» таркибий-мантиқий схема | 188 |
| «Нилуфар гули» схемаси | 190 |
| Хотима | 193 |
| Асосий таянч тушунчалар | 193 |
| Адабиётлар | 204 |

КВК:80.12(5Ўзб)4
М 70
УЎК:168(56.8)2

**О.У. АВЛАЕВ, С.Н. ЖЎРАЕВА, С.Р. МИРЗАЕВА**

# ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

«NAVRO'Z» нашриёти. Лицензия № AI.170
Қогоз бичими 60x841/16. Шартли б. т. 11,5.
Нашриёт манзили: Тошкент. А.Темур кўчаси, 19 -уй.

---

«Munis design group» МЧЖ босмахонасида чоп этилган.
Босишга рухсат этилди 17.03.2017. Буюртма № 27
Қоғоз бичими 60x84 1/16. Times гарнитураси.
Шартли б. т.- 13. Адади 300 нусхада.
100170, Тошкент ш., Дўрмон йўли, 25-уй.

# ЎРГАНИШ ПИРАМИДАСИ




ISBN 978-9943-381-67-4